

Жахон АДАБИЁТИ

Адабий-бадший, ижтимоий-публицистик журнал

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 10(125)

2007 йил, октябр

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЎНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

МУНДАРИЖА

НАСР

- Ж.Х.ЖУБРОН. Қайрилган қанотлар. Қисса.....3
КРИСТОФЕР БАКЛИ. Арабистонлик Флоренс. Роман.....47

ИНСОН ВА ТАБИАТ

- МАСАРУ ЭМОТО. Сувнома. Публицистика100

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

- А.Т.ТВАРДОВСКИЙ. Бари хотирамда тўқис намоён.....41
Замонавий ҳинд назми.....94

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

- ҲАКИМ САТТОРИЙ. Румий ўтган йўл.....135
УБАЙДУЛЛА УВАТОВ. Аллома Тафтазоний Самарқандда.....148

ФАЛСАФА, МАДАНИЯТ. САНЪАТ

- БЛЕЗ ПАСКАЛ. Муҳаббат — олий саодат.....151

АДАБИЙ ТАНҚИД

- БАХТИЁР НАЗАРОВ. Руҳиятнинг ёруғ нурлари.....158
МУҲАББАТ ШАРАФИДДИНОВА. Таржимала ҳам устоз.....161
ГУЛАБЗА ҚАРШИЕВА. Жадид драматургиясига хос хусусиятлар.....166

ТОШКЕНТ
ОКтябр

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Н.КОМИЛОВ, М.СУЛАЙМОНОВ. Узлуксиз захмат ҳосиласи.....170

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Масаллар. Қадимги Сурия насри.....172

СЎЗ КЎРКИ

Римликларнинг ҳикматли сўзлари.....205

Бош муҳаррир
ўринбосари:
Мирпўлат МИРЗО

Таҳрир ҳайъати:
Файзи ШОҲИСМОИЛ
(масъул котиб)
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Амир ФАЙЗУЛЛА

Жамоатчилик кенгаши:
Равшан АБДУЛЛАЕВ
Бобур АЛИМОВ
Одил ЁҚУБОВ
Туробжон ЖЎРАЕВ
Минҳожиддин МИРЗО
Абдулла ОРИПОВ
Файрат ШОУМАРОВ
Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ
Рустам ҚОСИМОВ
Рустам ҚУРБОНОВ
Пўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ

Навбатчи муҳаррир Г.САЪДУЛЛАЕВА
Рассом А.БОБРОВ
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА
Мусаҳҳиҳ Д.АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи Ж.ЗАЙНИДДИНОВА

Жаҳон адабиёти, 9. 2007.

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни қайта нашр этишда ва кўчириб босишда таҳририят розилиги олинмиши шарт.

Таҳририят манзили:
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Босишга рухсат этилди 10.10.2007 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.
Жами 1000 нусха. 07—706 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

«Жаҳон адабиёти» журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» НМИУда чоп этилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

© Жаҳон адабиёти, 2007 й.

Жуброн Халил ЖУБРОН

Қайрилган қанотлар

Қисса

Ушбу китобни қуёшга киприк қоқмай қарайдиган, бармоқлари тап тортмай оловни ушлайдиган, кўрлар шовқини ва қичқириғи орасидан мангу рух қўшиғини эшитадиган Мэри Элизабет Хаскелга бағишлайман.

МУҚАДДИМА

Муҳаббат ўзининг сеҳрли нурлари билан кўзларимни очиб, оташ нигоҳи-ла қалбимга илк бор ўт қалаганда ўн саккиз ёшда эдим. Гўзаллиги менинг руҳимни уйғотиб, кунларим — орзу-умидлар, тунларим — тўйлар сингари ўтадиган юксак туйғулар жаннатига олиб кирган биринчи аёл Салма Карамий бўлди.

Меҳрибон ва соҳибжамол Салма менга севги сирини очиб, гўзалликка сажда қилмоқни ўргатди.

Руҳий ҳаёт дostonидан илк шеърни ўқиб берган ўша бўлди.

Ўзининг назоқати билан йигитни ўсмирлик беғамлигидан илк бор уйғотган, латофати билан юрак торини чертиб, ишқ азобига дучор қилган қизни ким эсламайди? Ўшанда худди бирдан уйғонгандай, ўзида тўсатдан ҳамма нарса ўзгариб қолганини ҳис этган ажиб онларни ким соғинмайди? Юракни ларзага солган ўша алам тўла қувончли, ширин дардларни унутиб бўлармиди?!

Ҳар бир ўсмирнинг ҳаёт тонготарида кутилмаганда ўз Салмаси пайдо бўлади. У йигитнинг мароқсиз кунини қувонч билан, завқсиз тунини мусиқа билан тўлдириб, унинг эҳтиёжига сурурий шавқ бахш этади.

Русчадан
Файзи ШОҲИСМОИЛ
таржимаси

Жуброн Халил Жуброн 1883 йил 6 январда Лубнон (Ливан) шимолидаги Бшарр қишлоғида туғилди. Уша пайтлар Лубнон Усманийлар салтанати таркибида эди. Жубронлар оиласи маҳаллий ҳукмдорлар жабр-зулмидан қочиб, яхши ҳаёт илинжида 1895 йилда АҚШга кўчиб кетишди. Ёш Жуброн Байрутга қайтиб, ўқишини давом эттирди. У ерда “Мадрасат ал-Ҳикма”ни битирди ва АҚШга қайтди. Жуброн араб ва инглиз тилларида ижод қилди. Дастлабки асарлари 1904-1905 йилларда Нью-Йоркда нашр этилди. У ёзувчи, рассом ва файласуф сифатида машҳур эди. Жуброн назмдан ташқари, насрий шеър — мансура жанрида ҳам ижод қилди. 1910 — 1920 йилларда Нью-Йоркда унинг китоблари, жумладан, “Қайрилган қанотлар” (1912), “Кўзёш ва табассум” (1914), “Мажнун” (1918), “Даракчи” (1920), “Пайгамбар” (1923) ва бошқа асарлари дунё юзини кўрди. Дунё маданиятида адиб, рассом ва файласуф сифатида ўчмас из қолдирган Ж.Х.Жуброн 1931 йилда вафот этди. Васиятига кўра, жасади Лубнонга олиб борилиб, Бшаррда дафн этилди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Мен табиат чақирғи билан китоблардан олган таассуротларим ўртасида гангиб турган пайтимда муҳаббат Салма Карамий лафзи билан қалбимга шивирлаётганини эшитиб қолдим. Менинг ҳаётим Одам Атонинг жаннатдаги турмуши сингари ёлғиз, бўм-бўш ва совуқ бўлиб турган бир паллада Салма худди оловли қуюндай кўз ўнгимда намоён бўлди. Салма Карамий сир ва мўъжизаларга тўла юрагимнинг Момо Ҳавоси бўлди. У кўзимни очиб, ҳаётим моҳиятидан мени огоҳ этди. Биринчи одам ўжар аёлнинг айби билан жаннатдан қувилди. Салма бўлса, дилбар Салма, мафтункор юрагининг назокати билан мени софлик ва муҳаббат жаннатига олиб кирди. Лекин биринчи одамнинг бошига тушган мусибат менинг бошимга ҳам тушди. Уни жаннатдан ҳайдаган ўтли шамшир ўз тиғининг ярқираши билан мени даҳшатга солиб, ҳали тақиқларни бузиб, яхшилик ва ёвузлик меваларидан татимай туриб, мени муҳаббат жаннатидан маҳрум қилди.

Мана бугун, орадан қанча аламли йиллар ўтиб, гўзал тушлардан фақат аччиқ хотиралар қолди. Бу хотиралар кўринмас қанотлар мисол бошим узра чарх уриб, қалбим қаъридан ғам-андуҳларим оҳини кўзгаб, киприқларимни оғриқ ва умидсизлик ёшларига ғарқ қилмоқда... Салма бўлса, маъсума ва гулрухсор Салма оқшом шафагининг ортига кетди. Бу дунёда ундан қолган бор нарса — менинг кўксимдаги зирқиратувчи оғриқ ва сарв соясидаги мрамар тахтадир, холос. Фақат шу кўксиму тош ёдгорликкина одамларга Салма Карамий ҳақида сўзлаб бериши мумкин. Лекин қабрлар кўриқчиси бўлган сукунат худо томонидан тобут зулуматига яширилган сирни қаттиқ асрайди. Унинг танаси зарраларини ўзига сингирган сарв япроқлари эса шовуллаб туриши билан тупроқ ўз бағрида нимани яшираётганини айтаётгандай. Буни фақат томоққа тиқилиб қолган нафас ва юрак оғриғи айтиб бериши мумкин. Айтганда ҳам ана шу юрак оғриғи сиёҳ томчиларига айланиб, севги, гўзаллик ва ўлим фожиасини баён этиши мумкин.

Ёшликдаги жўражонларим, Байрут бўйлаб тарқалиб кетган қадрдонларим! Агар қарағайзор хиёбон ёнидаги ана шу қабристонга йўлингиз тушиб қолса, шошилмай қадам босинг, қаттиқ одимлар ташлаб, тупроқ остида ухлаётганлар оромини бузманг. Салма Карамий қабри узра менинг номимдан унинг хоки пойига таъзим бажо келтиринг. Нафас ростлаб, мени ҳам ёд этиб, айтинг: “Бу ерда тақдирнинг бевафо ўйинлари туфайли ватанини тарк этиб, бегона юртларга кетган ўсмирнинг орзулари кўмилиб ётибди, бу ерда унинг умидлари пучга чиқди, қувончлари йўқолди, кўзёшлари қуриди ва табассуми сўнди. Мана шу тилсиз қабрлар билан мажнунтоллар ва сарвлар орасида унинг дард-аламлари янада кўпайди, мана шу мазор устида ҳар кеча унинг руҳи хотираларини излаб учиб юради. Бу руҳ ҳасрат ва оғриқдан чирқираётган ёлғизлик шарпаларига нидо қиларкан, дарахтларнинг новдалари билан биргалликда марсия ўқиб, кечагина ҳаёт лабларида ғамгин нола бўлган, бугун эса ер қаърида сокин сирга айланган абадият кўшигини куйламоқдадир”.

Ёшлигимнинг азиз дўстлари, қалбингиз севган аёллар номидан илтижо қиламан, менинг қалбим ардоқлаган аёл қабрига гуллар кўйингиз, зеро, ҳар бир гул сўлиб бораётган атиргул баргларига тонг кўзидан томган шудринг томчиси монанд ялтираб тургусидир.

УНСИЗ ҚАЙҒУ

Сизлар, эй одамлар, ёшлигингиз тонготарини хотирлайсизлар, хаёлан ўша дамларга қувонч билан қайтасизлар. Лекин у дамлар асло қайтиб келмаслигидан афсусланасизлар. Мен бўлсам ўша дамларни, озодликка чиққан сингари зиндон деворларини ва кишанларим азобини яхши эслайман. Сизлар болалигингиз ва ўсмирлигингиз орасида ўтган йилларни олтин давр деб ҳисоблайсиз. Бу даврнинг тақдир ўйинлари билан алоқаси йўқ; ўша йиллар худди гуллаб турган боғларга шошаётган асалари сингари ташвиш ва ҳаяжонга тўла бошлар узра учиб ўтадилар. Мен бўлсам ўсмирлигимни сирлар палласи, унсиз изтироблар давридан бошқача атай олмайман. Юрагимга беркинган бу изтироблар у ерда бўрон каби қутуриб, борган сари кенгайверди; лекин бу туйғулар ташқарига отилиб чиқишга йўл тополмади. Тош юракка муҳаббат бостириб киргунча шундай давом этаверди. Юракни забт этган ишқ эса унинг дарвозасини очиб юборди ва қалбнинг энг олис бурчакларини ҳам нур билан тўлдириб юборди. Муҳаббат менинг тилимга эрк берди ва мен сўзлаш қобилиятига мушарраф бўлдим. Қовоқларим жароҳатланди, кўзёшларим тирқираб оқди, томоғим йиртилиб, ундан аянчли ингроқ отилиб чиқди.

Биз ўйинқароқ шўх дамларимизга гувоҳ бўлган, беғубор шивирларимизни тинглаган далалар ва боғлар, майдон ва кўчаларни тез-тез ёдга оламиз. Шимолий Лубноннинг бу ажойиб гўшасини мен ҳам эслайман. Кундалик турмуш ташвишларидан сал чалғидимми, бас, осойишта мафтункор водий кўз олдимга келади, осмонга елка тираб турган тоғларни кўраман. Ўзимни одамлар ғала-ғовуридан четга олган заҳотим ирмоқларнинг шилдирашию япроқларнинг шивирлаши урилади қулоқларимга. Лекин она кўкрагини қўмсаган гўдакдек, мен бугун соғиниб эслаётган барча гўзалликлар руҳимни қийноққа соларди. Зеро, руҳим қафасга солинган лочиндек ҳис қиларди ўзини. У кўкда эркин парвоз қилаётган қушларни кўрганда тушадиган аҳволга тушардим мен ҳам; худди шулар кўксимни тутқунлик азоби ва хаёллар доғи билан тўлдиради, юрагимни шубҳалар билан тўқилган изтироблар тўрига чирмаб ташларди. Шаҳардан ташқарига чиқдим дегунча сабабсиз соғинч билан қайтардим, булутларга нигоҳим тушса дилимни ғам босарди; қалдирғоч чуғурини ёки ирмоқча шилдирашини эшитсам, билмадим, нима учундир қалбимни ҳасрат ҳисси эгалларди.

Беҳабарлик — бахт бешиги, бахт эса ҳузур-ҳаловат манбаидир, дейишади. Балки ўлик туғилганлар, ер юзида совуқ мурда бўлиб яшаётганлар учун бу тўғридир. Бироқ бутунлай беҳабарлик уйғонган ҳиссиётга ёр бўлса, у тубсиз жарликдан даҳшатлироқ ва ўлимдан аччиқроқ бўлади. Таъсирчан, ҳис-туйғуга берилувчан ўсмирда тажриба етишмаса, у энг бахтсиз мавжудотдир. Зеро, у икки қудратли куч ўртасида руҳан иккига бўлинади: улардан бири сирли куч бўлиб, ўсмирни булутлар ортига олиб кетади, туман ичра борлиқ гўзалликлари орзумидларига ошно қилади; иккинчиси эса зоҳирий куч сифатида уни замониға боғлаб қўяди, кўзларини тупроқ билан тўлдириб, кўриб бўлмас зулмат ичра даҳшатга тушиб, тентираб юришга маҳқум этади.

Қайғунинг кўллари — ипақдек майин кўринса-да, кучли — юракни эзғилайди, ёлғиз қолдириб, азоб беради. Ёлғизлик — руҳдаги ҳар қандай шиддатнинг ҳамроҳи сингари қайғунинг йўлдошидир. Ўсмирнинг қалби ана шундай ҳиссиётлар таъсирида эндигина очилган оқ нилуфар гули сингари титроққа тушади, тонг нурларига қалбини

очиb беради, шом шарпаси тушиши билан гулбаргларини ёпиб олади. Борди-ю, ўсмирда озгина озуқа берадиган қизиқишлар ёки у туйғуларини ўртоқлашадиган дўстлари бўлмаса, ҳаёт унинг учун зиндонга айланади. Бундай жойда ўсмирнинг нигоҳи фақат деворларда осилиб турган ўргимчак тўрларига тушади, қулоқларига эса бурчакларда ўрмалаб юрган ҳашаротларнинг чириллаши эшитилади, холос.

Ёшлиқда мени қамраб олган қайғуга келсак, уни вужудга келтирилган нарса қизиқишларга бўлган эҳтиёж эмас, ҳолбуки, улар менда етарли даражада эди, дўстларга бўлган эҳтиёж ҳам эмас, зеро улар менда ҳамма жойда бор эди. Бу нарса менда ёлғизлик ва узлатга майл уйғотган қалбнинг табиий хасталиги белгилари эди. Худди шу нарса мендаги ўйин-кулги ва эрмакка бўлган майлни сўндирди ва ёшлигим қанотларини қайирди. Ўз ҳаётимнинг қайғули сокинлигида арвоқлар сиймосини, булутлар кўчкисини ва шохлар соясини акс эттирадиган, лекин шўх дарё бўлиб денгизга қуйилиш учун йўл тополмайдиган тоғ қўлига ўхшаб қолдим.

Ун саккиз ёшга тўлгунимга қадар менинг ҳаётим ана шунақа эди. Ниҳоят тоғ чўққисига кўтарилиб, дунёга назар солганимда, кўз ўнгимда одамларнинг йўллари, уларнинг дард ва алам тўла ҳаётлари, ғам ва ташвишларининг изтироблари, қонун ва анъаналарнинг ўнқир-чўнқирлари намоён бўлди.

Уша йили мен қайтадан туғилгандай бўлдим. Чунки ҳомиласи қайгудан урчиманган, бебоклик билан туғилган ва ширин хаёллар оғушида бўлган одамнинг турмуши ҳаёт китобининг оппоқ, бўм-бўш саҳифасига ўхшаган бўлади.

Уша йили фалак фаришталари менга соҳибжамол аёл мужгонлари остидан қараётганини ҳис қилдим ва жаҳаннам иблислари жиноятчи кўксига жазавали рақс тушаётганини кўрдим. Фаришталар ва иблисларнинг ҳаётдаги яхши ва ёмон қилмишларини кузатмаган одамнинг юраги илмлардан узоқ, қалби эса ҳиссиётлардан озод бўлади.

ТАҚДИР ТАҚОЗОСИ

Шу ажойиб йилнинг баҳорида мен Байрутда эдим. Ҳамал ойи. Шаҳар боғларида майсалар кўкарган, гуллар очилганди. Бодом ва олма дарахлари оппоқ муаттар либосларга бурканиб, уйлар орасида яшнаб туришарди. Шу туришда улар табиат томонидан шоирлар ва орзумандларга қайлиқ ва келинчақликка танланган ясатиғлиқ париларни эслатарди.

Баҳор ҳамма жойда гўзал, лекин у Сурияда бетақрор... Баҳор — номаълум худонинг руҳи — ерни шиддат билан айланади, лекин Сурияда қадамини секинлатади, қайрилиб қараркан, бепоён бўшлиқларда учиб юрган подшоҳлар ва пайғамбарлар руҳлари билан суҳбатлашади. Яхудия ирмоқларига жўр бўлиб, Сулаймоннинг мангу мадҳияларини куйлайди, Лубноннинг кедрлари билан биргаликда ўтмиш шон-шухрат алёрларини такрорлайди.

Байрут йилнинг бошқа фаслларига қараганда, баҳорда янада гўзалроқ бўлади. Ёзги чанг-ғубор йўқ бўлгандай, қиш тўплаган кирчирдан асар ҳам қолмаган. Ёмғирсиз ва жазирамасиз эса, Байрут сойда чўмилиб, баданини қуёш нурларида тоблаш учун чиққан малакка ўхшайди.

Ҳамал ойининг маст қилувчи ана шундай кунларининг бирида дўстимни кўргани бордим. У одамлар ғала-ғовуридан четроқда, шаҳар

ташқарисида яшарди. Бир-биримизнинг сирларимиз ва орзу-умидларимиз ҳақида гурунглашиб ўтирганимизда уникага яна бир меҳмон келди. Бу олтмиш беш ёшлардаги муҳтарам қария эди. Юзларини ажин қоплаган, оддий кийимдаги бу киши ўзини анча сипо тутарди. Мен ҳурмат билан ўрнимдан туриб, саломлашмоқчи бўлганимда, дўстим: “Муҳтарам Форис афанди Карамий” деб таништирди. Сўнг мақтов сўзлари билан мени ҳам таништирди. Қариянинг нигоҳи жонланди; оппоқ сочлари тушиб турган кенг пешонасини бармоғининг учи билан артаркан, ниманидир хотирлагандай бўлди, сўнг жилмайди-да, менга пешвоз юрди:

— Сен эски қадрдон дўстимнинг ўғлисан, у менинг ёшликдаги ҳамроҳим эди, — деди қария. — Сени кўрганимдан жуда хурсандман. Ўғли қиёфасидаги отани учратиш нақадар катта бахт.

Унинг илиқ сўзларидан қалбим жунбушга келиб, қарияга меҳрим уйғонди. Унда мени ўзига тортувчи нимадир бор эди. Биз ўтирдик ва қария отам билан дўстлашган йиллари ҳақида гапира кетди. Узини аллақачон тарк этган ёшлигини эслади. Чоллар хаёлан ўтган йиллар воқеаларига қайтадилар, юртини соғинган дарвеш сингари аждодалари уйини кўмсаб, улар ҳақида гапирувчини, шоир мисоли энг гўзал достонини ўқиб беришни яхши кўрадилар. Улар жон-танлари билан ўтмиш пучмоқларида яшайдилар, зеро, ҳозирги кун уларга парво қилмай ёнларидан ўтиб кетади, келажак эса кўз ўнгида ўлим тумани ва қабр зулматига бурканган ҳолда гавдаланади.

Унинг ҳикоялари ва хотиралари билан вақт бир зумда ўтди-кетди. Форис Карамий кетишга отланди. Хайрлашаркан, қўлимни қисиб, елкамдан қучди.

— Отангни кўрмаганимга йигирма йилдан ошди, — деди у. — Шунчалар олис айрилиқнинг ўрнини тўлдир, бизникига тез-тез бориб тур, азиз меҳмоним бўл.

Мен эҳтиром билан таъзим бажо келтириб, албатта бориб тураман, деб ваъда бердим.

Форис Карамий кетиши билан дўстимдан у ҳақда суриштира бошладим. У хавфсирагандай гапириб берди:

— Байрутда бойлик бунчалик саховатли қилган, саховат эса бадавлат айлаган бунақанги одам йўқ. Бу дунёга келиб ҳеч кимга озор етказмаган ҳолда охиратга рихлат қиладиган камдан-кам одамларнинг биттаси мана шу киши бўлади. Бироқ бундай одамлар ҳамиша бахтсиз бўладилар. Чунки алдашни билмаганликлари учун улар кишиларнинг ҳийла ва найрангларидан ўзларини ҳимоя қила олмайдилар... Форис Карамийнинг яккаю ёлғиз қизи бор. У отаси билан шаҳар ташқарисидаги ҳашаматли уйда яшайди. Қиз ҳам отаси сингари кўнгли жуда очиқ инсон, гўзаллик ва назокатда камдан-кам аёл у билан тенглаша олади. Лекин у ҳам бахтсиз бўлади — отасининг беқиёс бойлиги уни даҳшатли, тубсиз жарлик ёқасига келтириб қўйди.

Шу сўзларни айтаркан, дўстимнинг юзида алам ва афсус акс этди.

— Форис Карамий, — деди у, — олижаноб ва ҳалол қария, лекин иродаси бўшлиғи мунофиқ ва фитначи тамағирлар макри олдида уни кўр ва қар қилиб қўйди. Қиз эса, ҳар қанча ақлли ва руҳи тетик бўлмасин, ҳамма соҳада отасининг ўзгарувчан истакларига бўйсунди. Ота билан қизнинг ҳаётидаги бу сирни мунофиқ бахиллик билан айёрона ёвузликни ўзида мужассамлаштирган бир одам пайқаб қолди. Бу — архиепископ. У Инжил сўзлари билан ниқобланиб, ўз гуноҳларини олижаноблик қилиб кўрсатмоқда. У дин ва мазҳаблар мамлакатада маънавий ҳукмдор, одамларнинг жонлари унинг олдида титраб туради.

Қассоб пичоғи остида жониворлар бүйин эгтанларидай, кишилар унга бүйин эгадилар. Ана шу архиепископнинг жияни бор. Унинг қалби эса ёвузликнинг айна уяси — чаёнлар ин қурган мағора ва ботқоқликнинг ўзгинаси. Архиепископнинг ридога ўраниб, ўз акасининг ўғли ва Форис Карамийнинг қизи рўпарасида туриб, гуноҳқор қўли билан улар боши узра никоҳ чамбарини кўтаришга ва бокира баданни чириётган мурдага сирлар ва афсунлар занжири билан боғлаб, илоҳий руҳни чириган мавжудот билан ахлоқсизлик қонуни зуғуми ёрдамида бирлаштириб, кундузнинг юрагини кечанинг кўксига қўядиган кунга унча кўп вақт қолгани йўқ. Форис Карамий ва унинг қизи ҳақида сенга айтиб беришим мумкин бўлган гаплар — мана шулар. Бу ҳақда мендан бошқа ҳеч нарса сўрама. Чунки ўлимни эслаб ўлимни яқинлаштирган сингари бахтсизликни эшлаш — уни яқинлаштириш демакдир.

Дўстим деразага ўгирилди ва чексиз бўшлиққа разм солди. У гўё бепоеън само зарралари орасида кундуз ва кеча сирларининг ечимини излаётгандек эди.

— Ваъда берганимдек, Форис Карамийни бориб кўраман, — дедим. — Унинг отам билан дўст бўлган йиллари ҳақидаги ҳикояларини тинглаш нақадар мароқли.

Дўстимнинг афти ўзгарди. Гўё оддий сўзларим унинг қалбини ларзага солди, онгида даҳшатли фикрлар уйғотди. У ачиниш, азоб ва кўрқув билан кўзимга узоқ қараб турди. Бу қараш инсон қалбининг қаъридаги унинг ўзига ҳам номаълум бўлган нарсаларни ўқий оладиган пайғамбарнинг нигоҳи эди. Унинг лаблари енгил титради, лекин ҳеч нарса демади. Мен эшик томон қадам қўйдим-у, орқага ўгирилиб, шуни ҳис қилдимки, унинг кўзлари мени худди ўшандай ғалати ифода билан қузатиб турибди. Шу дақиқаларда у нимани ўйлаётганини мен кейинчалик тушундим.

ҚАСР БЎСАФАСИДА

Бир неча кундан кейин, ёлғизликдан зерикиб, маза-матрасиз китоблардан кўзим чарчагач, дилижонлардан бирини тўхтатиб, Форис Карамий уйига қараб йўл олдим. Байрут аҳолисининг энг сеvimли сайргоҳи бўлган қарағайзор яқинида извошчи йўлдан бурилди-да, ям-яшил ўсимликларга бурканган, теварагида узумзорлар, ҳамал гулларида яшнаб турган, толлар соясига кўмилган хиёбон бўйлаб аргумоқлар йўрғалаб кетди. Бир неча дақиқадан сўнг извош муаттар ҳид таралаётган атиргуллар ва ёсуманлар қуршовида, тиканли буталар билан ўраб олинган ёлғиз уй олдида тўхтади.

Боғ томонга бир-икки қадам қўйган ҳам эдимки, дарвоза олдида Форис Карамий пайдо бўлди. У мени севинч билан қарши олди, саломлашиб, уйга таклиф этди. Мен билан ёнма-ён ўтириб, ғамхўр оталардек сўрашишга тушди. Менга дахлдор бўлган ҳамма нарсани, ўтмишим, келажаким ҳақида қизиқиб сўради. Мен унга худди ўша руҳда — ёшлар ўз қўшиқларида куйлагандек, орзу-умидларга тўла оҳангда жавоб бердим. Ёшликнинг қанотлари шеърият патидан тўқилган, асаблари хаёллардан ташкил топган бўлади; ёшлик улар ёрдамида осмону фалакларга кўтарилади. У ердан дунё камалак рангларида товланиб кўринади, ҳаёт эса улуғвор ва шон-шараф мадҳияларида янтрайди, лекин тажриба бўрони шеърият парвозли қанотларни қайиради, шунда ёшлик ерга — ҳаммани қийшиқ қилиб кўрсатадиган қинғир кўзгусимон дунёга қайтиб тушади.

Шу пайт бахмал парда ортидан кутилмаганда бир қиз пайдо бўлди. Нафис оқ ипақдан кўйлак кийган бу қиз оҳиста ёнимизга келди. Мен ўрнимдан турдим; қария ҳам турди.

— Бу менинг қизим Салма, — деди Форис Карамий ва исминни ҳам айтди. — Вақт дўстимни мендан яшириб қўйган эди. Мана, у ўгли қиёфасида рўпарамда пайдо бўлди. Ҳозир бизлар билан бўлмасанда, мен уни ҳамон кўриб тургандайман.

Қиз диққат билан кўзларимга қаради. Гўё менинг кимлигимни билмоқчидай, бу ерга келишимнинг сабабини аниқламоқчидай тикилди. Кейин менга оппоқ, нилуфардай нозик қўлини узатди. Кафтининг қўлимга тегишидан қалбимда галати туйғу уйғонди; бу ҳиссиёт шоир ҳаёлида илҳом уйғотувчи шеърини фикрни эслатди. Салманинг келиши билан кўноқхонада қандайдир илоҳий руҳ пайдо бўлгандай жимгина ўтирардик. Худди шуни ҳис қилгандай, қиз табассум билан менга мурожаат қилди:

— Отам сизнинг отангиз ҳақида кўп гапирарди. Агар сиз ҳам отангиздан шундай гапларни эшитган бўлсангиз, демак, ушбу учрашувимиз илк марта эмас.

Унинг гаплари чолни қувонтирди ва отанинг юзида табассум ўйнади.

— Табиатан ва тарбиясига кўра, Салма идеалист — ҳаёлпараст, — деди у. — Қизим ҳамма нарсани руҳлар оламига чулганган ҳолатда тасаввур этади.

Форис Карамий мен билан шундай жўшиб, шундай эътибор бериб гаплашдики, гўё менда сеҳрли дунёни кашф этгандай эди ва ўша дунё билан хотиралар қанотида ўз ҳаётининг баҳорига қайтгандай ҳис қиларди ўзини.

У мендан нигоҳ узмас, кўз ўнгида ёшлигини гавдалантирарди; мен бўлсам уни қузатиб туриб, келажак ҳақидаги орзуларга ғарқ бўлардим. Унинг нигоҳи мени мевалари осилиб турган куз дарахтини худди нозик ниҳолдек ҳимоя қилаётганга ўхшарди. Илдизлари ер қаърига чуқур ботган кекса дарахт ўз ҳаётида жазирама ёзни ва қаҳратон қишни, вақт бўронларини синаб кўради. Нозик ва нимжон ниҳол эса фақат баҳорни кўрган ва эрталабки эпкин эсишидан ҳам қалтираб туради.

Салма эса сукут сақлаганча гоҳ менга, гоҳ отасига қарарди. У гўё ҳаёт романининг биринчи ва сўнгги бобини ўқиётганга ўхшарди.

Кун тугаб борар, унинг нафаси майсазор ва боғларда тўхтаб қолар, ботиб бораётган қуёш Лубнон тоғлари чўққиларида оташ бўрасидан из қолдирарди. Уйи ана шу тоғ этакларида жойлашган Форис Карамий гаройиб воқеаларни гапириб беришда давом этар, мен ўз ёшлигим наволари билан уни яйратиб ўтирардим. Салма бўлса, дераза ёнида ўтирганча ғамгин кўзлари билан бизга қарар, индамасдан бизнинг суҳбатимизга қулоқ тутарди. Афтидан, у гўзаллик товушсиз ва сўзсиз ҳам ифодаланадиган самовий нутқ инъомига соҳиб эканини биладиганга ўхшарди. Бундай ўлмас нутқ инъоми сокинлигида — тинч кўл қаърининг мангу сукунатида ирмоқлар кўшиги жамланганидек, барча одамлар товуши мужассамдир. Гўзаллик сир бўлиб, уни қалбимизгина илғайди. Гўзаллик ҳукмига бўйсуниб, қалбимиз шодликка тўлади ва кенгаяди, онг эса ҳайратга тушиб, уни ифодалашга сўз тополмайди. Бу — кўрувчи ҳислари билан кўринувчи адолат ўртасидаги зарраларнинг яширин оқимидир; бу — инсоннинг ташқи қиёфасини ёритувчи муқаддас қалбларнинг нурлаштиришидир: ҳаёт шу тариқа уруғ қаъридан рангларга ва гуллар атрига бурканиб пайдо бўлади; бу —

эркаклар ва аёллар ўртасидаги бир-бирини тушуна билишдир. У бирдан пайдо бўлиб, буюк интилишга туртки беради — муҳаббат деб аталувчи маънавий яқинлик ана шу. Салманинг руҳи менинг руҳимга очилдимикин? Уни менга дунёдаги энг гўзал қилиб кўрсатган шу эмасмикин? Ёки барчасига сабаб ёшлик сархушлигимикин?! Одатда сархушлик хаёлда мавжуд бўлмаган сиймолар ва қиёфаларни гавдалантиради. Ёхуд ёшлик кўзларимни кўр қилдимики, Салма кўзларининг чақнашини, лабларининг ширинлигини ва қоматининг нозиклигини тасаввур этдим. Ёинки унинг гўзаллиги чиндан ҳам кўзларимни очиб, севгининг қувончию аламларини татиб кўришимга имкон бердими? Билмайман. Фақат шуни биламанки, мени олдинлари сира билмаган бир туйғу қамраб олди, бу — бутунлай янги туйғу, қалбимга руҳдай кириб келди-ю, мангулик бошланиши олдиан бўладиган тўфон устидан кўкка юксалди. Худди шу нарса менинг қувончларим ва бахтсизликларимга сабаб бўлди.

Салма билан биринчи учрашувим ана шундай бўлди. Фалак ўз иродаси билан қутилмаганда мени ёшликка хос бўлган шубҳалар қуллигидан қутқарди, мендек озод бир ўсмирни муҳаббат сайрига жалб этди. Холбуки, муҳаббат бу дунёда ягона озодликдир, зеро у қалбларни на инсон қонунлари ва урф-одатларига, на табиат қонунлари ва амрига бўйсунадиган юксак чўққиларга кўтаради.

Хайрлашаркан, Форис Карамий самимий тарзда деди:

— Энди йўлни биласан. Бизникига келиб тур. Бу уйни ҳам отанг қатори кўр, Салмани эса синглинг деб бил. Шундаймасми, қизим?

Салма, “ҳа” дегандек, бош ирғади. Кейин менга худди бегона юртда дўстини учратган бахтсиз хорижликдай қаради.

Форис Карамийнинг сўзи Салма билан мени муҳаббат тахтига етаклаган биринчи куй бўлди; самовий мадҳиянинг муқаддимаси бўлди ва сўнгра қайғули марсиясига айланди; у бизнинг қалбларимизни жасорат билан тўлдирган куч янглиғ олов ва ёруққа яқинлаштирди; у коса бўлиб бизга Кавсар сувидан ва ёвшаннинг аччиқ шарбатидан тутди.

Қария мен билан боққа чиқди. У билан хайрлашарканман, юрагим шундай орзиқдики, одатда, ташна одам кўзадан сув ичаётганда лаблари шундай титрайди.

ОҚ АЛАНГА

Ҳамал ойида Форис Карамий уйида тез-тез бўлиб, Салма билан кўришиб турдим. Биз айнан шу боғда, бир-биримизга юзма-юз ўтириб гаплашардик. Мен унинг гўзаллигидан завқланардим, иқтидорига таҳсинлар айтиб, сассиз қайғусига кулоқ тутар, кўринмас қўллар мени шу қиз томонга тортаётганини ҳис қилардим. У билан ҳар бир учрашувимизда унинг қиёфасида янгидан-янги ажойиб белгилар кашф этардим, унинг руҳининг янги олий сирини топардим. Салма менинг кўз ўнгимда китобга айланиб борарди: сатрма-сатр кўз югуртириб, уларни ёддан ўқирдим, шошилиб тинимсиз такрорлардим-у, охиригача сира етиб боролмасдим.

Худо қалб гўзаллигига кўшиб қомат гўзаллиги билан ҳам ёрлақанган аёл — ҳам ошқора, ҳам жумбоқдир. Унинг ҳақиқати шу аёлга меҳр-муҳаббат билан қараган одамгагина ошқора кўринади. Лекин уни сўз билан таърифлашга ошиқувчиларга туман ичра яшириндир.

Салма Карамийнинг қалби ҳам, қомати ҳам гўзал эди. Салмани билмаганларга уни қандай таърифлаш мумкин? Улим қанотлари соя солган қалб булбул чаҳ-чаҳини, атиргул шивирини, ирмоқ шарқи-рашини тасаввур қила оладими? Кишанбанд қилинган тутқин эрта-лабки шабада эпкинидан завқлана оладими? Лекин сукут сақлаш сўзлашдан қийинроқ эмасми, ахир? Наҳотки, ортиқ даражада эъзоз-лаш менга Салманинг сиймоларидан бирини оддий сўзлар билан тавсифлашни тақиқлайди? Наҳотки, у қандай бўлса, мен шундайлиги-ча олтин сатрларда тасвирлай олмасам? Оч қолган киши саҳрода тен-тираб юраркан, агар фалак унга ғамхўрлик қилмаса, қотган нонга ҳам қаноат қилади.

Оппоқ ипак кўйлақда, нозик ва сарвқомат Салмага қараб, хонага деразадан ой нури кириб келдим, деб ўйладим. Унинг бир текис оҳиста ҳаракати Исфаҳон куйи оҳангини эслатди. Салма юмшоқ ва нафис товушда гапирарди. Қирмизи лабларидан енгил учган овоз гул юзидаги шабнам сингари сал ҳаво эпкинидан титраб кетарди. Унинг юзи эса.... Салма Карамийнинг чехрасини ким ҳам тасвирлай оларди? Хотиржам, ғамгин чехрани, рангпарликнинг тиниқ пардаси ортига яширингандек, айни пайтда очиқ турган чехрани қандай сўзлар билан тасвирлаб бўлади? Унинг қалб сирларини бирин-кетин ошкор қилаётган белгиларини тавсифлашга, унга қараб турган кимсага бу дунё билан бир қаторда бошқа дунё ҳам борлигини эслатишга тил қани!

Салманинг жамоли одамлар томонидан гўзаллик учун белгилан-ган қонунларга жавоб бермасди. Тўғрироғи, Салма ғалати эди. Ши-рин орзу ва хаёлот сингари, аниқлаш ва ўлчашга сиғмайдиган ило-ҳий тафаккур каби, рассом мўйқалами учун бетакрор, ҳайкалтарош қаламтароши учун гавдалантириб бўлмайдиган қиёфа мисоли ғайри-оддий эди. Салманинг гўзаллиги тилларанг сочларидагина эмас, бал-ки уни қамраб олган маъсумалик шавкатида, шаҳло кўзларида эмас, балки улардан ёғилаётган нурда, қирмизи лабларида эмас, уларга хос ширинликда, оқ томоғи ва бўйнида эмас, балки бошини сал энгаштириб туришида эди. Салма бутун вужудидаги мутаносиблик такомили билангина гўзал эмасди, балки олийҳиммат ақл-идроки билан соҳибжамол эди. Унинг олийжаноб руҳи оқ аланга мисоли ер билан чексизлик ўртасида парвоз қиларди. Салманинг гўзаллиги ни-маси биландир улугвор дostonлар, ўлмас тасвирлар ва куйлар ярат-ган даҳоларга яқиндир. Буюк даҳоларнинг қисмати эса бахтсизлик-дир. Зеро, уларнинг руҳлари ҳар қанча юксалмасин, уларга либос бўлиб хизмат қилувчи кўзёшларидир.

Салма камгап эди, тез-тез ўйга толарди. Лекин унинг сукут сақлаши ҳам мусиқага ўхшаб, суҳбатдошини олис-олис орзулар дунёсига олиб кетарди. Ана шу олис орзулар дунёсида қулоққа унинг юрак уриши эшитилар, кўзга тафаккур ва туйғулар сиймоси чалинарди.

Салманинг феъл-атворини ёрқинроқ ажратиб кўрсатадиган белгила-ридан бири унинг алам тўла чуқур қайғу-ҳасрати эди. Гўё бу қайғунини у қандайдир парда мисол ўзига ташлаб олган, гуллаб турган дарахтнинг тонги тумандаги акиси сингари унинг қалби ана шу пардага ўтгандай эди. Айнан қайғу қалбларимизни яқинлик ришталари билан боғлади. Биз-нинг ҳар биримиз иккинчимизнинг юзда унинг юраги нимани ҳис қила-ётганини кўриб турардик, ўз кўксимизда унинг товушининг яширин акс-садосини эшитардик, гўё худо бизларни бир-биримизнинг ярмимиз қилиб яратган эди-ю, фақат бирлашибгина маъсумлик ва софлик билан биргаликда бир бутунликни ҳосил қилардик, ажралишганда эса ҳар би-римиз қалбимизда оғриқли йўқотишни ҳис этардик.

Қайғу ва Һасратдан азоб чекаётган қалб худди шундай дард билан қийналаётган ва унинг Һис-туйғуларига шерик бўлган бошқа қалб ила туташганда юртидан узоқларда дайдиб юрган дарвеш ўзига ўхшаш қувғинди биродарини учратганига қувонгани сингари енгил тортади. Агар юраклар қайғу азоблари туфайли яқинлашишган бўлса, қувонч Һашамати ва даббаба уларни ажрата олмайди. Һам-Һасрат ришталари қалбларни бахт-саодат ва қувонч ришталаридан кўра маҳкамроқ боғлайди. Кўзёшлари билан ювилган муҺаббат — соф, гўзал ва абдийдир.

БҮРОН

Бир неча кундан кейин Форис Карамий мени кечлик овқатга таклиф қилди. Мен унинг Һузурига ўша самовий насибага қалбдан соғинч билан бордим. Бу насибани Салманинг қўлига само тутқазган эди; биз қалбимиз билан татийдиган шу самовий насибага борган сари кўпроқ эҺтиёж сезамиз; бу сеҺрли нон-насибанинг мазасидан Имрул-қайс, италиялик Данте, юнонистонлик Сапфо Һам татиб кўришган эди. Шу таъм уларнинг ичини ёндириб, юракларини эритган эди. Зеро ноннинг Һамирини қорганда худолар унга бўсалар лаззатини ва орзулар аламини қўшиб, хушёр, таъсирчан қалблар қувончи ва азоби учун тайёрлашганди.

Салма боғда эди. У боғнинг бир бурчагида ёғоч курсида ўтирар, боши билан дарахт танасига суянган эди. Оппоқ қийиниб олган Салма шу жойларни қўриқлаётган афсонавий фариштага ўхшарди. Унга қараб титроқ туйғу билан борарканман, муқаддас оловга яқинлашаётган сеҺргардай Һис қилардим ўзимни. Һатто унинг ёнига ўтирганимда Һам бир оғиз сўз айта олмадим, тилим танглайимга ёпишгандай, лабларим тош қотгандай эди. Мен сукут сақлардим, зеро чуқур ва чексиз Һислар сўзга эрк берганда, ўз кучининг зарраларини йўқ этадилар. Лекин мен шунини сездимки, Салма сукунатда қалбим даъватига эътибор бериб, менинг кўзларимда ўз қалбининг титроқ инъикосини кўраёттир.

Тез орада уйдан Форис Карамий чиқиб, бизларга қараб йўналди. Одатдагидек, мен билан севинч-ла саломлашди-да, қўлини узатди. Бу билан у мен билан қизининг руҳимизни боғлаб турган сирга фотиҺа бергандай бўлди.

— Хуш келибсан, ўғлим, уйга марҺамат, — деди у жилмайиб. — Дастурхон бизга мунтазир.

Биз ўрнимиздан туриб, унга эргашдик. Салма зимдан менга қараб қўйди. Унинг бу қарашида нозик бир назокат бор эди. Гўё “ўғлим” деган сўз унинг қалбида ширин Һиссиёт уйғотганди. Онанинг қўли гўдакнинг нозик баданини силагандек, Салманинг меҺрини менга қаратганди.

Овқатланарканмиз, тансиқ таомлардан Һузур қилардик, кўпдан бери асраб қўйилган шаробдан татиб кўрардик. Қалбларимиз эса биз билмаган ҳолда олис дунёларда учиб юрар, келажак Һақида орзу қилиб, унинг кўркув ва даҺшатларига тайёрланарди. Фикр-ўйлари билан бир-бирларига асло ўхшамайдиган учовлон, аслида ич-ичидан ўзаро севги ризолиги билан боғлиқ, уч очиқ қалб соҫиби, уч заиф ва беғуноҳ, Һиссиётга бой ва тажрибаси кам инсон — кўнгил боғларида юз берган фожиа қаҺрамонлари ана шундай эдилар. Ўз қизини жондан севғувчи олижаноб ота уни фақат бахтли қилиш орзусида эди. Келажакга ишонмаган йигирма ёшли қиз ўзини бахт кутаяптими ёки қайғу деб фол очиб ўтирарди.

Қалби беором ёш орзуманд, ҳали ҳаётнинг на гулобини, на оғусини татиб кўрмаган йигит эса йшқ ва муҳаббат осмонида парвозга тайёрланиб, қанот қоқмоқда, лекин ожизлигидан ердан кўтарилишга кучи етмайди. Шаҳар четида оқшом суқунатиға буркайган уйда тўкин дастурхон атрофида ўтирган ҳалиги учовлон ана шундай одамлар эди. Уларнинг ҳар учаласи ҳам мазали овқатлардан тановул қилиб, шаробдан нўш этардилар, лекин тақдир улар учун ғам-андуҳ ва азоб-уқубат тайёрлаб қўйганини билишмасди.

Эшик очилиб, хонага оқсоч кириб келганида биз ҳали овқатларнардик.

Оқсоч Форис Карамийга мурожаат қилиб:

— Жаноб, ташқарида бир киши сизни сўраяпти, — деди.

— Ким экан? — сўради қария.

— Архиепископнинг қаролига ўхшайди, тақсир.

Форис Карамий синов назари билан қизига қаради. Пайгамбар бирор ишора кутаётганда осмонга шундай қарайди.

Кейин:

— Майли, кирсин, — деди.

Оқсоч кўриниши дабдабали, кийимига зар жияк тикилган, мўйловининг учлари тепага буралган кишини бошлаб кирди. У таъзим бажо келтирди ва Форис Карамийга мурожаат қилди:

— Ҳазрати олийлари муҳим ишлар ҳақида гаплашиб олиш учун ташриф билан эҳтиром кўрсатишингизни сўрайдилар. Сизни олиб кетиш учун шахсий извошини юбордилар.

Қария ўрнидан турди. Унинг ранги ўзгарганди. Юзидаги табассум ўрнини ташвиш қоплаганди.

— Умид қиламанки, қайтиб келгач, сени шу ерда кўраман, — деди у менга қараб. — Салмага яхши суҳбатдош бўласан ва ажойиб хангомаларинг билан уни зериктирмай ўтирасан; деб ўйлайман. Шундайми, Салма? — деди у қизига, жилмайиб.

Салма бош эгди. Ёноқлари қизариб кетганди. Унинг овози найтовушидай майин жаранглади:

— Меҳмонни зериктирмасликка ҳаракат қиламан, ота.

Қария архиепископ қароли кузатувида ташқари чиқди. Извош кўздан ғойиб бўлгунча Салма дераза олдида турди. От туёқларининг дўпири тингандан кейин у ёнимдаги яшил бахмал қопланган оромкурсига ўтирди. Оппоқ кўйлагидан у эрталабки шабадада сал энгашиб турган нилуфарни эслатарди.

Фалак Салма билан кимсасиз уйда қолишимизни ихтиёр этди. Шу тариқа суқунатга чўмган дарахтлар қуршовидаги уйда, гўзаллик, бокиралик ва муҳаббат шарпалари дайдиб юрган гўшада иккаламиз қолдик.

Анча вақтгача индамай ўтирдик. Эсанкираган бир ҳолатда, ким олдин гапираркан деб бир-биримизни пойладик. Лекин севилган қалбларни фақат гапирилсагина тушунтириш мумкинми? Нима, фақат тилдан учган товушлар, лабдан кўчган иборалар қалблар ва онглари яқинлаштирадими? Нима, товушлар ҳаракати ва товушлар жарангидан пайдо бўлувчи сўздан кўра олий ва соф нарса йўқми? Наҳотки, суқут сақлаганда юраклар шивирламаса, нур таратаётган қалблар туташмаса? Ахир, бизни ўз-ўзимиздан ажратаётган нарса жимжитлик эмасми ва биз чексиз руҳнинг бепоён бўшлиқларида парвоз қилиб, фаришталарга яқинлашмаймизми ҳамда баданларимиз тор зиндонлардан афзал бўлмаган дунёнинг бор-йўғи олис қувғин маскани эканини ҳис қилмаймизми?

Салма менга шундай қарадики, унинг киприклари қалб сирларини ошкор қилди.

— Бокқа чиқайлик, — деди у сирли хотиржамлик билан. — Дарахтлар орасида ўтирамиз. Ҳадемай тоғлар чўққиси узра ой кўринади...

— Ой кўтарилиб, боғни ёритгунга қадар шу ерда кутганимиз яхши эмасми, Салма? — сўрадим мен. — Ҳозир қоронғилик дарахтлар ҳамда гулларни яшириб турибди ва биз ҳеч нарсани кўрмаймиз.

— Дарахтлар ва гулларни кўздан яшираётган зулмат муҳаббатни яширишга қодир эмас, — деди Салма.

Салма бу иборани деразага ўтирилган ҳолда жуда ғалати ифода қилди. Мен сукут сақлаганча эшитганим ибора ҳақида ўйлар, айтилган сўзлар маъносини тушунишга, ифодасининг асл моҳиятини англашга уринар эдим. Салманинг кўзлари яна менга қадалди, гўё афсусланиб, ўзининг сеҳрли нигоҳининг кучи билан мени ўз эътирофини унутишга мажбур қилмоқчидай бўлди. Лекин кўзларининг жодуси менга шундай таъсир ўтказа олмади — Салманинг сўзлари кўксимдан янада чуқурроқ жой олди ва умрим охиригача қалбимда яшаб, туйғуларимни ҳаяжонга солиб ўтди.

Бу дунёда мавжуд бўлган барча улуғвор ва гўзал нарсалар ягона фикрдан ёки инсон ичидаги ягона ҳиссиётдан туғилган. Ўтмишнинг ҳали-ҳанузгача маълум бўлган барча кашфиётлари эркак онгида сирли фикр ёки аёл кўксига нафис туйғу сифатида пайдо бўлишидан олдин ҳам мавжуд эдилар. Барча буюк инқилоблар — қонлар дарё бўлиб оққан пайтлар ва озодликка маъбудага сифингандай сифинилган замонлар — минглаб кишилар орасида адашиб юрган биргина одамнинг онгидаги дарбадар хаёлий тафаккур эди. Тахту тожларни кулатиб, салтанатларни парчалаган бузғунчилик урушлари ёлғиз одамнигина яширин ташвишга солган гоё эди. Инсоният ҳаётини тубдан ўзгартирган юксак таълимотлар атрофидаги фуқаролардан ажралиб турган яққа-ёлғиз кишининг шеърий орзуси эди. Биргина фикр эҳромларни тиклади, биргина туйғу Трояни яксон қилди, биттагина гоё Исломга шон-шуҳрат келтирди, биргина сўз Искандария кутубхонасини куйдириб кул қилди.

Бир фикр тун сукунатида инсонни ҳаракатга келтиради ва уни шон-шуҳратга буркайди ёки телбага айлантиради. Аёл кўзларининг бир онлик нигоҳи эркакни бахтиёр ёки бахтсиз қилади. Ҳукмдорнинг оғзидан чиққан биргина сўз бойни хонавайрон қилиб, камбағални бадавлатга айлантириши мумкин. Уша сокин кечада Салма Карамийнинг лабларидан учган биргина иборадан мен довдираб, қутурган денгиз тўлқинлари билан осмон оралиғидаги сарсон кема мисоли ўтмиш ва келажак ўртасидаги чорраҳада адашиб қолдим. Тўла маънога эга биргина ибора мени ёшлик ва ёлғизликнинг ғафлат уйқусидан уйғотиб, ҳаёт ва ўлим ҳукмрон бўлган муҳаббат саҳнасига олиб келди.

Биз чорбоғ йўлагига чиқдик. Шабаданинг енгил эпкинлари юзимизни силаб ўтди, оёқларимиз остида гуллар ва майсалар майин шивирлади. Ёсуман бутасига етиб боргач, индамай сўрига ўтирдик. Ухлаётган табиат ўз нафаси билан бизни ўраб олди. Бутун борлиқ бизнинг нафас олишимизга қулоқ солаётгандек эди.

Ана, Санно тоғи узра ой кўтарилди, тепаликлар ва соҳилни нурга тўлдирди. Водий ёнбағрида, худди бўшлиқдан ўсиб чиққандай, қишлоқ пайдо бўлди. Кумушранг нур остида бутун Лубнон йигит мисоли гавдаланди.

Лубнон Ғарб шоирлари учун Довуд, Сулаймон пайғамбарлар билан бирга йўқолиб кетган афсонавий мамлакат, Одам ва Ҳаво

қувиб чиқарилган жаннатдир. Улар учун Лубнон бу тоғли ўлканинг номи эмас, балки бир мажоздир, қалба асралаётган туйғуни кўрсатувчи, сервиқор чинорлар, мис ва мрамар миноралар, водийларида ўтлаб юрадиган охулар подасини эслатувчи рамздир. Менга эса ўша оқшом Лубнон хаёлий орзу бўлиб кўринди.

Юзига тушиб турган ой шуъласида гўзаллик ва муҳаббат илоҳаси Астартани қадрловчи уста қўли билан яратилган мрамар ҳайкалга ўхшаб кетган Салма менга мурожаат қилди:

— Нега жимсан? Ўз ҳаётинг ҳақида гапириб берсанг-чи...

Мен унинг порлаб турган кўзларига қараб, тўсатдан тилга кирган соқовдек гап бошладим:

— Мен жим турибманми? Шу ердалигимиздан бери сенга гапираятман — уйдан чиққанимиздан бошлаб сен билан гаплашаятман! Гуллар шивири-ю, сукунат куйини илгаб турган шу сенинг нозиктаъб қалбинг руҳим йиғисини ва юрагим инграшини эшитолмадимми?

Қиз қўллари билан юзини беркитиб, лўнда-лўнда айтди:

— Мен сени эшитдим... Ҳа, эшитдим... тун қаъридан чиқувчи ҳайқириқни ҳам, кун юрагида пайдо бўлувчи гулдуросни ҳам эшитдим...

Мен унга дарҳол жавоб қайтардим. Ўзимни бутунлай унутиб, кимлигимни ва қаердан эканлигимни эсдан чиқариб, Салмадан бошқа ҳеч нарсани ўйламай, фақат унинг яқинлигини ҳис қилиб, дедим:

— Мен ҳам сени эшитдим... Зарралари билан самони ҳаракатга келтираётган ва заминни ларзага солаётган улуғвор, жон олувчи ва жон берувчи оҳангларни эшитдим!

Салма кўзларини юмди ва унинг қирмизи лабларида ғамгин табассум пайдо бўлди.

— Энди мен биламан, — шивирлади Салма, — шундай нарса борки, у осмондан баландроқ, денгиздан чуқурроқ. У шундай нарсаки, ҳаётдан, ўлимдан ва вақтдан кучлироқдир. Мен кеча билмаган нарсамни энди биламан, бу ҳақда орзу ҳам қилолмасдим...

Шу дақиқадан бошлаб Салма мен учун дўстдан азизроқ, синглимдан яқинроқ, севгилимдан қимматлироқ бўлиб қолди. У онга интилувчи олий тафаккур, юракни қамровчи нозик туйғу, гўзал орзу — қалбимнинг ажралмас йўлдошига айланди.

Муҳаббат — узоқ давом этган ўзаро алоқалар ва мустаҳкам боғланиб қолганликнинг меваси деб ҳисобловчилар нодондирлар. Чинакам севги — руҳий аҳд-паймон фарзанди; бир туғилмаган севги ҳеч қачон туғилмайди.

Салма бошини кўтариб, нигоҳини олис уфққа қадади, чексиз бўшлиқ узра Санно тоғи кўриниб турарди.

— Кеча сен менга ака эдинг, — деди у, — ва мен бепарво отамга эргашиб ҳузурингга келардим. Энди яхши биламан: шундай туйғу борки, дўстлик риштасидан мустаҳкамроқ ва теранроқдир. Мен улар устидан ҳукмрон эмасман. Улар кучли, ҳаяжонга солувчи ва кўрқинчлидир, мана шу нарса қалбимга қувонч бағишлайди ва ғам билан тўлдиреди.

— Бизни кўрқитиб, юракларимизни титроққа солувчи шу туйғу эмасми, — хитоб қилдим мен. — Худди шу туйғу ойнанинг ер теварагида, ернинг куёш атрофида, куёш ва галактикаларнинг тангри атрофида ҳаракатини бошқараётган қудратли кучнинг бир қисми эмасми?

Салма бармоқлари билан сочимни тараб қўйди; унинг қувончдан ёришиб кетган кўзларида худди нарғиз япроғидаги шудрингга ўхшаб ёш ялтирарди.

— Бизнинг бошимизга тушган бу воқеага ким ҳам ишонарди? — шивирлади Салма. — Куёш ботиши билан ой чиқиши оралигида биз ҳақиқатни шубҳадан ажратувчи тўсиқлар ва говларни ошиб ўтганимизни ким тушунади? Биринчи учрашганимиз ҳамал оғи — бизларни ҳаётнинг муқаддаслар муқаддасига олиб келганига ким ишонади?

Қиз эгилган бошимни майин силади. Мен унинг нозиккина қўлини дафна чамбарига ҳам, шоҳ тожига ҳам алмаштирмасдим.

— Бунга ҳеч ким ишонмайди, — дедим. — Муҳаббат — йил фасли ёрдамисиз очиладиган яғона гул эканини одамлар билишмайди. Лекин илк бор учрашувимиз ҳамалда юз берганмиди? Ахир ҳаётнинг энг муқаддас сирли оламига энди қадам қўйдикми? Инсон ҳаёти она қорнида бошланмайди ва мазорда тугамайди. Туғилишимиз бизларни кунлар ва тунлар тутқунларига айлантиришидан олдинроқ тангри қўли иккаламизни бирлаштирган эди!

Ой нури ва юлдузлар ёғдуси билан ёритилган чексиз бўшлиқда муҳаббат-ла йўрилган ва ризолик билан бирлашган кўпшаб қалблар бор...

Салма бармоқларини сочларим толасидан аста бўшатди ва қандайдир учқунлар чақнагандек бўлди. Сўнгги шабада уларни илиб, учириб кетди. Мен унинг қўлларидан ушладим-да, меҳробни ўпиб, фотиҳа олиш учун талпинаётган фидойи тақводордек, иссиқ лабларига лабимни босиб, узоқ бўса олдим.

Шу тариқа орадан бир соат ўтди. Унинг ҳар бир дақиқаси муҳаббат ва эҳтирос йилига тенг бўлганидек туюлди менга. Биз икки кабутардай ой шуъласи ёритиб турган, дов-дарахтлар ва майсалар билан қопланган тун суқунатида ўтиргандик. Ва худди шу маҳал, инсон шириң муҳаббат оғушидан бошқа дунёдаги бор нарсани унутишга тайёр турган пайтда туёқ товушлари эшитилди ва шиддат билан яқинлашиб кела бошлади. Ўзимизни унутган ажойиб дамларимиз бузилди — ҳушимиз жойига келди, ширин уйқудан уйғонгандек, хаёллар дунёсидан ерга тушиб, саросима ва ҳалокат ўртасидаги чорраҳада қотиб қолдик.

Қария архиепископ ҳузуридан қайтиб келарди. Биз боғни тарк этиб, унга пешвоз чиқдик. Извош дарвоза олдида тўхтади, ундан Форис Карамий тушди. У бошини эггича аста қадам ташлаб, оғир юкдан зўрга юраётгандай, Салмага яқинлашди. Уни елкаларидан кучиб, юзига шундай ғамгин боқдики, гўё қизининг сиймосини сўнгги бор кўраётгандай эди. Унинг ажиндор ёноқларига кўзёшлари оқиб тушарди.

— Тез орада, қизим, жуда тез кунда, — деди у ўлимга ҳукм этилган киши овозида, — сен отанг уйини тарк этасан. Бошқа эркак бағри учун отанг бағрини тарк этасан. Богимиз қадам товушларингнинг соғинади, отанг сенга бегона бўлиб қолади. Тақдир тақозоси шундай экан, болам, тангри сени ёрлақасин ва ўз паноҳида асрасин!

Бу сўзларни эшитиб, Салманинг юзи қув оқарди. Гўё ўлим арвоҳига дуч келгандай, нигоҳи қотиб қолди. Лабларидан ингроқ отилиб чиқди, танаси азоб билан титради; сўнг овчи ўқидан яраланган қушдай ерга қулаб тушди ва типирчилай бошлади.

— Нима дегингиз? — хитоб қилди қиз чуқур алам билан. — Бу нима деганингиз? Мен қасққа кетишим керак?

Қиз отасига шундай тикилдики, гўё шу нигоҳи билан ўз кўксига яшириниб ётган сирлар пардасини очиб ташламоқчи эди...

— Мен тушунаман, — дея ингради Салма. — Ҳаммасини тушунаман... Архиепископ сизнинг севгингиздан қанотлари қайрилган қушлар учун қафас тўқиди... Сиз шунга рози бўлдингизми, ота?

Чол қизига нима дейишини билолмай қолди. Жавоб ўрнига чуқур хўрсинди; юзи азобдан бужмайиб кетди. Улар боғда мени ёлғиз қолдириб кетишди. Шунда танамга тушган гулгула бўрон кузги япроқларни ўйнагандай, ҳисларимни ўйнай бошлади.

Мен хайрлашишим керак эди ва Салма ҳамда унинг отаси орқасидан эргашдим. Хирапашша бўлиб кўринмаслик учун уй соҳибининг қўлини қисдим, сувга чўкаётган юлдузга термулгандек Салмага бир тикилдим-да, чиқиб кетдим. Мен боғ дарвозасига етганимда, қария ортимдан чақириб қолди. У шошилиб келарди. Орқага қайтдим. Форис Карамий қўлимни кафтига олди.

— Кечир мени, ўғлим, — деди у овози титраб. — Менинг айбим туфайли бу оқшом сен учун кўзёшлари билан тугади. Лекин биз яна учрашамиз, шундай эмасми? Ахир, изтиробдан кўнгли гаш чолдан бўлак ҳеч ким қолмайдиган бу уйга тез-тез келиб турмайсанми? Гуллаётган ёшлик сўниб бораётган кексаликдан қувонмайди — тонг шом билан учрашишга шошилмайди. Лекин ҳар бир ташрифинг отанг билан дўстликда ўтган ёшлик кунларимга қайтаради. Салма мен — қари чолни ёлғиз қолдириб кетаётган бўм-бўш уйда сени наҳотки бошқа кўрмасам?

Сўнги сўзларини у пичирлаб айтди. Мен хайрлаша туриб энгашдим, қўлимга бир неча томчи кўзёши томди. Ич-ичимдан бир сесканиб тушдим — чолга фарзандлик меҳрим товланди, кўксимда нозик ва гамгин туйғу жўш урди, нимадир нафасимни бўғиб, юрагимга оғриқ санчилди. Бошимни кўтарганимда кўзимдаги ёшни кўриб, ҳамдардлик билдиргандай энгашиб пёшонамдан ўпди. Унинг лаблари титраб эди.

— Хайрли тун... Хайрли тун, ўғлим! — деди у ва уйига йўналди.

Ёшликнинг йиғиси — юракни тўлдирган ортиқча рутубатдир. Қарлик кўз ёшлари эса ҳаётнинг қовоқлар тагидан оқувчи сўнги томчилари, қувватсиз танада ночор куч қолдиқларидир. Ёшлик кўзларидаги ёшлар атиргул баргидаги шудринг томчисига ўхшайди. Кексалик ёноғидаги ёшлар умр қиши яқинлашуви билан шамол учуриб кетувчи сарғайган куз япроқларини эслатади.

Форис Карамий ичкари кириб кетди, мен боғдан чиқдим. Салманинг овози қулоқларимдан кетмас эди. Унинг гўзаллиги кўз ўнгимдан аримасди. Отасининг кўзёшлари қўлимдан анчагача қуримади. Мен у ердан худди Одам Ато жаннатдан чиққандай чиқдим, лекин мен учун бутун дунёни жаннатга айлантириши мумкин бўлган юрагим Момо Ҳавоси ёнимда йўқ эди... Мен ўзимни янгидан туғилгандай ҳис қилган шу кечада кўзларимга биринчи бор ўлим башараси кўриниб кетди.

Кўёш далаларга худди ана шундай ҳаёт бахш этади ва уларни ҳалок қилади.

ҲАЁТ ЧОРРАҲАСИ

Тун қоронғисида инсон яширинча қилган ҳамма нарса кун ёруғида ошкор бўлади. Сукунатда шивирлаб айтилган сўз одамлар орасида миш-мишларга сабаб бўлади.

Бугун биз қилинган ишни уйда яширишга ҳар қанча уринмайлик, эртага у кўчага ёйилади.

Тун шарпалари шу тариқа архиепископ Булос Ғолиб нима учун Форис Карамийни уйига чақирганини ҳаммага эълон қилдилар. Бу хабар еллар қанотида шаҳар бўйлаб тарқалди, менинг қулоқларимга ҳам етиб келди.

Ўша ойдin кечада архиепископ Булос Фолиб қашшоқлар ва бевабечоралар ҳақида гаплашгани чақиргани йўқ. Асло ундаймас. У шахсий ҳашаматли извошини жияни Мансурбек Фолиб учун Салманинг қўлини сўраш ниятида юборган эди.

Форис Карамий бадавлат одам эди. Унинг Салмадан бошқа меросхўри йўқ эди. Шунинг учун ҳам Булос Фолиб айнан Салмани танлаганди. На қизнинг гўзаллиги, на олижаноб қалб соҳибаси эканлиги, балки бойлик, отасининг афсонавий бадавлат эканлиги архиепископнинг шундай қарорга келишига сабаб бўлди. Булос Фолиб жиянининг келажаги ҳақида қайғурарди, чунки Мансурбек хотинининг беҳад бойлиги ёрдамида Байрут аъёнлари орасида муносиб ўрин эгаллаши мумкин эди.

Шарқда руҳоний дарғалар ўз амалига кўра фахр-ифтихор ва ҳокимият билан қаноатланмайдилар, балки қариндош-уруғларига бирор яхшилик қилишга, қандай йўл билан бўлмасин уларни бирор амалга миндиришга интиладилар. Улар эса одамлар устидан ҳукмрон бўлиб олгач, зўравонлик ва талон-тарожга эрк берадилар. Ҳурмат-эҳтиромдан амир фойдаланади. У ўлганидан кейингина бундай имтиёз тўнғич ўғилга ўтади. Диний раҳнамоларнинг яхши номи ва шон-шухратини улар ҳали тириклигидаёқ укалари ва жиянлари суистеъмол қила бошлайдилар. Насроний епископи, мусулмон имоми ва ҳинду браҳмани ҳам бу борада сира бўш келмайдилар.

Архиепископнинг илтимосига қария чуқур сукут сақлаш ва кўз ёшлари билан жавоб берди. Кўшни хонадонга ёки подшо саройига кетган қизидан айрилиб қолиш ҳақидаги фикрдан ким даҳшатга тушмаган, қайғурмаган дейсиз? Табиат қонунига кўра ўз фарзандидан жудо бўлган онанинг изтиробларини бир тасаввур қилиб кўринг-а? Қизини узатган ота-она ҳис этган туйғу ўғлини уйлантиргандаги қувонч ҳиссидан қолишмайди. Ўғилни уйлантирганда уйда янги инсон пайдо бўлади, қизни узатганда эса оиладан азиз жигаргўшанг чиқиб кетади. Бу воқеалар киши қалбида ширин ва аччиқ туйғулар уйғотиши табиий.

Салманинг отаси, барибир, архиепископ иродасига бўйсунди. Форис Карамий аслида бу никоҳга қарши бўлса-да, руҳоний куч билан унинг розилигини олди, никоҳга кўндирди. У Мансурбекни олдин учратган, одамлардан унинг очкўз, бузуқ ва шафқатсиз экани ҳақида кўп эшитганди.

Лекин Сурияда¹ қайси насроний епископнинг гапини рад этиши мумкин, диндош биродарлари кўз ўнгида обрўси бир пул бўлмайдими унинг? Маънавий ҳукмдор измига қарши бориб, пок номини ким ҳам асрай олади? Қария Булос Фолиб иродасига бўйсунмаганда Салманинг шаънига доғ тушмасмиди, унга қарши шубҳа ва иғволар авж олдирилмасмиди? Гийбатлар қанчадан-қанча бокира қизлар номини тупроққа булғамади, дейсиз? Ахир, ток зангининг юқори қисмидаги узум боши тулки учун “пуф сассиқ” эмасми?

Салма Карамийга тақдир шуни тақозо этди, бахтсиз шарқ аёллари карвонида ночор чўри мисоли етаклаб кетди. Шу тариқа олижаноб руҳ муҳаббатнинг оппоқ қанотларида, ой шуъласи ва хушбўй гуллар ҳидидан тўйиниб энди уча бошлаганида тўрга тушиб қолди.

Оталарнинг бойлиги қарийб ҳамма жойда болаларига бахтсизлик келтиради. Отанинг меҳнати билан тўпланган ва онанинг тежамкорлиги

¹ Ўша пайтлар Лубнон Туркиянинг бир вилояти ҳисобланган Сурия (Шом) таркибида бўлган.

билан кўпайтирилган омборлар меросхўрлар учун тор ва қоронғи зиндонга айланади. Пул сиймосидаги кўринишига одамлар топинаётган ўша буюк худо даҳшатли иблисга айланиб, дилларга қайғу, юракларга ҳалокат олиб келади. Салма Карамий кўплаб ўз сингилларига ўхшаб оталари бойлиги ва куёвлари очкўзлигининг қурбонига айланди. Агар Фарис Карамий бой бўлмаганида Салма ҳам барчамизга ўхшаб офтоб нурларидан яйраб яшаган бўлар эди.

Кунлар ўтиб борар, муҳаббат мени тарк этмасди. Севги тун бўйи менга бахт қўшиғини куйлар, тонготарда уйғотиб, ҳаёт маъносини ва турмуш сирларини очиб берарди. Юксак ишқ ҳасад нималигини билмайди, чунки у саховатлидир, танага ҳам изтироб етказмайди, зеро қалбнинг қаърида яшириниб ётади. Кучли эҳтирос зерикиш, жонга тегиш нималигини билмайди. Мустаҳкам боғлиқлик маънавий ташналикни қондиради.

Сехрли жодулар ерни мен учун лаззат манбаига, ҳаётни эса ажойиб рўёга айлантирди. Эрталаблари далаларни айланиб юрарканман, мангулик рамзи бўлган табиатнинг уйғонишини кўрдим. Денгиз соҳилида ўтирганимда тўлқинлар менга абадият қўшиғини куйлаб бердилар. Шаҳар кўчаларида сайр этаётиб, бахтли кишиларни учратдим. Меҳнат аҳли чехрасида бунёдкорлик нашидасини ҳис этдим.

Бу кунлар шарпалардай ўтиб, туман мисол тарқалиб кетдилар. Улардан менга изтиробли хотиралар қолди, холос. Баҳорнинг гўзаллигини, табиат уйғонишини кўриб ўрганган кўзларим энди фақат атрофимни куршаб турган қаҳр-ғазабни сезмоқда; тўлқинлар қўшиғини тинглаган қулоқларим фақат денгиз қаъри ингроғини ва тубсизлик йиғисини эшитаётир; одамлар меҳнатидан ва тамаддун улугворлигидан қувонган қалбим фақат камбағаллар бахтсизлигини ва етим-есирлар чеккан азобни ҳис этмоқда. Муҳаббат онлари нақадар гўзал, ўша дам орзулари мунчалар ширин; қайғу кечалари мунчалар маъюс ва унинг даҳшатлари нақадар буюк!

Ҳафтанинг охирида туйғуларим оғушида сархуш бир ҳолда Салма Карамий уйига йўл олдим. Муҳаббат билан сайқал берилган бу кошонанинг таърифига тил ожиз... Дарвозадан ўтиб, сўлим боққа кирганим замон, қандайдир куч иродамни ўзига бўйсундириб, мени эртаклар дунёсига бошлагандай бўлди, уйнинг олдига борганимдагина ўзимга келиб, аста қарадим.

Салма ёсуман бутасининг соясидаги ўриндиқда, худди тангри иродаси билан мен учун бахтиёрлик ва азоб онлари бошланган ўша оқшомдагидай ўтирарди. Мен индамасдан унга яқин бордим. Пайдо бўлганимдан ҳайратланмади ҳам, афтидан мени кутаётган эди. Унинг ёнига ўтиргач, Салма нигоҳини менга бир қадади-да, чуқур хўрсиниб, узоқ уфққа тикилди. У ерда эса оқшом чўкиб келаётганди...

Ниҳоят, Салма менга ўгирилди, совуқ, титраётган қўлини кафтимга қўйди. Унинг шивирлаб сўзлаши очликдан силласи қуриб, гапиролмай қолган одамнинг хириллашига ўхшарди.

— Менга бир қара, дўстим! Сабр-тоқатли ва эътиборли бўл — сен эшитишга ташна бўлган барча нарсани юзимдан уқиб оласан... Менга бир қара, севгилим... эътибор бер, оғажон!

Унинг юзидан кўз узмай, узоқ тикилдим...

Қизнинг кечагина кулиб турган кўзларини ғам қоплаганди. Офтоб табассумидан қувнагучи оқ нилуфар гулбарглари мисоли оппоқ бадани сарғайибди, умидсизлик пардаси билан қопланибди. Ширинлик атри таратувчи лаблари куз гулидай сўлибди. Нафис бўйни дилини ҳаяжонга солаётган ўйлар юкидан эгилибди.

Мен кўрдим — Салма ҳайрон қоларли даражада ўзгарибди. Лекин ўз қайғуси билан у янада гўзаллашибди. Худди паға-паға булутлар ой теграсини қуршаб, унга тагин ҳам мафтункорлик ва улуғворлик бахш этгандай. Унинг сирлари ҳар қанча изтиробли бўлмасин, қалбини безаб турган туйғулари юзига латофат бериб турибди. Агар у гапирмаса, ўй ва туйғуларини яширса, бунчалик ёқимли бўлмасди. Салма ўша оқшом ҳаёт алами ва қалб тотти қоришиб кетган олий сархушлик эса лиммо-лим косага ўхшарди. Ҳали ўзи ҳам билмай туриб, буни мен ўзимда билмасдим, шафқатсиз эр зулмига дучор бўлиш учун севимли ота уйидан кетадиган, ёвуз қайнона чўрисига айланиш учун меҳрибон она бағрини тарк этадиган шарқ аёлини тажассум этарди.

Мен Салманинг юзидан кўз узмасдим; унинг тўхтаб-тўхтаб нафас олаётганини эшитиб ўтирар, қалбида нималар юз бераётганини тушуниб, у билан бирга изтироб чекардим. Мана, вақт тўхтаб қолди, борлиқ йўқ эди гўё... Мен фақат унинг катта-катта очилган кўзларини кўриб турардим, улар гўё қалбим қаърига қараб туришарди, совуқ, титроқ қўллари билан мени пайпаслаётганини ҳис этдим... Бирдан қиз мени ҳушимга келтирди.

— Келинг, гаплашиб ўтирайлик, қадрдон дўстим, — деди Салма. — Ҳали бутун даҳшатлари билан бошимга ёпирилмаган келажакни бир тасаввур қилиб кўрайлик. Отам ҳозир то сўнгги манзил-мозоримгача ёнимда бўладиган одам ҳузурига кетди. Фалакнинг гардиши билан менинг дунёга келишимга сабаб бўлган инсон умрим охиригача амрида бўладиган кишим билан учрашгани кетди. Шаҳар марказида ёшлигимнинг ғамхўри бўлган қария билан яшашимга йўлдош бўлгувчи йигит учрашадилар. Бугун отам билан куёв тўй кунини белгилайдилар. Агар бу узоқ муддат бўлса-да, кутишимга оз қолди. Вақт ҳукмронлиги нақадар буюк! Бундан роппа-роса бир ҳафта бурун мана шу ёсуман тагида муҳаббат менинг қалбимга ташриф буюрганди, руҳимни ёритган эди, худди ўша дамда илоҳий тақдир Булос Фолибнинг уйида келажаким ҳақидаги илк сўзни айтган эди. Отам билан куёв тўйим учун гулчамбар тўқишган дамда эса, мен ёнимда сени кўриб турибман. Ҳозир сенинг қалбинг сувга ташна қуш мисоли бошим узра чарх урмоқда. Ташналигини қондирадиган булоқни эса даҳшатли аждарҳо қўриқлаб ётибди. Мунчалар қоронғи бўлмаса бу тун, мунчалар муҳамдир унинг сирлари!

Умидсизлик менга қора шарпа бўлиб кўринди. У бизнинг муҳаббатимизнинг бўғзидан олиб, уни бешигидаёқ бўға бошлади.

— Муҳаббатим қуши ўша булоқ тепасида чарх ураверади! — дея хитоб қилдим мен. — Айланаверади, токи қолдан тойиб ҳалок бўлмагунча ёки парча-парча қилиниб, унинг тўймас жигилдонида йўқ бўлиб кетмагунича!

Ҳаяжонланган қиз саси титроқ кумуш торлар сингари жаранглаб чиқди:

— Йўқ, дўстгинам! Қўйинг, қушча яшайверсин. Майли, ярим тунга қадар булбул сайрайверсин. Сайрайверсин, токи баҳор ўтиб кетмагунча, дунё йўқ бўлиб, мангулик бутунлай тугамагунча. Унинг қўшигини ўчирма — у менга жон бахш этади, қанот уришини тўхтатма — унинг силкиниши юрагимдан ғам-андуҳ туманини ҳайдайди.

— Қушча ташналик ва қўрқувдан ҳалок бўлиши мумкин, — дедим мен хўрсиниб.

— Руҳ ташналиги тўйинган жисмдан юксакдир, — шивирлади қиз титроқ лаблари билан. — Юракдаги ҳадик жисм оромидан енгилдир.

Менга қулоқ сол, севгилим! Мен янги ҳаёт бўсағасида турибман. Бироқ бу ҳаёт тўғрисида ҳеч нарса билмайман. Худди кўрга ўхшаб, деворни ушлаб юраман, чунки йиқилиб тушишдан қўрқаман. Мен — чўриман: отамнинг бойлиги мени қуллар бозорига олиб келди ва мени эркаклардан бири сотиб олди. Мен уни севмайман, чунки уни билмайман: севги билан билмаслик бир-бирига зиддир. Аммо мен севишни ўрганаман, эътиборли бўламан ва бўйсунаман, уни бахтиёр қилишга уринаман. Мен унга ожиза аёл кучли эркакка бахш этиши мумкин бўлган ҳамма нарсани бахш этаман. Сен бўлсанг ёшсан, ҳаётинг ҳали олдинда, йўлинг кенг ва равон, гуллар тўшалган. Сен ҳаёт саҳнасига юрагингни қўлингда ёнаётган машъаладай тутиб кирасан. Сенинг ўйлашга ва ҳис қилишга ҳаққинг бор, истаган ишингни қила оласан, ўз номингни ҳаёт китобига ёза оласан, чунки сен эркаксан. Сен бахтли бўласан, зеро, ота қашшоқлиги сени қулликдан халос этади. Камбағалнинг қизлар сотиладиган қуллар бозорига қиладиган иши йўқ. Умр йўлдошингни ўзинг танлайсан, у уйингга киришдан олдин юрагингда ўз ўрнини топади, турмуш ўртоғинг бўлишдан аввал ҳаётингда сен билан бирга бўлади.

Салма бир оз тин олди.

— Бизнинг йўлларимиз мана шу ҳаёт чорраҳасида ажралиб кетармикин? Сеники шон-шухратга, меники эса аёл мажбуриятларини бажаришга элтармикин? — деди ҳаяжон билан Салма. — Бизлар кўраётган ширин туш шу тариқа тугармикин? Денгиз бўзтўрғай бўзлашини ютармикин, шамол атиргул япроқчаларини сочиб юборармикин, оёқлар май тўла қадаҳни босиб янчармикин? Наҳотки ўша оқшом бизларга ой беҳуда нур сочган бўлса, наҳотки ўша ёсуман кўланкасида қалбларимиз бекорга учрашган бўлса? Ёки биз юлдузлар сари учишга шошилдикмикин ва толиққан қанотларимиз бизни тубсиз жарга қулатдимикин? Ёхуд ухлаётган муҳаббатни уйғотишдими ва у бизни ўз ғазаби билан жазоладими? Нафас олишимиз тун эпкинини ҳаяжонга солдимикин ё? Бундан у бўронга айланиб, бизни кукун мисоли учуриб юбордимикин? Наҳотки тақиқланганига қарамай, мевадан татиб кўрганимиз учун бизни жаннатдан қувишаётган бўлишса? Кўполлик ёки айёрлик қилдикми — шунинг учун бизга дўзах хавфи борми?.. Йўқ! Йўқ! Бизнинг оний учрашувимиз асрлардан улугвороқдир. Қалбимизни ёритган зиё зулматдан кучлироқдир. Ҳаёт бизни маҳв этди, лекин ўлим тирилтиради!

— Аёл юраги ёшига қараб ўзгармайди, — ишонтирарди мени Салма, — у табиат таъсирига бўйсунмайди. Узоқ вақт жон бериш талвасасида бўлса-да, ҳеч қачон ўлмайди. Аёл юраги чўлга ўхшайди. Эркак томонидан жанг майдони сифатида танланган бу чўлда у дарахтларни кўпориб ташлайди, майсаларга ўт қўяди, тошларга қон сачратади, тупроқни суяк ва бош чаноқлари билан тўлдириб ташлайди. Лекин ер барибир сукут сақлайди, тинч ва хотиржам бўлади; унда баҳор баҳорлигича қолади, куз-кузлигича, асрлар тугагунча шундай давом этаверади... Энди биз нима қиламиз, тақдир ўз сўзини айтиб бўлди-ку, ахир? Нима қилиш керак? Айт менга, нима қилай — қандай айрилай ва учрашувни қаердан излай? Севги бир дарвеш эдими, кечкурун бизга меҳмон бўлди-ю, тонг отиши билан жўнаб кетдими? Бу ҳафта бизлар учун сархушлик соати эдими ва ниҳоят тафаккуримиз мусаффо бўлдими... Бошингни кўтар, севгилим! Кўзларингни яхшилаб кўрай. Бирор нарса десанг-чи, азизим, овозингни эшитай, жоним. Айт менга, айт, мени унутмайсанми? Ҳаётим кемасини довул чўқтирганда ҳам мени эслайсанми? Тун қоронғусида қанотларим

силкинишини сеза оласанми? Нафасим тўлқинлари юзинг ва бўйнингни майин силаб ўтганини ҳис этасанми? Оғриқлардан қаттиқ инграганимда дарду фигонимни эшитасанми? Тонгги туманда тарқаб кетадиган тун шарпалари орасида менинг шарпамни кўрасанми? Айт менга, севгим, айт, кўзларимнинг, қалбимнинг қувончи, руҳим қанотлари, энди мен учун ким бўласан?

— Сен учун ким десанг, ўша бўламан, — дедим қалбимдан.

— Мени севишингни истайман, — деди Салма. — Сўнгги куним-гача, шоир ўзининг ғамгин ўйларини севгандай севишингни истайман. Йўлчи булоқнинг тиниқ сувига боқиб, уни ичишдан олдин аксини кўриб, ўзини танигандай, ёруғ дунёни кўрмай, она қорнида ўлган гўдак сингари мени эслаб юришингни истайман. Сен мен ҳақимда раҳмдил шоҳ ўз тутқуни ҳақида ўйлагандек ўйлашингни истайман. Биласанми, ўша тутқун шоҳ афв беришини кутмай жон берган экан. Менга оға бўл, дўст бўл. Отамни зиёрат қилиб тур, мен бу уйни тарк этгач, унга бегона бўлиб қоламан. У ёлғиз бўлиб қолади.

— Сенинг истагингни бажо келтираман, Салма, — дедим мен. — Руҳим сенинг қалбингни ўзига сингдиради, юрагим гўзаллигинга ошён бўлади, кўксим — қайғунг қабрига айланади. Экинзор баҳорни севгандай севгумдир сени, гул офтоб нури билан яшагандай, мен сенинг руҳинг билан яшайман. Водий қишлоқ черковлари кўнғироқлари жарангига акс-садо бергандай номингни такрорлаб яшайман. Соҳил тўлқинлар ҳикоясини тинглаганидай, мен қалбинг нидосини тинглаб яшайман. Юртидан ҳайдаган ёлғиз қувғинди ватанини, камбағал ноз-неъмат тўла дастурхонни, тахтдан ағдарилган шоҳ шон-шухратларини, шўрлик маҳбус озодлик кунларини қўмсаганидай, сени соғинаман, Салма. Уруғ сочувчи деҳқон бўлиқ бошоқлар ва бугдой ғарамларини, жонкуяр чўпон ям-яшил майсазор ва шарқироқ сойларни ўйлагандай, сени ўйлайман, Салма!

Қизнинг нигоҳи қоронғуликка қадалганди; “ух” тортиб қўяр, унинг юраги денгиз тўлқинларидай гоҳ тез-тез уради, гоҳ секинлашарди.

— Эртага, — деди у, — воқелик — рўёга, ҳақиқат — хаёлга айланади. Шайдо кўнғил иссиқ оғушлардан қониқармикин, хаёлот чашмасидан ташналигини қондира олармикин?

— Эртага, — дедим мен, — тақдир сени оиланинг сокин бағрига бошлайди, мени эса тутун бурқсиётган ва кураш кетаётган ҳаёт саҳнасига ташлайди. Сени ҳусну жамолинг ва бокиралигинг бахтиёр қиладиган ёринг уйи кутмоқда, мени эса ғам-андух. Сени ҳаёт кутаётир, мени — талваса; сени — хотиржамлик, аҳд ила паймон, мени — ёлғизлик ва узлат. Аммо ўлим соя солган водийда мен муҳаббат шарафига ҳайкал тиклайман ва унга топинаман; суҳбат кураман; у севгим ҳақида суҳбатдош бўлиб тавба-тазаррумни эшитади, кўшиқчи бўлиб кўнглимни кўтаради, шароб бўлиб чанқоғимни босади, кийим бўлиб танимни иситади. У мени эрталаблари уйғотиб, олис чўлларга бошлайди, туш пайтлари дарахтлар соясига етаклаб келади, у ерда мен қушлар билан бирга жазирамадан жон сақлайман, кечкурунлари ботаётган кўёшга боқиб, табиатнинг ёруғлик билан хайрлашувини кузатаман. Кечалари у мени оғушига олиб, рўё қанотларида севишганлар ва шоир руҳи яшайдиган осмону фалакларга олиб кетади. Баҳор чоғи биз у билан бирга қир-адирлар кезиб кўшиқ айтамыз, бинафша ва мойчечаклар қоплаган жойлардан ўтамиз, нилуфар ва нарғис гулларининг косачаларида тўпланиб қолган ёмғир сувларидан чанқоғимизни қондирамыз; ёз ойлари майсазорга чўзилиб, бошимизни похол боғламига қўйганча очик осмонга тикилиб ой ва юлдузлар билан

суҳбат қурамыз; кузда узумзорлар оралаб, узум тўла саватлар ёнида ўтириб, тилларанг кийимини ечаётган дарахтларга, соҳилга инти-лаётган қушларга суқланиб қараймиз; ўчоқ ёнида ўтириб бир-бири-мизга қадимги афсоналардан, мамлакатлар ва халқлар тарихидан сўзлаб берамиз. Муҳаббат менинг ёшлиқдаги устозим, балоғат ёшимдаги таянчим, кексалиқдаги дўстим бўлади. Муҳаббат умримнинг охири-гача мен билан бирга бўлади, ўлганимдан кейин эса Тангри қўли мени сен билан қовуштиради.

Бу сўзлар қалбимнинг энг тўридан отилиб чиқар, гулхан сингари гоҳ пасайиб, гоҳ авж олиб, чорбоғнинг бурчақларига сингиб кетарди.

Салма жимгина тинглаб ўтирар, кўзёшларидан юзи намиққан эди.

Севги қанот ато этмаганлар парвоз қилолмайди, осмону фалакка кўтарила олмайди; тилсимли дунё улар учун берк, ҳозир у ерда Сал-манинг ва менинг руҳларим тентираб юрибди. Кимни муҳаббат ўз эътиқодига буйсундирган бўлмаса, унинг ваъзларини тинглашга қодир эмас. Бу китоб улар учун ёзилмаган; унга кўз югуртириб, сатрлараро арвоҳлар ва химера¹ларни кўролмайдилар...

Салма бошини орқага ташлаб, қўлларини олдинга чўзди; лаб-лари титраб кетди, кўзлари катта-катта очилди, юзини мавҳумлик ва умидсизлик азоби қоплади.

— Не гуноҳим бор эди, ё Тангрим, не гуноҳим билан ғазабингни келтирдим? — хитоб қилди Салма. — Шу қадар даҳшатли жиноят со-дир қилдимми, абадий қасосингга маҳкум этибсан? Сен кучлига ожи-зани қийнаш не учун керак? Шу улугворлигинг билан тахтинг пойида эмаклаб юрганни топташ шартми? Сен уни ўзинг меҳр билан ярат-динг, яна шундай меҳр билан уни ҳалок қилмоқчисан! Ўнг қўлинг билан ўзингга яқинлаштириб, чап қўлинг билан ортга итқитасан. Эй Тангрим, муҳаббат билан менинг кўзимни очдинг ва кўр қилдинг, яна муҳаббат билан. Юрагимга оқ атиргулни ўтқазган ўзинг, унинг ён-верига тиконларни қадаган ҳам ўзинг. Руҳан мени ўзим севган йигит билан боғладинг-у, мен танимайдиган кимсани менга эрлик-ка раво кўрдинг. Бу ҳаёт-мамот курашига қандай бардош берай, ўли-мимга қадар қандай содиқ ва соф қолай? Сенинг измингга буйсуна-ман, Тангрим! Номинг мангу барқарор бўлсин!

Салма жим қолди. У сўзини давом эттираётган қиёфада эди. Бо-шини эгди, қўллари ҳолсизланиб осилиб қолди, елкаси букчайди. Бўрон узиб ташлаган дарахт шохи ана шундай ерда бемажол ётади, у энди қуриб-қовжирашга маҳкум. Мен унинг муздек қўлларини иссиқ кафтимга олдим-да, кўзларимга, лабларимга босдим. Салмани тагин қандай овута олардим? Менинг ўзим шафқатсиз изтиробда эдим...

Шу оқшом ҳеч қайси биримиз бошқа бирор сўз айтмадик. Дард ва алам юкидан тилларимиз калимага келмай қолди. Бизлар тошдек қотиб, лол турардик. Бир-биримизга дил изҳори қилишни бой бер-гандик. Асабларимиз шу қадар таранглашган, руҳиятимиз шунчалар зўриққан эдики, бирор сўз айтиш у ёқда турсин, ҳатто нафас олгу-дек бўлсак ҳам юрагимиз тарс ёрилиб кетадими, деган хавотирда эдик.

Тун ярмидан оғди. Сукунат янада ваҳимали тус олди. Санно тоғи ортидан кемтик ой кўтарилди. Жимир-жимир қилаётган юлдузлар қуршовида у атрофини хира шамлар ёритиб турган ўлим тўшагида ётган мурданинг бурушган юзига ўхшаб кўринарди. Шу топда Луб-нон ҳам йиллар юкидан букчайган қолни эслатарди. У ғам-андух

¹ Х и м е р а — юнон афсоналарида уч бошли ўтсочар баҳайбат махлук.

юкидан уйқуси қочиб қийналаётган, тахтидан туширилган қиролга ўхшарди. Тоғлар, дарахтлар ва дарёлар кечаю кундуз давомида ўз қиёфасини ўзгартирадилар. Фикри ва ҳиссиёти ўзгариб турувчи одам ҳам шундай. Терак кундузи келинчакка ўхшайди, кўйлаги елда ҳилпираб туради, кечкурун эса осмонга ўрмалаётган тутунга ўхшаб кўринади. Кундузлари тақдир зарбаси устидан кулаётган баҳайбат паҳлавонни эслатувчи қоя — кечалари очиқ осмон остида қуруқ ерда ўтирган камбағал бечорани эслатади. Эрталаб қумуш эритмасидай ялтираб, мангулик қўшигини куйлаб оқаётган ирмоқ кечалари боласини йўқотган она мисоли бўзлаб йиғлайди. Бундан бир ҳафта бурун, тўлин ой кечасида биз қувончдан яйраб ўтирардик, Лубнон эса бор гўзаллиги билан савлат тўкиб турарди. Энди бўлса осмонда кемтик ой тентираб юрибди, бизнинг юракларимиз оғриқдан инграр эдилар. Бир вақтлар улғувор кўринган тоғлар букчайиб, хира тортгандай кўринарди.

Биз ўрнимиздан туриб, хайрлашарканмиз, ўртамизда иккита улкан арвоҳ пайдо бўлди: бири — севги арвоҳи, бошларимиз узра каттакон қанотларини ёйди, иккинчиси — умидсизлик арвоҳи, тирноқлари билан бўйнимизга ёпишди; бири хўнграб йиғлар, иккинчиси ёвузона куларди. Мен жонсарақ бир аҳволда Салманинг қўлини ўпдим; у менга яқинлашиб, лабларини сочим толасига босди, кейин ўриндиққа ўтирди.

— Раҳм қил, ё Тангрим, барча қайрилган қанотларга қувват бер!

Богдан чиқарканман, эсим оғаётганини ҳис қилдим; қўл юзасини туман тўсгандай шууримни қалин парда қоплади. Йўл бўйида ердан чиққан арвоҳлардай дарахт соялари рақсга тушарди, ойнинг хира нурлари шохлар орасида ингичка камон ўқлари мисол титрар, худди жин руҳлари каби юрагимни нишонга олаётгандай бўларди.

Бутун борлиқ, ҳаётнинг бор маъноси, қалбнинг барча сирлари менга ёввойи, даҳшатли, бадбашара тарзда кўришиб кетди. Менга дунёнинг гўзаллигини ва ер мавжудотларининг қувончларини кўрсатган ўша маънавий ёруғлик оловга айланиб, юрагимни куйдира бошлади. Масрур овозларни бирлаштирган ўша қўшиқ уни илоҳий мадҳияга айлантириб, ушбу дамда шернинг ўкиригидан даҳшатлироқ наърага, тубсиз учурумнинг қичқириғига айланди.

Уйда мен ўзимни тўшаққа отдим, овчи ўқидан яраланган қуш, одатда, ерга ўзини шундай ташлайди. Қалбим даҳшатли ҳақиқат ва босириқли туш ўртасида типирчиларди. Хаёлимда Салманинг сўзларини такрорлардим: “Раҳм қил, ё Тангрим, барча қайрилган қанотларга қувват бер!”

ЎЛИМ ТАХТИДА

Ҳозирги кунда никоҳ — йигитлар ва қизларнинг оталари ўртасида тузиладиган кулгини қўзғатувчи ва аламдан йиғлатувчи битимдир. Биринчилар, яъни йигитлар, бу битимда ютиб чиқадилар, иккинчилар, яъни оталар, ҳамиша ютқизадилар. Қизларни эса бир буюм-мол сингари бир қўлдан иккинчи қўлга беради; шу билан улар бор қувончидан маҳрум бўладилар, уларнинг қисмати эски жиҳоз сингари уйларнинг қоронғи бурчакларида оҳиста сўниш бўлиб қолади.

Ҳозирги тамаддун аёлнинг ақлини бироз оширди, лекин унинг азобларини ҳам кўпайтирди, эркакнинг ҳирс-майллари учун янада кенгроқ йўл очиб берди. Кечагина у бахтиёр чўри эди, бугун бахтсиз бекага айланди. Кечагина у кўр, кундузи ёруғда юрарди, бугун эса

кўзи очик тун қоронғисида юрмоқда. У ўзининг нодонлиги билан гўзал, соддалиги билан меҳрибон, ожизлиги билан кучли эди. Энди бўлса ўзининг назокати билан бадбашара, дунёқарашида юзаки, хатти-ҳаракатларида режали бўлиб қолди. Аёлда гўзаллик ва оқилалик, назокат ва меҳрибонлик, тана ожизлиги билан қалб қуввати мутаносиблиги уйғунлашадиган кун келармикин? Мен маънавий равақ — инсоният йўли деб ҳисоблайман. Камолотга яқинлашув аста-секин бўладиган, лекин муқаррар жараёндир. Агар аёл бир соҳада олдинга силжиса-ю, бошқа соҳада орқада қолса, бу шунинг учунки, тоғ чўққисига олиб борувчи тик қияликда қароқчилар пистирмаси ва бўрилар ғори ҳам учраб туради. Бу кўтарилиш — уйғониш олдиан мудраб қолишдай бир гап; ўтган авлодлар хоки бу ерда келажак уруғлари билан қоришиб кетганидадир. Ажойиб шижоат ва майл туғдирадиган бу кўтарилишда қарийб ҳамма шаҳарда аёлни — келажак қизи рамзини учратиш мумкин. Байрутда шундай рамз Салма Карамий эди; бироқ у дунёга анча барвақт келган кўплаб қизлардан бири сифатида ўз даврининг қурбони бўлди.

Мансурбек Салмага уйлангач, улар Рас-Байрут даҳасининг бойлар ва шаҳар аёнлари яшайдиган соҳилдаги муҳташам уйга кўчиб ўтдилар. Форис Карамий ўзининг эски уйида бир ўзи қолди. Тўй кунлари ўтди, дабдабали тантана кечалари ортда қолди, асал ойи тугади, унинг аччиқ таъми қолди, холос. Бу шонли олишувлардан сўнг олис чўлларда қолган каллалар уюмини эслатади. Шарқ тўйининг тантанавор жаранги куёв ва келинлар қалбини юксак осмонларга олиб чиқади, улар кўкда бургутлар-ла қанот қоқадилар, лекин тез орада офир тегирмон тошларидай денгизлар қаърига чўкадилар. Уларнинг қувончи денгиз соҳилидаги тўлқинлар ювиб кетадиган излар сингари мустаҳкам эмас.

Баҳор ва ёз ўтди, куз кирди ва менинг Салмага бўлган муҳаббатим, дастлаб йигитнинг ҳаёт тонготарида гўзал аёлга қизиқиши сифатида етим боланинг мангуликка кетган онаси руҳини ўзига хос кўр-кўрона севишга айланди. Бутун вужудимни қамраб олган туйғу ғам-андухга эврилди. Кўзимдан ёш оқизган эҳтирос телбаликка айланиб юрагимни қон қақшатди. Ҳамдарлик ингроғи кўксимни тўлдириб, эҳтиросли дуога қўшилди. Ана шу дуо билан кўкка илтижо қилдим, Салма учун бахт, эри учун қувонч, отаси учун осойишталик тиладим. Лекин менинг тоат-ибодатларим ва илтижоларим беҳуда кетди — Салманинг бахтсизлиги шундай руҳий хасталик эдики, уни фақат ўлим билан даволаса бўларди. Унинг эри дунёда ҳамма нарсани текинга оладиганлардан бири эди. Ҳаётни ёқимли қиладиган ҳамма нарса унинг жон-дили эди; бунақалар ўзида бор нарса билан кифояланмасди, ҳаммаша бировнинг мулкига кўз тикадилар, ўз умрларининг охиригача очкўзлик билан яшайдилар. Ундан Фарис Карамий учун осойишталик сўраш ҳам бефойда эди. Чунки куёв келиннинг кўлини олиши билан улкан сеп-сидирға соҳиби бўлди. Лекин бечора қарияни унутдигина эмас, ўз ҳолига ташлаб қўйди. Айни чоғда чолнинг қолган бойлигини ҳам ўзлаштириб олиш учун унга ўлим тиларди.

Мансурбек феъл-атвори билан архиепископни эслатарди; афтидан у амакисининг кичик нусхаси эди. Булос Фолиб ўз мақсадларига роҳиблик кийимини ниқоб қилиб эришарди, кўксига осилиб турган олтин хоч ҳимоясида очкўзлик қиларди. Унинг жияни буларнинг ҳаммасини кўпол ва ошкора амалга оширарди. Архиепископ эрталаблари черковга борар, қолган вақтини етим-есирлардан пул ундиришга сарфларди, жияни эса умрини айш-ишратда ўтказарди.

Яқшанба кунлари архиепископ черков минбаридан ўзи ишонмайдиган нарсани тарғиб қиларди, ҳафтанинг қолган кунларини сиёсий найрангларга бағишларди. Мансурбек бўлса, дам олиш нималигини билмас, амалга олиниш ва хизмат мартабасига кўтарилиш илинжида юрганлар орасида амакисининг нуфузини пуллаш билан овора эди. Биринчи ўз қинғир ишларини тун қоронғисидан фойдаланиб амалга оширувчи ўғри, иккинчиси кун ёруғида дадил ҳаракат қилувчи ёлғончи эди.

Чорва моллари йиртқич оғзида ёки қассоб пичоғи тигида ҳалок бўлгани сингари халқлар ўғрилар ва ёлғончилар дастидан ўлиб кетдилар. Шарқ миллатлари шу тариқа ўзларини мунофиқ қусурли тарафдорларига бахшида этадилар; ортга қайтиб эса жарга қулайдилар ва тақдир зарбалари остида кулга айланадилар. Агар мен ўз ҳикоямни бечора аёл тарихи ва севгига дучор бўлган изтиробли юрак хом-хаёлларига бағишлашга қарор қилган эканман, бахтсиз миллатлар ҳақида гапиришга нима мажбур қилаяпти? Бахтсиз ва эзилган халқлар ҳақида ўйлаганимда нега кўзларимга ёш қалқийди. Энг гуллаган ёшида ўлим ҳаётдан олиб кетган ожиза аёлни эслаб гапирганимда нечун йиғлагим келаверади. Лекин шу аёл эзилган миллатнинг рамзи — эмасми, ахир? Жон шиддати ва тан кишанлари билан тилка-пора қилинган аёл ҳукмдорлар ва дин хизматчилари қийнаган миллатга ўхшамайдимиз? Соҳибжамол аёл гўрига олиб кетувчи сирли бўронлар миллат ҳаётини тупроқ билан қўмгувчи довул эмасми? Миллат учун аёл — чироқ учун оловдай гап. Агар чироқда мой кам бўлса, аланга кучсиз бўлмайдимиз?!

* * *

Куз ўтди, шамол дарахтлар баргини учуриб кетди, зерикарли, йиғлоқ қиш кирди. Мен Байрутда қолдим, дўстларим билан орзу-армонларга кўмилиб яшардик. Орзулар бизни юлдузларга олиб учса, армонлар юрагимизни қора ерга урарди.

Ғам-андух-ла кўмилган қалб ёлғизлик ва узлатда ором олгиси келарди; у ярадор оху подадан қочиб, ғорда яшириниб тузалиб кетиши ёки ўлимини кутгандай тўдадан узоклашиб, ёлғизликни кўмсаб қолади.

Бир кун менга Флорис Карамий бетоб эканини айтишди. Мен узлатдан воз кечиб, уни кўргани бордим. Озиб-тўзиб кетган чол тўшақда ётарди. Ич-ичига тушиб кетган кўзлари зулмат чўккан ўрани эслатарди. Уларнинг тубларида азоб ва оғриқ арвоқлари дайдиб юргандай эди. Яқиндагина қувонч ва эзгулик акс этиб турган юзини ажин босиб, хиралашганди. Йирик-йирик қўллари шу қадар озиб кетган эдики, бармоқларининг бўғимлари яққол кўзга ташланиб турарди.

Соғлиғингиз қандай, деб кўнгил сўрадим. У буришган юзини менга ўғирди, лабларида ғамгин жилмайиш кўринди, қаердандир олислардан эшитилаётган ожиз товушда деди:

— У ерда, эшик ортида Салма. Далда бер унга. Кўз ёшларини артиб, бу ёққа бошлаб кир. Ёнимда ўтирсин...

Салма диванда, юзини ёстиққа босиб ётган экан. Отасининг тинчи бузилмасин деб, хўнграб юборишдан ўзини зўрға тутиб турарди. Мен аста унга яқинлашиб, номини айтиб чақирдим. Нафасим зўрға чиқди. У асабий титраб кетди, худди даҳшатли тушдан уйғониб кетгандай бўлди, оҳиста ўрнидан турди. Менга ғалати қараш қилди, менинг нега бу ердалигимни тушунмай, арвоқ деб ўйлади, шекилли.

Чуқур сукутда бир неча дақиқа ўтди. Бу сукунат бизларни бахтдан маст бўлган дамларимизга қайтаргандай эди. Салма бармоғининг учи билан ёшини артди.

— Кўраяпсанми, замон нақадар ўзгарган, — деди ўкиниб Салма. — Кўраяпсанми, тақдир бизни қандай алдади, мана шу даҳшатли мағорага олиб келди? Кеча бизларни баҳор муҳаббат билан боғлаган жойда, айна қишда, жон бераётган киши тўшаги ёнида учрашдик. Қандай равшан эди ўша кун ва қанчалар қоп-қора бу кеча!

Шу иборанинг охирини мен зўрға эшитдим. Салманинг бўғзига тикилиб келган йиғи унинг гапларини чувалаштириб юборди. У қўли билан кўзларини беркитди.

— Биз бўрон олдида миноралардай дадил турамиз, — шивирладим мен унинг сочларига тикилиб, — ғанимлар қиличини кўкраги билан тўсган жангчилардек турамиз. Мағлуб бўлсак жафокашлардай жон берамиз, ғолиб келсак қаҳрамонлардай яшаймиз... Жабру ситамлар олдида бош эгмай яшаган жонлар қийноғи тинчлик ва осойишталик бўлган жойга қочишдан кўра мардоналикдир. Чироққа урилиб, ўша заҳоти ўлиб кетадиган парвона қоронғи уясида узоқ йиллар тинчгина яшайдиган кўрсичқондан устундир. Қиш совуғига ва табиат инжиқликларига бардош беролмайдиган уруғлар ерга илдиз отиб, ҳамал гўзаллигидан қувона олмайдилар. Қуёшга тик боқиб, тошлоқ йўлдан дадил қадам ташлаб борайлик: қоялар орасида сочилиб ётган калла суяклари ва буталар орасидан ўрмалаб чиқадиган илонлар билан нима ишимиз бор! Агар кўрқувдан ярим йўлда тўхтайдиган бўлсак, тун арвоқлари бизни ёвузона қичқириқ билан қарши оладилар. Агар чўққига дадил чиқиб борсак, биз билан бирга макон руҳлари ғалаба мадҳини куйлайдилар! Ўзингни қўлга ол, Салма, кўзёшларингни арт ва қайғунгни яшир. Отанг бизларни кутаяпти, олдига кирайлик. Сен — унинг ҳаётисан, унинг соғлиғи — сенинг табассумингда.

Салманинг нигоҳида назокат ва алам бор эди.

— Мендан сабр-бардошли ва қатъиятли бўлишни сен талаб қилаяпсанми? Ахир ўзингнинг кўзларинг умидсизлик ва изтироб билан лиммо-лим-ку? Ўзи оч камбағал бошқани тўйдира олмайди. Ўзини даволай олмаган кимса бошқа беморни даволай оладими?

Салма отасининг ётоқхонасига кирди. Мен унга эргашдим. Биз беморнинг бош томонида ўтирдик. Қиз зўраки жилмайди, қария ўзини тетик кўрсатишга ҳаракат қилди. Қизнинг бахтсизлигидан юрак-бағри эзилган касал отанинг, падарининг бетоблигидан ларзага тушган севгучи қизнинг дарду аламлари муҳаббат ва ўлим олдида бирлашди.

Менга ўзим учун ҳам, улар учун ҳам алам қиларди. Тақдир учаламизни бирлаштирган эди, у бизларни куйдириб кул қилди.

Қария ўгирилиб қизига қўлини узатди.

— Қўлингни қўлимга қўй, — деди ота қизига.

Салма унга қўлини тутди. Ота қизининг қўлини эркалаб, бармоқлари билан қисди.

— Яшаш мени чарчатди, болагинам, — деди ота. — мен узоқ умр кўрдим. Ҳаёт лаззатларидан бенасиб бўлмадим, вақтимни беҳуда ўтказганим йўқ. Болалигимда капалаклар кетидан қувишни яхши кўрардим, ўсмирлигимда севдим. Ёшим улғайганда пул топдим — ҳамиша омадим чопган, ошиғим олчи эди. Мен онангни йўқотганимда, Салма, сен ҳали уч ёшга ҳам тўлмагандинг. Онанг менга бебаҳо ҳазина — сени қолдирди. Сен жуда тез улғайдинг, чехрангда онангнинг юзи акс этди. Юриш-туришинг, хатти-ҳаракатинг билан онангни эслатиб турардинг. Мен энди қаридим, мункайган чолга айландим, чолларнинг дунёси эса ўлимнинг юмшоқ қанотларида бўлади. Қайғуни қув, қизгинам, мен сени вояга етказдим, ўлганимдан кейин ҳам сен билан бўламан. Бугун ўламанми, эртагами ёки кейинроқ, барибир, ёнингда бўламан...

Ҳаётимиз кунлари кузги япроқларга ўхшайди, ҳар томонга учиб кетади. Агар мен мангуликка сал олдинроқ кетсам, демак, фақат шунинг учунки, менинг руҳим онанг билан учрашишни соғиниб қолган...

Қария қўлини ёстиги тагига тиқиб, олтин суви югуртирилган рамкадаги эски суратни олди.

— Яқинроқ ўтир, қизим, — деди у ёдгорлик суратдан кўзини узмай. — Сенинг онанг мана шунақа эди. Бу унинг қоғозда акс этган сояси, холос.

Салма отасига яқинлашди, кўзёшини артди, тасвирдаги чеҳрани яхшироқ кўриш учун унга тикилди — у худди қўзғудагидек, ўз аксини кўриб турарди. “Она! Онажон!” дея шивирлади Салма, сўнг суратни титраётган лабларига босди...

“Она” — инсон лафзидан айтиладиган энг нафис сўз бу, энг ёқимли мурожаатдир бу. Муҳаббат ва умидга тўла бу қисқа сўз инсон юрагининг энг нафис ифодасидир. Она — ҳаётдаги ҳамма нарса шу биргина сўзда мужассам, бошинга ғам тушса, ҳамдард бўлади, умидсизликда ишонч уйғотади, ўзингни жонсиз сезсанг куч бағишлайди; у назокат, раҳм-шафқат манбаи; онасини йўқотган одам, кўкрагига бош қўйган инсондан, кўзи билан ҳимоя қилган, қўли билан оқ фотиҳа берган кимсани йўқотади.

Табиатдаги ҳамма нарса оналик рамзидир. Куёш — ернинг онаси, уни ўз ҳарорати билан иситади, нури денгиз тўлқинлари шовуллаши, ирмоқлар шилдираши, қушлар сайраши билан аллалайди; ер — дарахтлар ва гуллар онаси, уларни ўстиради, озиклантиради; улар эса ўз навбатида ширин мевалар ва ҳаётбахш уруғлар онасидир; бутун мавжудотнинг онаси эса гўзаллик ва муҳаббат ҳосиласи — мукамал, абадий сўнмас руҳдир.

Салма Карамий онасини билмасди, у гўдаклигидаёқ ўлиб кетганди, лекин унинг суратини кўриши билан “Онажон!” деб хитоб қилди. Уруғ ер бағрида яширин бўлганидек, бу сўз ҳам қалбимизда яширин, у қайғу ва қувонч пайтидагина тилдан отилиб чиқади. Хушбўй ҳид атиргул юрагидан ана шундай отилиб чиқиб, атрофга ёйилади.

Салма онаси суратидан кўз узмай тикилар, уни эҳтирос билан ўпар, сўнг кўксига босарди. Кейин отаси ёнига чўкди. Форис Карамий унинг сочини силади.

— Сен онангнинг қоғоздаги сиймосини кўрдинг, холос, — деди у. — Энди диққат билан эшит, мен сенга унинг бир суҳбатини айтиб бермоқчиман.

Салма бошини кўтарди. Бутун вужудини қулоқ қилиб отасини тинглашга тайёрланди.

— Онангни отаси қазо қилганида сени ҳали кўкракдан айиришмаганди, — деб бошлади қария. — Бу йўқотишдан онанг жуда қайғуда эди. Дафн маросимидан қайтишимиз билан, онанг мана шу хонада ёнимга ўтириб, қўлларимни кафтига олди.

— Отам ўлди, Форис, — деганди ўшанда онанг, — лекин ёнимда сен борсан, бу менга далла беради. Отаси ўлганда онанг шундай деган эди, Салма. Мен бу дунёни тарк этсам, сен ҳам шундай дейишинг керак.

— Онам отасидан жудо бўлганида, — деди андуҳ билан Салма, — унинг ёнида сиз бор эдингиз. Сиз бу оламдан кўз юмсангиз, айтинг ёнимда ким бўлади? Онамнинг отаси вафот этганида, унинг ёнида содиқ ва севимли, муносиб эри бор эди. Унинг отаси оламдан кўз юмди, лекин ёнида қизчаси бор эди. Сизга бирор нарса бўлса,

менинг ёнимда ким бўлади, отажон? Сиз менга ҳам ота, ҳам она эдингиз, болалигимда дўстим, ёшлигимда устозим бўлдингиз — бундай йўқотишни ким қоплай олади?

Салма ёш тўла кўзларини менга ўгириб, ўнг қўли билан енгимни ушлади.

— Мана, менинг яккаю ёлғиз дўстим, отажон, — деди у.— Сиз вафот этсангиз, менинг ёнимда фақат шу бўлади. Лекин бундан менга қандай наф бор, унинг ўзи ҳам изтиробда-ку, ахир? Изтиробдан ўзи тарс ёрилай деб турган юрак бошқага қандай далда бериши мумкин? Ғамдан адо бўлган кўнгил бошқанинг қайғусидан енгил тортармиди? Қанотлари қайрилган кабутар учолмайди. Бу — менинг дўстим, лекин ўз қайғум билан уни ғамга ғарқ этдим. Бу — менинг акам, ҳамма акалар сингари у ҳам қайғумга ҳамдард бўла олади, лекин бошимга тушган ташвишимдан қутқара олмайди. Биз биргаликда йиғлаймиз, бундан кўзларимиз ёши янада аччиқлашади, юрак дардимиз янада кучаяди.

Салманинг ҳар бир сўзи менинг ҳаяжонимни оширарди; ҳис-туйғуларим кўксимга сиғмай кетарди... Қариянинг боши ёстиққа чўкиб борарди, унинг толиққан қалби шамолда титраётган чироқ алангасини эслатарди.

— Қўй энди, мен хотиржам омонатимни топширай, жон қизим, — дея шивирлади қария, қизининг гапдан тўхташига имо қилиб. — Онанг мени чақираяпти, Салма, энди мен бора қолай, қизим. Ҳамроҳ шамол эсиб қолди, кема елканларини кўтарди ва сузишга тайёр. Рулга ёпишиб уни тўхтатишга уринма, қизим! Мен тириклигимда сени севардим, болагинам, ўлганимда ҳам севаман. Сенга мадад бериш ва ҳимоя қилиш учун руҳим ҳамиша ёнингда бўлади.

Қария менга ўгирилди. Кўзлари ярим юмуқ эди. Сўзларидан ўлим уфуриб турарди.

— Сен, ўғлим, Салма учун ака бўл. Ахир, сенинг отанг менга ота ўрнида эди. Қизимнинг ёнида бўл, нима бўлишидан қатъи назар, унинг дўсти бўл. Унинг ғам чекишига йўл қўйма. Ўлганлар учун аза тутиш — адашган болаларимизнинг одати. Қизимга қизиқ-қизиқ воқеалардан гапириб бер, ҳаёт мадҳини куйла — овуниб, ғам-андуҳни унутади... отанга айт, мени хотирласин. Ундан сўрасанг, ёшлигимда қандай бўлганимни айтиб беради... Шунини билиб қўйсинки, уни сенинг қиёфанга сўнгги нафасимгача яхши кўрганман...

Чол жилмайиб қолди, нигоҳи иккаламинга қараб турарди.

— Дўхтирни чақирманглар, — шивирлади у, — берган ҳапдорилар тутқунлик онларимни узайтиради, холос. Қуллик даврим ўтди — руҳим эркинлик кенгликларига интилмоқда. Агар гуноҳим бўлса, жон таслим қилмай ётганим билан уни юволмайман, борди-ю, соф бўлсам ҳам жаннат эшиклари мен учун муддатидан олдинроқ очилмайди. Фол очиш билан юдузлар йўналишини ўзгартиб бўлмаганидек, кишилар ибодати билан тангри иродасини қайтариб бўлмайди. Мен ўлгач, дўхтирлар ва руҳонийлар билганларини қилишсин. Тўлқин тўлқинни чақиради, аммо кема, барибир, соҳилга қараб сузаверади...

* * *

Шу даҳшатли тунда Форис Карамий зулмат талвасасига тушиб, сўнгги бор кўзини очди. Унинг нигоҳи Салмага қадалди. Қизи унинг тўшаги ёнида тиз чўкиб турарди. У нимадир демоқчи эди, лекин айтолмади, чунки уни ўлим овоздан маҳрум этганди. У фақат нафас олди, шивирлаши зўрға эшитилди:

— Тун ўтди... Тонг отди... Салма... Салма...

Унинг боши кўксига тушди, ранги оқарди, лабларида жилмайиш қотиб қолди. Форис Карамий жон берди.

Салма отасининг қўлларини ушлади. Муздек эди... Қўллар синган қанотлардек осилиб турарди.

— Раҳм қил, ё тангрим, — шивирлади Салма ерга таъзим қилиб, — барча қайрилган, синган қанотларга раҳм қил!

* * *

Форис Карамий вафот этди, мангулик унинг жонини ўз оғушига олди. Мансурбек унинг бойлигига эга бўлди, қизи ўз бахтсизлигининг асирасига айланди...

Мен бўлсам, хом хаёллар ва ташвишларнинг айқаш-уйқаш йўлларида адашиб юрардим, вақт мени йиртқич ўлжасини тилка-пора қилгандай азобларди. Китоб ўқиб, овунай деб ҳар қанча ҳаракат қилмай, фойдаси бўлмади, қайтанга оловни ўчираман деб унга мой қуяётгандай бўлардим. Авлодлар сафида мен негадир фақат қора сояларни кўрардим, кўшиқларида фақат инграш ва йиғиларнигина эшитардим. “Иова китоби” мен учун Довуднинг ажойиб оятларидан гўзалроқ, “Иеремиянинг йиғиси” Сулаймоннинг “Кўшиқлар кўшиғи”дан яхшироқ, Бармакийлар фожеаси Аббосийлар улғуворлигидан яқинроқ, Ибн Зурайка қасидалари Хайём рубоийларидан ёқимлироқ, “Ҳамлет” — бутун француз адабиётидан устунроқ эди.

Гам-алам кўзимизни шу қадар хиралаштириб қўядики, биз фақат кўрқинчли арвоқларнигина кўрамыз. Худди шунга ўхшаб, умидсизлик кулоқларни кар қилиб қўяди ва биз фақат ҳаяжонланган юракларимизнинг уришинигина эштамиз, холос.

ИСО МАСИҲ БИЛАН АСТАРТА ЎРТАСИДА

Байрут чеккасидан Лубнон тоғлари этакларигача чўзилган боғлар ва адирлар ўртасида эски бутхона бор. Қояга ўйиб ишланган бу кичик ибодатхонани тол, зайтун ва бодом дарахтлари тўсиб туради. Бу муқаддас жой катта йўлдан ярим чақиримча четроқда. Унинг мавжудлигини камдан-кам одам билади. Суриядаги бунга ўхшаш диққатга сазовор тарихий жойлар унутилган. Улар археологлар кўзидан йироқ бўлгани учун ҳам дарвешлар ва савдойи ошиқлар учун бошпана бўлиб қолган.

Мазкур бутхонага келувчилар унинг шарқий деворидаги, афтидан финикийлар томонидан ишланган нақшни кўрадилар. Тақдир тақозоси билан бу барельефнинг айрим чизиқлари ўчган, йил фасллари унинг рангини ўзгартириб юборган. Лекин унда севги ва гўзаллик маъбудаси Астарта¹нинг тасвирини илгаса бўлади. Муҳташам тахтада ўтирган маъбуда атрофидан еттига яланғоч қиз жой олган. Улар турли ҳолатда тасвирланган. Қизлардан бири қўлида машъала, иккинчиси — кифара, учинчиси — ладандон, тўртинчиси — шаробли кўза, бешинчиси — атиргул шохи, олтинчиси — дафна чамбари, еттинчиси — ўқ-ёй ушлаб турибди. Уларнинг юзлари итоаткорона Астартага қаратилган.

¹ А с т а р т а (Иштар) — ғарбий семит афсоналарида ишқ, никоҳ ва ҳосилдорлик маъбудаси.

Бошқа деворда анча кейинроқ ишланган барельеф аниқ кўриниб турибди: хочга тортилган Исо атрофида мотамсаро она Мария Магдалена, яна иккита аёл унга аза тутишяпти. Ушбу барельеф Византия услубида, афтидан, бешинчи ёки олтинчи асрда ишланган.

Ғарбий деворда — иккита думалоқ дераза, кечқурунлари шу деразалар орқали бутхонага қуёш нури тушади, барельефлар тилла билан қоплангандай кўринади.

Бутхона ўртасида тўртбурчакли устун бўлиб, қирралари қадимий ўйма нақш билан безатилган; нақшнинг у ер-бу ерида қотиб қолган қон кўзга ташланади, демак, қадимги ибодатчилар бу жойда қурбонлик сўйганлар, қонга шароб, гул ёғи ва мой қўшиб нақшга ишлов берганлар.

Ибодатхонада жимлик ҳукм сураб, бундан кишини ваҳима босарди, унда сеҳрли мафтункорлик бор эди, у қадимги воқеаларни сўзсиз ҳикоя қилар ва бундан қалблар ларзага тушарди. Чунки бу ҳикоялар халқлар ҳаётидан сўзларди, бир эътиқоддан иккинчисига ўтишларни баён этарди. У шоирни бу дунёдан олис дунёга жалб қиларди, файласуфни инсон эътиқодли қилиб яратилган ва у кўзга кўринмайдиган нарсани ҳам илғай олишга қодирлигига, ҳаёлидагини сўзда, оҳангда ва ҳайкалларда ифодалай олишга ишонтиришга уринарди.

Ана шу кўздан нари бутхонада мен ойда бир марта Салма Карамий билан учрашиб турардим. Биз соатлаб деворлардаги тасвирларни кузатардик, бундан кўп асрлар бурун Голгофада хочга тортилган қахрамон ҳақида ўйлардик, Астарта сиймосидаги гўзалликка сифиниб яшашган ва севишган финикиялик йигит ва қизлар қиёфасини тасаввур қилишга уринардик.

Бизнинг учрашувларимизни сўз билан ифодалаш қийин. Зеро бу учрашувлар лаззат ва азобда, қувонч ва қайғуда, умид ва афсусда ўтарди. Одамни инсон, ҳаётни эса мангу жумбоқ қилувчи ҳамма нарса шу висол дамларида акс этарди. Буни эслашни ўзи жуда ҳам оғир.

Уша эски бутхонада учрашиб, биз шундоқ эшик олдида, елка билан деворга суяниб ўтирдик. Ўтмишни эслаб, ҳозирги кунимиз тўғрисида гаплашардик, келажак ҳақида даҳшатга тушиб фикр юритардик. Юрагимизга тош бўлиб чўккан дардимизни баҳам кўрардик; бир-биримизга далда берадиган сўзларни топишга интилиб, умид чўнтақларини ширин хомхаёллардан тозалашга уринардик. Ниҳоят ҳаяжонларимиз босилиб, кўзёшларимиз қурирди, юзимизга ранг кирарди; дунёдаги ҳамма нарсани унутиб, севги шаробидан сархуш бўлиб, бир-биримизга қучоқ очардик... Эсимда, Салма сочларим толасини ўпар, мен унинг бармоқларини лабларимга босардим...

Учрашувларимизда завқ-шавқ ва шикоятлардан ташқари бошқа нарсалар ҳам бўларди. Тез-тез, буни ўзимиз ҳам сезмаган ҳолда умумий мавзудаги суҳбатга ўтардик: гап бу галати дунёда нималар бўлаётгани тўғрисида, адабиёт ва ёзувчилар ҳақида, китоблар ютуғи ва камчилиги, фалсафий ва ижтимоий муаммолар ҳақида борарди. Салма аёлларнинг жамиятдаги ўрни, ўтмишнинг унинг дунёқарашига таъсири, ҳозирги замон никоҳи, унга хос камчиликлар хусусида баҳслашишни яхши кўрарди. Эсимда, бир сафар шундай деганди: “Ёзувчилар ва шоирлар аёлни тушунишга ҳаракат қиляпти, лекин аёл қалбининг сирлари уларга бегона. Чунки улар аёлга лаззатланиш пардаси орқали қараяптилар, қараганда ҳам фақат баданини кўраяптилар, ёхуд бу хилқатни нафрат микроскопи остида текшириб, фақат бўйсунуш ва ожизликни ҳис этмоқдалар”.

Бошқа бир сафар, кўли билан барельефни кўрсатиб, деди: “Ушбу қоя юрагида авлодлар кўли билан икки рамз ўйиб ишланган. Улар аёл туйғусини аниқ ифодалайди. Бу рамзларда ишқ билан изтироб, тантана ва қурбонлик ўртасида саргардон аёл қалби сирлари акс этиб турибди. Тахтда ўтирган Астарта билан хоч олдида турган Мария ўртасида тентираётган аёл қалби сирлари ошқор этилапти... Эркак шон-шухрат ва буюклик соҳиби бўлади, донг таратади, лекин бунинг жазосини аёл тартади”.

Бизнинг учрашувларимизни худо ва боғлар устида учиб юрган қалдирғочлардан бошқа ҳеч ким билмасди. Салма извошда Пошо боғи деган жойга келар ва у ердан кимсасиз йўлак билан висол жойига йўл оларди. У кўлида соябон, оҳиста келиб ибодатхонага кирганда, мен чинакам эҳтиросдан ва ташналик туйиб, ўша ерда уни кутиб турган бўлардим.

Бизларни кўриб қолишади деб кўрқмасдик, виждон азобини ҳис этмасдик. Чунки оловда тозаланган ва кўзёшлари билан ювилган қалбларимиз кишилар айб ва шармандалик деб атайдиган тушунчалардан устун эди; қалбларимиз куллик қонунлари ва урфларидан озод эди. Зеро, бундай қонунлар инсон қалби туйғулари учун анъналар томонидан ўрнатилган эди.

Инсоният етмиш аср давомида чирик қонунларга бўйсуниб яшади, фалакнинг мангу ҳақиқатлари маъносини англамай яшади. Инсон нигоҳи шаклларнинг хира ёруғида ўрганиб, қуёш нурларидан кўзи қамашди. Кўнгил хасталиги ва яралари авлоддан авлодга ўтиб, инсон мижозининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Одамлар энди бундай касаллик ва жароҳатларни дард эмас, балки юқоридан юборилган табиий, олижаноб ожизлик деб қарамоқдалар. Бундай иллатлардан озод одамларни эса мажруҳ, маънавий етукликдан мажрум деб ҳисоблайдилар.

Қонуний эри уйидан чиқиб, учрашувга бораётган Салма Карамий ўз номига доғ туширишга уринаётганлар ожиз, хаста мижозли одамлар қаторига киради; улар учун соғ одамлар жиноятчилар, руҳан тектиклар эса исёнчилар ҳисобланади; улар кундузги кун ёруғида йўловчилар оёғи остига тушиб қолишдан кўрқиб, қоронғида ўрмалаб юрган ҳашаротларга ўхшайдилар.

Ноҳақ қамалган маҳбус — кўрқоқ, у ўз қамоқхонасининг деворини бузиши мумкин, лекин бунга ботинолмайди. Салма Карамий маҳбус эди, у озодликка чиқишга ботина олмади. Шундай экан, уни ўз қамоқхонаси деразасидан яшил далаларни мириқиб томоша қилди деб айблаш адолатданми? Бутхонада муқаддас Астарта ва хочга тортилган Исо ўртасида мен билан учрашиш ниятида эри Мансурбек уйини тарк этгани учун уни хиёнатчи деб ҳисоблаш керакми? Одамлар истаганини гапираверишсин. Салма уларнинг чирик қалблари ботган ботқоқликни босиб ўтиб, бўрилар увлаши ва илонлар вишиллаши етмайди-ган дунёга қадам қўйди. Мен ҳақимда ҳам истаганча гапираверишсин. Улимнинг юзига тик қараган кимса қароқчилар кўзига қарашдан кўрқмайди; боши узра сермалган қилични кўрган аскар кўча болаларининг унга тош отишларига парво қилмайди.

ҚУРБОН

Бир куни, июл ойининг охирларида, Байрут аҳолиси иссиқдан жон сақлаш учун тоғларга йўл олганда, мен, одатдагидек, бутхонага жўнадим; Салма билан учрашажагимдан қувониб борардим, ёнимда Андалуз шоирларининг шеърлар китоби ҳам бор эди. Мен уларни ўқишни яхши кўрганим учун кўлимдан қўймасдим.

Мен таниш жойга тонг ғира-ширасида етиб келдим ва одатдагидек эшик олдида ўтирдим. Бу ердан лимонзорлар оралаб ўтадиган йўлак кўриниб турарди. Ҳар замон-ҳар замонда китоб варақлаб, менга ёқиб қолган шеърларни ўқиб кўярдим; амирлар, шоирлар ва аскарларни эсладим. Улар Севилья, Курдоба, ва Гарнатани тарк этгандилар, боғлар, мачитлар ва қасрларда ўзларининг муқаддас орзуларини қолдириб кетгандилар, шу кўйи қайтиб келолмагандилар.

Келганимдан бир соатча вақт ўтгач, Салмани кўрдим. У бутазорлар оралаб, соябониға суянганича бутхонаға қараб келарди. У келиб ёнимға ўтирди, қарашлари ташвишли эди. Мен сергак тортдим, вужудимни ғалати туйғу қамраб олди.

Салма фикримни уққандай изоҳ беришға шошилди.

— Яқинроқ ўтир, севгилим, — деди у сочларимни силаб, — Яқинроқ ўтир ва сени сўнгги бор тўйиб-тўйиб бағримға босай. Айрилиқ вақти келди.

— Бу нима деганинг? — хитоб қилдим мен. — Қандай куч бор бизни ажратадиган?

— Кечагина, бизларни бир-биримиздан айирган ўша сўқир куч, — деди Салма. — Тилсиз-забонсиз, мўмин-қобил, индамас бир куч. Ана шу куч номидан кишилиқ қонуни ҳукм чиқаради. Худди мана шу куч қуллар қўли билан иккаламизнинг ўртамизға ўтиб бўлмас гов солди. У бунёд этган иблислар одамлар жонига ҳокимлик қилмоқдалар. Айни шу куч суяклар ва калла чаноқларидан тикланган уйда мени тарки дунё қилишға маҳкум этди.

— Ёки эринг бирор нарсадан шубҳаланяптими? Сен унинг газабланиши ва ўч олишидан кўрқаяпсанми?

— Эримға барибир. Уни менинг қандай вақт ўтказганим қизиқтирмайди. Эримни кўпроқ қашшоқлик туфайли қуллик бозорига тушиб қолган бахтсиз қизлар қизиқтиради. Агир сепиб, сурма қўйган бу шўринг қургур қизлар ўзларини қон ва кўзёшиға булганган бир бурда нонға сотмоқдалар...

— Унда гап нимада? Мана шу қасрга келиб, худо нигоҳи ва асрлар арвоҳлари олдида мен билан ўтиришингға нима халақит бераяпти? Ёки менинг қалбим сирларига боқишдан чарчадингми? Жонинг мендан ажралишни тусаб қолдими?

— Йўқ, севгилим, — деди кўзига ёш олиб Салма. — Менинг жоним айрилиқни истамайди, чунки сен унинг бир қисмисан. Кўзларим ҳам сенға боқишдан чарчамайди, зеро, сен унинг зиёсисан. Лекин тақдир менинг қўдимни занжирлаб, оёғимға кишан уриб, ҳаёт ўпқонига отди, сенинг бошингға ҳам шундай кунлар тушишини истай оламанми?

— Аниқроқ гапир, — ялиндим мен, — сўзларингға не сир яширин? Шубҳаларға гарқ этма мени!

— Ҳаммасини ошқора айтиб бўлмайди. — деди у. — Изтиробдан тилим тош қотган бўлса, қандай гапирсин? Агар оғзимға умидсизлик муҳри босилган бўлса, унинг очилиши даргумон. Фақат бир нарсани айта оламан: мени ўз тузоғига етаклаб келганлар тўриға тушишдан кўрқаман.

— Нима бўлди, Салма? Кимдан кўрқаяпсан?

Қўллари билан юзини беркитиб, Салма ачиқ хўрсинди.

— Мени маҳкум этишган мазордан ойда бир бор чиқиб кетаётганимни архиепископ билиб қолибди.

— Бу ерда ким билан учрашаётганингни биларканми?

— Агар билса сенинг ёнингда бўлмасдим. Лекин Мансурбекнинг амакиси ўта гумондор ва шубҳаланадиган бўлиб қолибди. У менинг кетимдан кузатувчилар қўйди, хизматкорларига мендан кўз узмасликни, ҳар бир қадамимдан огоҳ бўлиб туришни тайинлади.

Салма бироз жим қолди, кейин кўзёшларини артиб, давом этди:

— Мен ўзим учун қўрқмайман, сувга чўқаётганга шамоллаш қўрқинчли эмас. Сендан хавотирдаман. Сен офтоб нуридай эркинсан, менга ўхшаб макр-ҳийла тўрига тушмаслигинг керак. Менга нима бўлиши муҳим эмас, тақдирнинг барча ўқлари кўксимга қадалиб бўлган. Лекин сенинг ҳаётинг — бу баҳор, шоң-шуҳрат йўли сен учун тўсилишини истамайман.

— Ҳаёт фақат ғам-андуддан иборат эмас, — эътироз билдирдим мен. — Кулоқ сол, Салма. Диққат билан тингла. Нима, бизларни одамлар пасткашлиги ва ёвузлигидан фақат айрилиқ кутқара оладими? Нима, бизлар учун севги, ҳаёт, эркинлик йўллари беркми? Ҳаёт қулларига бўйсуниб қолган, холосми?

— Бунинг биргина йўли, — деди у умидсиз бир овозда, — учрашиб туришни бас қилайлик.

Мен унинг қўлларига ёпишдим, жон ҳолатда хитоб қилдим:

— Ўзгалар иродасига ҳаддан ташқари узоқ вақт бўйсундик, Салма. Бизлар учрашган дамлардан бошлаб иккимизни сўқир етакчилар бошлаб келаяпти. Биз эса уларнинг санамларига тиз чўкиб келаяпмиз. Мен сени таниганимдан буён Булос Ғолибнинг қўлидаги иккита коптокчага ўхшаймиз. Бизни истаганча ўйнаб, хоҳлаган томонига итқитиб юборади. Нима, энди биз унинг иродасига бўйсуниб, ўзимизни ер ютгунга қадар чидаб юраверамизми? Ҳаёт нафаси — Тангри инъоми, уни ўлим оёқлари остига ташлаш — гуноҳ, эркни қулликка айлантириш ҳам гуноҳ. Ўзининг ҳаёт шамини ўчириши — худога шак келтиришдир, ахир, жонимизни Яратгanning ўзи ато қилган-ку? Хўрловчига қарши исён кўтармай, унинг барча жабру зулмларига чидайверган кимса ҳақиқатга қарши ёлғоннинг ёрдамчисидир, гуноҳсизни калтаклаётган жаллоднинг малайдир. Биз бир-биримизни севамиз, Салма. Севги эса қалби буюк инсонларга Яратган томондан ишониб топширилган бебаҳо хазинадир, уни чўчқалар титқилаб, тепкилашлари ножоиз. Бизнинг олдимизда кенг дунё, гўзаллик ва мўъжизаларга тўла, нега энди биз архиепископ ва унинг малайлари қазиган тор чоҳда яшашимиз керак? Бизнинг олдимизда ҳаёт ва ўша ҳаётдаги эркинлик, ўша эркинликдаги ҳузур ҳаловат: нега энди елкамиздаги бўйинтуруқни улоқтириб, оёқларимиздаги кишанларни парчалаб, тинчлик ва осойишталик бор жойга кетмаслигимиз керак? Тур ўрнингдан, Салма, ушбу оддий черковни тарк этиб, Тангрининг буюк ибодатхонасига кирайлик! Бу ердан кетайлик, қулликдан ва гумроҳликдан олис-олисларга бош олиб кетайлик. Қароқчилар қўли ва иблислар тили етмайдиган жойларга кетайлик! Соҳилга шошилайлик, тун қоронғисидан фойдаланиб, кемага ўтирайлик-да, денгиз ортига борайлик ва ўша томонларда янги ҳаёт курайлик. Хўп дегин, Салма, бу дақиқалар шоҳлар тожидан қиммат, фаришталар сиридан қадрлидир. Юра қол!

Салма бошини сергади.

— Йўқ, — деди у секин. — Йўқ, жонгинам. Тақдир қўлимга оғу ва ёвшон шарбати тўла косани тутди ва мен уни бирданига ичиб бўшатдим, тагида бир неча томчи қолди, холос. Уни охиригача ичишим керак, акс ҳолда коса тагида нима ёзилганини билиб бўлмайди.

Севгига лим тўла, исёнсиз ва хотиржам янги ҳаётга муносиб эмасман. Қанотлари қайрилган қушга тошлар орасида сакраб юриш қолди, холос. — У энди ҳеч қачон кўкка парвоз қилолмайди. Кўзи ожиз одам яқиннигина кўради, ёрқин ёруққа бардош беролмайди. Бахт ҳақида гапирма, шу биргина сўз бағримни тилади. Хузур-ҳаловат ҳақида лоф урма — унинг сояси ҳам қайғу сингари даҳшатга солади. Яхшиси, сен бу ёққа — фалак куйдириб кул қилган кўксимдаги муқаддас алангага қара... Биласанми, мен сени она ёлғиз фарзандини севгандек севаман. Ана шу меҳр-муҳаббат йўлида сени ўзимдан ҳам ҳимоя қилишга тайёрман. Олов билан тозаланган ана шу севги мени дунёнинг нариги чеккасига ҳам қочиб кетишдан ушлаб турибди, токи соф ва мусаффо, ёвуз ғийбатлардан йироқ бўлиб қол. Ошиқ севгиси интиҳосида севгилисига эришишни истайди, унга бошқа ҳеч нарса керакмас... Ёшлик тонготарида келган муҳаббат эса учрашувлар ва висол онлари билан кифояланади, бўса ва кучоқлар оғушида улғайиб боради... Кеча архиепископ мени жияни уйидан ташқари чиқишимни тақиқламоқчи эканини эшитиб, эрга теккан давримда қисматимга тушган ана шу ягона қувончимдан ҳам маҳрум этишмоқчилигини билиб қолгач, дераза олдида узоқ туриб, денгиз ортини кузатдим, у ердаги бепоеън мамлакат ҳақида шахсий мустақиллигим, маънавий озодлигим тўғрисида ўйладим. Сўнг ҳўнграб йиғлаб юбордим. Тожутахтидан, давлати ва бор будидан ажралган шоҳ худди шундай йиғлайди. Шунда кўзёшларим орасидан сенинг юзинг, кўзларинг кўриниб кетди. Улар менга тикилиб турарди. Бирдан эсимга айтган сўзларинг тушди: “Аскарлар сингари душман қиличларини кўксимиз билан тўсиб, бардош берамиз. Мағлуб бўлсак жафокашлардай жон берамиз, голиб келсак, қаҳрамонлардай яшаймиз. Жабру ситамлар олдида бош эгмай яшаган жонлар қийноғи тинчлик ва осойишталик бўлган жойга қочишдан кўра мардоналикдир...” дегандинг ўшанда. Сен бу сўзларни ўлим қанотлари отам узра соя солганда айтгандинг. Улар менинг эсимга кеча, бошим узра умидсизлик қанот қоққанда тушди ва мен кучимга куч қўшилганини, руҳим тетиклашганини сездим. Мен учун қандайдир маънавий озодлик йўли очилди. Бу шундай бир озодликки, қайғуни юмшатади. Шунинг учун бўлса керак, севгимиз денгиз каби чуқур, юлдузлар каби олис, бўшлиқ сингари чексиз бўлиб кўринди. Шунда мен ўзимда пайдо бўлган янги куч билан ёнингга йўл олдим, сенинг ёнингга бўлиш бахтига эришишга чорлаётган буюк қудрат қурбони бўлишга келдим; сенинг номинг кишилар кўз ўнгида пок ва ҳалол бўлиб қолиши учун шундай қилдим. Мен авваллари бу ерда ожиз оёғимда оғир кишанлар билан келардим, бугун эса ўша кишанлар оғирлигини ва йўлнинг олислигини назар-писанд қилмайдиган қатъият туйғуси билан келдим. Олдин кўрқоқ, жонсарақ арвоҳ сингари келардим, бугун эса руҳан кучли аёл бўлиб келдим. Бу аёл қурбонлик юкини ҳис қилиб ва изтироб машаққатини била туриб, севгилисини нодон одамлардан ҳимоя қилиш учун келди. Авваллари мен ёнингга соя сингари титраб турардим, бугун эса муқаддас Астарта ва хочга қоқилган Исо олдида мен ким эканлигимни тан олишга келдим. Мен — сояда ўсган дарахтман, лекин бугун менинг шоҳларим офтоб нурларида бирпас эркаланиб яйрашади... Мен сен билан хайрлашгани келдим, севгилим; ва бу видолашув муҳаббатимиз мисоли тантанавор ва улуғвор бўлишини истайман; токи бу муҳаббат олтинни эритиб, унга янада ёрқинроқ порлайдиган тус берувчи олов сингари ловуллаб турсин!

Салма эътироз билдиришимга имкон бермади; кўзлари чақмоқ сингари чақнаб турарди, уларнинг шуъласидан миям карахт бўлиб қолганди. Салманинг чеҳраси шу қадар улуғвор тус олгандики, сўзсиз итоат этишини талаб қилувчи қиролича аксини олганди. Ва бирдан у ўзини менинг кўксимга отди, авваллари унда бундай эҳтиросни сира қўрмагандим, кўллари билан бўйнимни қучоқлади-да, лабларини лабларимга босиб, чўзиб-чўзиб ёндиргувчи бўсалар олди. Бу ўпишлардан танимга жон кирди, баданимда ҳаёт уйғонди. Қалбимнинг сирли торлари жунбушга келди, ички борлигим ўзини олий қонун ихтиёрига топшириб, бутун дунёга қарши исён қўтарди, зеро у Салманинг кўксини ибодатхона, унинг қалбини эса меҳроб дея тан олган эди.

Куёш ботиб, унинг сўнгги нурлари яқин-атрофдаги боғ-роғларни тарк этгач, Салма ўрнидан турди ва бутхонанинг ўртасига чиқди; деворлар ва бурчакларга шундай эътибор билан қарадики, гуё ўз кўзларининг нури билан тасвирлар ва рамзларга ёрқинлик бермоқчи бўлди; кейин Исонинг хочга миҳланган қиёфасига яқинлашди-да, аста тиз чўкиб, қон силқиётган оёқларидан бир неча бор ўпди.

— Мен Астартанинг қувонч ва завқ-шавқидан кўра, сенинг хочингни танладим, назаретлик Исо! Мен мушқу анбар ўрнига қоним ва кўзёшларим билан ювиндим. Кавсар ўрнига ёвshan шарбати ичдим. Мени ўз муридларинг сафига қабул қил ва Голгофага бошла...

Салма менга ўтирилди.

— Энди мен арвоҳлар чарх ураётган ўша зимистон мағорага қувонч билан бораман. Менга ачинма, севгилим. Қайғурма, жоним. Худонинг соясини кўрган бу жонимга иблисларнинг арвоҳлари даҳшат сололмайди. Олий бахтни кўриб, унинг зиёсида бир зумга бўлса-да, баҳраманд этилган бу кўзларим дунёнинг ҳар қандай азобларидан кўр бўлмайди.

Шойи ёпинчиққа ўралганича бутхонадан узоқлашиб бораётган Салманинг изидан қараб қоларканман, ўзимни алаҳсираётгандай ҳис қилдим; ўйларим шарпалар дунёсида тентираб юрганга ўхшарди. Кўриб турганим олатасир дунёда эса худолар тахтларида ўтирган эмиш, фаришталар одамларнинг гуноҳларини ёзиб бораётган эмиш, руҳлар ернинг ғамхона — байтулҳазани ҳақида ҳикоя қилар, жаннат парилари эса муҳаббат, дарду ғам ва абадият қўшиғини куйлаётганмиш.

Ўзимга келганимда атрофни тун қоронғиси қоплаганди; анча вақтгача дарахтлар орасида тентираб юрдим. Салма айтган ҳар бир гапини эслашга уриндим. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, имо-ишораси кўз ўнгимда гавдалана бошлади. У билан айрилиқ муқаррар эканини англаб етгач эса, ёлғизлик изтироби ва севги ҳасратидан миям карахт бўлиб қолди, юрагим типирчилай бошлади. Шундагина ҳур бўлиб туғилган инсон ўз ота-боболари томонидан яратилган шафқатсиз қонунларга қул бўлиб яшаётганини тушуниб етдим. Тақдир эса бугуннинг ўтмишга бўйсунушидан, шу дақиқадаги истак учун келажакдан воз кечишдан бошқа нарса эмаслигини ҳис этдим. Салмани яшашдан кўра ўлишга мажбур қилган ички майллар ҳақида кўп ўйладим. Ўзини қурбон қилишга тайёрлиги билан исёнкор руҳ бахтини қиёслаб, қайси бири муносиброқ ва муқаддасроқ эканини англашга уриндим. Лекин ўзимга фақат бир нарса кашф этдим; ҳалоллик ва яхши ниятлар билан самимийликка эришиларкан. Салма эса, самимиятнинг тимсоли, рост-ғўйликнинг намунаси эди.

ҚУТУЛИШ

Салма эрга текканидан бери беш йил ўтди. Лекин ҳанузгача фарзанд кўрмаганди. У билан ёстикдоши ўртасидаги ришталарни мустақамлайдиган, табассуми билан бегоналашган қалбларни худди отаётган тонг тун билан кунни яқинлаштиргандай бирлаштирувчи фарзанд етишмасди.

Туғмайдиган аёл ҳамиша эрининг нафратини уйғотади. Чунки худбинлик туйғуси эркакка болалар унинг ҳаётининг давомчиси деган ўйни сингдиради. Шунинг учун ҳам у ер юзида мангу яшаб қолиш учун авлод қолдиришга ҳаракат қилади.

Дунё ташвишларига кўмилган эрга туғмайдиган хотин уни аста-секин тамом қиладиган ўлимга маҳкум этаётгандай туюларди; нафрати ошиб, ундан воз кечади ва эрини ҳалок этишга қасд қилган ёвуз душмани сингари унга ўлим тилайди. Қулоқларига қадар турмуш ташвишларига ботган, пўлатдай совуқ, мазордай тўймас Мансурбек Ғолиб ўғил кўришни истарди; унинг номи, моли ва давлатига ворислик қиладиган ўғил кутарди ва туғмагани учун Салмадан нафратланарди.

Мағорада ўсадиган дарахт мева бермайди. Салма Карамий ҳаётнинг соясида яшарди ва фарзанд кўрмасди. Қафасга тушган булбул уя қурмайди, зеро полопонларига қулликни мерос қолдиришни истамайди. Салма Карамий бахтсизлик асираси эди ва фалак унга болалар туғишни раво кўрмади. Водий гуллари — булар қуёш севгиси билан табиат эҳтиросидан туғилган болалардир; инсон болалари — ота муҳаббати билан она нафосатидан туғилган фарзандлардир. Салма эрининг ҳашамдор ва зимистон уйида нафосат нафасини ҳам, ҳиссиёт ҳароратини ҳам сезгани йўқ. Бироқ у тун зулматида худодан фарзанд ато этишини сўраб ибодат қиларди. Боласи нозик бармоқлари билан онасининг кўз ёшларини артишини, кўзларининг нури билан ажал шарпасини қувишини тиларди.

Салма шундай эҳтирос билан ибодат қилди, шундай ёлвориб илтижо этдики, унинг йиғиси булутларни тешиб ўтди, осмон аёлнинг қорнига ширин нафосат ижро этилган оҳангни уфурди ва никоҳдан беш йил ўтгандан сўнг уни она бўлишга тайёрлади, бу билан Салмани хўрлик ва шармандалик доғидан халос этди.

Сахрода ўсган дарахт гуллади ва мева тугди.

Қафасдаги булбул ўз қанотлари патидан уя ясай бошлади.

Оёқ остига ташланган кифара тонг сабоси йўлига дуч келди ва узилмайд қолган торлар тебраниб кетдилар.

Бахтсиз Салма кишанланган қўлларини кўкка кўтарди ва фалакдан мукофот олиш илинжида дуолар қилди.

Ҳаётда ҳеч бир нарса мангулик иродаси-ла бахтини туйган бепушт аёл қувончи билан тенглаша олмайди. Баҳор уйғонганида бор бўлган бутун гўзаллик, тонг отиши билан келгувчи бутун шодлик худо томонидан ранжитилган ва кутилмаганда Тангрининг ўзидан афв олган аёл кўксида мужассамдир.

Она қорнидаги ҳомиладан таралаётган ёғдудан кўра ёрқинроқ ва кучлироқ ранг йўқ.

Ҳамал ойи қир-адирларга сайқал бериб ўтди. Айни шу дамларда Салманиннг кўзи ёриши керак эди. Табиат худди у билан бирга қувонгандек дарахт куртакларига жон ато қилди, гуллар ва ўт-ўланларга ҳаёт бахш этди.

Бир куни кечаси, зулмат шарпалари Рас-Байрутдаги уйлар оралигига жойлашиб олган пайтда Салмани тұлғоқ тутди. Унинг тұшагида ҳаёт-мамот жанги бошланди. Дўхтир ва доялар бу дунёга яна бир меҳмонни кутиб олишга тайёрланишди. Кўчадаги йўловчиларнинг қадам товушлари тиниб, тұлқинларнинг қирғоққа урилиш шовқини жим бўлиб қолгач, Мансурбек уйининг деразасидан юракни эзадиган чинқириқ эшитилди...

Жоннинг жондан ажралиш чинқириғи... Фанолик олдидан раҳм-шафқат ҳақида ёлвориш чинқириғи... Икки буюк хилқат — ҳаёт ва мамот оёқлари остига ташланган ожиз Салманинг чинқириғи.

Тонг отар пайти Салманинг кўзи ёриди, ўғил кўрди. Чақалоқнинг биринчи қичқиригидан ўзига келиб, кўзини очган Салма атрофида кулиб турган чеҳраларни кўрди... Кейин, диққат билан қараб, шуни сездики, унинг тұшаги ёнидаги ҳаёт билан ўлимнинг олишуви ҳали тугаганича йўқ; кўзи қамашиб илк бор хитоб қилди: “Болагинам!..”

Доя чақалоқни шойи матога ўраб, онасининг ёнига ётқизди. Дўхтир эса Салмага ғамгин қараб қўйди, бир неча бор алам билан, индамай бошини чайқади.

Тантанавор хитоблар қўшниларни уйғотиб юборди, улардан айримлари кийинмасдан, отани янги туғилган ўғил билан қутлагани чиқишди. Шифокор бўлса, она билан болага ачиниб қараб турарди.

Хизматчилар ворис туғилгани ҳақидаги хабар билан Мансурбекни табриклагани ва суюнчилар олгани шошилишди. Лекин шифокор энди умидсиз нигоҳ-ла Салма ва чақалоққа қарар, улардан кўз узмасди.

Офтоб чиққанда Салма чақалоқни кўксига босди; норасида илк бор кўзини очди, онасига қаради ва типирчилаб, кўзларини абадий юмди. Дўхтир унинг ёнига бориб, жонсиз танани онасининг кўлидан олди; унинг кўзларидан икки йирик томчи юзига оқиб тушди. У ўзича шивирлади: “Мана мусофир, келишга улгурмай, бу дунёни тарк этди...”

Бола ўлганди, одамлар бўлса ҳашаматли меҳмонхонани тўлдиришиб унга соғлик, узоқ умр тилардилар. Бечора Салма, дўхтирга қаради-ю, қичқириб юборди: “Боламини беринг, бағримга босай!” У яна бир бор қаради-да, тұшаги ёнида ҳаёт ва ўлим ҳамон олишувда давом этаётганини кўрди.

Бола ўлди, лекин унинг дунёга келганидан қувонаётганларнинг қадаҳлари янада қаттикроқ жаранглашда давом этарди.

Тонготарда туғилиб, кун чиқарда ўлди — бандалардан кимдир вақтни чамалаб: “Тонг отардан кун чиқаргача бўлган муддат мангуликдан қисқадир, деб айтиши мумкин. Рост, халқлар туғилиши ва ўлиши оралиғидаги вақт мангуликка тенгдир.”

Фикр мисол туғилди-ю, бир нафас олгандай ўлди-кетди, соя сингари йўқолди, Салмага оналик туйғусини ҳис қилиш имконини берди, лекин онасига бахт бермай, унинг тұшагидан ўлим чангалини аритмай кетди.

Қисқагина ҳаёт — тун тугашида пайдо бўлиб, кун бошланишида сўнди, худди баргга тунда қўнган шабнам мисоли нур тушиши билан учди-кетди.

Худди мангулик айтган сўзни афсусланиб, ўз қаърига қайта олгандай...

Худди денгиз марваридни, қўтарилган сув тұлқинлари билан қирғоққа чиқариб ташлаб, сув қайтганда денгиз қаърига тортиб кетгандай...

Худди нилуфар гул, эндигина ҳаётга юз очганда ўлим оёқлари топтаб ташлагандай...

Салма бу дунёда ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ кутган кимса, келишга улгурмай қайтиб кетди, эшикни очди-ю, ҳаётга киришга улгурмади.

Дунёга келиши билан чақалоқ тупроққа айланди-қолди, инсоннинг ҳаёти, халқлар ҳаёти, куёш, сайёралар, юлдузлар ҳаёти ҳам шундай...

Салма дўхтирга ўгирилди-да, аччиқ хўрсинди.

— Ўғлимни менга берсангиз-чи! — хитоб қилди у. — Беринг, эмизай уни!

Дўхтир бош чайқади.

— Бола ўлик, — зўрга шивирлади у. — Уни қайтариб бўлмайди. Сизга эса ҳаяжонланиш мумкин эмас — танглик ҳали тутагани йўқ.

Салма жон ҳолатда чинқириб юборди ва дарҳол жим бўлиб қолди. Юзини қувончли табассум қоплади. Гўё у ўзи учун ниманидир, шу пайтга маълум бўлмаган нарсани кашф қилгандай эди.

— Уни менга беринг, — деди Салма хотиржам товушда. — Беринг, ўлик бўлса ҳам майли...

Дўхтир ўлик чақалоқни унинг қўлларига қўйди. Салма боласини кўксига босди.

— Мени олиб кетгани келдингми, ўғилгинам, — деди Салма, деворга ўгириларкан. — Соҳилга йўл кўрсатиш учун келдингми? Бу қоронғу гордан мени олиб чиққани келдингми, болам?

Яна бир неча дақиқадан сўнг дераза пардаси орқали ўтган куёш нурлари ҳаракатсиз ётган икки тана устига тушди; оналикнинг улғувор руҳи кузги ўлим қанотлари билан уларнинг ўрин-тўшагини кўриқлаб турарди.

Дўхтир кўзларида ёш билан хонадан чиқди. Меҳмонхонада у пайдо бўлиши билан қувончли ҳаяжонлар қайғу ноласига айланди. Фақат Мансурбеккина бирор товуш чиқармади, ғинг демади, бир томчи кўз ёш тўкмади, ҳеч қандай сўз айтмади; у тош ҳайкалдай қотиб, ўнг қўлида шароб тўла қадаҳ, серрайиб турарди.

* * *

Эртаси куни Салмага оппоқ никоҳ кўйлаги кийдириб, қордай оқ бахмал билан қопланган тобутга қўйдилар; чақалоқнинг кафани эса йўрғак, тобути — она кучоғи, қабри унинг совуқ кўкси эди. Дафн маросими қатнашчиларининг жуда секин ҳаракати — ўлаётган инсон кўксидаги юрак уришига ўхшарди. Мен тобут ортидан эргашиб бо-раётган оломон орасида эдим; менинг хаёлимдан нималар кечаётганини, қалбим изтиробларини ҳеч ким билмасди.

Қабристонда архиепископ Булос Фолиб дуо ўқиди; тунд ва лоқайд юзли руҳонийлар унга жўр бўлиб, тоат-ибодат қилдилар.

Тобутни қабрга туширишганда, кимнингдир шивирлагани эшитилди:

— Икки одамни бир тобутга кўмишганини сира кўрмагандим...

— Чақалоқ гўё онасини шафқатсиз эрнинг зулмидан қутқариш учун келгандай бўлди...

— Мансурбекка қаранглар, нақадар лоқайд нигоҳ. Бирданига хотини ва боласини йўқотган кишига сира ўхшамайди...

— Эртага архиепископ унга Салмадан бойроқ ва соғлиғи яхшироқ қайлиқ топади...

Гүрков мазорни тупроқ билан тўлдиргунча роҳиблар дуо ўқиб турдилар. Хайрлашадиган вақт келди ва одамлар навбат билан архиєпископ ва Мансурбек ҳузурига келиб, кўнгил сўрадилар, ҳамдардлик билдирдилар. Мен бир чеккада ёлғиз турардим, ҳеч ким келиб ҳамдардлик билдирмади, ҳолбуки, Салма ва унинг ўғли мен учун дунёдаги энг азиз хилқатлар эдилар.

Мана, ҳамма кетди, қабристон бўшаб қолди. Янги кўмилган мазор ёнида белкураги билан ёлғиз гүрков турарди.

— Форис Карамий қаерга кўмилганини биласанми? — сўрадим мен.

У менга узоқ тикилди, кейин Салманинг қабрини кўрсатди.

— Мана шу чоҳда мен унинг кўксига қизини қўйдим, қизининг кўксига эса, Салманинг ўғлини қўйдим. Устидан эса мана шу белкурак билан тупроқ ташладим.

— Шу қабрга менинг юрагимни ҳам кўмдинг, — дедим. — Нақадар қудратли сенинг қўллариң!

Гүрков дарахтлар панасига ўтиб кетгач, куч-мадорим қолмади ва мен Салманинг қабрига йиқилдим, унинг тақдирига ачиниб, ўксиб-ўксиб йиғладим.



АЛЕКСАНДР ТВАРДОВСКИЙ

Бари хотирамда тўқис намоён

АЁВСИЗ ХОТИРА

Саратон тафтини пуркайди ҳаво,
Нафасни қайтарар димиққан ўрмон.
Анқир қовжираган ўтлоқлар аро
Турфа хил анғизлар иси — қадрдон.

Пастликда мудраган сой оқар вазмин,
Бугазорлар узра сукут кўлкаси:
Эшитилиб қолар каккунинг ҳазин,
Баҳорни дараклаб қуйлаган саси.

Жавзо оташига йўғрилган дамлар —
Менинг болаликдан севган фаслим бу.
Чиққанга ўхшайман худди илк сахар
Яйловга молларни ҳайдаб беуйқу.

Бари хотирамда тўқис намоён:
Баҳмал адирларда шудринг кечганим;
Чўпон болаларга фароғатли он —
Субҳидам, чошгоҳлар ёдимда маним.

Офтоб ҳам ёдимда — елкадан обдан
Қиздириб, уйқуга элтарди бирам.
Ёдимда, молларни сой томон қувган
Хира сўналарнинг гўнғиллаши ҳам.

Мирпўлат МИРЗО
таржималари

Атоқли рус шоири Александр Трифонович Твардовский 1910 йили Смоленск заминида дунёга келган. Унинг ижоди катта рус шеъриятида содда ифодаларга бойлиги ва тилининг раволиги ҳамда чуқур инсоний лиризм билан ажралиб туради. Шоир ўзининг дастлабки шеърларидаёқ Н.Некрасов руҳига эргашганлиги аён сезилади. Ва унинг илк йирик асарларидан бири — «Муравия мамлақати» (1936) тезда адабий жамоатчилик назарига тушади. Шоир кейинчалик «Василий Тёркин» (1941–1945) ва «Йироқ-Йироқларда» (1960) номли поэмаларини яратди. Айниқса, унинг «Василий Тёркин» достони уруш йилларида жангчиларнинг энг сеvimли асарига айланди. А.Твардовский нафақат ижодда, балки жамоатчилик ишларида ҳам ибратли шахс эди. Унинг «Новый мир» журналыда узоқ йиллар олиб борган Бош муҳаррирлик фаолияти ҳали-ҳануз ижод аҳли томонидан катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади. Шоир 1971 йили Москвада вафот этган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

41

Олис болаликнинг суюк эрмаги —
Харсангга чўккалаб бирон овлоқда
Калтак йўнар эдик, ўша дамдаги
Сурх новда ислари хануз димоғда.

Гарчи болалигим ушбу кун йироқ,
Кўринар у тонги шабнам ичра жо.
Бу шан хотиралар васлидан бироқ
Баҳра ололмайди юрагим асло.

Бўлак бир хотирот ўзига тобе —
Қилиб олган менинг ҳиссим дафъатан.
Тагин хандақларнинг махсус ниқоби —
Ўт-ўлан сингари ис тарар ёвшан.

Олис болаликдан туйганимдек, ҳа,
Дилим орзиқтирар унинг дориши.
Лекин ўпқонларнинг оташ дудига
Бу ис кейинчалик кетди қоришиб.

Қоришди сафарлар тўзони, кули,
Аскар елкасининг қат-қат шўри боз.
Айни қирқ биринчи йилнинг июли —
Уруш даҳшатидан хансираган ёз!

Жанглар гирдибоди зўрайиб кунда
Ложувард осмонни этганда қора.
Болалик, ёшлиқдан айрилдим шунда
Мен ўз ҳаётимда иккинчи бора.

Кечмоқда меҳнат-ла андармон умрим,
Ҳаёт лазиз менга, яшаб толмайман.
Илгариги теран завқ билан лекин
Дала-адирларга боқа олмайман.

Кўнглим алланечук гинаси бордай,
Ошно сўқмоқларга талпинмас сира.
Қаёққа қарамай, қаёққа бормай,
Исканжага олар золим хотира.

Унинг азоблари, заққуми тўла
Фалаён бағримда билмас асло тин.
Токи қайтмас кулфат бўлиб, бир йўла
Йўқолмагунича дунёдан қирғин!

1951

ОНА ВА ЎГИЛ

Она кўзида	Бахт тиласинми —
Теран бир туйғу.	Бахтиёр ҳар он.
Нима истасин	Ё соғлиқ сўрсин —
Ўгли учун у?	У ёш, навқирон.

Йўқлаб турсинми Туғилган жойин, — У ҳарбий, ахир, Вақти зиқ доим.	Парвоз ҳақида Бекордир сўзи. Қандай учмоқни Билади ўзи.
Унутмасинми Онасин фақат, — Ахир, Қутбдан Туриб ёзди хат.	Осонроқ ишни Кўрсинми раво, — Чайир ўғлига Йўқдир муаммо.
Шамоллама деб Қилсинми қайғу — Шундоқ ҳам иссиқ Кийинади у.	Учган у, учар Ундан нарига. Қийин бўлса гар Чидар барига.
Ёки ёр танлаб Берсин ўғлига, — Ўзи топгайдир, Фам чексин нега.	Аммоки ёвга Дуч келгани чоқ, Ўз жонини у Топширмас шундоқ.
Она кўзида Теран бир сукут, Ўғлин феълида Ҳамма нарса бут.	Она-ку, ахир, Билмасми шуни... Боқар ўғлига Чиқмайин уни.

1937

* * *

Мен қаҳрамон ўсган ҳовлида бўлдим,
Ҳозир унда яшар кекса онахон.
Ва яна йигитча — иккинчи ўғил,
Ғамнок волидага қувват ва дармон.

Босилмаган унинг кўнглида фарёд,
Кўз ёшини тўкиб олар пинҳона, —
Фурсат топилдими — ўқийди бот-бот
Жимит қоғоздаги сўзларни она.

Ул «қора хат»даги ҳар битта имло
Юрагин қатига вобаста бўлган.
Ўлтирар борлиқни унутиб гўё,
Мудом рўмолчасин туширмай қўлдан.

Шу қўллар силаган мурғак ўғилни,
Бошқа ҳеч кимсага ишонмай тақир.
Кулфатли сафарга кузатар куни
Тўймайин кучган ҳам шу қўллар, ахир.

Бир кун довруғ ёйди ўғлин таърифи,
Солди жасорати қалбларга титроқ.
Қишлоғида унинг исм-шарифи
Қадрдон эмасди кўпларга бироқ.

Чунки ёш эди-да, ишонган ким ҳам
Унинг шундоқ шуҳрат қозонишига.
Лекин онаси-чи? Онаси дилдан
Бунга ишонарди, ишонарди, ҳа.

Оловнинг бағридан қўрқмасди чандон,
Юксак эди, ахир, унда номус-ор...
Бурчакда турарди у чалган гармон,
Севган китоблари — жавонда қатор.

Кенжасига боқар волида пурғам:
Қўлидан не келар, ожиздир буткул.
Тиришар ўйинда, ўқишда у ҳам
Жасур акасига ўхшашга нукул.

1970

ИККИ САТР

Қайдномам бор эди дафтар қатида —
Икки сатр — жангчи йигит ҳақида;
Бевақт узилганди ёшгина жони,
Финлар урушининг эди қурбони.

Бамисли чарчаган боладек ҳолсиз
Ётарди муз узра жасади ёлғиз.
Қорга қоришганди шинелин бари,
Қалпоғи учганди ўзидан нари.
Йиқилмаган эди йигитча чоғи,
Фақат босган эди қайғунинг тоғи,
Юрагида ажиб армоннинг доғи...

Жанг пайти ёдимга тушар ушбу ҳол —
Бовар қилолмайин мудом ақлим лол:
Бешафқат қисматни ўзда қилиб жо —
Яланғоч муз узра узанган танҳо.

У ёш жангчи эмас, эдим мен ўзим,
Қировга кўмилиб қотганди кўзим.
Гўё шу урушда ёш бола бўлиб,
Ётар эдим жонсиз, паймонам тўлиб.

1943

* * *

Яланғоёқ болакай — юпун,
Елкасида кичкина тўрва —
Толиқиб, у тамадди учун
Тўхтаганди каттакон йўлда.

Қотган нон ва бир жуфт картошка
Тўлдирмайди наҳот курсоқни, —

Катгаларга ўхшаб кафти-ла
Авайларди ҳар бир ушоқни.

Машиналар учун бир эрмак —
Кўтарарлар тўзон тепага.
Тўхтаб ўтар йўловчи эркак:
— Ўғлим, етим бўлсанг кераг-а?

Ранги-рўйи заъфарон, хира,
Раҳминг кўзғар, эҳтимол, шундан.
Ўтган-кетган эринмас сира
Сўрамоқни бу ҳақда ундан.

Лекин у тик боқар, чизмас ер
Ва синовчан қарар, қузатиб.
— Хўш, етимча, — дейишинг-ла дер.
— Тамакидан бўлса, узатинг.

1943

* * *

Худди туйган каби ғамни ичида,
Уруш солмай ҳали юракка доғлар —
Қирқ биринчи йилнинг бошланишида
Мислсиз аёздан қақшади боғлар.

Замин узра кўклам айни мавж урган —
Дамлар туйсанг ҳамки ажиб фараҳни,
Кўрмоқ дардли эди қаққайиб турган,
Қайта барг ёзмаган дову дарахтни.

Кенгликка кўз ташлаш оғриқли, малол,
Гарчи тиниқ кўкда қуёш чарақлар,
Қишнинг панжасида топганди завол
Қоталари дуркун, кўркама дарахтлар.

Кулфатли, ғамзада йиллар ҳам ўтди,
Дов-дарахт куч топиб кўклади яна.
Ҳар ёнда гул-чечак. Уруш ҳам битди.
Фақат сенинг йиғинг тинмайди, она.

1945

* * *

Биздан йироқ, бизга ёт ёқлар —
Жилға ўйган дала-қирларда
Бош кўтара бошлар гиёҳлар,
Баҳор ҳиди анқир ерларда.

Чопар сувлар қирғоқ талашиб,
Кувончлари билмас сира чек
Ва бўй тарар чечаклар ажиб,
Худди бизнинг юртлардагидек.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

45

Борлиқ сени айлайди сарҳуш,
Алланечук фараҳ туяр дил.
Гуё йўқдек дунёда уруш,
Гуё йўқдек масофаю йил.

— Наҳот! — дейсан, юракда кинлар,
Олисларга сингиб сен изсиз, —
Қаридилар бизсиз хотинлар,
Улғайдилар фарзандлар бизсиз?..

1945

* * *

Ушбу иқроримда бари мужассам:
Гарчи сўзим мудом қалбим тубида,
Марҳум ва тириклар ҳақда ҳаммадан
Кўпроқ ҳақиқатни мен биламан, ҳа.

Лекин мен бу сўзни ҳеч кимга зинҳор
Ишона олмайман. Ва уни ҳатто
Улуғ Толстой ҳам айтмоғи душвор,
Майли, санасин у ўзини худо.

Мен оддий одамман. Сўзимга ҳар чоқ
Жавоб бермоқликка тайёрдирман, чин.
Қалбим тубидаги гапларни бироқ
Айтмоқни истайман эмин ва эркин.

1958



КРИСТОФЕР БАКЛИ

Арабистонлик Флоренс

Роман

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

Флоренс билан Бобби, Флоренс айтмоқчи, навбатдаги «Усома»ни олиб бўлишганда телефон кўнғироғи жиринглади. Улар бундан кўрқиб кетишди, чунки телефон ўчирилган эди, мобил телефон, дастурга кўра, ўчириб қўйилганда ишламайди.

Флоренс телефонга қўл чўзди, бироқ Бобби уни шу заҳоти огоҳлантирди:

– Икки грамм С4 портловчи моддасидан бош жуда қаттиқ оғриши мумкин.

У Флоренснинг кўлидан телефонни олиб, узоқ бурчакка борди. Флоренс унинг ҳаракатларини кузатиб турди. У нафасини ютиб, телефонни ўзидан иложи борича нарида тутди ва «қабул» тугмачасини босди. Кейин чуқур тин олиб, телефонни қулоғига ўттиз сантиметр масофада яқинлаштирди.

– Салом.

У асабий чимирилганча, бир муддат қулоқ солиб турди.

– Яхши, кўрсам, айтаман, — деди у жаҳл билан.

Флоренс шивирлаб сўради:

– Ким?

Бобби ҳам шу тарзда жавоб берди:

– Сэм тоға.

У кўлини узатди. Бобби трубкани беркитиб, шивирлади:

– Фақат тез...

У телефонни Флоренсга бериб, нарсаларини йиғиштира бошлади. Бу вақтга келиб Флоренс ҳам ана шундай тезкор ҳаракатларга ва шошилишга қочиб қолишга ўрганиб қолганди.

– Ҳа, наҳотки... — деди Флоренс телефонга.

– Ёш хоним, у ерда қанақа муаммолар пайдо қилаётганингизни ҳеч бўлмаса, тушунасанми?

– Сиз биринчи учрашувимизда: «Агар муаммони ечиш қўлингдан келмаса, шундай қилки, у кучайиб кетсин» демаганмидингиз?

– Лекин мен бу даражада кучайиши ҳақида гапирмаганман. Биз бунини уйга қайтганингиздан кейин муҳокама қиламиз. Биз учун энг муҳими, у ерда сизни ушлаб олмасликларини.

Охири. Боши 8 — 9-сонларда.

– Аввал Лайлони олиб чиқиб кетсинлар.

Сэм тоға уф тортди:

– Сиз нимани таклиф қила оласиз? Сарой ёнига денгиз десантчиларини туширишни? Ёки «Қора қирғий»нинг йиқилишини? Кўчага қачон чиққансиз ўзи? У ерда, сизларда васабийлик аскарлар аҳолидан кўра кўп-ку.

– Бу фақат илтимос эмас.

Сэм тоға бир лаҳза жим бўлиб қолди.

– Қўлимдан келганини қиламан.

– Бу мени қаноатлантирмайди.

– Рози бўлишга тўғри келади, хоним.

Шу дақиқада Бобби «тугат» ишорасини қилди.

– Вақт ноль бир тўрт беш, – деди Сэм тоға. – Яъни, тунги соат бирдан қирқ беш дақиқа ўтди. Ортингиздан «сув такси»сини юбораман. У ҳар доимги жойда кутади. Анави Умар Шариф ҳалиям ўша жойдами? Унга телефонни беринг.

Флоренс жимгина телефонни Боббига берди. У индамай тинглаб, бир неча марта «хўп» деди ва алоқани узди.

– Яна нимадир бўлаяпти, – деди Бобби. – Кетамиз, кутишга вақт йўқ.

– Унга биз ҳақимизда айтдингми?

– Нимани назарда тутаяпсан?

– Бирга ётишимизни...

– Мен... Балким... Ҳозир вақти эмас. Кетдик.

– Унга нега айтдинг?

– Чунки у сўради.

– Унга бирга ётишимизни қачон айтдинг?

– Биз... «бу»... билан шуғуллана бошлаганимиздан кейин... Фло, кетишимиз керак.

– Айтишинг шартмиди?

– Ҳа. Чунки у сени лесбиянками ё йўқми деб сўради. Миш-мишларни эшитиб, у кимга ишонишини билмай қолганди. Ушанда у сени мамлакатдан олиб чиқиб кетишни хоҳлаганди, сен эса – йўқ. Ушанда у...

– У мени лесбиянка деб ўйлади. Сен шу сабабли мен билан яшаб юрибсанми? Бу – сенга берилган топшириқнинг бир қисмими? Сен шахвоний йўналишлар бўйича агентмисан?

– Йўқ, албатта. Жин урсин сени, Фло.

– Ундай дема. Кимки афсусланиши керак бўлса, бу – мен...

– Фло, кетишимиз керак. Анави кўнғироқ туфайли кўнглим ёмон нарсани ҳис қиляпти.

– Бизни сув ости кемасида олиб чиқиб кетишмоқчи деб ўйлагандим.

– Бўлиши мумкин. Балки ҳозирча нарсаларингни йиғиштирарсан?

Флоренс хафа ҳолатда тўппонча, уяли телефонлар ва тер ҳиди келиб ётган ёпинчидан иборат нарсаларини йиғиштира бошлади.

Улар машинага ўтиришди. Бобби тўғридан-тўғри кетиш ўрнига чоғроқ айланиш қилди ва икки маҳалла нарида тўхтади.

– Нима қиляпсан?

– Тахминларни синаб кўряпман.

Ўн беш дақиқа ўтиб, унга қарама-қарши томондан енгил автомобил келди. Ундан тўрт киши чиқди. Улар мукфеллинларга ўхшаб кийинган эдилар. Уларнинг қўлларида одатдаги қамчи ўрнига тўппончалар бор эди. Бобби дурбиндан уларни диққат билан кузата бошлади.

— Онангни, — гўлдиради у. — Уларни...

— Мукфеллинларми?

У дурбинни Флоренсга берди.

— Ҳамманинг олдидаги мўйловли, бақувват йигитни кўряпсанми?

Унинг оти Анбар Тал. У Матар хавфсизлиги хизматининг капитани. Менинг ўзим уни сафимизга тортганман.

— Демак у... МРБга хизмат қиладими?

— Илгарилари шундай эди.

— Унда нима учун у бизнинг уйимизга анави одамлар билан келди?

Яна қурол билан?

Бобби яна дурбинни кўзига тутди.

— Сезишимча, улар бу ерга «Қутқарув хизмати» бўйича келган эмас.

У машинани орқаси билан ҳайдаб, аста-секин тислана бошлади. Флоренс кўзгуга қараб, орқадан улар томон қора кийим кийган қандайдир одамлар яқинлашаётганини кўрди. Бобби гайришуурий тарзда машина тезлигини оширди.

Уларнинг ён томонида қаттиқ зарба овози эшитилди ва бундан ўта норози бўлган қора кийимли эркаклар юкхонага тушиб қолишди. Кейин улар бир неча дақиқа ичида тасир-тусур билан ағанаб, бир-бирларининг қўлларидан ушлаб, оқсоқланганларича машинанинг олдида — асфальтда пайдо бўлишди.

Автомобил энди соатига эллик километр тезликда орқага юрмоқда эди. Қаршидаги кўзгудан Флоренс Акбар Тал бошчилигидаги бешта мукфеллин тўппончалари билан уларни нишонга олганича, изма-из қувлаб келаётганини кўрди. Дастлабки лаҳзаларда ўқ ана шу ойнага тегиб, уни чил-чил қилди. Ойна синиқлари Флоренснинг ёпинчиғини ҳам тўлдириди. Уриндиқлар орасида эмаклаб, ҳайдовчининг болохонадор сўкинишларини эшитди. Орқадан яна қаттиқ ўқ овозлари эшитилди. Яна бир неча ўқ узилди. Флоренс бу ўқларни машинани ҳали ҳам орқага ҳайдаётган Бобби отганини дарҳол англаб етгани йўқ.

— Ёрдамлашсанг ёмон бўлмасди, — деди у.

Флоренс тўппончадан кўп йиллар олдин давдепартаментдаги машғулотлар пайтида бир мартагина отганди. Гарчи кейинги пайтларда у тўппончасини тез-тез қўлига олган бўлса-да, ҳозир уни ғилофдан бўшатиб, қўлини ойнадан чиқарганча, отишга шайланар экан, тўппонча анча оғир туюлди.

Қаттиқ овоз янгради, нимадир кескин пишиллади, капот устида буғ устунни пайдо бўлди. Флоренс ўзлари қочиб кетаётган машинанинг радиаторини отиб қўйганди.

Бобби рулни кескин буриб, қўл тормозини тортди ва машинани бир юз саксон градусга бурди. Кейин у тезликни ўчириб, педални ўз ҳолига қўйди. Ички ёнув двигателига 9 миллиметрли тўппонча ўқи теккан эди...

— Фло, соғмисан? Яраланмадингми?

— Ҳаммаси яхши, Бобби. О, жин урсин, ўқ машинага тегди.

— Диққат билан эшит. Ҳозир мен ҳов анави бурчақдан ўтиб, қайриламман. Ўша ерда тўхтаيمان. Сен машинадан тушиб қоласан. Гапимни эшит: товуқ бозорида битта одам ишлайди. Унинг ўша ерда чодир бор. У «Замзам Бест Чикеке» деб аталади. Тушундингми? У одамнинг номи Азул бен Халам. У мен учун ишлайди. Фақат менга. У ҳақда на МРБ, на Сэм тоға, на қурбақахўрлар — ҳеч ким ҳеч нарсани билмайди. У сени паромга чиқариб... Жин урсин! Юр! Юр! Ҳароми! Мушуквачча!..

– Мен сени ташлаб кетмайман, – деди Флоренс.

– Овозингни ўчириб, гапимни диққат билан тингла. Азулга Кипрдаги Сайруснинг дугонасиман дейсан. Тушундингми? У сени Матардан паромда Пангибатга олиб бориб қўяди. Тушундингми? Замзам Азул. Кипр оролларидаги Сайрус. Ҳаммасини тушундингми?

Улар муюлиш томонга бурилишди. Бобби машинани тўхтатди. Кўчадаги одамлар буғи қайнаб турган «мерседес»ни томоша қилиш учун тўхтаб қолди.

– Фло, мени ялинишга мажбур қилма. Бунинг учун қариб қолганман.

Флоренс пастга тушиш учун эшикни очди-ю, шу заҳоти ёпди. Тўппончасини олиб, ўгирилди ва орқа ойнадан мўлжалга ола бошлади.

– Кетдик.

– Жин урсин сендек аёлни.

– Юрсанг-чи.

Сўкиниб, гулдирётган Бобби газни босди... Машина жойидан амаллаб қўзғалди.

Флоренс орқага қараб, муюлишдан катта тезликда чиққан қора машинани кўрди. Пиёдалар йўлдан тумтарақай бўлишди.

Флоренс тўппонча дастасини маҳкам ушлар экан, бу гал кўзини юммади. Биринчи ўқ билан орқа ойнани синдириб, ўзига қулайлик яратиб олди. Нишонга олиб туриб, орқаларидан учиб келаётган машинага қарата ўқдондаги ҳамма – саккизта ўқни бирдан бўшатди. Машина кўчанинг у томонидан бу томонига чайқала-чайқала йўлкага чиқиб кетди ва қандолат дўконининг ойнаванд пештахтасига урилди.

– Буниси яхши, – деди Бобби.

Флоренс тўппончадаги бўш ўқдонни олиб ташлаб, янгисини қидириб, сумкасини титқилай бошлади.

Машина тор кўчага бурилди. Тешилган радиатордан хуштак ва вижиллаш овози келмай қолди. Ҳарорат кўрсаткичи қизил белгига етганди. Бу белги ва капот остидан эшитилаётган тақиллаш овози энди машинадан умид йўқлигини билдирарди.

Тормоз қаттиқ босилди. Улар эшикларни очиб, машинадан отилиб чиқишди. Муюлишда бояги Флоренс дабдала қилганга ўхшаган яна бир машина кўринди. У тўғри уларнинг устига учиб кела бошлади. Флоренс тўрттала ойнадан ўзларига қаратилган тўппончаларни кўрди.

Бобби ўт очди. Олдинги ойнада ҳайдовчи ва ёнидаги киши ўтирган томонда иккита тешик пайдо бўлди. Машина ўнг томонга кескин қийшайиб, уларни нишонга олаётган қўлни мажақлаб, симёғочга бориб урилди.

Флоренс қичқириб юборди. Бобби унинг ёнига югуриб келиб, судраб кетди. Улар то ҳансираб қолган Бобби:

– О'кей, энди қадамлаб юрсак бўлаверади, – демагунча жон-жаҳдлари билан югуриб боришди.

Кейин улар оддий матарлик эр-хотинга ўхшаб, гўё сайр қилиб юргандек аста-секин кета бошладилар.

Ҳамма томондан сирена овозлари эшитиларди. Улардан нарироқда, ҳавода вертолёт ҳаракатланарди.

– Ҳеч ҳушдан кетганмисан? – сўради Бобби.

– Йўқ.

— Унда, бошладик. Хушдан кет деяпман.

Флоренс эҳтиёткорлик билан йўлакка кулади. Нима учунлигини билмас ҳам хушдан кетгандек кўзини юмди.

Кейинги дақиқада эркак кишининг арабчалаб нима бўлганини сўраётганини эшитди.

— У ҳомиладор, — деди Бобби жаҳл билан иложи борича ўзини хотинидан норози ва аччиги чиққан қилиб кўрсатиб.

— Бу аҳволда кўчада юриш мумкин эмас, — деди эркак.

— Мени билмайди деб ўйлайсанми? Мен унга ўн икки марта айтдим, бу — ўн учинчиси, кўчага чиқмагин деб. У — жуда қайсар. Кўп сайр қилса, ўғил туғилади деб ўйлайди.

— Худо айтганини берсин. Соғ-саломатми, ишқилиб?

— Менимча, бошланди, шекилли. «Тез ёрдам» чақирин керак.

«Мияси ишлайди», ўйлади Флоренс.

— Яхши, мен ҳозир чақираман.

— Яқинига ёрдам берганларни Оллоҳ ярлақайди. Раҳмат, ака.

У одам уяли телефонида гаплашгунга қадар Бобби Флоренсга эгилиб, шивирлади: — Нега бу аввалроқ калламга келмади?

— Матарда жамоатчилик тузилмалари яхши ривожланганди. «Тез ёрдам» машинаси бир неча дақиқада етиб келди. У келгунча Флоренс ёпинчиги остига сумкасини тиқиб, ҳомиладорга ўхшашга улгурди. Ҳайдовчи билан санитар уни замбилга ётқизиб, машинага чиқаришди. Бобби ҳам сакраб чиқиб олди.

— Қайси касалхонага? — сўради санитар.

— Черчилл номидаги... Э, йўқ, қирол Висма номидагига. Уни қайта номлашган.

— Тезроқ, бўлмаса шу ердаёқ кўзи ёриб қолади.

— Санитар Флоренснинг енгини шимариб, қон босимини ўлчамоқчи бўлиб энгашганида Бобби унинг қаншарига тўппонча дастаси билан туширди. Кейин ҳайдовчининг бўйнига тўппонча тиради.

— Яшашни истасанг, аэропортга ҳайда, — деди у.— Ўлишни хоҳласанг, рулга ўзим ўтиришим мумкин.

Ҳайдовчи шафқат сўраб, ялина бошлади.

— Тинчлан. Айтганимни қилсанг ҳаммаси яхши бўлади.

— Ҳайдовчи типирчилаб, яна ялинишга тушди — етита боласи борлиги, ўзи ёлғиз оила боқувчиси эканини, эрталаб намоз ўқимагани учун шу балоларга йўлиққанини, агар ҳозир ўлиб кетса, жаннат эшигини кўрмаслигини айтди.

Флоренс ҳушсиз ётган санитарнинг форма курткасини кийиб олди. Кейин унинг кўлини боғлаб, машинада тўлиб ётган лейкопластични оғзига ёпиштириб қўйди.

— Каттиқ ҳайдама, — деди Бобби ҳайдовчига. — Сиренани ҳам ўчир.

Ҳайдовчи ҳиқиллаганича, буйруқни бажарди. Бобби унинг кўлига рацияни тиқиштирди.

— Диспетчерга айт, сени аэропортнинг тиббий хизмати билан боғласин. Унга бошқа ҳеч нарса дема, — у тўппонча нилини ҳайдовчининг бўйнига қаттиқроқ босди.

Ҳайдовчи айтилганларни дарров бажарди. Рациядан кимнингдир овози эшитилди ва Бобби уни ҳайдовчининг кўлидан олди.

— Оллоҳ ярлақанг имом Маликнинг ёрдамчиси Фетишнинг шахсий шифокори доктор Мансур бен Халибиб гапиряпти.

Рациядаги овоздан шу заҳоти чуқур эҳтиром оҳанги сезилди.

– Жаноби олийлари, Саиф ал-Утаби хизматингизда.
 – Жуда яхши. Биздан зудлик билан эвакуация қилиш талаб этилади. Имомнинг хотинларидан бири қаттиқ яраланган. Биз йўлда, сиз томонга келяпмиз. Бизга Қоҳирага борадиган энг тезуچار ёнилгиси тўла лайнерингиз керак бўлади.

– Бироқ мен бунга рухсат олганим йўқ, жаноби олийлари.
 – Рухсатни мен бераман.
 – Аммо жаноби олийлари...
 – Агар имомнинг хотини «тез ёрдам»да ўлиб қолса, сизнинг бемаъни саволарингиз туфайли ўлди, деб айтаман...

– Ҳамма нарсани тахт қилиб қўямиз, – деди Саиф ал-Утаби.
 – Биз ўн беш дақиқадан кейин етиб борамиз. Дарвозадаги кўриқчиларга бизни зудлик билан ўтказиб юборишни айтиб қўйинг.
 – Ҳўп, жаноби олийлари.

«Тез ёрдам»нинг ҳайдовчиси кўркувдан пахтаси чиққан кўзларини Боббига тикди.

Аэропортнинг йўли чўл орқали ўтарди. Бобби ҳушсиз ётган санитарнинг куртқасини кийиб олди. Кейин ҳайдовчига машинани йўл четидаги каттакон сурат ёнида тўхтагишни буюрди. Машина тўхтагач, Флоренс ҳайдовчини нишонга олиб турди. Бобби санитарни суратнинг орқасига олиб бориб ташлади.

Кейин Бобби ҳайдовчини ўз режалари билан таништириб, уларни бажармаслик тайёр ё тайёр эмаслигиндан қатъий назар Оллоҳ хузурига боришингни тезлаштиради, деди.

Флоренс унинг гапларини тинглаб турди ва ҳайдовчи тушунмайди деган хаёлда француз тилида гапирди.

– Уларнинг ҳарбий самолётлари бор. Бизни уриб туширишади.
 – Нимани таклиф қиласан?
 – Балки элчихонага борармиз? Улар бизни қабул қилишга мажбур.

Боббининг энсаси қотди:

– Ҳа, албатта, уларнинг бизга кўзи учиб турибди. Бизни отиб туширишмаганда дарвозадан ичкари кирганимизда ҳам – кейин нима бўлади? Қолган ҳаётимизни полициячиларнинг тунд башарасига қараб, ертўлада ўтказамизми? Йўқ, раҳмат. Менга тиббиёт белгиси бор самолёт дуруст.

Флоренс кўнишга мажбур бўлди.

Улар аэропортга яқинлашдилар. Флоренс машина ичидаги бор тиббиёт жиҳозларини бўйнига осиб олди. Кейин имомнинг бошидан қаттиқ жароҳатланган хотини қиёфасида замбилга ётди. Бобби титраб-қақшаётган ҳайдовчига чўнтагида отишга шай қилинган тўппонча борлигини яна бир эслатиб, унинг ёнига ўтирди. Кейин кўлини чўзиб, сирена билан махсус чирокнинг тугмачасини босди.

Аэропортга кираверишда блокпост бор экан.

– Асабийлашма, жимгина ёт. Мен гаплашаман, – деди Бобби.

Машина тўхтади. Унинг йўлини автоматли солдатлар тўсиб турарди. Улардан бири ҳайдовчига «ойнани тушир» деб ишора қилди.

– Қаёққа кетаяпсизлар?

– Аэропортнинг тиббиёт хизматига, – деди Бобби. – Нима гап?

– Бу ерда саволни мен бераман. «Тревога» эълон қилинган.

– Лекин ишимиз шошилинч. Кўриб турибсиз-ку?

Орқа эшик очилиб, иккита аскар ичкарига қаради. Флоренс ёпинчиқ остидаги тўппончасини маҳкам ушлаганича, ҳаракатсиз ётарди.

– Ким бу? – сўради ҳайдовчининг ойнаси ёнида турган аскар:

— Имомнинг хотини, — жавоб берди Бобби. — Севимли хотини. Уни Қоҳирага олиб кетаяпмиз, — кейин ўта жиддий овозда қўшиб қўйди, — унинг аҳволи жуда оғир.

Аскар қовоғини солди.

— Бизга бу ҳақда ҳеч қандай хабар берилгани йўқ.

— Менинг ишим нима? — жаҳл билан деди Бобби. — Бу жароҳатни ҳеч ким аввалдан режалаштиргани йўқ! Имомнинг шахсан ўзи қўнғироқ қилишини хоҳлайсизларми?

Аскар иккиланиб қолди. Кейин билинар-билинемас ҳаракат билан «ўтавер» деб ишора қилди. «Тез ёрдам»нинг орқа эшиклари шарақлаб ёпилди. Машина олдида турган аскар йўлни бўшатди. «Тез ёрдам» қўзғалди.

— Юрагим кўксимни ёриб чиқади деб ўйладим, — гўлдиради Флоренс.

Ҳайдовчининг ҳам бўлари бўлганди. Бобби унинг елкасига шапатилаб дўстона оҳангда деди:

— Дўстим, амалладинг. Кетиши яхши. Яна бир неча дақиқадан кейин ҳаммаси тугайди. Кейин сен бу ажойиб ҳодисани хотининг билан болаларингга гапириб бер...

Шу дақиқада бирдан ҳайдовчининг кўзи олайди-ю, бор гавдаси билан рул устига ағдарилди. Машина рўпарадан келаётган баҳайбат юк машинаси томон бормоқда эди.

Бобби рулга ёпишиб, уни кескин бурди ва юк машинаси билан тўқнашувдан мўъжиза туфайли асраб қолди. Флоренс замбилдан бир дунё тиббиёт асбоб-ускуналари устига ағдарилиб тушди.

— Нима бўлди?

Бобби бир вақтнинг ўзида машинани бошқарар, чап оёғи билан тормозга интилар ва рулнинг ортидан ҳушини йўқотган ҳайдовчини тортиб чиқарар эди. Флоренс ўралашиб қолган нарсалар орасидан чиқиб, машинанинг олдинги қисми томон кучи борича эмаклади. Бу пайтда «Тез ёрдам» қасирлатиб ёғоч тўсиқни бузиб, қарама-қарши йўналишга чиқиб кетди. Энди ҳатто унга тасодифан кўзи тушиб қолганлар ҳам машинага нимадир бўлганини билишарди.

Бобби нўҳоят ҳайдовчини амаллаб ўриндикдан пастга итариб туширди ва энди бензин ташувчи машина томонга учиб бораётган «тез ёрдам»ни ўзи бошқариш учун рул ёнига ўтди. Тўс-тўполонда махсус чироқ ва сиренанинг увуллаши «Тез ёрдам»га айрим имтиёзларни берарди. Рўпарадан келаётган транспорт унга йўл бўшатиб, йўлгага чиқиб кетди. Бироқ кўп ўтмай, бошқа сиренанинг овози эшитилди. Флоренс ҳайдовчининг устидан ўтиб, ўриндикқа ўтириши билан рациядан жаҳл билан ҳайдовчидан тўхташни талаб қилаётган овозни эшитишди.

— Маҳкам ушла! — деди Бобби чамбаракни айлантириб, тормозни босаркан.

«Тез ёрдам» бурилди, бироқ кутилмаганда ёнбошлаб, икки филдирагида тик туриб қолди. У жуда узоқ туюлган бир неча сонияда ана шундай турди, кейин аста пастлаб, аввалги ҳолига — тўрт филдиракка қайтди.

Улар энди тўғри йўлдан бормоқда эдилар. Бироқ тепасига пулемётлар ўрнатилган зирҳли автомобиллар уларнинг ҳаракатига қизиқиб қолган эди.

Бобби вазият ёмонлашиб қолганини касбига хос қуруқ оҳангда лўнда қилиб айтиб қўя қолди:

– Кунимиз битди.

У машинани «учиш терминали» белгиси қўйилган эстакада томон бурди. Қўриқчилар чиққан машина ҳали ҳам бир неча юз метр нарида, лекин ўта тезлик билан яқинлашиб келмоқда. Қоронғилик тушиб, аэропортда одам гавжумлашган эди. Терминал ёнида ўнлаб машиналар турарди. Юзлаб йўловчилар бинога кириб-чиқмоқда эдилар.

– Тормоз берганим заҳоти сакра, – деди Бобби. – Оломонга аралашиб кет. Бу қўлингдан келади. Эсингдан чиқмасин: «Замзам Бест Чикенс». Азул, Сайрус...

– Кипр оролларида. Бобби, мен биламан.

– Жуда яхши.

У терминалнинг узоқ чеккасига бориб, тўхтади ва махсус чироқ билан сиренани ўчирди.

– Бошла, Фло.

– Тиқилиб қолдим.

– Нима?

– Оёғим тиқилиб қолди. Чиқара олмаяпман.

Бобби у томонга чўзилди.

– Йўқ, бу томондан ета олмайсан, – деди у. – Кел, бошқа томондан. Тез.

Бобби эшикни очиб, машинани айланиб ўта бошлади. Шу заҳоти Флоренс ҳайдовчи ўрнига сакради, узатиш ричагини ишга солди ва «Тез ёрдам» чийиллаганича, жойидан кўзгалди. Флоренс ён кўзгудан ҳамон йўлакда турган Боббини кўрди, кейинги сонияда эса унинг ёнидан Флоренс бошқараётган машина ортидан қувиб бораётган ҳарбий ва полиция машиналари учиб ўтди.

«Тез ёрдам» машиналари аслида тез юриш учун яратилган. Шу боис Флоренс изма-из келаётганларни тобора Боббидан узоқлаштириб олиб кетмоқда эди. Бироқ ҳарбий ва полиция машиналари ҳам тез юриш учун яратилган, шу боис жуда қисқа муддатда улар Флоренснинг изидан тушдилар. Машинада имомнинг ҳеч қанақа хотини йўқлиги маълум бўлиб қолган эди. Флоренс буни англаб етди, чунки улар ўқ ота бошлагандилар. Махсус ўқ ўтказмайдиган машина Флоренсни ўқ ёмғиридан ҳимоя қилмоқда эди. Аммо шундоқ ўнг томондан отилган ўқ ёмғири олд ойнани синдирди, уни ўргимчак тўридек дарз кетган чизиқлар қоплади.

Флоренс талваса ичида вазиятни чамалаб кўрди. У бир неча дақиқадан кейин қўлга олинишини ёки ўлишини биларди. Уни машинадан судраб туширадилар – кейин нима бўлади? Сўроқ. Қийноқ. Қатл. Васабийликлар ҳам, шубҳасиз, бир четда қараб турмайдилар. Ҳаммадан кўра у ўшаларга керак.

Кутилмаганда Флоренс боши тепасида гуриллаган шовқинни эшитди, кейин вертолетни кўрди. У Флоренс билан бир хил тезликда, лекин жуда паст учмоқда эди. Ҳатто милтиқ билан нишонга олаётган одам ҳам кўринди. Кейин спидометрга қаради. Бир юз олтмиш. Флоренс шоссе устидан ўтадиган эстакадага яқинлашмоқда эди. Ҳаммаси бир неча сонияда тугаши керак. Тез ва аниқ. Аммо ёмон алфозда эмас. Қахрамонлик кўрсатишга илож қолмади, лекин эстакаданинг бетон асосига урилиб, ҳалок бўлишдан яхшиси йўқ. Ҳеч ким унга бўқирмайди, ҳеч ким автомобил аккумуляторини ишлатиб, моторни ёқиб қўймайди, боши танасидан жудо қилинмайди, тошбўронда қолмайди.

Флоренс амаллаб чап қаторга ўтиб олди ва жон-жаҳди билан газ педалини босди. Кутилмаганда у ўзини ўта хотиржам ҳис этди. Чунки мияси жуда аниқ ишлай бошлаганди. У бу воқеаларга илк сабабчи бўлган Назрани эслади — у ҳам ҳалокатга қарши автомобилда мана шундай учиб борганди. Флоренс бошини эгиб, машинани эстакаданинг асоси томонга ҳайдади. Ва ҳеч кутилмаганда инграш овозини эшитди.

Бу — ҳайдовчи эди. Флоренс уни бутунлай эсидан чиқариб юборган эди. У пастдан юқорига ваҳима билан боққанича, нималардир деб гўлдираётган эди. Агар ҳайдовчи айна шу пайтда фингиб қолмаганда... озгина жасурроқ бўлганида... ўзини қўлга олганида... Эстакадагача бор-йўғи бир неча метр қолганди...

Флоренс бетонга урилиб кетмаслик учун машинани буриб юборди ва эстакада тагидан ўтиб кетди.

Вертолёт тепасида шиддат билан айланишда давом этмоқда эди. Яна ён эшикдан қараётган одамни кўрди. У милтиқдан нишонга олмақда эди.

Уч марта ўқ узилди, двигател ишдан чиқди. Олд ойна майдаланиб кетди. Машина юришини ўзгартириб, бўйсунмай қўйди.

Ўқ отаётган одам милтигини туширгач, Флоренс унинг малла сочлари ва француз десантчиларига хос шимарилган енгини кўрди.

«Ҳа,— деб ўйлади у қуролланган одамлар машинасини ўраб олаётганини кузатар экан, — французлар ҳамиша яхши мерган бўлишган!..»

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

Рик Реналд Вашингтондаги офисида ўтириб, икки марта президентлик сайловида мағлубиятга учраган АҚШнинг собиқ сенатори — эндиликда ортиқча вазни йўқотиш бўйича ихтисослашган марказ вакилини ишонтиришга уринарди.

Сенатор ўз салобати ва хатти-ҳаракатлари билан бу иш унинг кадр-қимматига мос эмаслигини кўрсатишга интилар, лекин масаланинг бошқа жиҳати уни қизиқтириб турар эди: у кўп пул орттиришни жуда хоҳларди.

Ўзаро суҳбат айна қизиган пайтда хонага Ренарднинг ёрдамчиси кириб келди узр сўраб, Жорж кўнғироқ қилаётгани ва зудлик билан жавоб бериш зарурлиги ёзилган қоғозчани берди.

Бу илтимосни кейинга қолдириш мумкин эмасди.

— Оқ уй, — деди Рик телефонга қўл чўзар экан. — Қарши эмасмисиз?..

— Йўқ, йўқ, гаплашаверинг.

— Эшитаман, Карл, — деди Рик гўшакка.

— Флоренца! — хўрсинди Жорж, — менимча, уни қўлга олишганга ўхшайди.

— Шайтон! — сўкинди Ренард, — онасини!..

Сенатор унга қизиқиш билан қараб турарди.

— Мен иложи борича аниқлайман, — деди Жорж. — Эвини қилиб, бу ердан чиққанимдан кейин офисингизда учрашамиз. Даккетт менга саккиз йил олдинги ишни текшириб кўришни топширди. Расво!

Рик гўшакни қўйди.

— Оқ уйда... Ҳамма нарса жойида эканми? — сенатор ўсмоқчилади.

– Ҳа. Сиз уларни биласиз-ку, – жилмайди Рик. – Рейтинглари бир бандга тушиб кетса, шу заҳотиёқ ваҳима кўтаришади.

Рик сенаторни кузатиб, ёрдамчисига ҳамма учрашувларни бекор қилишни буюрди. Кейин телевизорни қўйиб, Интернетга уланган барча каналларни Жоржни топмагунча айлантираверди. Аслида Жорж биронта дуруст маълумотни қўлга тушириши қийин бўлиб қолган эди, чунки унга жаҳл қилиб юрган Даккетт Интернетга киришини чеклаб қўйганди. Лекин Жоржнинг ишончли дўстлари ҳам кўп эди.

– Амо-Амасдаги АҚШ элчихонаси Дисмалия худудиди юз берган тўс-тўполон – отишма, пачоқланган машина ва аэропортдаги ҳодиса ҳақида доклад юборганди. Элчихонадаги телефонларни яширинча эшитиш бўйича мутахассислар Матар полициячиларининг Эль Имра'а амрикия (америкалик аёл) ҳақида радиода валақлашаётганларини тутиб олганди. Улар яна француз тилида берилган жанговар вертолёт билан кузатилаётган автомобилга қарата ўқ отилгани ҳақидаги гапларни ҳам ушлаб қолгандилар. Шундан ярим соат ўтгач, бир неча транспорт воситасидан иборат конвой шаҳарда Вазба номидаги ҳарбий ҳаво базаси дарвозасидан тезликда ичкарига кириб кетган. Тўнтарув амалга оширилгандан кейин бу база Маликнинг ҳокимият тепасига келишидан норози бўлиб, унга қарши гап айтишга журъат этганлар учун қамоқхонага айлантирилганди. Кўпчилик маҳбуслар аёллар эканлиги ҳам ажабланарли эмасди.

– Даккетт Комодо оролидан келтирилган аждаҳо кетига ёпишиб олгандек кабинетига кириб кетди, – деди Жорж хонада у ёқдан-бу ёққа юриб. – Уни ушлаб олишган. Бунга ишончим комил.

– ТВ Матарнинг илгариги ходимларидан бирортасига кўнғироқ қилишга уриниб кўрдим, – деди хомушлик билан Ренард. – Лекин ҳеч нарса чиқмади. Гўшакни ташлаб юборишяпти. Битгаси эса мени динсиз деб сўкиб ҳам берди. Худойим, меҳрибон Матар қанчалик яхши эди-я...

Шу пайт Ренарднинг ёрдамчиси кириб келди.

– Сизга Бобби исмли қандайдир одам кўнғироқ қилипти.

Телефонга барабар ташланган Рик билан Жоржнинг пешоналари урилиб кетай деди.

– Бобби? У соғ-саломатми? – сўради Рик.

– Йўқ. Уни тутиб олишди. Гапимни диққат билан тингланглар, мен узоқ гаплашмоқчи эмасман. Чунки анави иккиюзламачи ҳароми Сэм тоға гапимизни эшитиб турган бўлса керак. Мени эшитяпсанми, Сэм? Яхши эшитяпсанми? Сен аввал бизга сув таксиси қиламан дейсан. Орадан ўн дақиқа ўтиб, Анбар Тал – дарвоқе, мен томонимдан жалб этилган одам, бизни ўлдириш учун келади. Мени диққат билан тингла: мен тезда қайтаман. Агар океанни сузиб ўтиш керак бўлса – сузиб ўтаман. Сен билан гаплашиб олганимдан кейин кетинг билан нафас олиб, қулоғинг билан ҳожат чиқарадиган бўласан. Тушундингми?

Ренард гўшакни кафти билан тўсиб, Жоржга шивирлади:

– Менимча, унинг жуда жаҳли чиққан.

– Майли, – деди Бобби. – Янгилликларда бу ҳақда хабар қилишдимми?

– Йўқ, ҳозирча йўқ.

– Жорж шу ердами? Гўшакни бер. Жорж, давдепда нима қилишяпти?

— Энг яхши биладиганим шуки, ҳеч нарса. Фақат Амодан бир нечта хабар олинди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Даккетт менга ҳеч нарсани айтмайди. Бобби, улар Флоренсни нима қилишади?

— Билмайман, чувак. Гўшакни Ренардга бер. Рик, сенга берган уяли телефоним ёдингдами? Вашингтонда қолдиргин, дегандим? Уша ўзингдами?

— Ўзимда бўлса кераг-ов.

— Зўр. Мен билан алоқа қилиш учун ўшандан фойдалан. Кейин, ўша ерда ишга кириш.

— Нимадан бошлай?

— Сен ўйинчисан-ку.

— Тўғри-ку-я...

— Айланишдан бошла, чувак. Оёқдан қолиб, йиқилгунингча айлан. Эй, Жорж?

— Шу ердаман.

— Элчихонанинг бақалари ишни босди-босди қилишларига йўл қўйма.

— Тушундим.

— Зўр, — деди Бобби. — Келинлар, йигитлар, уни олиб чиқамиз. Эслаб қолинглар: хужум ва шиддат! Хужум ва шиддат!

Гўшакдан қисқа гудоклар эшитилди.

— Тушунмадим, — деди Ренард. — Охирги сўзлари... У нимани назарда тутди.

— Ҳа, бу муштлашишни ёқтирадиганларнинг гапи. Лекин мен бу гал унинг таклифига розиман.

Камера кичкина, лекин тоза, қамоқхона мезонларига кўра ҳатто шинам эди. Унда юпка ёстиқли койка, табиий зарурат учун қопқоқли пластик челақ, бир шиша сув ва «Курьон» китобининг бир жилди бор эди.

Флоренсни «Тез ёрдам»дан тортиб чиқаришгандан кейин бошига қоп кийдиришди. Охирги кўргани двигателни ўққа тутган француз снайпери бўлди. У Флоренсга деярли кечирим сўрагандек назар ташлади ва елкасини салгина қисиб: «Бу ерда менинг айбим йўқ. Буйруқ буйруқ-да. *Helas chere!*» деяётгандек бўлди.

Шундан кейин ҳеч қандай узр сўраш ва елка қисишга ҳожат қолмади. Флоренснинг кўлига кишан солиб, бошига қоп кийдиришди, қандайдир машинанинг орқа ўриндигига итариб киритиб, олиб кетишди. Флоренснинг тугма туйғулари бу гал ҳам уни қаёққа олиб кетишаётганини билишга ожизлик қилди. Орадан бирор соат ўтиб, бошидан қопни олишди ва у ўзини ёп-ёруғ хонада кўриб, худога шукур, иккала давлат ўртасида айтарли фарқ қолмаган бўлса ҳам Васабияда эмас, Матарда эканлигини билди.

Оғир эшикда калит бурала бошлаганда Флоренс Курьон ўқиб ўтирганди. У бир пайтлар Вашингтонда беш ярим йил қамоқда ўтирган бир киши билан суҳбатлашиб қолганди. Шимолий Вьетнамда қийноқларга дучор бўлган бу одам орадан ўттиз йил ўтиб ҳам эшикка солинган калит шиқиллашини ёки очилаётган эшик овозини эшитса, юраги дукиллаб уриб, кўрқувдан нафаси тикилиб қолишини айтганди.

Камерага кирган эркак мукфеллинларнинг қора-кўк кийимида эмасди. Чамаси, шунақасини ҳам ўйлаб топишган бўлса керак.

¹ Афсус, азизим (франц.)

Флоренсга яна қоп кийдиришди, оёқ-қўлларига кишан солишди ва камерадан олиб чиқишди. Унинг фикрича, кишанлар, шунчаки руҳий таъсир кўрсатиш воситаси эди, чунки аёл кишининг назоратчилардан қутулиб, озодликка чиқиб кетиши ақлга сиғмайдиган ҳол эди. Флоренс оёқ яланг, тош полдан, кишанларини шарақлатиб юриб кетди. У иложи борича қоқилиб, йиқилмасликка уринар, ҳолати шундоқ ҳам таҳқирли эди.

У қандайдир салқин ерга етиб боргунча орқасидан резина таёққа ўхшаш нарса билан туртиб келишди. Шу ерга етганда хаёлига ҳозир бошимдан қопни олишади-ю, қаршимда совуқ ханжар ушлаган жаллодни кўраман, деган фикр келди. Бу фикр ўзига ҳам ёқиб тушди: агар сўйишадиган бўлса, буни чинакамига ўткир қилич ёрдамида амалга оширганлари маъқул.

Флоренс кондиционер ишлаб турган хона ўртасида турарди. Хонада ҳеч қанақа қон доғи ва қийноқ асбоблари йўқ эди. Аксинча, узун стол ёнида учта эркак ўтирарди. Ўртада ўтирган Матар ислом республикасининг имоми Маликни у шу заҳоти таниди.

Унинг ўнг ёнида ўтирган одам васабийликлар кийимида бўлиб, хами-баб қабиласи эркакларига ўхшарди. Шайх Абдулабдулла Ақлли Ваффа ал-Ҳамуж давридан буён айнан ана шу қабила аъзоларига қироллик саройини қўриқлаш вазифаси ишониб топшириларди. Ҳозир ўтирган одам Салим бен Жудар бўлиб, у Жамоатчилик саломатлиги вазирининг биринчи ўринбосари эди. Васабия қироллигида махфий полиция шундай номланарди. Флоренс бу одам ҳақида шунчалик кўп гап эшитган эдики, уни кўргандаёқ кўрқувдан оғзи қуриб қолди.

Маликнинг чап томонида ўтирган одам мукфеллинларнинг анъанавий қора-қўк кийимида эди. Унинг ҳаракатсиз нигоҳида шунчалик қучли нафрат бор эдики, Флоренс инсон деб аталмиш мавжудот орасида бунақасини кўрмаганди. У кўмирдек қора кўзларини америкалик аёлнинг кишанларига тикиб қаҳр билан қараб турарди.

— Салом, Малик, — деди Флоренс,

— Салом, Фло-ренс, — табассум қилди Малик ва унинг кишанларига қаради. — Билагузукчаларми? Охирги урф бўйича, а?

— Ҳа, мавсум янгилиги. Дарвоқе, урф жуда тез ўзгаради. Айниқса, Парижда.

— Ҳол-аҳвол сўрашганимиз етар, сиз қаршингизда ўта юқори мансабдаги одамларни кўриб турибсиз. Улар сиздан жуда аччиқланганлар. Айнан шундай, уларнинг жуда жаҳллари чиққан. Улар сиз билан ҳисоб-китоб қилишмоқчи. Балки сизни бу одамларга беришим керакдир?

— Хўжайинларингиз нима деса, шундай йўл тутинг. Бўлмаса, уларнинг ғазабига учрайсиз.

— Матарда менга ҳеч ким буйруқ бера олмайди. Бу ерда ҳамма нарсани мен ҳал қиламан. Бунга ишонишингиз мумкин, хоним. Сизнинг МРБдаги жазманингиз жаноб Тибо... яъни Тибу...

— Тибода. Французча фамилияларни тўғри талаффуз қиладиган пайтингиз етди.

— У қўлимизда. Ишонмайсизми?

— Менга бирор марта тўғри гапирганмисиз?

— Балки унинг мурдасини кўргингиз келар? Тўғри, томоша кўнгилли бўлмайди. У ўта ўнғайсиз шароитда ҳалок бўлди. Биласизми, қандай? Қўл гранатаси билан ўзини ўзи портлатиб юборди. Қандай ачинарли.

Биз у билан адолат бўйича муомаллада бўлардик. Балки, раҳм-шафқатимизни кўрсатиш мақсадида ҳукуматингизга қайтариб юборармидик. Биз учинчи оламдан келган жоҳиллар эмасмиз, биласиз-ку.

Малик ишонч билан гапирганига қарамай, Флоренс унинг гапларига ишонишга ўзини мажбурлай олмасди. Бобби гранатани ирғитганда ҳам ўзини ҳалок қиладиганлар тоифасидан эмасди. Шундай бўлса-да, елкалари совуқдан жимирлаб кетди.

Кутилмаганда Малик шунчалар қувноқ ва енгил оҳангда, худди хаёлига ўта омадли фикр келгандек, гапира бошлади:

— Балки унинг мурдасини камерангизга қўйилишини хоҳларсиз? Бу сизга жуда ҳам ёқса керак.

Малик мукфеллинларга араб тилида мурожаат қилди:

— Уни камерага қайтариб олиб борганларингда, анави америкаликнинг мурдасини ҳам ўша ёққа элтиб ташланглар. Кейин эшикни қаттиқ беркитиб қўйинглар. Улар ўша ерда биргаликда чириб кетишсин.

Васабийлик бош силкиди ва бутун суҳбат давомида биринчи марта юзи табассумдан ёришди. Чамаси, унда озгина одамийлик нишонаси қолган эди.

— Таржима қилиш керак эмасми, а, Фло-ренс? Нега бунчалик гамгин қараяпсиз? Сиз бизнинг тарихимиз билан яхши танишсиз-ку. Гапга кирмайдиган аёлларни бир неча аср муқаддам амир бўлган менинг аждодим Жамир ал Кеф даврида нималар қилишганини эсласангиз керак. Жиноятчи аёлнинг қўл-оёғини қаттиқ боғлаб, қорнидан кичкина тешик очишган ва у ердан ярим метрча ичагини чиқариб қўйишган. Шундан кейин аёлни шоқоллар еб битириши учун саҳрода қолдиришган. Кўрдингизми, ўшандан буён янгиланаётган Матарда кўп нарса ўзгарди. Биз жуда ҳам либерал бўлиб қолдик.

ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Тунги соат учларда Ренард билан Жорж офисда ўтириб, бирор чора ўйлаб топиш борасида бош қотириб, турли режалар тузаётган пайтларида эшик очилиб, ҳаддан ташқари баҳайбат гавдали иккита бесўнақай шахс бостириб кириб келишди. Улар хонани диққат билан кўздан кечириб бўлиши билан учинчи шахс — Жорж билан Рикнинг йўқолиб қолган Сэм тоғаси пайдо бўлди.

— Саломлар бўлсин, йигитлар, — деди у анавиларга «чиқиб кет» ишорасини қилиб. — Гапни айлантирмайлик-да, очигига кўчиб кўя қолайлик. Биз Бобби Тибоданинг кеча мана шу офисга қилган кўнғироғини ушладик.

— Жентльменлар бир-бирининг телефондаги кўнғироғини яширинча эшитмайдиган замонларни қандай соғиндим, — деди Жорж.

Сэм тоға идишда қолган қаҳвани финжонга қуйди, устига курук қаймоқ сепиб, хўшлаб, афтини буриштирди.

— Худойим! Сизга ўтказилган пулларга тузукроқ қаҳва чойнаги олсаларинг бўларди-ку? Ё икки миллион етмаяптими? Дарвоқе, бу мағзава ошқозонимга тушиб, мени ўлдиргунга қадар асосий гапни айтиб олай. Бобби Тибода сизларга фирт ёлғон гапларни гапирганидан бошлайман. Чамаси, Боббининг калласига уни ва Фло

ренсни йўқ қилиш учун МРБдан киллерлар ёллади деган гап ўрнашиб қолибди, шекилли. Бу гапни қаердан олганини тасаввур қила олмайман, лекин, умуман айтганда, бу гап қаердан чиққанини сезиб турибман.

Жорж билан Рик унинг гапларини газаб билан жим туриб эшитишарди.

— Негадир менга ишонмаётганга ўхшаяпсизлар. Ё бундай эмасми? Лекин кечириб қўясизлар, биз айбсизлик презумпцияси ўйлаб топилган Америка Қўшма Штатларида яшаймиз. Ҳа, яхши, гапга қулоқ солинглар, йигитлар. Мен бир неча марта, бир неча марта, жуда яхши биласизлар, бу жуфтликни у ердан олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилдим. Сизларга, шунингдек, Флоренс амирнинг хотинини қолдириб, у ердан кетишга рози бўлмагани ҳам маълум. Қисқаси, бу иккала хонимнинг орасида нималар бўлгани менга номаълум ва мен бунга тупурдим. У ердан ана шу галвалар бошлангунга қадар Флоренсни олиб чиқиб кетишим зарур эди. Бироқ ҳаммаси бошқача бўлиб кетди. Ташрифдан мақсад, унутмаган бўлсам, Яқин Шарқда араб аёлларининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва қанча бўлмасин, барқарорликка эришиш эди. Баъзилар: «ақлдан озганмисизлар?» деса, бошқалар, «биз ҳаммасини қўллаб кўрдик, келинлар, таваккал қиламиз. Жуда унчалик зарар бўлмайди», деди. Ҳа! Ҳаммаси қандай тамом бўлди? Французчасига айтганда *Coup d'état*². Режа тўлиғича барбод бўлди, у икки миллион араб аёлининг келажакда янада эзлишидан ташқари тахтга руҳан ақли қосир автопойгачини ўтказиб қўйди. Мен Васабия нефтининг нархи осмонга кўтарилиб кетаётганини айтмай қўя қолай. Бу ахир навбатдаги АҚШ Президенти сайловига ҳам таъсир қилади. Франция кўрфазда ҳарбий-денгиз базаси кураётганини айтганим йўғ-а? Аъло даражадаги иш, йигитлар. Сигаретдан олинглар. Ҳукуматингиз сиз билан фахрланади... Шу билан бирга, эски танишларинг Тибодо, мен негадир бошданок унинг гуруҳ таркибида бўлишини хоҳламагандим, мени ўзига қарши деб ўйлапти. Мен ҳозир Матарда ҳаво жуда иссиқлигини, бу иссиқ ҳаммага ҳар хил таъсир қилишини биламан, лекин бу даражага бориш...

— Ажойиб монологингизни тўхтатмоқчи эмасдим, — деди Жорж, — лекин нима бўлганини айтиб берсангиз бўлмайдими? Ёки кириш қисмини қолдириб, Флоренс қаердалигини айтсангиз-чи? Умуман, у тирикми?

— Энди шу ҳақда айтмоқчи эдим. У тирик. Бу — бизга маълум. Уни у ёқдан олиб чиқиш учун, бу тўс-тўполондан кейин осон эмас, албатта, қўлимдан келган ҳамма ишни қиялман. Бироқ, менга ишонинглар, бу дипломатик ёндашувни талаб қилади. Агар икковларинг ҳозир кутурган фил сингари ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлаётган анави истёфодаги жосусга ўхшаб...

— Истёфодаги?

— Албатта. МРБ уни аллақачон ишдан бўшатган. Ҳеч қандай нафақасиз... Бўшатилишининг ҳақиқий сабаби нималигини билишни хоҳлайсизларми? У Йорданияда Америка элчисининг хотини билан...

— У билан кимлар бўлмаган, — деди Жорж. — У аёл ўзи тўймайдиган хилидан...

— Шундай бўлса ҳам элчи бу воқеага бефарқ қолмаган. Ва у ҳозирги президент сайлови учун маблағ йиғиш компаниясини бошқариб турибди.

² Тўнтариш (франц).

— Етар! — аралашди Рик. — Ким кимни нима қилгани билан қанчалик ишимиз бор.

— Севги билан машғул бўлса, — унинг гапини тўғрилади Жорж.

— Шунга ўхшаш. Флоренсни қутқариш учун нима қиляпсиз?

— Йигитлар, бу ҳақда қанча кам нарса билсаларинг сизлар учун шунча яхши.

— Йўқ, — деди Жорж. — Йўқ, йўқ, йўқ. Биз кўзини боғлаб, қулогига пахта тикиб қўйса бўлаверадиган аҳмоққа ўхшаймизми?

— Жорж, мен сизларнинг хавфсизликларинг учун ташвиш чекяпман.

— Лекин шу билан бирга шундай оҳангда гапираяпсизки, гўё биз аҳмоқмиз. Бизни алдаманг. Шу ерда, ҳозир Флоренсни қутқариш учун нималар қиляётганингизни айтасиз. Акс ҳолда матбуотда шундай жанжал кўтараманки, узоқ йилларгача шаънингизни тиклай олмайсиз. Ишонинг, бу саҳродаги ҳақиқий бўрон бўлади.

— Ҳа, хўп, — Сэм тоға елкасига тоғни ортиб олгандек, оғир хўрсинди. — Биз французлар орқали ҳаракат қиляпмиз.

— Французлар орқали? — Рик билан Жорж баробар хитоб қилишди.

— Французлар орқали? — қайтариб сўради Рик яна.

— Хоҳласанглар — ишонинглар, хоҳламасаларинг — йўқ. Лекин улар ҳам янги тузумдан биз каби ҳайратда.

— Лекин уни ўрнатиш учун ўзлари ёрдам беришди-ку?

— Париждагилар уларнинг қаноти остидаги ҳукмдорлар қўли билан аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи америкалик қаҳрамоннинг боши кесилишини жудаям хоҳлашаётгани йўқ. Бундан француз автобуслари ҳамда сасиган пишлоқларини Штатларда сотиш ҳажми кўпайиб қолмайди. Қисқаси, сизлар бу ишни менга қўйиб беришинглар керак. Келишдикми?

— Лекин мен тушунмадим, — тан олди Жорж. — Боббининг айтишича, сиз уларни сув ости кемасида олиб чиқиб кетишингиз керак эди. Унинг ўрнига қутилмаганда МРБ ходимлари пайдо бўлиб, ўқ ота бошлаган. Амо-Амас элчихонасидагилар ҳам отишма, қувлаш ва қўлга олишни тасдиқлапти. Шундай қилиб, у ерда нима воқеа юз берди?

— Батафсил изоҳлаб беришга ҳаққим йўқ.

— Ҳаракат қилиб кўринг.

Сэм тоға яна оғир хўрсинди.

— Менинг Бобби билан Флоренсга қилган кўнғирогимни тутиб олишган. Биз буни кейин билдик.

— Ким тутиб олган?

— Французлар. Қўлга олиш гуруҳини ўшалар юборишган, мен эмас.

— Французлар иккита америкаликни ўлдириш учун МРБ ходимларини юборибдими? Бўлиши мумкин эмас.

— Бобби айтган одамнинг оти Анбар Тал. У Матар ҲҲҚда ишлайди. Шунингдек, МРБ да ҳам. Буниси тўғри. Боббининг ўзи уни ўзига ёллаган. Бундан ташқари у 11-отрядда ҳам ишлайди. Бобби буни билмайди. У икки, йўқ, уч ёқлама агент.

— Бундан чиқди, сиз Флоренснинг озод қилинишида французларни ишга солишга ҳаракат қиляпсиз, шу билан бирга айнан ўшалар анави иккиюзламачи каллакесарга уни ўлдиришни буюряпти. Шундайми?

— Бу — Яқин Шарқ, Рик, — елкасини қисди Сэм тоға. — Ўзим ҳам уни охиригача тушунмайман.

Гапга Жорж аралашди:

— Биласизми, сиз 11-бўлим бошлиғи билан гапни бир жойга қўйгунингизгача биз қўл қовуштириб ўтирмақчи эмасмиз. Тўғриси айтсам, бу ишда сизнинг фойдангиздан зарарингиз кўп.

Сэм тоға осойишта, совуқ овозда жавоб берди:

— Сизларнинг бошқа йўлларингиз ҳам борми? Менимча, йўқ.

— Тоғажонимиз таҳдид қиляптими?

— Тоғажонингизда жиянчалари қилмишларини юзага чиқаргунга қадар бўлган имкониятлар йўқ энди, лекин айрим нарсаларга ҳали ҳам қурби етади, — деди Сэм тоға, оромқурсидан турар экан. — Библишимча, банкдаги ҳисоб рақамларингизда икки миллион доллардан бор. Сизлар бу пуллар қаердан келганлигини зарур идораларга тушунтириб бериш учун 1099 та расмий қоғозларни тақдим қила оласизларми? Қўрқаманки, йўқ. Сизлар пуллар қаердан келганига эътибор бердиларингми?

— «Бангорнинг учинчи банки»дан.

— Тўппа-тўғри. Энди ФРБнинг ҳар қандай бошловчи терговчисидан бунинг нималигини сўранглар. Улар сизларга «Бангорнинг учинчи банки» Комор ороллариининг пойтахти Морони шаҳрига жойлашган, илтимос, «Мормонлар китоби»нинг муаллифларидан бўлган Морони билан чалкаштирманг, «Банк Меркантиль де Комор»ни ҳимоя қилиб туриш учун хизмат қилади. «Меркантиль» банкани ким бошқаради? Тўппа-тўғри, Шайх Адман Ифкир, она шажараси бўйича яманликлар кимга амакивачча бўлади? Нима деб ўйлайсизлар?

— Усома бен Ладенга, — хўрсинди Жорж.

— Нима? — саросима билан сўради Рик.

— Викторинамизда Жорж беш балл ишлаб олди, — овоз чиқармай қарсақ чалди Сэм тоға. — Бундан келиб чиқадики, икковларингиз ҳам Ал-Қоида назорат қиладиган банкдан пул олдиларингиз. Давлатга хиёнат қилиш бўйича айбланиб, суд жараёнида бу ҳақда кўрсатма бериш зўр бўлмайдими? Бинобарин, Вашингтонда соатига олти юз доллар эвазига сизларни ҳимоя қилишга тайёр адвокатлар тўлиб ётибди. Шундай қилиб, нима келиб чиқяпти? Икки миллион долларни олти юзга бўлсак... Фақат бир йилга етаркан. Ҳа, айтгандай, давлат бу пулларни мусодара қилади-ку? Бундай вазият хурсанд қиладими?

— Аблаҳ экансиз, Сэм тоға, — деди Рик.

— О, сизлар ҳали мен ҳисоб берадиган одамларни кўрмагансизлар, — хона остонасида туриб луқма ташлади Сэм тоға. — Янги қаҳва чойнаги олишни унутманглар.

Яна камерага қайтарилган Флоренс бир неча соатни мана, ҳозир Боббининг мурдасини олиб келишади-ю ёнимга ташлаб, эшикни маҳкам беркитиб қўйишади, деган ҳаёлда кутиб ўтказди. У Римда бокиралигига шубҳа туғилган қизлар ана шундай қамоқ жазосига тортилишини эслади. Лекин уларнинг бирортасининг ёнига мурда ташлангани ёдида йўқ.

Бироқ вақт ўтар, лекин ҳеч қандай воқеа юз бермасди. Флоренс бу шунчаки, алдов бўлса керак деб ўйлай бошлади. Уни қийнаётганлар, чамаси, иродасини букишга уринмоқдалар. Улар ниятларига етдилар. Кутиш азобида ўтган бир неча соатдан кейин унинг қўлида сезиларли титроқ бошланди.

Кутилмаганда камерада чироқ ўчиб, атроф зим-зиё бўлиб қолди.

Бир неча дақиқагача Флоренс ўзининг нафас олишига кулоқ тутиб, қўриқчиларни чақиришдан аранг тийилиб ўтирди. Нима бу? Пробкалар куйиб қолдими? Ё уни қутқариш бўйича операция бошландими? Шундай бўлиши мумкинми дея ўйлаб ўтирган Флоренс ниҳоят кулфнинг шиқирлаганини эшитди. Кейинги сонияда у очилаётган эшикдан ёпирилиб кираётган тоза ҳаво оқимини ҳис қилди ва шу заҳоти кимдир ичкарига ирғитган инсон танасига урилиб йиқилди. Тана оғир ва ҳаракатсиз эди. Ундан кучли куйган эт хиди келарди.

ЎТТИЗИНЧИ БОБ

— Ҳазрати олийлари, илтифот кўрсатиб, бошимни осмонга етказдингиз. Амир, анча озибсиз. Кўринишингиз ниҳоятда зўр.

Маликнинг кайфияти ёмон эди, шу боис Делам-Нуарнинг хушонади ҳам ёқмади.

— Муаммолар кўп. Пойгачиликда бунчалик эмасди.

— Бўлиши мумкин. Лекин сиз таом ейишингиз керак, о улуғ зот. Бу ҳолда сиздан ҳеч нарса қолмайди. Она томонингиздан энг катта дадангизни — вази-бикким қабиласидан ҳар йили солиқ сифатида ўз вазни қадар оғирликда марварид олган Эҳем ал-Гейкни эсланг.

— Ҳа, ҳа, ҳа. Шундай қилиб, мени кўрмоқчи бўлдингизми?

— Сизга ўз ошпазимни юбораман. У узоқ йиллар Париждаги «Тайеван» ресторанида ишлаган. У пиширган таомларнинг таърифига тил ожиз. Бу таомларни еб, ўзингизни жаннатдагидек ҳис қиласиз.

— Мен француз ошпазидан фойдаланишим мумкин эмас, Доминик.

— Нима учун?

— Мен имомман, агар унутмаган бўлсангиз. Бу ахир... Қай тарзда бўлиши мумкин?

— Ҳаётимда кўплаб имомларни кўрганман.

— Ўн беш дақиқадан кейин муллалар билан учрашишим керак. Мен фақат улар билан бандман. Нима ҳақида гапирмоқчи эдингиз?

— Имомимга суҳбатимиз мавзуси маълум бўлса керак деб ўйлайман.

— Бу менинг қўлимдан келмайди, деб сизга айтганман, Доминик. Бу энди диний масала.

— Шундай-ку-я, лекин сиз имомсиз.

— Бу, шунингдек, давлат аҳамиятига молик масала.

— Сиз, ахир, амирсиз.

— Бу яна, қабилалар орасидаги муносабат ҳақидаги масала, — асабийлик билан деди Малик.

— Қабилалар орасидаги? Қанақасига?

— Унинг одамлари ўлдирганларидан бири Ҳази-Агем қабиласидан экан.

— Хўш. Нима бўпти?

— Сиз тарихчимизсиз-ку, — Маликнинг энсаси қотди.

— Бу соҳада сизнинг улуғлигингиз олдида таъзим қиламан. Менга тушунтиринг.

— Юз йилдирки, менинг уйим бўлган Бени Хариш билан Ҳази Агемнинг уйи орасида қонли адоват бор. Тушундингизми?

— Тўғриси айтсам — йўқ.

— Мен ўта ноқулай аҳволда қолдим.

Делам-Нуар овчи лочин каби кўзларини пирпиратди, лабини тишлади. У ўта нозик одам эди ва хаёлида, ушбу мия ўрнига кондитер елимшагини солиб юрган одамни қизиқ устида тахтга ўтқизиб қўйгани ўзининг ҳам жонига текканди.

— Шундай қилиб, Малик, қабила кенгашининг улуғ шарифисиз. Сизни хафа қилишни истамайман, лекин марҳамат қилиб айтингчи, топ vieux, нима учун менинг вақтимни бемаъни гапларга сарф-ляяпсиз?

Кўпдан буён Маликни ҳеч ким «дўстим» деб атамаган, гаплари бемаънилигини эслатмаганди...

Малик қўлидаги ҳукмдорлик ҳассаси билан французни боплаб туширмоқчи бўлди-ю, ўзини босди. Чунки ундан шайтон тумордан кўрққандай кўрқарди. Делам-Нуар ўз вақтида шунча кераксиз одамларни йўқ қилишга буюрган эдики, «Хамас» билан Ким Чен Ир биргаликда унинг олдида ип эша олмасди. Унинг ўтмиши тубсиз қудуққа ўхшаб қоронғи эди. «Уэйлпис» кемасининг чўкишига сабаб бўлган операцияга айнан у раҳбарлик қилганди. Бу кемага йиғилган экологлар французларнинг Полинезияда ядро қуралини синовдан ўтказишига қарши чиқишганди. Ушбу моҳир жосуснинг бармоқлари Матардаги қайси қавакларгача етиб боргани фақат Оллоҳга аён.

— Ҳаммасини тушундим, топ vilux, — французча сўзга урғу берди Малик. — Лекин ўзингизнинг ёки менинг вақтимни бекор кетмасин десангиз, нима учун Каффага бориб, шаҳзода Бавадга ҳамма гапни тушунтирмайсиз? Ахир у мендан ушбу аёлнинг калласини талаб қиляпти. Чамаси, аёл Вашингтондаёқ нима биландир унинг қаҳрига йўлиққан. Бу — унинг хотинларидан бири билан боғлиқ бўлса керак. Менинг аҳволим қанчалик мураккаблигини энди тушундингизми?

— Малик, сиз ахир ўзингизни Васабиянинг қўғирчоғи деб аташларини хоҳламайсиз-ку?

— Шунингдек, французларни ҳам, дўстим.

— Ҳукмдор, — деди Делам-Нуар. — Қайси гуноҳим учун бундай камситилишга сазовор бўлдим? Лекин куну тун — сўфининг бомдодга чақириб айтган азонидан хуфтон намозигача сизнинг ташвингизни қиламан-ку.

— Сиздан қарздорлигимни биламан, Доминик, лекин бу аёлни сизга беришга қурбим етмайди. Атрофингизга кўз ташланг, қироллигимда васабийлар тўлиб-тошиб ётибди.

Делам-Нуар бирор нарсага эришишига кўзи етмай, ўрnidан турди.

— Яхши, лекин бу аёл ўлмайди деб ваъда беринг. Сизга бутун дунёга машҳур жафокашнинг керак эмаслиги аниқ. Бу — аралашиниш учун америкаликларга жуда яхши баҳона бўлади.

— Америкаликлар менга ҳеч нарса қилмайди, — жилмайди Малик. — Уларда яқинда сайлов бўлади. Агар улар менга қарши чиқишса, Таллула нефт жўмрагини беркитиб қўяди. Кейин, уларнинг элчиси бугун эрталаб менга Элвис Преслига бағишланган кўрғазмага таклифнома юборди. Шундай қилиб, улар МРБдаги туянинг ахлатига тенг қандайдир бир бузуқ аёл туфайли менинг бошимга десантчилар дивизиясини ташлашни режалаштиришларига ишонмайман.

— Қўшиламан, лекин ахлоқсиз, ўша туя ахлатига тенг МРБнинг бузуқ ходими бўлган аёл ҳозир бутун дунёга маълуму машҳур бўлиб кетди.

Сизнинг Ахборот вазирингиз: «Флоренс? Бизнинг ертўлаларимизда ҳеч қанақа сассиқ Флоренс йўқ» деб жавоб бера олмайди. Бунга ҳеч ким ишонмайди. Телевизор кўрасизми?

— Вақтим йўқ.

— Вақт топишингиз керак, азиз амирим. Чунки унда сиз ҳақингизда ўта кўнгилсиз гаплар айтиляпти. Яхши, мен Бавад билан гаплашаман. Лекин бу аёл унгача ўлмайди деб ваъда беринг. Узингизнинг саломатлингиз учун.

— Ҳа, у тирик, тирик.

— Малик.

— Тирик деяпман-ку.

— Уни ваҳший ҳайвонлар ёки илонлар билан бирга бирорта ўрага ташламадингизми?

— Мени ким деб ўйлаяпсиз?

— Ё чаёнлар биланми?

— Ана энди мени ҳақорат қилаяпсиз.

— Нимаям дердик, унда менинг теран узримни қабул қилинг. О, улуғ зот! Мен сизни бутун Матарнинг имоми сифатида аввало Оллоҳ очиб берган ҳақиқатларга, «Куръон» сураларига бўйсунган ҳолда раҳбарлик қилишингизни унутмаслигим керак эди...

Малик ўзини тута олмай, ҳассасини ерга урди.

— Қандай хоҳласангиз, шу, — тўнғиллади у.

Делам-Нуар эшик томон йўналди.

— Нима бўлганда ҳам оғаларча севги ва ҳурмат юзасидан ошпазимни юборишга руҳсат этинг.

— Мен бундай сахийларча совғани қабул қила олмайман, — деди Малик. — Унга жавобан берадиган нарсам йўқ. Дўстига совғаси учун миннатдорчилик билдира олмаган араб — ёмон араб бўлади.

Делам-Нуар жилмайди:

— Афсус...

У чиқиб кетиши билан Малик Фетишни чақирди.

— Агар у бирорта таом юборса, заҳар бор-йўқлигини текшириб кўр. Салим бен Жударга айт, унинг орқасидан пойлоқчи кўйсин. У нима билан шуғулланыпти — ҳаммасини билишни истаيمان.

— Бироқ, Улуғ Имом, француз бизнинг асосий иттифоқчимиз эмасми?

— Биз айтадиганимизни айтдик, Фетиш.

— Ҳақиқатан ҳам о, улуғ зот. Сизнинг сўзларингиз тиниқ сувда ялтираётган Тарфа марваридига ўхшайди.

— Нима? Тушунмадим. Нима, гапимизни яширинча эшитиб турдингми?

— Йўқ, ҳукмдор. Оллоҳ мени қар қилиб, гуноҳкор тилимни суғуриб олсин. Мен, шунчаки, чиройли гапирмоқчи эдим...

— Мени шаҳзода Бавад билан ула. Кейин уқаловчи аёлни юбор. Оғриқдан бошим ёрилиб кетай деяпти.

Фетиш елкаси муздек тер билан қопланганича, оёқ учида хонадан чиқар экан «Ёпиқ оғизга гўнг кўнғиз кирмайди», деган матар мақолини эслади...

Флоренс букилганича қоронғи хона бурчагига, иложи борича мурдадан узоқроққа бориб ўтирди. Бадбўй ҳиддан боши айланарди. У шу аҳволда узоқ ўтирди. Кейин секин ўликнинг ёнига эмаклар келди ва унга кўлини текизди. Кўли теккан заҳоти дарҳол тортиб олди. Мурданинг боши яримта эди. Юзи ҳам йўқ. Флоренс бор кучини йиғиб,

уни яна пайпаслаб кўрди — биттагина кўз ипга ўхшаган нарсада осилиб турибди. Қусиб юборай деди. Шундай бўлса-да, текширишни давом эттиришга ўзини мажбурлади. Унинг билакларини ушлаб кўрмоқчи бўлди — қўллари ҳам йўқ. Флоренс унсиз йиғидан ўзини туголмади.

Мурда чалқанча ётарди. Флоренс унинг орқасига қўлини тикиб, чап курагини пайпаслаб топди. Бир неча ҳафта аввал у ана шу жойда узунлиги икки сантиметрча келадиган каттагина чандикни кўрганди. Бобби унга чандиқ анча йиллар аввал «битта суриялик така урган пичоқдан» қолганини айтганди. Чандиқ куракнинг юқори қисмида бўлиб, Боббининг айтишича, шу сабабли ҳаёти сақланиб қолган экан.

Флоренс амаллаб, мурданинг курагини силади. Тананинг бу қисмига олов тегмаган, у бутун турар, аммо бетон полдек совуқ ва қаттиқ эди. Флоренснинг бармоқлари аста-секин мурданинг орқасини пайпаслай бошлади. Ҳаяжон ва кўркувдан нафаси тикилиб қолаёзди.

Мурданинг чап курагида чандиқ йўқ эди.

— Мени тинч қўсанми-йўқми? — асабийлашди Чарльз Даккетт. — Билганимни айтдим-ку сенга.

— Айтган нарсаларингни Си-эн-эннинг репортёридан билиб олгандим, — деди унинг изидан қолмай Жорж.

— Бу масалани муҳокама қилиш учун вакил этилмаганман.

— Чарльз, Давдепнинг матбуот анжуманида эмасмиз, бунинг устига, мен журналист эмасман.

— Қайтараман, бошқа ҳеч нарсани қўшимча қилолмайман.

— Унда айтинг-чи, нима учун менга бу даражада кам маълумот беришяпти? Нима бўлаяпти ўзи?

— Буни ҳам муҳокама этишга вакил эмасман. Умуман, йиғилишга кечикяпман. Уч дақиқа кечикдим.

— Тупурдим, Чарльз! Менга деса, бутун сайёра ўз ўқидан чиқиб кетсин, жавоб олмагунимча орқангдан қолмайман. Ходимларимизнинг бири қўлга олиниши, қамалиши ва ҳатто қийноққа солиниши муносабати билан бирор чора кўриляптими?

Ундан осонликча қутула олмаслигини сезган Даккетт титраб кетди. У Жоржга кўзойнаги тепасидан қараб, қўлидан келганича совуқ қонлик билан жавоб берди:

— Сен ўйиндан ташқаридасан.

Даккеттнинг таъсир доирасида бундан ортиқ даҳшатли сўз йўқ эди.

— Шахсан ўзингиз бунга тупурмассиз?

— Йўқ, тупурмайман. Жараснга ҳам. Узаро тушуниш оқибатида олинган натижаларга ҳам. Узаро ютуқли шерикчилик ва узоқ муддатли халқаро алоқаларга уйғун ривожланиш учун йўналтирилган режаларга...

Шу ерга келганда Жоржнинг қалбида ўн олти йилдан бери йиғилиб келган алам дош бера олмади. У Чарльз Деккеттни маҳкам ушлаганича, бўйнидаги Давдепга кириш рухсатномаси осилган пишиқ ип билан бўға бошлади.

— Жинни бўлди...

Даккеттнинг юзига бироз ранг кириши билан Жорж унга энгашиб, шивирлади:

— Тўғрисини айтмасангиз ўлдираман. Шундай қиламанки, террорчилар ҳужум қилгандай бўлади.

— Э-кх-кх-кх...

— Уяли телефонни қулоғингизга олиб бораётганингизда у миян-гизни мажақлаб ташлашини унутманг.

Жорж ипни бироз бўшатди, Даккетнинг ранги ўз ҳолига келди.

– Жин урсин, Фиш, бу нимаси?

– Ўзим ҳам билмайман. Айтинг: у қаерда, уни кутқариш учун нималар қилиняпти?

– Юқорида... аралашмаслик сиёсатини қўлашга қарор қилишди.

Ушбу сирни ошкор қилган Даккетт ҳавоси чиққан шарга ўхшаб, шалпайиб қолди.

Жорж энди уни нигоҳи билан бўғаётгандек эди. Даккетт бор кучи билан деворга суяниб, ўзини асрашга интиларди. Кутилмаганда Жорж унга яна қўлини чўзди, Даккет талваса ичида пастга сирғалиб тушди. Бироқ Жорж ҳеч нарса бўлмагандек, унинг галстуги ва ёқасини тўғрилади.

– Сиз шошилишингиз керак. Саккиз дақиқага кечикдингиз.

Даккетт асабий равишда ундан ўзини олиб қочиб, гавдасини тўғрилади.

Орадан ўн дақиқа ўтгач, кўриқлаш хизматининг учта ходими Жорж ўтирган иш столини ўраб олди. Улар уни ички хавфсизлик хизмати бошлигининг ўринбосари ва кадрлар бошлигининг хонасига олиб кирдилар. Бу ерда юзлари пушти ранг бўлиб Даккетт ҳам ўтирарди. Жорж кириб борганда, у сесканиб кетди.

Жаноб Деккеттга сиз хужум қилдингизми? – сўради кўриқлаш хизмати ходими.

Жорж Даккеттга қаради.

– О Чарльз, наҳотки шу даражага борган бўлсангиз?..

– Айнан шундай. Чунки бу ҳақиқат!

– Ҳатто нимадан бошлашни билмайман, – деди Жорж гўё қандайдир ноқулай нарса ҳақида гапиришга мажбур бўлаётган интизомли одам киёфасида. – Гап шундаки, Чарльз, яъни жаноб Даккетт йўлакда менга ёпишди.

– Нима?! – Бўкириб юборди Даккетт.

– Менинг шаҳват борасидаги қарашларим кўпчиликка маълум. Мен буни ҳеч кимдан махфий тутмайман, гап шундаки, жаноб Даккетт бевосита менинг бошлигим бўлса-да, у менинг таъбимдаги одам эмас. Оилалигини, учта фарзандни тарбиялаётганини айтмай кўя қолай. У мени, кечирасизлар, бемаъниларча пайпаслай бошлаганда, огоҳлантиришга ҳаракат қилдим. Қулоқ ҳам солмади. Мана, оқибат. Тўғриси-ни айтишим керак, Чарльз, сиздан кўнглим қолди.

– Бироқ... Бу – бўлмаган гап!

– Шаҳватпарастлик борасидаги қилиғингиз учун сизни судга бермоқчи эмасман. Ҳечам хоҳламайман. Келинлар, буни бир дақиқалик ожизлик деб ҳисоблаймиз. Бироқ бу ишга бошқача тус бермоқчи бўлсангиз, мен ҳозироқ шикоят қилишга ҳозирман. Сизда зарур бланкалар борми, мисс Попсель?

Ходим аввал Жоржга қаради, кейин нигоҳини йиғламоқдан бери бўлиб турган Даккеттга йўналтирди.

– Мистер Даккетт, – деди у. – сиз нима дейсиз? Жаноб Фишга нисбатан шикоят қиласизми?

Ўзини бир зумгина газета саҳифаларида обрўси бир пул бўлишини ҳис этган Даккетт шикоятомуз нидо солди:

– Йўқ, йўқ...

– Жаноб Фиш, сиз жаноб Даккеттга нисбатан даъво қиласизми?

– Ўтиб кетган ишни кавлаштиришдан фойда йўқ. Бироқ бундан кейин Чарльз қўлига эҳтиёт бўлсин. Келишдикми?

— Бу қанчалик зўр бўлганини кўрсанг эди! — деди Жорж Ренардга. — Бечора, МРБ унинг Эквадордаги маданий марказини портлатгандан буён бундай аҳволга тушмаган эди. Энг муҳими, бунда эмас. Энди биз Давдеп кўлини ювиб, кўлтиғига урганини биламиз. Флоренс фақат ўзига ишонишига тўғри келади.

— Бунга исбот йўқ.

— Аслини олганда, иккаламиз гаровга олинганларни қутқарувчи «Дельта форс» бўлинмасининг жангчилари эмасмиз.

— Жин урсин! — жавоб берди Рик. — Бу пуллар туфайли бизни қийин-қистокқа олишар экан, нега уни сарфлаб битирмаймиз.

— Ҳақиқатан ҳам, — Жоржнинг юзи ёришди. — Нега шундай қилмаймиз, жин урсин!

— Демак, Дамашққами?

— Ҳа, Дамашққа.

ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

— Ҳазрати олийлари, — деди Малик телефонда ўта итоаткорлик билан.

Шаҳзода Бавад бен Румаллаҳ ал-Ҳамуж — Васабия қироллиги Ташқи ишлар вазири, Таллуланинг севимли жиянига — ҳақиқий бошлиғига қўнғироқ қилар экан, дадиллик учун ичган брендисси ҳиди Маликнинг оғзидан гупиллаб келарди.

— Оллоҳ ўз нурини сизга бахш этсин ва ҳаётингизда ҳамма орзуларингизни рўёбга чиқарсин!

Унинг саломига Бавад ўта илтифотсиз жавоб берди. Бавад Қўшма Штатлардаги элчилик курсисини Ташқи ишлар вазири курсисига алмаштиргандан буён унча-мунча одамни писанд қилмай қўйганди. Бу даражага етишига раҳматли хотини Назра сабаб бўлганини эслганда, қалбининг қаеридир жизиллаб кўярди. Шу боис Матардаги мустабид ҳукмдор Флоренсни ва унга кўшиб беҳаё Лайлони ҳамон қатл этмаганидан асаби бузилган эди. Бавад Маликнинг сўз оҳангиданоқ у нима демокчилигини англади. Бироқ матар эшаги ялтоқланишда давом этди.

— Шу гап тўғрими, ҳазрати олийлари? Фарб шамоли менинг кулоғимга етказиб келган янгилик тўғрими?

Фетиш унга ҳозиргина бахти қаро Назранинг ўрнини эгаллаган тўртинчи хотини қирқ иккинчи ўғил туғиб берганини айтганди. Ёки қирқ учинчи...

— Ўғилли бўлибсиз, азиз шаҳзода. Қалбим гўё қафасдан озод этилган кийикнинг юрагидек...

— Нима? — унинг гапини бўлди Бавад, — Ҳа-а. Менга айтишганди.

— Ҳақиқатан нодир янгилик! — Малик ялтоқланишни давом эттирди. — Ўғил бола! Оллоҳга шукур! Бу бола ҳам ақлли ва ҳм... ҳм... отасига ўхшаб омадли бўлиб ўссин.

У Баваддан жавоб кутиб, жим туриб қолди. Лекин ҳеч қандай жавоб бўлмади.

— Совғамни... етказишдими? — у охириги кучини сарфлаб, шаънига зид бўлса ҳам сўради.

У Бавадга Лондондаги «Венфрю энд Венфрю» заргарлик фирмасининг нефт магнатларига айланган шайхлар учун олтин буюмлар ясовчи махсус бўлими томонидан тоза олтиндан тайёрланган болалар каравотчасини юборганди.

— Э-э... Нима?

- Каравотча?
- Мен... бўлиши мумкин. Суриштириб кўраман.
- О, йўқ, хавотир бўлманг...
- Ҳа майли. Худо ёрлақасин. Ҳазрати олийлари, азиз амаким мени ўз ёнига чақиряпти. Кўнғироқ қилганинг учун раҳмат.
- Э-э, ҳазрати олийлари, рухсат этсангиз яна бир сўз... Анави америкалик Фло-ренс...
- Ҳа. Ҳазрати олийлари амаким ҳалигача нега бу масала ҳал қилинмаганини тушунмаяптилар.
- Бу ерда нозик ёндашув бор, шаҳзодам.
- Нозик ёндашув? Яна қанақа нозик ёндашув, амир Малик? У америкалик жосус, фитначи, кўғзолончи, шарм-ҳаёсиз, йўлдан чиққан аёл ва исломнинг ашаддий душмани. Менинг қон душманам. У мени, нафақат мени, Ҳамулар хонадонини – Оллоҳ уни ҳамиша асрасин, таҳқирламоқчи бўлди. Бу ерда яна қанақа нозик ёндашув ҳақида гап бўлиши мумкин?
- Э-э... – Малик Кембриж университетини битирган, энг янги салонларда кўплаб оқсуяклар суҳбатини кўрган Баваднинг сўз бора-сида устунлигини англаб, ўзини тутди.
- Шундай бўлса ҳам...
- Нима учун у ҳалиям тирик?
- Э, улуғ зот, у ҳақда бутун дунё гапирмоқда...
- Бундан нима ўзгаради?
- Бутун тамаддунлашган мамлакатларга душман бўлиш...
- Америкаликлар бу борадаги ўз фикрларини аниқ айтишган. Бу аёл уларни обрўсизлантирмоқда. Каффадаги элчининг шахсан ўзи бизга шундай деди.
- А? О-о... Унда...
- Гапимни эшит, Малик, сен Матарни бошқармоқчимисан? Ҳазрати олийларининг сендан умиди катта. Кенгашимизда сенинг номинг борган сари тез-тез тилга олинмоқда.
- Шундайми? Нимаям дердим... Ажойиб...
- Мен бундай дейишга шошилмасдим.
- Ҳа... Флоренс исмли бу аёлни ва шайха Лайлони сизларга юборсам-чи? Ўз кўнглингизни хурсанд қилиш учун улар билан ўзингиз ҳисоб-китоб қилсангиз! Уларни яхшилаб...
- Бу икки аёл содир этган жиноят, – вазминлик билан деди Бавад, – сенинг ерингни – Матарнинг илоҳий ерини таҳқирлади...
- Илоҳий? Мен бундай демаган бўлардим. Аслида сизнинг ерингизгина илоҳий. Биз сизнинг шуҳратингиз нурларида исинамиз, холос...
- Йўқ, Малик, айнан Матар покланиши керак.
- Менимча, э улуғ зот, бу икки аёл фақат Васабияни шарманда қилишмоқчи эди. Матар шундай ҳам таҳқирланган деган фикрдаман. Амакингиздан бошқа ким адолатли ҳукм чиқара олади? Сўроқ вақтида улар шахсан сиз ва қирол ҳақида нималар дейишганини эшитганингизда эди! Бу гапларни қайтаришга тилим бормади. Даҳшат! Жирканч...
- Диққат билан эшит, Малик, – Баваднинг гап оҳангидан суҳбат тамом бўлганини англаш мумкин эди. – Ҳазрати олийлари қирол бу муаммо охирига етишини истайди. Тез. Бундан ташқари, уни шахсан ўзингиз ҳал қилишинг керак. Шундай ҳал қилгинки бу ҳақда ҳамма билсин. Ушанда, сенинг юртингда ҳам, бизникида ҳам йўлдан озган кимсалар Оллоҳнинг қаҳрига учрашини кўришади. Сен ахир Ҳазрати олийлари ҳамда Яратганинг қўлида қурол бўлишни истайсан-ку? Истайсанми, Малик?

– Нима десангиз – шу.

– Нима?

– Албатта, хоҳлайман. Ҳа, ҳа, ҳа, – тўнғиллади Малик.

– Яхши. Сени шунчалик юксакка кўтариб, хато қилмадикмикан деб ўйлашни хоҳламасдим.

Гўшакда қисқа овозлар эшитилди. Малик телефонни хонанинг бурчагига иргитиб юборди. Телефон майда-майда бўлди. Фетиш шовкинни эшитиб, таъзим қилганича кириб келди.

– Наҳотки шаҳзода Бавад билан бўлган суҳбат ҳукмдоримнинг жаҳлини чиқарди?

Хўжайин унга жавоб бермади. У бренди шишасини кўтариб, ичмоқда эди.

Фетиш Делам-Нуарга кўнғироқ қилиб, вазият ўзгарганини билдириш учун оёқ учида юриб чиқиб кетди. Бироқ Делам-Нуар жосуснинг хабарига муҳтож эмасди, у шаҳзода Баваднинг ёнида туриб, Малик билан телефондаги сўзлашувга гувоҳ бўлганди.

– Унинг умуртқаси Қизил денгизда сузиб юрган медузаларникига ўхшайди, – деди Бавад нафрат билан.

Делам-Нуар жилмайиб, ҳеч нарса тушунмагандек қўлларини ёйди.

– Уни тахтга ўтқазиб хато бўлди, – деди Бавад.

– Ҳазрати олийлари, гапингизга қўшилмайман.

– Албатта, қўшилмайсиз. Уни сиз таклиф қилгансиз.

– Сизнингча, Матар тахтида кучли ва мустақил одам ўтирганда сиз билан қиролга ўнғай бўлармиди? Кўғирчоқни пўлатдан кўра ёғочдан яшаш осонроқ, шундай эмасми? – Делам-Нуар бармоқларини гўё кўғирчоққа боғланган ипларни бошқараётгандек қимирлатди. – Ҳис қилайсизми? Анча осон. Ҳеч нарса ҳақида ташвиш чекманг, шаҳзодам. Матар энди сизга тегишли.

– Сиз эса ҳарбий-денгиз базаси ва нефтга чегирмага эга бўлдингиз.

– Бизнинг базаларимиз сизнинг янги нефть терминалларингизни ҳимоя қилади. Яъни, тарихий ҳамкорлик. Бади Бен Салаам давридан буён бунақаси бўлмаган...

– Шундай, шундай. Лекин анави аёлларни нима қилиш керак? Нима учун матарлик тентак уларни қатл этиб, ҳамма гап-сўзларни тугатиб кўя олмайди?

Делам-Нуар бош чайқади:

– Ҳурмат-эҳтиром ила, Ҳазрати олийлари, сизга шу нарса билдираманки, бу аёлларни ҳамманинг кўз олдида намойишкорона қатл этиш жуда жиддий хато бўлур эди. Уларни шу заҳоти улуғ жафокашлар деб эълон қилишади.

– Бизнинг Васабияда бунинг унчалик аҳамияти йўқ, – деди Бавад. – Бироқ Вашингтондаги элчихонамизнинг хабарига кўра, Флоренс исмли ана шу аёл туфайли уларга таъсир ўтказилаётган экан.

– Унинг собиқ иккита касбдоши матбуотда бу ҳақда кампания бошлашибди. Лекин Матар илгаригидек «Бу аёлнинг қаердалигини билмаймиз ҳам. Шунинг учун бизни тинч кўйинг» деса, ҳеч нарса бўлмайди.

– Ҳамкасблари? Уларнинг кампаниялари муваффақиятли ривожланаётган эканми?

– Агар буни муммо деб ҳисобласам, ишонинг, унга қарши чора кўрган бўлардим.

– Чора?

— Орамизда сиримиз йўқ. Менинг АҚШдаги одамларим улар ҳам вазиятни диққат билан кузатиб туришганини айтишмоқда. Ўта диққат билан. Уларга бу аёл атрофида шов-шув бўлиши унчалик керак эмас. Арабистонлик Флоренс? Йўқ, йўқ. Аини пайтда у ўта нокулай шахс. Тўғриси айтсам, Малик уни янги oubliettesларидан бирига рўпара қилиб қўйишга буйруқ берганда америкаликлар фақат хурсанд бўларди деб ўйлайман.

— Сиз манбаларни МРБдан оласизми?

Делам-Нуар ёйилиб кулди:

— Mon prince, кекса жосусдан унга маълумот берувчиларнинг кимлигини сўраш бузуқ аёллардан мижози кимлигини суриштириш билан баробар. Бу фақат касб маҳоратига боғлиқ.

— Нефтнинг нархи қандай тушган бўлса, шундай кўтарилиб кетиши мумкин, — энсаси қотди Баваднинг.

— Бироқ мен ниманики билсам, шуни сизга айтдим. Матарда Флоренс операциясини ўтказиш Қўшма Штатлар ҳукуматининг энг юқори кабинетларида қўллаб-қувватланган. Нима учун? Ҳукуматингизни ўз жойига қўйиб қўйиш учун. Исроил бўйича тутган йўлларингизга мустақилликларингизга, аслзодалиқларингизга нисбатан жазо сифатида. Шундайми, йўқми, АҚШнинг чет эллардаги барча жанговар ишлари каби буниси ҳам барбод бўлди. Бироқ бизга — сиз ва Францияга кўз кўриб қулоқ эшитмаган даражада имкон бердики, тан олишингиз керак, бундан ажойиб тарзда фойдаландингиз. Шу боис, америкаликлар туфайли жуда ғазаб отига минишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Улар бир неча ой давомида сиз билан биз саксон йилда ҳам амалга оширолмайдиган ишларни бажариб берди.

— Лекин бу уларнинг ўзларига ёқмаяпти-да. Бизнинг БМТдаги вакилимиз улар Хавфсизлик кенгашида Васабияга қарши қандайдир акцияни режалаштираётганини маълум қилди.

— Сизни ишонтириб айтаманки, Франция бу акцияга дарҳол вето қўяди.

— Улар бу ишларнинг бошида Франция турган деб арз қилаяпти. Жавобгарлик шундай ҳам сизларга тушишини айтиб қўяй.

— Сиз Васабияда юз бераётган хатти-ҳаракатлар юзасидан масъулиятни Франция ўз зиммасига олиши ҳақидаги бирорта баённомани эшитдингизми? — синовчан оҳангда сўради Делам-Нуар. — Бу ҳақда биз бирорта сўз айтганимиз йўқ.

— Нью-Йоркдаги яҳудий сенатор ҳақида-чи? Кеча у Францияни айблаб, бутун бошли нутқ сўзлади. Таллулани эса Парижнинг қуроли деди.

Делам-Нуар қўшилмаганини билдириш учун танглайини тақиллатди.

— Қандай шармандалик! Бироқ сиз нимани истайсиз? Бу ўша, биз тўқсон тўрт ёшли маҳкумни қамоқдан озод қилганимизда шов-шув кўтарган сенатор-да. Тасаввур қилинг-а, тўқсон тўрт ёш! Бу яҳудий эса қариянинг иккинчи жаҳон уруши давридаги машъум концлагерга алоқаси борлиги учун дод-вой солди. У ҳамиша ҳамма ерга бурнини суқиб юради.

— Ўйлайманки, бирор чорасини ўйлаб топиш учун жуда кеч бўлди, — деди Бавад унга эҳтиёткорлик билан қараб.

— Сенаторни айтяпсизми? Йўқ, аслида, Ҳазрати олийлари...

— Йўқ, Маликни айтяпман.

— Ҳа-а. Менимча, бу ҳозир яхши гоё эмас. Балки, келгусида... Ахир Матар жуда мураккаб даврни бошдан кечирди. Бир неча ой аввал у

Лас-Вегасга жуда ўхшарди. Энди эса... диний давлатга муносиб. Орасидаги фарқ унчалик эмас, лекин аслида ҳаммаси — о'кей. Ҳозир асосийси — барқарорлик. Кейинроқ, агар Малик асабингизга тегаверса, менга суянаверинг — жилмайди Делам-Нуар. — Ҳамиша хизматингиздаман.

— Хизматимда? Ҳа! Флоренс нима бўлади?

— Тез кунда у муҳим омил бўлмай қолади. Мен бунга ишонаман. Ҳар қандай ҳолатда ҳам одамларнинг хотираси қисқа. Кейин, мен ҳозирги аҳволда у кўп яшайди деб ўйламайман. Уни Европа қамоқхонасида сақлашаётгани йўқ-ку...

Малик минган синашта туялар бармоқ билан санагулик даражада оз эди. У итальянларнинг чарм ўриндиқли «мазерати» ҳамда «феррари»ларини афзал кўрарди. Бироқ ҳозирги вазият ундан туя минишни талаб қиларди.

Бундай пайтларда амирлик ҳамда имомлик мажбуриятлари унинг учун жуда малол келарди. Лекин бу ҳайвонни бир бўлак тезагини оғзига солиб юргандан кўра ўзини миниб юрган афзал-да. Васабийликлар мунча ҳам вахший бўлишмаса.

Матар билан Васабиянинг янги дўстлигига мувофиқ эндиликда Матар ҳам Ақлсиз Рафиқ хоинлиги кунига бағишланган тантанали тадбирни ўтказишга мажбур эди. Қирол Таллула ва унинг кенгаши, уларни Оллоҳ ярлақасин, Матарнинг амири шахсан тантанада иштирок этишини, туя миниб, собиқ Уинстон (ҳозирги Абдулла) проспектида аҳолининг шодон қийқириқлари ҳамда қарсақлари остида, мукфеллинлар тарқатаётган тезакни улар оғизларига олган-олмаганларини кузатиб ўтиши керак эди. Бу кун Матар тақвимида ҳозирча қизил рангда белгилангани йўқ, бироқ амалга оширилаётган тадбир Матар эндиликда улуг Васабиянинг бир бўлаги эканлигини англатар эди. Малик туя тезагини шимиш Матар ҳамда Васабия ўртасидаги қардошлик муносабатларини мустаҳкамловчи омил бўла олмаслигини қирол Таллула билан Ташқи ишлар вазири шахзода Бавадга англатмоқчи бўлди. Бироқ Таллула билан Бавад қатъий турдилар: Таллула фақат мукфеллинларни яраштириш ва иш билан машғул қилиш пайида бўлди, Бавад эса қулоқсиз Малик шайха Лайло ва америкалик қайсар Флоренснинг ишини пайсалга солаётганидан жаҳл қилди.

Шу боис, Малик кайфияти расво ҳолда ўзи нафратланадиган ҳайвонни миниб олиб, васабийларнинг аҳмоқона маросимида асосий рол ўйнаб, ўз халқини туя тезагини тишлатишга мажбур бўлмоқда эди. Оллоҳга шукр!

Эрталабки намоздан кейин бечора Маликни Қироллик Туяси бўлган Шемнинг ўркаклари ўртасига жойлаштириб қўйишди. Шем олтин-кумушлар билан дабдабали қилиб безатилганди. Малик эрталабдан Матар олий шарифига хос байрамона кийимлар ва буюк имом Буқкининг бош кийимини кийиб олганди. Белига эса қимматбаҳо тошлар билан безалган афсонавий ханжар тақилган...

Малик ҳафсаласизлик билан оломонга қўл силтайди. Оломон ҳам шу тарзда жавоб қайтаради, олдинда мукфеллинлар туя тезагини оғзига олишдан бош торганларни калтаклаб бормоқда.

«Кун тезроқ тугай қолсайди», — деб ўйлади Малик... Ўзини Яқин Шарқдаги энг аянчли амир эканини ҳис этмоқда эди. У спиртли ичимликларни ёқтирмасди деб бўлмайди. Ҳозир у ушбу томоша тутагач, бир эмас, икки шиша шароб ичишни кўнглига тугиб қўйди.

Айнан Малик ичкилик ҳақида ўйлаган пайтда тузатиб бўлмайдиган, кейинчалик матарликлар ва васабийликлар орасида Рафиқнинг жазоси сифатида машҳур бўлган воқеа юз берди. Бу воқеа сабабини текшириш учун кўп кунлар керак бўлди, Маликнинг эса ёдида умр-бод қолди.

У мукфеллинлар калтаклаётган ёшлар томонга жаҳл билан қараб турганди. Кутилмаганда остида кучли портлаш юз берди. У фазогирга ўхшаб ҳавога учиб кетди. У ҳушини йўқотди ва гўё тантиқ боладек у юлдуздан бу юлдузга учиб бораётганини ҳис қилди. Бу ҳолат узоқ давом этмади: ердан ўттиз метрча баландга кўтарилганда Малик ўзига келди ва ўқдек учиб, ерга яқинлаша бошлади.

Қироллик туясининг қолдиқлари устига йиқилган Малик муқаррар ўлимдан қутулиб қолди. У туянинг ёрилиб кетган баҳайбат қорни ичига тушганди.

ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

Яқин Шарқда тез-тез портлашлар содир этилишига ўрганиб қолишган, лекин миниб юрган туясини портлатиш ёрдамида давлат ҳукмдорини ўлдиришга уриниш ҳар доим бўлавермайдиган ҳодиса эди. Расмий Матарда бу ҳақда бирор гап айтилмаса-да, бу янгилик яшин тезлигида бутун дунёга тарқалди. Кимдир ҳатто юз берган воқеани видеотасвирга туширишга ҳам улгурибди. Видеосурат шундай яхши чиқдики, давлат раҳбарига суиқасд қилишда суратчининг ҳам кўли бор деган шубҳа туғилди. Орадан бир неча соат ўтиб, ҳавода ўмбалоқ ошаётган амир тасвирга олинган кадрлар интернет-кафеларда, кутиш заллари, барлар ва миллионлаб телеэкранларда пайдо бўлди. Газеталарнинг бош сарлавҳалари «Матарнинг янги ҳукмдори террорчилар ҳужуми туфайли жиддий яраланди» дея катта ҳарфларда бошланиб, майда ҳарфларда «уч, икки, бир, контакт, туя!» деб ёзилганди.

Маликни ҳаяжонга солаётган нарса — бир пайтлар энг учқур пойга автомобилларини бошқарган оёқларидан ажралгани, тиззадан юқориюғида чўлтоқлар қолгани бўлди. Франциянинг юзлаб энг тажрибали суякчи жарроҳлари қанчалик ҳаракат қилишмасин, қўллари-дан ҳеч нарса келмади. Чунки Маликнинг оёқлари бир-биридан юз метрча нарида, алоҳида учган эди.

Мутахассислар маросимлардагина ишлатиладиган, юзлаб йил аввал Аҳмад бен Улаълам фойдаланган кумуш эгар унинг ҳаётини зарур аъзоларини сақлаб қолган дейишди. Франциялик энг тажрибали урологлар гуруҳи Малик (вақтлар ўтиб, албатта) балки, протез ёрдамида авлодини давом эттира оладиган ҳолга келади деб ҳулоса чиқардилар. Бироқ овқат ҳазм қилиш аъзолари анча жиддий шикастланганди. Амирга эндиликда ўткир, умуман, чайналадиган нарсалар мумкин эмасди. Қора талоғи бўлгани яхши, лекин усиз ҳам яшаса бўлади, дейишди шифокорлар. Амирнинг бутунлай қар бўлиб қолган қулоқлари унча-мунча овозни илғай бошлагани қувонарли эди.

Дунёдаги барча раҳбарлардан кўнгил сўраш, дўстликка садоқат ва ҳодисани тергов-текшириш ишларида ёрдам бериш ҳақидаги таклифлар дарёдек оқиб кела бошлади. Кейинги пайтларда муносабатлари сезиларли совуқлашган Қўшма Штатлар дўстона оҳангда портловчи моддалар бўйича мутахассислар гуруҳи юборишини билдирди. Россия, Англия, Италия ва ҳатто Болгария ҳам ана шундай таклиф билан мурожаат қилди. АҚШ нинг ёрдами, кутилганидек совуққина тарзда рад этилди.

Бошқаларга иложи борича юмшоқ оҳангда ёрдам керакмаслиги айтилди. Расмий Матар тергов ишлари ўзларининг, яъни васабийликлар ва французларнинг кучи билан амалга оширилишини маълум қилди.

Шундай қилиб, француз криминал полициясидан майор Бертран Маттеоли — Пике Матарга келиб қолди. У Қироллик Туясининг сасиб кетган қолдиқлари олдида ўтириб олиб, уларни ультрабоинафша спектрометр ёрдамида ўрганар ва вақти-вақти билан айни ҳолат учун ўта мувофиқ бўлган французча сўзни такрорларди:

— Merde.

— Нима бўлди, шеф? — сўради унинг ассисенти.

— Маттеоли Пике унга асбобни узатди. Ассистент дисплейга қараб, кўзлари олайиб кетди.

— Оҳ-ҳо, — деди у. — Энди нима қиламиз?

— Рапорт ёз, яна нима қилиш мумкин?

Шундан кейин француз мутахассислари янада муҳим тадбирни — тушликни бошлаш учун ўз ишларини зудлик билан охирига етказдилар.

Улардан йигирма метрча нарида Шемдан қолган бошқа аъзоларга Матар жамоатчилик саломатлиги департаменти кийимидаги бошқа бир одам энгашиб турибди. У шўрлик туянинг қолдиқлари билан бирга, маросимда миниладиган кумуш эгар ҳамда амирнинг чап оёқ ботинкаси бўлақларини ҳам кўздан кечирмоқда. У бу нарсаларнинг ҳаммасини пластик контейнерга яхшилаб жойлаштириб, муҳрлади ва рақамлади. Французлар унга умуман, эътибор қилишгани йўқ. Атрофни ўраб турган полициячилар ҳам аҳамият беришмади. Бу одам даҳшатли қолдиқларни тимирскилаётган бошқа криминалистлардан фарқ қилмасди.

Французлар ўз рапортларини электрон почта орқали VRAIMENT SECRET (ўта махфий) белгиси билан ўз раҳбарларига юборишди. Улар бориб тушган жой 11-бўлим бўлди. У шахсан Делам-Нуарнинг кўлига тегди. Шундан кейин у терговга бошчилик қилиш учун Каф-фадан Амо-Амасга зудлик билан учиб кетди.

Рапортнинг биринчи сатрларидаёқ «экзюперин» деган сўзга дуч келган Делам-Нуарнинг бир неча сониягача нафаси тикилиб қолди. У то ўзига келиб, Парижга кўнғироқ қилгунига қадар орадан ўн беш дақиқа вақт ўтди.

Вашингтон шахридаги барча «мовий» барлар орасидаги энг ярама-си «ҳезалаклар кўчаси» деб номланарди. Жорж бу жойга ҳар замонда бир кириб қоларди. Телефонда гаплашиш учун Бобби уни шу ёққа юборганди. Бобби ҳукумат айғоқчилари таъқиб қилинаётган одам орқасидан бунақа барларга кирмайди деб ҳисоблаганди. Фақат бу жойдагилардан бирортаси илашиб қолмаса бўлгани.

Жорж деразага қараб қора автомобил ва унда ўтирган иккита жиддий жентельменни кўрди. Орадан роппа-роса уч дақиқа ўтгач, уяли телефони жириглади.

Бобби мавжуд маълумотларни лўнда баён қилди. Бунинг учун сал кам уч дақиқа сарфлади. Ўз касбининг устаси бўлган Жорж ҳамма маълумотни сўзма-сўз эслаб қолди. Шундан кейин у уяли телефони-ни ўчириб, эркаклар ҳожатхонаси ёнидаги телефондан, «Нью-Йорк таймс» газетасининг Вашингтон бюросида ишловчи Томас Лоуэлл рақамини терди.

Томас Лоуэлл бутун умри давомида «Таймс»да ишлаб, Яқин Шарқ мавзусида мақолалар ёзарди. Айнан у «Араблар кўчаси» сўзини таомилга

киритганди. Шу кунларда Томасни Васабиядан чиқариб юборишгани учун Вашингтонда эди. Чиқариб юборишларига эса меҳмонхонадаги номеридан топилган бир шиша виски баҳона бўлди. Аслида эса у меросхўр шахзода Бахбар жанубий Калифорния университетига ўқиб юрган пайтида яҳудий қиз билан ишқий саргузаштларга берилгани ҳақида мақола ёзганидан кейин мамлакатдан қувғин қилинганди. Бахбар шу кунларда антисемитизм бўйича вазир ўринбосари лавозимида бўлгани учун бу саргузашт Каффадаги «Араб кўчаси»да унчалик шов-шув уйғотмади, бироқ, «Яҳудийлар кўчаси»да уни олқишлар билан кутиб олишди.

Жорж Лоуэлл билан узоқ йиллардан буён таниш эди. Иккиси ҳам араб тилини яхши билишарди Лоуэлл Жорж гапириб берадиган маълумотларни катта қизиқиш билан тингларди.

Флоренс деярли уч кунни қоронғуликда, чирий бошлаган мурда ёнида ўтказди. Унга на овқат, на сув беришди. Мурданинг Бобби эмаслигини билгани ҳам уни ҳозирги шароитда унча хурсанд қила олмади. Каравотининг тагида чамаси, қўриқчилар олишни унутган сувли кружка топиб олди. Шу сувни иложи борича узоқроққа етказишга уринди, бироқ ташналик ўз кучини кўрсатмоқда эди. Флоренс жуда оч бўлишига қарамай, овқат ҳақида ўйла-масликка ҳаракат қилди. У қачонлардир ўқиган бир китобида ўз фарзандлари билан минорада қамалиб қолган бир одамнинг очликдан одамхўрга айланиб қолганлиги ҳақидаги парчани эслади. Чамаси унинг жаллодлари ҳам уни айнан шундай бўлишини кутмоқда эдилар.

У эсида қолган барча худоларни тилга олиб, тинимсиз ибодат қила бошлади. Улим даҳшати айни юрагига етиб борганда у болалигида ёдлаган шеърларини эслашга уринди. Уларни дастлаб инглиз тилида, сўнг арабча, кейин итальянча, французча ўқиди. Кейин яна шу тарзда қайта-қайта такрорлай бошлади. Учинчи куннинг охирига бориб, у ақлдан озаётганини сезиб қолди.

Ниҳоят, камеранинг эшиги очилганда Флоренс бунини улуғ бир мўъжиза сифатида қабул қилди. Қўриқчи қўли билан бурнини қисганича, камерага кириб, Флоренсни ушлаб, йўлакка олиб чиқди. Бу ерда у кўрагини тўлдириб жон-жаҳди билан тоза ҳаводан нафас олишга киришди. Иккита қўриқчи уни йўлакдан судраб кетди. Бу гал оёқ-қўлларига кишан солишмади. Йўлда Флоренс тезроқ қатл этишларини сўраб, худога илтижо қилиб борди...

Бобоси 1930 йилларда Шимолий Африкада қандай жанг олиб боргани ҳақида хотиралар ёзган, лекин у чоп этилмаганди. Ўша пайтларда ўзини янги Цезарь деб эълон қилган Муссолини икки минг йил аввал ажлодларига тегишли бўлган Урта ер денгизи атрофидаги ерларни жанг билан қайтариб олиш учун ўз армиясини юборди. Аслида аҳмоқона бўлган бу гоё Флоренцияда кўча ҳаракатини тартибга солувчи бобосига ўхшаганларни руҳлантирган эди, холос.

Флоренс бу кўлёмани болалигида топиб олиб, ўқиб чиққанди, ҳозир уни йўлакда судраб боришар экан, бобосининг фронтдаги хотираларидан бирини эслади. Унинг бўлинмаси Умар Мухтор қўшинлари қуршо-вида қолади. Ҳамма итальянларга ўлим ёки муқаррар асирлик ва ундан кейин муқаррар юз берадиган даҳшатлар таҳдид солмоқда эди. Бобоси қўл остида хизмат қилувчи иккита ёш аскар бирданига милтиқларини елкаларидан олиб, ўз оғизларидан отишади. Флоренсининг бобоси уларни тўхтатиб қолишга уриниб кўрмайди ҳам. Жанг қилаётган иккала

томон ҳам асирларга нисбатан ўта шафқатсиз эди. Бир неча дақиқадан кейин тепаликлар ортидан итальян танклари колоннаси пайдо бўлади ва ҳужум қилаётганлар қочиб кетишади. Уша жангда бояги икки ёш йигитдан бошқа биронта жангчи ҳалок бўлмайди. Бобоси уларнинг ота-оналарига ўғиллари Янги Римни ҳимоя қилиш йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги ҳақида ёзиб юборади.

Кўриқчилар Флоренсни қандайдир хонага итариб киргизиб юбордилар. Титраб-қалтираган, оғзини очиб ҳавони каппа-каппа ютаётган ҳолда у тош полга юз тубан йиқилиб тушди. У энди ўзига ўлим тилагани учун пушаймонлик ҳиссини туймасди...

Ниҳоят, эшик очилди. Кимнингдир қадам товушлари эшитилди. Кимдир уни полдан кўтариб, стулга ўтказди. Кейин араб тилида:

— Унга сув беринглар, — деди.

Бошқа овоз «йўқ» деб жавоб берди. Шундай бўлса ҳам унинг кўлига сув тўлдирилган стакан беришди. У бир симиришда стаканни бўшатди.

Яна кимдир унга қичқирди:

— Менга фитнесчиларнинг номлари керак ёки сен бу хонадан ҳеч қачон чиқмайсан.

Фитначилар? У нима деяпти? Унинг учун ягона нарса — камерага қайтгандан кўра мана шу хонада умрбод қолиш. Флоренс жон-жаҳди билан савол бераётган одамга диққатини қаратишга уринди. Ҳа, уни таниди. Бу қироллик кўриқчиларининг бошлиғи Салим бен Жудар эди. Унинг ёнида яна бир одам турарди. Кўриши ёмонлашгани боис у одам кўз олдида чаплашиб кетди. Ҳарбий либос... Полковник... Небкир? Ҳа, бу 20-йилларда инглизлар томонидан ташкил қилинган махсус махфий бўлинма ходими Небкир эди. Расмий жиҳатдан унинг ходимлари қироллик полициясига қарашли бўлса-да, аслида фақат Британия губернаторига ҳисоб беришарди. Флоренс саройга ташриф қилган пайтида Небкирни икки марта кўрганди. Одатда бу киши иложи борича кўзга ташланмасликка ҳаракат қиларди...

Флоренсининг фикрлари тўзғиб кетди. Бошига гўё туман кириб қолгандек. Кўз олдидаги ҳамма нарса чаплаша бошлади. Зудлик билан хаёлларини бир жойга йиғиши керак эди.

— Бошқа... фитнесчиларнинг... исмини... айт... — талаб қилди Салим.

Улар атайлабдан йўқ ердаги саволларни берадилар, ўйлади Флоренс, бошимни олиш учун баҳона излашяпти, шекилли. У бўлажак жараёни тезлаштиришга аҳд қилди. Кимнингдир мурдаси чириётган хонага қайтиб боришни асло хоҳламасди. У бен Жударнинг камарида осиелик турган тўппончани кўрди.

— Нима учун сиз, — у секин гап бошлади, — уни орқангизга... тикиб олмадингиз? Ҳозирги ҳолатда сизга ярашарди...

Салим бен Жудар ўтирган стулидан сакраб турди ва тўппончасини чангаллади.

«Жуда яхши», — ўйлади Флоренс. У кўзларини юмиб, ўқ отилишини кутди. Хонадаги эркаклар қаттиқ овозда сўқинишди.

— Кўрмаяпсизми? — деди овозлардан бири. — У сизни шунга мажбурламоқчи.

— Исқирт қанжик!

Флоренс кўзларини очиб, Небкирга қаради. У юзи тўртбурчак шаклидаги ингичка мўйловли, соқоли текис қирқилган киши эди. Вазият тақозо қилса, мўмингина кўринаётган бу инсон бир зумда қотилга айланиши қийин эмасди. У ўта юмшоқ оҳангда муомала қиларди...

– Хоним, амирга суиқасд бўлди. Шу боис биз касб тақозоси билан сизга нималар маълумлигини билишга қизиқишимизни тушунсангиз керак.

Салим бен Жудар ортиқча маълумот бераётгани учун Небкирга таъна билан қаради. Флоренс бу қандайдир маккорона режанинг бир қисми бўлса керак деб ўйлади ва уларни аҳмоқ қилмоқчи бўлди.

– Ягона фитначи, – у куруқшаган оғзини аранг очиб, жавоб берди, – сизлар ўлдириб, менинг камерамга ташлаган жаноб Тибодо эди.

Небкир унга ҳиссиз жавоб қайтарди:

– Унинг ҳалокатга учраши аниқ эди. Уни сизнинг ёнингизга ташланиши... Ишонинг, бу мендан чиққан фикр эмас. Хоним, нима бўлганда ҳам сиз билан очиқчасига гаплашаман: бу деворлар ортида сиз билан ҳар қандай мулоқот қилишга тайёр ва шуни хоҳлайдиган кишилар турибди. – У аёлга энгашиб, қизгинлик билан давом этди: – Менга ёрдам беринг, мен ҳам сизга кўмаклашишга интиламан. Оллоҳга қасам ичиб айтаманки, сизнинг бу ердан тирик чиқишингиз гумон. Шундай бўлса ҳам...

– Ундай бўлса, мен ҳам Оллоҳга қасам ичиб айтаманки, амирга суиқасд қилингани ҳақида менга ҳеч нарса маълум эмас.

– Алдаяпти! – портлади Салим бен Жудар.

У тўппончаси билан Флоренсга ташланди, Небкир уни тўхтатишга ҳаракат қилди. Салим тўппонча нилини Флоренснинг бошига тиради.

«Муздеккина-я, – роҳатланиб, ўйлади аёл – Бос. Тепкини бос».

– Гапир! – буюрди у.

– Салим! – бақирди Небкир.

«Бир сониядан кейин ҳаммаси тамом бўлади», – ўйлади Флоренс.

У яна кўзларини юмиб, чуқур нафас олди. Балки охириги нафасидир.

– Гапир!

Шундан кейин Флоренснинг бошида чакмоқ чаққандай бўлди ва борлиқ қоронғуликка кўмилди.

– Тентак! Нима... га эришдингми? – дея қичқирди Небкир Флоренснинг танаси ёнида турган Салимга.

Флоренснинг чаккасидан қон оқа бошлади. Небкир чўнтагидан рўмолчасини олиб, аёлнинг яраланган жойига босди.

– Қўявер, қонсизликдан ўлиб кетсин, гўштини эса итларга берамиз, – деди Салим.

Небкир бор бўйи билан қадини ростлади ва важоҳат ичида Салимга қараб юрди.

– Аҳмоқ! Бу ишга америкаликлар аралашган бўлиши мумкинлиги калланга келмадими? Агар улар бу ерда пайдо бўлишса, уларнинг фуқароси ўлдирилишини мен ўз зиммамга оламанми? Балки, сен қолган умрингни Гуантанамо турмасида маймунлар орасида ўтказмоқчидирсан?

ЎТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

Қандайдир мўъжиза туфайли Қироллик туясининг сарбони Яссим портлаш пайтида тирик қолди.

Бошдан-оёқ гипсу дока билан чирмаб ташланган Яссим қирол Нодир номли касалхонада каравотда ётарди. Унинг аъзойи-баданига уланган ҳар хил найчалар, аппарату шланглардан ғалдир-ғулдур, қулдур-қулдурга ўхшаш бир-бирига ҳамоҳанг овозлар чиқиб, у ётган хона гўё электрон товукхонага ўхшаб қолганди.

Беморни Салим бен Жударнинг иккита бадқовоқ ходими кўриқлаб ўтирарди. Шунингдек, жамоатчилик саломатлиги департаменти агенти ҳамда ўкрайган мукфеллин ҳам шу ерда эди. У лабларини қимирлатиб, Хамуж китобини пичирлаб ўқиб ўтирарди.

Ана шу ҳолатда ранги одатдагидан ҳам оқарган Делам-Нуар оқ халат кийиб, чемодонча кўтарган чиройли бир аёл билан кириб келди. У матарликларга ўзининг кимлигини айтиб ҳам ўтирмади. Чунки улар уни шундоқ ҳам яхши билишарди.

— У бирор нарса дедими? — қизиқди Делам-Нуар.

Кўриқлаш хизмати офицерларидан бири маъбус бош чайқади.

Делам-Нуар ёнидаги аёл — «доктор Роше Париждаги буюк невропатолог» эканини, у беморни текшириб кўриши лозимлигини, шу боис ҳамма чиқиб кетиши кераклигини қатъий тарзда билдирди.

— Менга бу бинодан чиқмаслик ҳақида буйруқ берилган, — деди кўриқчи.

Делам-Нуар унга иложи борича совуқ нигоҳ ташлади.

— Мен буни амирга билдираман. Шунингдек, ҳазрати олийлари қирол Таллулага — Каффага ҳам. Сиз кимга ҳисобот берасиз?

Палата бир зумда бўшади.

Делам-Нуар Яссимнинг устига эгилди. У беҳуш ётарди.

Делам-Нуар буюк невропатолог, аслида 11-бўлимда ишловчи кимёвий моддалар бўйича мутахассис бўлган Ёвузлик гули лақабли аёлга имлади. У чамадончасидан шприц чиқариб, Яссим томирига уланган дори томизгичга ўн миллиграмм налоксон қуйди. Яссимнинг кўзлари бирдан очилиб кетди.

— Оооҳ...

— Хўш, Яссим, тирикмисиз? — мурожаат қилди Делам-Нуар. — Худого шукур. Бизни хавотирга солиб кўйдингиз, дўстим.

— Жоним оғрияпти... Ҳазрати олийлари... Жуда оғрияпти...

— Ҳа, ҳа. Биз бир дақиқадан кейин оғриқни тўхтатамиз. Бироқ аввал сиз бир неча саволга жавоб беришингиз керак. О'кей?

— Қаердаман?

— Ишончли қўллардасиз. Сизни француз шифокорлари парвариш қилишмоқда. Қисқаси, Яссим сиз Рафиққа бағишланган намойиш олтидан Шам лақабли туяни нима билан боққан эдингиз?

— Ем билан, ҳазрати олийлари.

— Ем билан? Нимани назарда тутаяпсиз? Ўт биланми? Похол биланми?

— Алоҳида озуқа — ем билан. Қиролдан. У Ҳазрати олийлари юборган ҳадя эди.

— Ҳадя? Туяга ҳадями?

— Ҳазрати олийлари қирол Таллуладан. Хоин Рафиқнинг йиллиги муносабати билан. Намойиш учун, ҳазрати олийлари.

— «Ҳадя»ни ким олиб келди?

— Қандайдир одам, ҳазрати олийлари.

— Тушунаман, тушунаман, бегона одам. Лекин айнан ким? Сиз амирнинг туяси учун дуч келган одамдан озуқа олмайсиз-ку?

— Жоним оғрияпти, ҳазрати олийлари.

— Ҳозир оғриқни тўхтаттираман. У ким эди, Яссим?

— Қирол Таллуланинг хизматкори.

— Қаердан биласиз? Қандай аниқладингиз?

— У шундай деди.

— Яссим!

– Унинг кўриниши жуда жиддий эди. Менга қиролнинг хатини кўрсатди. Менинг номимга ёзилган. Шундай шараф...

– Давом этинг, давом этинг.

– Хатда бу озуқа унинг шахсий қироллик отхонасиданлиги, Васабия ва Матар халқларининг дўстлиги белгиси сифатида юборилаётгани ёзилганди.

– Хат қаерда?

– Менинг хонамда, жаноби олийлари.

Делам-Нуар эшитилар-эшитилмас қилиб сўкинди.

– Бошқа бир одам ҳам бор эди, жаноби олийлари. Сизнинг одамингиз.

– Қанақа одамим?

– У сизда ишлашлигини айтди.

– Мен ҳеч кимни юборганим йўқ.

– Бироқ унда ҳужжатлар бор эди, сиздан хат ҳам... У француз эди. Ҳозир Амо-Амасда янги Матар қурилишига ёрдам бераётган французлар жуда кўп. Оҳ, қанчалик жоним оғрияпти, жаноби олийлари...

Делам-Нуар пиджаги чўнтагидан сурат олиб, уни Яссимнинг кўзларига яқинлаштирди.

– Французингиз мана шуми?

– Ҳа, жаноби олийлари. Уша.

Сурат Бобби Тибодоники эди.

– Орадан бир неча соат ўтиб, Интернетдаги «Нью-Йорк таймс» газетасида қуйидагича сарлавҳа қўйилган мақола пайдо бўлди.

Матардаги «бомбали туя»да қўлланилган портловчи модда француз махсус хизмати томонидан портлатилган деб ҳисобланувчи кемадаги портловчи модда билан бир хил.

Терговчилар Қироллик туяси қолдиқларида, эгарда, яраланган амининг кийимида экзюперик борлиги ҳақида маълум қилмоқдалар.

Томас Лоуэлл.

«Нью-Йорк таймс» учун махсус юборилди.

Бир соат давомида бу янгилик ер юзига тарқалди. Маликнинг зудлик билан касалхона палатасига айлантирилган апартаментида ҳам телевизор бор эди... Малик ғазаб билан қўнғироқ тугмачасини боса бошлади. Хизматкорлар, шифокорлар ва дин пешволари – ҳамма унинг ёнига югурди.

Франция учун айти шу кунлар омадсиз келди. Республика президенти иш юзасидан бу пайтда Квебекда эди... Уни кўлларига микрофон тутган репортёрлар ўраб олиб, тинимсиз саволга тутишарди. Ҳамма саволлар бир хил эди: «Матар амирини ўлдириш учун шахсан ўзингиз санкция берганмисиз?»

Президент қатъият билан бу гапни рад этар, бир пайтнинг ўзида «Уэйлпис» кемасининг чўктирилишини ҳам инкор қиларди... Охири оқибат президент Монреалдаги француз элчихонаси биносига яшириниб олди. Бу ерда унинг биринчи қилган иши ёрдамчисига ғазаб билан:

– Мени Делам-Нуар билан боғланг! Тез! – деб бўкириш бўлди.

Бу пайтда Вашингтонда ўзини «Озод Матарнинг дўстлари» деб номлаётган ва «Ренард стратиджик комьюникейшнз» компания

сининг кабинетларига жойлашиб олган ташаббускор гуруҳ АҚШ ва чет эл газета-журналларига бир саҳифа ҳажмидаги эълонни жойлаштириш билан банд эди. Бу эълонлар Томас Лоуэллнинг «Нью-Йорк таймс»даги мақолаларини тинимсиз реклама қилиш билан бирга Матардаги аҳволни халқаро ҳамжамият томонидан текшириб кўришга даъват этмоқда эди. Ушбу реклама — ҳужумнинг асосий мавзуси Томаснинг репортажларига тақлиддан иборат бўлиб, Франция Парижнинг «оддий қуроли» бўлган Васабияни тўғридан-тўғри ҳийла-найранг билан ўзига қарам қилиб олганига урғу берилмоқда эди. Томаснинг репортажига қараганда, Васабияни Матардаги тўнтаришда иштирок этишга кўндирганлар. Буни кимдир эмас, «ўша, эндиликда амирнинг эгари остига портловчи модда қўйганлар» амалга оширишган. Томаснинг тасдиқлашича, Франция Васабияни мувозанатдан чиқариш учун тахтга «ўз одами»ни ўтқазшига қатъий ишонган эди.

Бу ҳали ҳаммаси эмасди: рекламали эълонларда француз ва Васабия миллатидан бўлган шахслар Матарда америкалик Флоренсни ҳамда («ҳамма учун севимли бўлган») марҳум амирнинг беваси Лайлони қўлга олганликларини ҳам маълум қиларди. «Озод Матарнинг дўстлари» иккала аёлни Амо-Амасдан унча узоқ бўлмаган «машъум ва маълум қийноқ маркази»да ушлаб туришгани ҳам хабар қилинарди.

Ҳар бир эълон йирик ҳарфларда ёзилган:

Нима учун АҚШ давлат департаменти жим? — деган сўзлар билан тугарди.

Буларнинг ҳаммаси Париж, Каффа ва Вашингтонда сезиларли жонланишга сабаб бўлди. Америка президенти ана шундай памфлетлардан бирини ўқиб, ўзини тута олмай:

— Бу мараз Матарда нималар бўлаяпти ўзи? — деди ғазаб билан эрталабки брифинглардан бирида.

Кейинги куни газетада пайдо бўлган йирик сарлавҳа вазият жиддий бухронга айланиб кетаётганини маълум қилди:

— Жониворларнинг ҳимоячилари туядан қотиллик қилишда фойдаланилганидан ғазабдалар.

Туялардан сиёсий қотилликда фойдаланишни қонун йўли билан ман этиш учун кўп соғли даъватномалар тарқатилмоқда.

ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ БОБ

«Quells ordure» — деб ўйлади Делам-Нуар ўз тилида. Бу қўлга тушдимми — тушди, маъносини билдирарди.

У нафис рўмолчаси билан нам пешонасини тез-тез артганича, амирнинг ёнига таклиф қилинишини кутмоқда эди. Кейинги бир неча кун оғир бўлди. Унга ғазабланган Франция президенти, қутуриб кетган Васабия қироли ва ҳаддан ташқари асаби бузилган Матар амирининг қўнғироқлари ёғилди. Шундай бўлса-да, у ҳар қандай зарбага дош бериб, пинагини бузмасликка аҳд қилди. Чунки у une certaine dignite, яъни ўз қадрини биладиган одам эди.

Ниҳоят эшик очилиб, у таниш хонага кирди. Бироқ ҳозир хонанинг кўриниши бошқачароқ эди.

— Bonjour, mon emir. Кўринишингиз анча яхшиланганини кўришдан хурсандман.

— Нима? — шангиллади Малик. — А?

Шифокор шу заҳоти Делама-Нуарнинг қулоғига амирнинг қулоғи тўқсон фоизга шикастланганини шивирлаб айтди. Делама-Нуар афсуслангандек уф тортди. У имо-ишора билан гаплашишни ҳам қотириб қўярди. Лекин ҳозир у бу чўлоқ, пушти юзли диктаторнинг қулоғини мўлжалга олиб, бақриши керак. Бу иш осон эмаслигини у тушунарди. Амо-Амасдаги вазият борган сайин фожиали тус олмакда эди.

Телевизион репортаждаги экзюперик — *quel dusastre*¹ — ҳақидаги гаплардан кейин Малик Франция президентининг икки марта қилган телефон қўнғироғига жавоб бермади. У шунингдек, Васабия Франциянинг қуроли эмаслигига ишонтирмақчи бўлган шахзода Бавад билан, ҳатто қирол Таллула билан ҳам гаплашишни хоҳламади.

Амирнинг бундай оvsарларча қайсарлигини эндиликда вазирлик мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олган Салим бен Жудар янада мустаҳкамламокда эди. Фетиш қамоққа олиниб, Салимнинг одамлари томонидан сўроқ қилинмокда. У Делама-Нуарни ва *la belle France*² ни ўта мухлиси эди-да. Эндиликда бу муаммо ҳам осилиб қолди. Делама-Нуар учун худодан Фетишнинг оғзини маҳкам қилишни сўраб, илтижо қилишдан бошқа илож қолмаганди. Дарвоқе, у ўз тажрибасидан пулга ёлланган аянч одамларнинг садоқатига кўпда ишониб бўлмаслигини ҳам яхши биларди:

Малик юз берган воқеалардан кейин ақллироқ бўлиб қолмаган бўлса-да, қатъияти ортганди. Ҳамиша иккиланиб, шубҳаланиб юрадиган аввалги амир энди йўқ бўлган эди. Эндиликда унинг илма-тешик тана-сидаги ҳар бир илвираган пай дарғазаб Маликка тегишли эди.

У Васабия билан чегарани мустаҳкам беркитди, қўшинларини жанговар ҳолатга келтирди. Каффадаги элчисини чақириб олди, Амо-Амасдаги француз элчисини, у билан бирга бўлган барча французларни чиқариб юборди. Франция ўз фуқароларини олиб чиқиб кетиш учун Матарга бутун бошли аэробус юборган эди, Малик уни қабул қилмасликка буйруқ берди. Французлар жазирама иссиқда, Амо портида навбатда туриб, роса таъзирларини едилар. Кейин эса қочоқларга ўхшаб, Дубайга кетаётган юк ортилган кемаларда жўнашга мажбур бўлишди.

— Ҳазрати олийларига яхши янгилик олиб келдим, — деди Делама-Нуар.

— Нима?

— Яхши хабарлар, ҳазрати олийлари. Биз бомбани ким қўйганини аниқладик.

Малик афтини буриштирди. Куйган жойларига чапланган турли малҳамлар амирнинг кўринишига янада даҳшатли тус берарди.

— Ээних!

— Бу сўзнинг маъносини тушуниб бўлмасди. Шу боис Делама-Нуар бор овози билан бақришда давом этди:

— Улар америкаликлар экан. Ҳаммасини Тибодо ташкил қилган. Флоренснинг жазмани. У, айтишга ҳам ор қиламан, ўзини француз деб таништирган. У билан бирга ўзини қирол Таллула юборди деб атаган яна битта иккиюзламачи ҳам бўлган. Яссим...

— Исбот... Қани исботлар?

— Ҳазрати олийлари, мен Яссимни сўроқ қилдим, у...

— Ҳа. Уни бу ёққа олиб келинг. Бу итни ўзим сўроқ қиламан.

¹ Қандай бахтсизлик (фран).

² Гўзал Франция (франц).

— Афсусдаман, лекин бунинг иложи йўқ, имом. У қаттиқ яралангани боис вафот этди.

Тентакларнинг тентаги бўлган Яссим айтганларини амир олдида исботламасдан келиб-келиб, шу пайтда ўлиб ўтирибди. Малик Яссимнинг ўлганини жуда яхши билса керак, лекин юз берган воқеаларда унинг фикрича, қайси бир маънода айбдор бўлган Делам-Нуарга ёрдам беришни хоҳлаган эмас. Айнан у Маликка Матар тахтини эгаллашни таклиф қилди. Яссимнинг ўлими Делам-Нуарни нафақат ягона гувоҳдан махрум қилди, шу билан бирга французга нисбатан уни ўлдирди деган маънода шубҳа ҳам туғдирди. Улим тўшагида ётган Яссимнинг ёнига парижлик «буюк невропатолог» билан бирга келиб, ҳаммани палатадан чиқариб юборган у эмасми? У келиб-кетгандан кейин бир неча соат ўтиб, Яссим ўлмади? Буларнинг ҳаммаси Делам-Нуар йўлакка чиқариб қўйган кўриқчилар томонидан Маликка етказилганди. Улар албатта Яссимнинг ўлимида ҳеч қандай айблари йўқлигини, французнинг ёвузлигини билдиришлари шарт эди.

— Исботингиз қани? — талаб қилди Малик.

— Мен Яссимга сурат кўрсатдим. У...

— Яссим ўлган!

— Уларнинг режаси шундай бўлганки, Ҳазрати олийлари, сизнинг буюк иттифоқдошларингиз ва дўстларингиз Васабия ва Францияни фитначилар сифатида кўрсатиб, сизга буни ишонтириб...

— Портловчи модда... У америкаликларда қаердан пайдо бўлибди? А? А?!

— Ҳа, биз ҳозир айнан шу масала билан машғул...

— Нима учун одамларингиз бу ҳақда ўз докладларида маълум қилишмади? А? А?!!

Шу жойда Малик Делам-Нуарнинг нозик жойидан тутди. Делам-Нуар сапёрларнинг докладида «экзюперин» сўзини кўриб, уни зудлик билан «семтекс» сўзига алмаштириб қўйганди. Бу Чехия республикасида ишлаб чиқариладиган, амалиётда кенг қўлланиладиган портловчи модда эди. Айнан ўша тўғриланган вариантни у Матар ҳокимиятига топширганди.

Бироқ Делам-Нуар полковник Небкир воқеа жойида шахсан текширув ўтказганини хаёлига ҳам келтирмаганди. Унга содиқ мутахассислар Шам жасади қолдиқларида, эгар бўлакларида, амирнинг майдаланиб кетган оёқ кийимларида жуда катта миқдорда экзюперин изларини топган ва бу ҳақда амирга (яна айрим одамларга ҳам) ўз докладларини тақдим этган эдилар. Шу тариқа Делам-Нуарнинг ёлғони фош бўлиб қолганди.

Орқага йўл бўлмай қолганда ягона усул — шаҳд билан олға юриш керак.

— Мон етир, чамаси, бу ерда ҳатто менга ҳам маълум бўлмаган қандайдир кучлар ҳаракат қиляпти. Шундай бўлса ҳам мен қатъий ишонаманки...

— Бас! Ёлғон! Бу француз портловчи моддаси эди! Мана қаранг, у мени қай аҳволга солди!

— Кўшиламан, у чамаси, Францияда тайёрланган бўлиши мумкин. Лекин сизни ишонтириб айтаманки, меҳрибон француз дўстларингизнинг бу воқеага ҳеч қандай алоқаси йўқ...

— Менда далил бор!

— Ҳукмдор, нега тушунмайсиз! Улар сизни содиқ дўстларингиз ва

иттифоқдошларингиз билан уриштириш мақсадида Каффа билан Францияни атайлаб ёмонотлиқ қилишга уринишмоқда. Маълум даражада мақсадларига эришдилар ҳам. Бироқ...

Хонага шифокор кириб, амирга укол қилди. Гаплари қанчалик ишончсиз ва бесўнақай чиқаётганига қарамай, Делама-Нуар ўз тушунтиришларини айтишга шошиларди. Бақир-чақирлар ишга ёрдам бермасди.

— Гўё Таллула Яссимга ёзган хат қани? — уколдан кейин зумда тинчланган Малик сўради. — Уни менга кўрсатинг.

Делама-Нуар оғир тин олди. Ярамас, америкалик Тибодо бу ерда ҳам уни мот қилганди. Яссимнинг хонаси тинтилганда ҳақиқатан ҳам жуда қимматбаҳо қоғозга ёзилган хат топилди. Тўғрироғи, қоғоз бор, лекин унда матн йўқ эди. Сиёҳ ғойиб бўлганди. Бу жосуслик касбининг энг қадимги сирларидан бири бўлиб, ҳозир ҳам қўлланилганда дурустгина наф келтирарди. У Яссимдек тантакларга нисбатан ишлатилганда, айниқса, бебаҳо эди.

— Хат махсус сиёҳ билан ёзилган экан, ҳазрати олийлари. Бироқ ишонаманки, кимёвий таҳлил шубҳасиз, қоғозда бу сиёҳнинг мавжудлигини исботлайди. Шунда...

— Етар! Етар бу аянчли, ҳеч нарсага арзимайдиган ўзини оқлашлар! Сиз мени ҳимоя қилишингиз керак эди! Энди мана қаранг, мен қай аҳволга тушиб қолдим! Сиз оёқсиз қолишни хоҳлармидингиз? Эй француз?

Бу мамлакатда жазо тариқасида қўл-оёқни кесиш ҳамон мавжудлигини англаб турган кекса ва ақлли француз ушбу мураккаб вазиятда чекиниш энг ақлли йўл эканлигини шу заҳоти англади. Йўқ, у кўрқоқ эмасди. У Дьенбьенфу ёнидаги жангда қатнашган, Жазоирда шахсан ўзи арабларни бошқалардан кўп ўлдирганди. У вазият тақозо этса ўлимдан кўрқмайди... Бироқ қандайдир довдир амирнинг буйруғи билан оёгингни арралашларига йўл қўйиш — йўқ, бу Делама-Нуарни қониқтирмасди.

— Сиз дам олишингиз керак, о улуг зот! Мен сизга зарур исботларни олиб келаман. Ушанда сиз ким ҳақиқий дўстларингиз эканлигини билиб оласиз.

— Йўқол! Кет, йўқол!

Хавотирланган доктор унинг устига эгилди.

— Имом, дам олишингиз зарур!

Делама-Нуар амирга орқа ўгирмай, қабул тартибига риоя қилган ҳолда чиқиб кетди. Эшик ёнига етганда қачондир ўзининг энг ажойиб ижоди бўлган оёқсиз амирга сўнгги бор нигоҳ ташлади. Маликнинг юзи малҳам чапланган каттакон чақалоққа ўхшар, у шунчалик би-нафша рангда эдики, Делама-Нуарнинг хаёлида ҳозир портлаб кетадиганга ўхшарди.

ЎТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

Флоренс ёруғ хонада кўзини очди. Хаёлида у ўлгану мана бу оппоқ хона Стикс дарёси бўйидаги сеҳрли кутиш хонасига ўхшаб кетди.

Кейин у чап елкасида оғриқ ҳис қилиб, докани пайпаслаб кўрди. Ўлмаганини тушунди. Чап кўлидаги кишаннинг бир учи у ётган каравотга маҳкамлаб қўйилганди.

У мурда ётган сассиқ хонада ёки қуролланган эркаклар бақирадиган тергов биносида эмас, ёруғ ва озода хонада эди. У тоза

чойшаблар солинган ўринда ётарди. Бунинг устига, кимдир уни чўмилтириб ҳам қўйибди. Ундан энди мурдадан чиқадиган ҳид анқимасди.

Флоренс эшикка қараб, қалин ойна орқасида коридорда унга кимдир тикилиб турганини кўрди. Аёл ҳушига келганини кўрган у одам йўқ бўлиб қолди. Флоренсга вазиятни баҳолаш учун бир неча дақиқа осойишта вақт қолди.

Ёдида қолган охирги воқеа пешонасига тақалган тўппонча эди. Салим бен Жудар. У ерда яна бир полковник ҳам бор эди... Небкир? Чаккаси оғриқдан лўқилларди. У бўш қўли билан бошига боғланган докани суриб, унинг остидаги сунъий қаттиқ ип билан тикилган жойни пайпаслаб кўрди. Чамаси бен Жудар чаккасига тўппончаси билан урган. Энди у қайсидир қамоқхона касалхонасида ётибди. Бундан чиқди, улар ҳозирча уни ўлдирмоқчи эмас.

Эшик очилиб, палатага Салим бен Жудар кириб келди. Важоҳати илгаригидек кўрқинчли кўринмасди. Қўлига хужжатларнинг тагига қўйиладиган юпқа тахтача кўтариб олганди.

— Узингизга келдингизми? Манавинга имзо чекиб беринг.

У тахтачани узатди.

— Бу гал нимага иқрор бўлишим керак?

— Амирга қилинган суиқасдда иштирок этганингизга. Сизни эртага оқшомда қатл этишади. Имзо қўясизми-йўқми, аҳамияти йўқ.

Унинг «аҳамияти йўқ» дегани атай айтилганга ўхшарди. Худди: ҳа, сал бўлмаса унутаё дебман, эртага биз сизни ўлдирамиз. Аввал бир неча одамни, кейин сизни — дегандай.

«Майли» деб ўйлади Флоренс.

Бу ўйин қандай ўйналишини у ҳам биларди.

— Нимага бўлса ҳам имзо қўйиб бераман, — у иложи борича лоқайд гапирди. — Фақат менга Лайло билан учрашувга рухсат берганларингиздан кейин.

— У бу ерда йўқ. Бошқа жойда.

Ёлғон гапираётгани аниқ сезилиб турарди.

— У соғ-саломатми?

— Шу пайтгача яшаб юргани етар.

— Мени у билан учрашимга рухсат этинглар, кейин имзо қўйиб бераман, — Флоренс тахтача билан қоғозни унга қайтарди. — Бу ҳақда бошқа гапирмайман. Мени кўрқита олмайсиз энди, Салим.

Салим унга индамай тикилди. Унинг кўзларида ҳурматга ўхшаш нимадир кўринди. Ўз хизмати давомида у ўн олти кишига қатл этилиши ҳақида хабар етказганди. Уларнинг ҳеч қайсиси ўлими ҳақидаги хабарни шунчалик осойишталик билан кутиб олмаган. Салим бен Жудар ўгирилиб, хонадан чиқди.

Орадан бир соат ўтиб, эшик яна очилди. Хонага иккита кўриқчи кириб келди. Улар Флоренснинг қўлларига кишан солишмади, кўпол муомала ҳам қилишмади. Бошини миллий кийим билан ўраб, кейин камерадан олиб чиқишди. Улар билан бир неча йўлакдан ўтгач, Флоренс оғир эшикнинг очилаётганини эшитди ва зудлик билан ташқаридан ёпирилиб кирган иссиқ ҳаво тўлқинини ҳис қилди. Уни машинага, биридан тер ҳиди анқиб турган икки эркакнинг ўртасига ўтқозишди. Улар деярли бир соатча юришди. Кейин уни яна машинадан туширишди. Флоренс агар бу жой Васабияда бўлмаса, Матарнинг жазирама иссиғини ҳис қилди. Уни салқин хонага олиб кирдилар. Кейин стулга ўтқозишди. У олдида стол борлигини сезди. Бошидаги ёпинчиқни олишмагани учун ҳеч нарсани кўролмасди.

Орадан бир неча дақиқа ўтди. Ниҳоят, очилаётган эшик ва эркакларнинг овозини эшитди. Флоренс Салимга тўғри айтганди: энди уни ҳеч ким кўрқита олмасди. Онгидаги кўркув туйғуси бутунлай барҳам топганди.

Кимдир унинг бошидаги ёпинчиқни олиб ташлади. Буни кутмаган Флоренснинг кўзлари қамшиб кетди. Ўзига келганда эса қаршисида ўтирган Лайлони кўрди.

— О, азиз синглим, — деди Лайло кўзлари ёшдан ялтираб. — Улар сени нималар қилишди?

Флоренс олдинга интилиб, Лайлонинг қўлларини маҳкам ушлади. Лайло ҳолдан тойган, қариб қолгандек кўринар, лекин ҳамон гўзал эди. Унинг олов ва шодликка тўла кўзлари эндиликда силласи қуриган ҳайвоннинг кўзларини эслатар эди.

— Ўзингнинг аҳволларинг қандай, Лайло? — сўради Флоренс. Иккови ҳам ҳўнграб юборишди.

— Ана энди улар бизни аниқ «ошиқ-маъшуклар» деб билишади, — Лайло кўз ёшларини артди.

Флоренс жилмайди ва бундан ўзини ғалати ҳис қилди. У кўпдан буён жилмаймас, буни унутиб ҳам юборганди.

— Нима қипти, — деди у. — Биз ҳали ҳам тирикмиз. Бунга қандай эришдик?

Кичкина хонада улардан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Балки улар қаердadir кузатишаётган, ҳатто видеога ёзиб олишаётгандир?

— Нима воқеа юз берганидан хабаринг борми? — сўради Флоренс.

— Кимдир Маликни ўлдиришга уринганга ўхшайди.

— Ҳа, — бош ирғади Флоренс. — Энди мен... — унинг овози титраб кетди. У жим бўлди.

Лайлонинг кўзларида ташвиш аломатлари пайдо бўлди. У бош чайқалди.

— Керак эмас, Флоренца, бундай қилма.

— Улар сени бирор нарсани тан олишга мажбурлашдимми?

— Газзига аҳмоқона таъсир ўтказганим ҳақида...

Флоренс яна жилмайди:

— Бу — янгилик эмас. Эвазига нима ваъда қилишди?

— Юз қамчи уриш, — жавоб берди Лайло.

— Вой худойим, Лайло...

Бу ўлим ҳукми эди. Наҳот шуни билмасан?

— Бу мени ёшлигимда юборишган мактабдан салгина ёмон, холос.

Кейин мени шаҳардан чиқариб юборишади. — У жилмайишга уринди. — Умид қиламанки, саҳрога эмас, Франциянинг жанубига. Сен-чи, Флоренца? Улар сени нима қилишади?

— Мамлакатдан чиқариб юборади, — алдади Флоренс. — Мен бу ерда ҳамманинг жонига тегдим, шекилли.

Шу пайт эшик очилиб, кўриқчи кириб келди.

Ҳозир айрилишларини сезиб, улар бир-бирларининг қўлларини маҳкам қисишди.

— Демак, Франциянинг жанубида кўришамиз, — деди Флоренс.

— Келишдик. Франциянинг жанубида. Фирт маст бўлгунимизча шампан виноси ичамиз.

— Сени Оллоҳ асрасин.

— Сени ҳам, азизим.

Делам-Нуар зудлик билан Парижга қайтиши зарурлигини телефонда, ўта совуқ оҳангда айтишди. Самолёт кутиб турибди. Бу гал Матар ҳукумати унинг кўнишига руҳсат берибди. Делам-Нуар ҳаммасини тушунди.

Олдинга энгашиб, у ҳайдовчидан сигарет сўради. Яхшиям у Яқин Шарқда. Бу ерда деярли ҳамма чекади. Унинг ўзи Жазоирда гапиришга унамаган бир маҳкумнинг тилини «ечиш» мақсадида кўкрагини сигарет билан куйдиргандан кейин оғир депрессия хуружи ва уятдан сигарет чекишни ҳам ташлаб юборганди. Энди эса чарм ўриндиқда ястаниб ўтирганича, ютоқиб, чека бошлади. Бир сония ўтиб, у Каффага, шаҳзода Бавадга сўнгги марта кўнғироқ қилмоқчи бўлди. Бу, шунчаки билиш учун эди.

– Бу аёлларга нисбатан яқиний қарор қандай бўлади? – сўради у сигаретни чуқур тортиб.

– Малик уларни эртага ўлдирмоқчи! – бўкирди Бавад.

– Бу сизни хурсанд қилиши керак эди, шекилли, mon prince. Охириқибат сиз эга бўлган нарса айнан шу-ку?

– Бу вазиятни мураккаблаштиришини тушунмайсизми? Сезиларли даражада мураккаблаштиради! Ҳазрати олийлари газабда.

– Унда бирор нарса қилинг.

– Анави савдойи чегараларни ёпиб, ҳаммани чиқариб юборди. Биз ҳеч нарса қила олмаймиз!

– Ҳеч қандай илож қолмаган бўлса – муаммо ҳам йўқ. Буни менга ким айтганини биласизми? Шахсан де Голнинг ўзи. Мен уни яхши билардим.

– Ҳаммасига сиз айбдорсиз!

– Бу нима деганингиз?

– Сиз ҳадеб уни «ўлдирма» деяверганингиз учун ҳам у анави аёл – Флоренсни ўлдирмоқчи. У эндиликда сизни кўргани кўзи йўқ, сизга қасдма-қасдига ҳам уни ўлдирмоқчи.

– Мен ҳақиқатан ҳам ҳамиша бу аёлни ўлдириш жамоатчилилик нуқтаи назаридан жуда катта хато бўлади, деб айтиб келганман. Бироқ сизлар одам сўйишни қанчалик ёқтиришларинг менга аён-ку. Демак, энди ана шу миллий спорт машғулоти билан роҳат қилишларинг мумкин. – Делам-Нуар турк тамакисини яна бир марта чуқур тортди. – Ўйлайманки, жуда тез фурсатда оёғингиз остидаги ер гўё билқиллаган қумлоқдек силжиб кетади, mon prince. Қиролга салом айтинг. Au revoir.

Делам-Нуар ҳаётида бунчалар роҳат билан телефонни ўчирмаганини ҳаёлига келтириб, тугмачани босди.

Самолёт уни кутиб турган экан. Унга ўзининг шахсий реактив лайнерини юборишибди. Ҳамма қулайликлари билан. Унинг бортида ҳамиша хизмат қиладиган Селин ўрнига иккита эркак пайдо бўлибди. Делам-Нуар улар билан хурсанд саломлашди. У ҳар бир сўзи, ҳаракат ё ишораси кейинги куни, умуман узоқ йиллар давомида Париждаги маълум кабинетлардаги суҳбатга сабаб бўлишини биларди. Шунинг учун бу суҳбатлар ҳурмат белгиси, ҳатто иложи бўлса, ҳайрат ва мулойимлик билан амалга оширилиши учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилишга аҳд этди.

– Балки, ичармиз? – деди у.

Селин яширган жойдан қирқ йиллик виски шишасини олиб, Делам-Нуар ўзининг камгап меҳмонлари учун кичик қадаҳчаларга куйди. Самолёт ҳавога кўтарилиб, мовий кўрфаз устида ғарбга бурилаётганида, қўлига қадаҳни олиб:

– Янги Матар учун! – деди.

Орадан икки кун ўтиб, «Фигаро» газетасида таъзия пайдо бўлди: Доминик Лоран Делам-Нуар, етмиш тўрт ёшда, армия фахрийси, Ташқи ишлар вазирлигининг Яқин Шарқ масалалари бўйича бўлими

мудири ўринбосари, ўзининг Брив-ла-Гайарддаги уйи ёнида итини сайр қилдириб юриб, эмболия касаллигидан вафот этди. Жаноза ва дафн маросимлари хусусий тартибда ўтказилади.

ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

Флоренс қатл савдо марказида амалга оширилмаслигидан мамнун эди.

Куннинг иккинчи ярмида уни фақат «бошимни савдо марказида танамдан жудо қилишадими-ю, сўнгги марта кўрадиман — «Старбакс» қаҳвахонаси бўлади» деган фикр қийнади. Улимнинг ваҳимали жойи қолмади, бироқ у аёллар туфлиси 30 фоиз чегирма билан сотиладиган шаҳар марказида ўлишни истамасди.

Машина тўхтади. Флоренс ойнадан қараб, ўзини қандайдир майдонга олиб келишганини кўрди. Кўринишидан у Рэндольф, ҳозирги Ясгур майдони эди. Флоренс авваллари бу жойга у-бу нарса харид қилиш учун келарди. Бу ерда ажойиб шафтолилар сотиладиган чодир бўларди.

Қатлгоҳ атрофига асосан аёллардан иборат бир неча юз оломон йиғилганди. Уларнинг ҳаммаси оҳиста нола қилар ва навбатдаги жирканч манзарани кўриш учун ҳайдаб келишгани боис паст овозда гўё увиллагандек овоз чиқаришарди. Шу ерда мегафон кўтариб олган мулла ҳам айланиб юрарди. У йиғилганларга Флоренснинг даҳрийлиги, хонлиги, Буюк имомни ўлдиришга ҳаракат қилганлиги сингари уйдирмаларни гапириб бермоқда эди.

Флоренс асабий аланглаб, Лайлони қидира бошлади. Кейин ўзини кузатиб келган офицердан: — Шайхани шу ерда жазолашадими? — деб сўради. У Лайлони жазолаш маросими савдо марказида бўлади, деб жавоб берди. Флоренс қовоғини солди. Дарвоқе, бу ҳолда Лайло унинг қатл этилишини кўрмайди. Флоренс ҳам дугонасини «Старбакс»га кираверишда калтаклаб ўлдиришларидан беҳабар кетади. Оллоҳ ҳақиқатан меҳрибон.

Шу пайт оломон орасида гувиллаш, нола-фигон бошланди. Чодрага ўралиб, нола қилаётган аёллар тўлқини оралаб Флоренс томонга баланд бўйли матарлик эркак кела бошлади. Айтишларича, Матар жаллодлари кали-сад деб аталган қабиладан тарқалган, бу йигит ҳам ўшаларнинг бири эди. Унинг орқасидан мулла ва қўлига пистолет ушлаб олган Жамоатчилик саломатлиги департаментининг вакили келарди.

Бу ўлкаларда қатл маросими тез-тез ўтказиб турилгани учун у оддий тус олган. Сайёранинг бошқа ҳудудларида қатлгоҳда алоҳида вазият пайдо қилишга уринишди: охириги сўз, руҳонийнинг фотиҳаси, маҳкумнинг кўзини боғлаш, сигарет (дарвоқе, ўлаётган кишининг соғлиғига гамхўрлик туфайли эндиликда таклиф этилмайди), ноғораларнинг гумбирлаши. Маҳаллий қатллар ишбилармонларча, гўё товук бозорида оғзидан сигаретини олмасданоқ товукнинг бошини чопгандек, осонлик билан тез бажарилади...

Бу нарса Флоренс учун айни муддао эди. У қатл жараёни чўзилишини истамасди. У қанчалик тез тугаса, Флоренснинг ўз устидан назоратни йўқотиб, кўзда тугилмаган бирор томошани бошлаб қолишига вақт шунча кам қолади. Ҳозир Флоренс фақат чиройли ўлимни хоҳларди. Шундан бўлса ҳам юрагини кўрқув қандай гижимлаётганини сезиб турар эди.

Жаллод унинг қўлидан маҳкам ушлаб, қатлгоҳга етаклаб келди. Ёрдамчиси қўлида қилич ушлаб ўша ерда турарди. Флоренс хаёлан қиличнинг тиғи ўткир бўлсин деб ўтинди. Миясига бирдан келган янги фикр уни титратиб юборди: жаллод нўноқ бўлиб, маст қассобга ўхшаб чопа бошласа-чи? Шунақаси ҳам бўлганди. Секир-Баш майдонида мана шунақа жаллод ўлдирилайтган одамга етти ёки саккиз марта уквсизлик билан қилич урди. Шундан кейин тоқати тугаган қўриқчи уни нари итариб, қурбонни қўлидаги тўппонча билан отиб ўлдирди. Флоренс жаллодга берадиган бирорта қимматбаҳо нарчаси йўқлигига ачинди.

Мулла ҳали ҳам мегафонда панд-насихат қилиш билан овора. Аёллар оломони нола қилади. Жаллод Флоренсни қатл жойининг ўртасига олиб келиб, тиз чўктирди. Унинг ёрдамчиси қоп кийдириш учун яқинлашди, лекин Флоренс қоп ёпмасликларини сўрагандек, бош чайқади. Ушбу сассиқ латталар жонига текканди. У ёруғ дунёдан ёпиқ юз билан кетишни истамасди.

У елкаларини тик тутганча, чўккалаб, оломонга жилмайиб, қараб турарди. Аёллар чидай олмай, фарёд сола бошладилар. Флоренс бошини эгиб, кунда ёғочига қаради ва боши узра қилич кўтараётган жаллоднинг аниқ соясини кўрди. У кўзини юмиб, бўйинини бўшаштиришга интилди.

Кейинги сонияда Флоренс ўқ овозларини эшитиб, кўзларини очди. Жаллод тагидан қирқилган дарахтдек гурсиллаб йиқилди. Қўлидаги қилич Флоренснинг шундоқ болдирлари ёнига тушди. Флоренс шахт билан оломонга қаради ва атрофидаги ўнлаб «аёллар» чодраларини ирғитиб ташлаб, автоматдан қўриқчи ва полициячиларга қарата ўт очаётганини кўрди. Кейин кимдир қўлтиғидан ушлаб, қатлгоҳдан олиб тушди ва автофургонга ирғитди. Эшик қаттиқ ёпилиб, машина шиддат билан жойидан кўзгалди.

Флоренс бир неча вақт полда ётганича қинидан чиққудек типирчилаётган юрагининг уришига кулоқ тутди. Кейин бошини кўтариб, ҳайдовчи ўтирган томонга қаради.

— Балки ҳозирча бошингни маҳкам сиқиб, ушлаб турарсан, Фло? Ахир, сал бўлмаса ундан айрилиб қолай дединг.

Улар тўхтаганда қоронғу тушганди. Бобби эшикни очди, Флоренс унинг кучоғига ўзини отди.

— Бўлди энди, — ниҳоят Боббининг овози эшитилди. — Тез орада назорат соати бошланади. Оёғингнинг тагига қараб юр. Бу мамлакатда илонлар тўлиб ётибди.

Улар сув томонга йўл олдилар. Қумда оёқ яланг юриш жуда ёқимли эди. Флоренснинг хаёлига бир лаҳзагина Маликнинг бюрократлари Бленхайм пляжини қайта номлашга улгурдимиканлар ё йўқми деган ўй келди.

Кейин Бобби икковлари тўпикларигача тўлқин уриб турган сувда анча турдилар. Бобби автоматини маҳкам ушлаганича, нимагадир кулоқ тутарди.

Орадан ўн дақиқа ўтди. Йўлда яқинлашаётган автомобиль чироқлари кўринди.

— Бобби! — хитоб қилди Флоренс.

У кичикроқ қўлчироқ билан бир неча марта сигнал берди. Унга жавобан машина чироқлари икки марта ёниб-ўчди. Бироз ўтиб, яна милтиллади. Бобби қумлоқ бўйлаб, машина томонга югурди. Бирор дақиқадан кейин қаттиқ оғриқдан букилиб қолган аёлнинг қўлидан етаклаб келди.

Флоренс Лайлони кучоқлаб олди.

— Сал секинроқ, азизим, — Лайло афтини бужмайтирди. — Бу харомилар отишма бошлангунга қадар менга ўн қамчи уришга улгурдилар. Ҳозир бирор нарса бўлса, жон-жон деб ичардим.

Энди сув қиргоғида уч киши турарди. Ниҳоят денгиз томонидан мотор шовқини эшитилди, кейин юзларига ниқоб тортган курулли йигитлар чиққан қайиқни кўришди.

Шу пайтгача Флоренс ҳеч қачон сувости кемасида бўлмаганди. У сиреналарнинг чинқирғини ҳамда капитаннинг бақириб, берадиган буйруқларини кутганди. Бироқ уни мошранг кийим кийиб олган хушсурат, мулойим офицер кутиб олди ва кулимсираб:

— Мэм! Қиролича ҳазрати олиялари кемаси бортига хуш келиб-сизлар! — деди.

Шундан кейин Флоренс динамиклардан:

— Сув остига тушишга тайёрланинг! — деган овозни эшитди.

Бир сонияча вақтдан кейин бошқа — қулоққа хушқадиган овоз эшитилди. Кимдир шампан виносини очди. АҚШ ҳарбий денгиз флоти кемаларида расмий жиҳатдан алкоғолли ичимликлар берилмаса ҳам, вазият ҳисобга олинганди...

ХОТИМА

Араб аёлларининг кўзғолонидан кейин Матар яна бир неча вақтгача, лекин қисқа муддатда алғов-далғов бўлиб турди. Узини собиқ хўжайинлари — Васабия ва Франциядан ажратиб қўйган Малик батамом ёлғиз қолди. Табиат каби сиёсатнинг ҳам бўшлиққа тоқати бўлмагани боис махсус бўлимдан полковник Небкир Бобби тавсия қилган одамлар ёрдамида ана шу бўшлиқни тўлдириш учун узил-кесил ҳаракатга киришдилар. Орадан бир ҳафта ўтиб, жонини асраб қолиш мақсадида Маликнинг қочишига тўғри келди. У жуфтакни ростлаган пайтда ғалати ҳодиса юз берди, яъни қарғишга қолгани билинди: лаънатлар остига кўмилган собиқ автопойгачини кичикроқ юк машинаси кузовида олиб кетишди. Унинг ҳозир қаердалиги ҳеч кимга маълум эмас. Айримлар у Ямандан бошпана топган дейди, бошқалар Могадишода деб айтади. Ким билсин?

Ағдарилган тузум қайта тиклангач, Лайло Оллоҳнинг инояти билан бир куни тахтга ўтирувчи ўғли Ҳамдул билан Амо-Амасга қайтди. Ҳозирча мамлакатни полковник Небкир бошқармоқда. Кўпчилик матарликлар бундан мамнун. Тан олиш керак: уларга ваъда қилинган сайлов қандайдир сабаблар билан кейинга қолдирилиб келинаётган бўлса ҳам...

Лайло раҳбарлигидаги ТВ Матар араб мамлакатларининг энг чекка бурчакларига ҳам инсонпарварлик ғояларини олиб кириш ишларини тобора ривожлантирмоқда. Аввалгидек, рекламалардан келадиган ўта катта миқдордаги даромадлар Вашингтонда Флоренс Фарфалеттига жуда ҳам ўхшаб кетадиган аёл бошқарадиган Араб аёллари фондида бориб тушади...

Франция шундай қилиб, ҳарбий денгиз базасисиз ва нефть учун имтиёзларсиз қолди, лекин у ҳар доимгидек ва ҳамиша belle (гўзал).

Васабия яна денгиздан узилиб қолди ва Матарга аввалгидан икки баробар кўп миқдорда солиқ тўлай бошлади. Қирол Таллула бу омадсизликларнинг ҳаммаси учун жияни, Ташқи ишлар вазири шаҳзода Бавадни айблади. Васабиянинг чалкаш қоидалари орасида ўралиб,

шармисор бўлган шаҳзода ҳамма бойликлари ва энг гўзал хотинларидан жудо бўлиб, Васабиянинг аҳолиси асосан бабуинлар бўлган (шу боис сайёҳлар ташриф буюриб турадиган) энг чекка вилоятига сургун қилинди. Машиналар тўхтагач, гидлар бабуинларнинг қий-чувларини босиб кетиш мақсадида баланд овоз билан «ҳов анави пастқам, лойдан қилинган кулба «анави», ҳа, ҳа «ўша» шаҳзода Баваднинг ҳозирги яшаш жойи», — деб кўрсатадилар...

Жорж билан Ренард эндиликда бирга ишлайдилар. Уларнинг «Ренард ва Фиш стратиджик комьюникейшнз» компаниялари Вашингтонда мижозлари бутун дунёда мавжуд бўлган етакчи PR — фирма ҳисобланади. Такдир ҳазилини қарангки, айнан уларнинг фирмасини Васабия қироллиги АҚШдаги ўз мавқеини яхшилаш учун ёллади. Қироллик бунга жуда муҳтож эди.

Уларнинг иккови ҳам ўта банд. Шу туфайли Жорж «бўш вақтим йўқ» деб доим шикоят қилади. Бинобарин, Жорж ҳеч қачон ростакамига бахтли бўлмайди. У ўзининг озгина бўш вақтини ҳам онасининг ўлимидан кейин сотиб олинган — Фишларнинг уйини қайта таъмирлашга сарфлайди. Кимлардир бу уйда онасининг арвоҳини кўрганини ҳам айтиб юрибди.

Флоренсининг Фогги-Боттомдаги чоғроққина уйи бир зумда журналистлар ва мухлисларнинг бостириб келаверадиган манзилига айланди. Ҳар куни эрталаб унинг остонаси китоб ёзиш ёки сценарий тайёрлаш бўйича шартнома тузишни таклиф қилиб келган адабий агентларга тўла бўларди... Охири Флоренс уйининг дарча эшигидан чиқиб, мотоциклида ўзини безор қилган агентлардан қочиб қутулмоқчи бўлди. Улар ҳам қазнинг орқасидан қува кетдилар. Лекин Флоренс шаҳар кетидаги кичкина кўчаларда улардан қутулишга муваффақ бўлди. Боббининг ёрдамида исм-фамилиясини ўзгартириб, янги паспорт олди. Унинг янги кўринишини тасвирлашнинг ҳожати йўқ. Фақат эркаклар унга ҳамон суқ билан қарашларини айтиш кифоя. Араб аёллари фонди эса гуллаб-яшнапти.

Сув ости кемасида қочгандан кейин жуда кўп расмий шахсларнинг саволларига жавоб беришга тўғри келди. Флоренс сирли Сэм тоға ҳақида гап очиши билан улар қўлларини ёзиб, елкаларини қиситарди. Шу билан бирга, бу мансабдорлар унинг амалга оширган ҳамма ишларини Америка Қўшма Штатлари ҳукумати қўллаб-қувватлаганда бу даражага етиш мумкин эмас эди, деган фикрни тан олишга мажбур эдилар. Бу нарса аниқ бўла бошлагани сайин уларда суҳбатни давом эттиришга рағбат йўқола борарди. Агар буларнинг ҳаммаси... энг «юқори»дан бошланган бўлса-чи? Мансабдорлар бир-бирларига асабий ва маънодор қарай бошлардилар. Ўртадаги жимлик тобора узунроқ ва ноқулайроқ бўла борарди. Матар яна Араб Швейцариясига айланди, нефть ҳеч қандай тўсиқсиз оқиб ётарди, Америка энергия сарфлашда ақлни ишлатиброқ иш кўришдан қутулди, французлар ва васабияликлар яна ўз жойларини эгалладилар. Бу аҳволда ортиқча саволлар беришдан қандай маъно чиқиши мумкин?

— Бошқа савол йўқ, — дерди ҳеч қачон исмини айтмайдиган мансабдорларнинг каттаси.

Эшик ёнига етгач, у ўгирилиб, Флоренсга: — Аъло даражада бажарилган иш. Бутун оқшомда бўшмисиз? — деб сўрарди.

Дастлабки кечаларда Флоренс даҳшатли тушлар кўра бошлади. Ҳар қандай ташхисчи ҳам камерада уч кун чириётган мурда билан тунаш, кейин энг сўнгги дақиқаларда ўлим жазосидан қутулиб қолиш асоратсиз кечмаслигини айтган бўлур эди. У ярим тунда совуқ терга

ботиб уйғонар ва қўрқувдан Боббига ёпишиб оларди. Кейинги кунларда унинг тушига Сэм тоға кирадиган бўлди. У кун бўйи бу шахс аслида ким эди деб бош қотирар, тунда эса кинояли жилмайиб, отларча нигоҳ ташлаб турган Сэм тоғани тушида кўрарди.

Хар гал туши мотоциклда қишлоқ йўлида жуда катта тезликда кетаётганидан бошланарди. Кейин кутилмаганда олдидан Сэм тоға чиқиб қоларди. Флоренс тормозни кескин босар ва йўлдан баланд ўсган наъма-так ва сариқ гуллаган қанақадир гулнинг худди тўрга ўхшатиб, зич ўрилган тиконли шохлари орасига тушиб қоларди. У худди ўргимчак тўрига илиниб қолган ҳашаротга ўхшаб, тикон тўр орасидан чиқиш учун талпина бошлар, худди шу пайтда, албатта, жилмайган Сэм тоға пайдо бўларди. У Флоренсга диққат билан тикилар ва:

— Агар яна шу тезликда ҳайдасангиз мажақланиб кетасиз, ёш хоним, — дер эди.

Ана шу пайтда у қичқириб, уйғониб кетар, ёнида эса дунёдаги даҳшатларнинг кўпини кўрган Бобби ҳеч нарса бўлмагандек, бемалол хуррак отиб ухларди.

Бир куни эрталаб, ана шундай даҳшатли тушдан кейин уйғониб, кўлида бир финжон қаҳва билан ўтирган Флоренснинг эътиборини «Вашингтон пост» газетасида босилган кўйидаги сарлавҳа тортди. Учинчи саҳифадаги бу мақолани у кўрмай қолиши ҳам мумкин эди.

«Уолдфорд-груп Васабиянинг молиялаштириш доирасида кўшимча 2,4 миллиард долларга эга бўлди».

Флоренс сарлавҳага бир неча лаҳза ўйчан тикилиб қолди. Кейин мақолани ўқиб чиқди. Қизиқарли, алоҳида бирор нарса топмади. Шусиз ҳам унга «Уолдорф-груп» ҳақидаги ҳамма нарса маълум эди. Нафақат унга. Бу ташкилотнинг фаолияти борасида ҳеч қандай махфийлик йўқ эди. Уни ўн иккита директордан иборат кенгаш бошқарар, уларнинг учтаси АКШнинг собиқ президентлари, қолганлари собиқ мудофаа министрлари, давлат котиблари, савдо ва молия идораларининг раҳбарлари, иккитаси — МРБнинг директорлари эди...

— Вой ифлос! — тўнгиллади Флоренс.

— Нима? — деди уйқудан туриб, яланг оёқ, пижамада, «қаҳва ҳиди келмаяптимикин» дея ҳавони ҳидлаб, қашиниб келаётган Бобби.

«Уолдорф-груп»га қарашли кабинетлар Оқ уй қаршисидаги офис биносининг юқориғи икки қаватини эгаллаган. Директорлар кенгаши йиғилиш ўтказадиган хона деразасидан ҳукумат биносининг турлитуман кўриниши намоён бўлади. Мажлислар столи баҳайбат ёнғоқ дарахтидан тайёрланган. Унинг атрофидаги стулларга қимматбаҳо Милан чармлари тортилган. Кўпчилик директорлар янги Куба сигаретларини тутатишни ёқтиришади. Шу боис стол устида энг тоза биллурдан ясалган кулдонлар ялтираб турибди. Дунё харитасига қадалган ўнлаб тўғноғичлар «Уолдорф-груп»нинг инвестицион лойиҳаларини билдириб: «Дунё жуда, жуда катта, лекин у бизга тегишли!» деяётганга ўхшайди. Бугун навбатдаги тўғноғич Васабияга қадалади. Кейин директорлар жиндай ичишади, бироз лақиллашади, бемаъни латифалар айтишади. Кейин ўзларини кузатиб келган махсус машиналари ҳамроҳлигида, вертолётларида ва шахсий самолётларида тарқалишади. Бугунги йиғилиш, яқинда бўлиб ўтган воқеаларни ҳисобга олганда, узоқроқ чўзилиши мумкин.

Эшик бирдан очилиб, кабинетга аёл киши кириб келганда Кенгаш директори гуруҳнинг Йеллоунайф яқинидаги олмос конлари учун яқинда ўтказилган инвестициялар ҳақида маъруза қилмоқда эди.

Кириб келган аел ўта чиройли, оқ сариқдан келган, сипо кийинган, костюмига жуда юқори идораларга ҳам бемалол кириш имконини берувчи махсус рухсатнома қадалган, шу боис ташқаридаги ўнлаб агентлар унинг бу ерга кириб келишига тўсқинлик қилишни хаёлларига ҳам келтирмагандилар.

Раис аёлга ажабланиб қаради. «Уолдорф-груп» директорлар кенгашининг йиғилиши бирор сабаб билан бўлиниб қолиши кам учрайдиган ҳодиса эди. Гапи оғзида қолган раис оғзини ёпишни ҳам унутганди. У бироз асабийлик билан девор ёнида ўтирган катта ёшли одамга ўтирилди. У аёлга қараб, ўрнидан туриб жилмайди ва:

– А, Флоренс, салом, – деди.

– Салом, Сэм, – жавоб берди у.

– Таништириб ўтириш ортиқча деб ўйлайман, – деди Сэм тоға.

Стол атрофида ўтирган ўн икки эркак Флоренсга тикилиб қолишди... Собиқ министрлар жилмайишмади. Собиқ МРБ директорлари қовоқларини солдилар.

– Балки, сал кейинроқ гаплашармиз? – деди Сэм тоға. – Йиғилиш бўлаётганди.

– Йўқ, – деди Флоренс. – Ҳозир гаплашамиз.

– Менимча, нима бўлганда ҳам...

Шу пайт бошқа эшик очилиб, хонага шаҳдам қадамлар билан бақувват эркак кириб келди. Унинг кўкрагига ҳам юқори махфийликка эга идораларга ҳам кириш имконини берадиган махсус белги тақилганди. У қўлларини кўксига қовуштириб, Сэм тоғага хўмрайганича тикилиб қолди.

– Салом, Бобби, – деди Сэм тоға. – Чамаси, энди ҳамма йиғилди шекилли.

– Демак, мен инвестицион банкирлар тўдасига хизмат қилган эканман-да? – гап очди Флоренс.

Собиқ президентлардан бири унга мулойим, дўстона оҳангда жавоб берди:

– Шундайми-йўқми, Флоренс, биз ҳаммамиз инвестицион банкирларга хизмат қиламиз.

– Сизнинг гуруҳингиз, – деди Флоренс, – ўз фаолиятини Васабияни пуллари билан бошлаган. Ўтган йили даромад саксон миллион долларни ташкил этганди. Уни ўн иккига бўлсак, ҳар бирингизга олти миллион олти юз минг доллардан тўғри келади. Табриклайман, жентльменлар. Бу жуда катта ютуқ. Лекин у Васабия томонидан доимий молиялаштириб турилишига боғлиқ. У ерда эса қутилмаганда ички муаммолар бошланди. Терроризм, ҳокимиятнинг тор доирада жойлашиши. Қирқ минг меросхўр шаҳзодалар. Юқори даражадаги ишсизлик, бунинг устига, мамлакатнинг ярим аҳолиси ўн олти ёшга тўлмаган. Агар қироллик тўнтарилиб, Ислон фундаменталистик республикасига айланиб кетса, сизлар молиялаштираётган нархлар сариқ чақага айланади. Шу сабабли сизлар у ерда ислоҳот ўтказишга қарор қилгансизлар. Яъни қиролликни модернизациялаштирмоқчи бўлгансизлар. Аслини олганда, ёмон эмас, албатта. Бироқ улар бу ислоҳотни хоҳламадилар. Хоҳлаганларида ҳам ҳукуматнинг бир жойга йиғилгани ҳамда қироллик оиласининг диний мутаассиб руҳонийлар билан узоқ йиллар аввал тузган шартномаси бунга йўл қўймасди. Ҳокимият қироллик сулоласига тегишли, мутаассиблар эса кекса ва меҳрибон Урта асрларда қабул қилинган тартиб-қоидаларга риоя этилишини назорат қилишлари керак. Уларга ислоҳот зарур, лекин бу ислоҳотни амалга ошишига йўл қўя олмайдилар. Сизнинг ихтиёрингизда қандай

воситалар бор? Қандай таъсир ўтказмоқчисизлар? Фақат Қўшма Штатлар элчиси, кўпчилигининг шахсан дўстингиз, гольф, тоғ чангиси ва ов эрмакларига эски шеригингиз шахзода Бавад ёрдамида. Мен кўшимча қилмоқчиман: ер юзидаги энг жирканч мавжудот ёрдамида. Хис-туйғуларга берилмаймиз. Аёллар бу нарсага ўта мойил, шундай эмасми?.. Кунларнинг бирида, кутилмаганда Баваднинг хотини қочишга уриниб кўради. Биз уни орқага қайтарамиз, чунки нефть ва... инвестицион капитал оқимига ҳеч нарса тўсиқ бўлмалиги керак. Уни қатл этишади. Ва саҳнада мен пайдо бўламан. Мен Давлат департаментидаги ўзимнинг бошлиқларимга хизмат ёзувларимни юбораман ва у ерда тўс-тўполон бошланади. Лекин сизлар учун Васабияда четдан ислоҳот бошлаш имкони туғилади. Сизлардан бир нечта тугмачани босиш ва баъзи бир ипларни тортиб туриш талаб этиларди, холос. Ахир сизларнинг алоқаларинг Оллоҳ таолоникидан ҳам кўп-да. Яна буларнинг ҳаммаси хайрли иш учун деган нозик иборалар остида бажарилади. Вашингтонда бунақаси кам учрайди, тўғрими? Бир йўла иккита хайрли иш — аёллар ҳуқуқи ва «Уолдорф» учун фойдалар...

— Флоренс, — гап бошлади собиқ президентлардан бири. — Ўйлайманки, сиз жуда катта ва жуда муҳим ишни амалга оширдигиз десам, бу ерга йиғилганлар фикримга кўшиладилар.

— Атрофдан «ҳа», «ҳа», «ҳа» деган овозлар эшитилди.

— Шунингдек, мен ўйлайманки, Флоренс, агар сизга: жамоамизга ҳуш келибсиз, — десам ҳамма гапимни маъқуллайди.

— Ҳа, ҳа, ҳа.

Энди ҳатто МРБнинг собиқ директорлари ҳам жилмайишди. Бобби эса уларга гўё пиджаги тагидан каттакон тўппончамни олсам-у, шу жойнинг ўзида тарихда қоладиган иш қилсам, газеталарда зўр сарлавҳалар бериларди-да, деб ўйлагандек хомуш қараб турарди.

— Бор гап шу, — деди Флоренс. — Бизни бу ерда қиладиган бошқа ишимиз йўқ.

Улар иккови ҳам эшик томон йўналишди.

— Агар фикрларингдан қайтсаларинг, — деди Сэм тоға, — бизни қаердан топишни биласизлар. Биз эса сизларни осонгина топиб оламиз.

«Иностранная литература»
журналининг 2006 йил 5 — 6
сонларидан олинди.

20 октябрь 2003 йил — 19 май 2004 йил.
Сан-Луи Обиспо, Вашингтон.

Русчадан
Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА
ва Жаҳонгир АБДУЛЛАЕВ
таржимаси

Ҳозирги замон ҳинд назми

АНИЛ ЖАНВИЖАЙ

ҲИНДИСТОН

Хиндистон, онажон! Ҳаёт берган боғ,
Ғамим кўп, биттасин номидир фиروف.¹

Фиروف — бу сингани сут тўла хурма,
Худо, мени урдинг, бошқани урма!

Шеъримни кўксимдан олар-да юлиб,
Денгизга итқитар устимдан кулиб.

Эсладим дегунча тирқирар ёшим,
Дунё менга тундир, сенсан қуёшим.

Бундаги тинчлигим, бахтим — омонат,
Очин-тўқин, майли, юртда — саодат.

Уйлидир, уйсиздир, иссиқ — совуқдир,
Оҳ, Ватан, сендан тинч ошён йўқдир.

Ҳиндистон, бахтинг шул — ўз уйингдасан,
Бахтим деб йиғлаган дил куйимдасан.

АЛИ САРДОР ЖАЪФАРИЙ

БУ ҚАДАР МУҲАББАТ-ЛА БОҚМАГИЛ МЕНГА

Бу қадар муҳаббат-ла боқмагил менга,
Киприкларингнинг намчил соясида
Жазирама офтоб ҳам ойдинга ўхшайди.
Мен эса жуда узоқларга кетмоғим керак.
Қум қайноқ, оёқдаги пуфаклар
Худди лахча чўғлардек жаз-жаз қилади

¹ Шоир кўп йиллардан бери Россия (Москва) да яшайди. (Тарж.)

Муҳаббатли бу нигоҳ хоҳ бўлсин, хоҳ бўлмасин,
Ким вафо даштида ёнарди?!
Қалбинг бундан бохабардир ёки йўқ,
Жоним,
Бу қадар муҳаббат-ла боқмагил менга.

ВИШВАНАТХ ПРАСАД ТИВАРИЙ

БИЗЛАР ШУНАҚА ЭДИК

Бугдой наздида-ку эди номимиз, аммо
Бизлар лол туравердик.
Оқ тан кишилардан титрар эди қишлоқлар,
Бизлар лол туравердик.
Баҳри муҳитдан тўфон бостириб келди, бироқ
Бизлар лол туравердик.
Вулқон отилди устма-уст,
Бизлар лол туравердик.
Булутлар ёмғир эмас, олов ёғдирди яккаш,
Бизлар лол туравердик.
Жаллод қиндан қиличин суғурди,
Бизлар лол туравердик.
Бизлар қанақа одамлар эдик асти?
“Гапиравер, эркинсан”, деди; аммо
Бизлар лол қолавердик.

СУНИТА РЕЙНА

ҲАЗАЛЛАР

Минг йиллик тарихни ёзмоқ не учун?
Лаҳзалик ҳолимни айтай мен бутун.

Кўнгил дер: ҳаётга ишонгил тугал,
Дил чоки тикилсин, бўлмайлик дилхун.

Умрида томчи сув кўрмаган қақроқ
Лаблар ташналигин ёзай энг бурун.

Ишқда вафо бўлса муаммолар ҳал,
Ҳавасга севмоқ кўп айлайди забун.

Ўн тўрт йил узлатда ғам тортди Сита,
Аёл зоти учун етар шу жунун.

Бир тўғрам қора нон муҳтожларининг
Дардини, Рейна, ёз, лоқал бугун.

* * *

Маҳрами роз ёки бир дамсоз Масиҳо истарам
Балки ундан меҳрибонроқ ёр, худоё, истарам.

Тобакай уммед даштида кезарман дарбадар,
Бу сифат озодликдан тарки дунё истарам.

Лаҳза йўқки фурқатингда кундузим шом ўлмасин
Тийра осмонимга сендек битга Зухро истарам.

Ким сазовор ўлмади лутфинга, бўлди хор-зор,
Мен-да сендан келмагувчи ул мудово истарам.

Боғу сахро бирла моҳу меҳр эмиш яксон манга,
Бул жиҳатдан айламак оламни баржо истарам.

Истагайму ишқ аро хуршед каби куймоқни ул?
Ваҳшатингдан кўнглим ичра ўтли дарё истарам.

* * *

Барча йўллар бунда тўхтар, эврилишларни унут,
Эсда қолсин яхши ишлар, қолган ишларни унут.

Фикру зикрим сенда эрди, гоҳ умид, гоҳ шубҳада,
Ел пичирлаб дейди: келгил, барча ишларни унут.

Зарра нам йўқ кўзда ғамдан сен кетиб ҳам, во ажаб,
Ул сени эсдан чиқарди, қўй, ёнишларни унут.

Йўқ на ул кўз, на-да ул хоб сеники эрмас эди,
Дил эрур шайдо кўзинга, кўз юмишларни унут.

Раҳматинг ёмғури ўзга том уза ёғмиш нечун?
Эй, дили ғофил, унутгил ўша тушларни, унут!

Ой каби кулган эди ҳам сой каби тошган эди,
Ул висол дарёси эрди, беҳуд сузишларни унут.

ШАЙЛЕНДР

ЖАНОБ 420

(фильмдан қўшиқ)

Оёғимда японча бошмоқ,
Шимим чет эл — Инглистонники,
Бошимдаги ўрисча қалпоқ,
Аммо қалбим — Ҳиндистонники.

Мен ҳам кўрай ёруғ дунёни
Дея йўлга тушдим бесувор.
Қайда эрур сўнги манзилим —
Билар буни бир Парвардигор.

Дарё каби тошар юрагим,
Фақат олға шошар юрагим.

Тоғлар ошдим, сойлардан ўтдим.
 Ҳаёт йўли экан паст-баланд
 Қайда қолиб кетдинг, Ватаним?
 Ишқинг мудом юрагимда банд.

Юрган сайин очилар йўлим,
 Тўхташ йўқдир, тўхташ бу — ўлим.

Керак эмас менга тожу тахт,
 У ҳам бир кун кетади қўлдан.
 Одам бўлмоқ — шу азалий бахт,
 Йўқ, қайтмайман энди бу йўлдан.

Сўзларимдан бўлманг ҳеч ҳайрон,
 Мен ҳам сиздек бир дили вайрон...

Оёғимда японча бошмоқ,
 Шимим чет эл — Инглистонники,
 Бошимдаги ўрисча қалпоқ,
 Аммо қалбим — Ҳиндистонники.

АЛКА СИНҲ

ОШИҚ КЎКЛАМ

Қучоғинг тўлдириб,
 Бўлибман бир гулдаста
 Қуёшдан ҳино суриб,
 Ерлар қизарди аста.

Ҳавога пуркаб атир
 Ажиб суврат чекмишсан.
 Майна ҳам бўлмиш асир.
 Дўстим, не кор этмишсан?

Оёғингда позеблар¹.
 Таратар турли садо.
 Борлиқ сендан ранг тилар,
 Куй тилар мисли гадо.

Муҳаббат куйи бот-бот
 Чорлайди: “Кел ёнимга!
 Айни кўклам чоғи ўт —
 Тушди ширин жонимга!”

Ажиб манзар чор атроф:
 Гунчалар отар ханда.
 Ошиқ кўклам зинҳор соф
 Ишқини этмас канда.

¹ П о з е б — оёққа тақиладиган, юрганда ёқимли овоз чиқарадиган тақинчоқ (тарж.).

ЙОГЕНДРАНТҲА ШАРМА “АРУН”

ГАНГАМ МАНИМ БЕҚИЁС

Ҳимолайдан тушиб келиб,
 Абадият муждасини келтирар Гангам маним.
 Баҳри муҳит бирла бўлиб, ҳамоғуш
 Ўзи ҳам айланур баҳри муҳитга.
 Бу ердаги ҳаёт тиним бермай ҳансираб
 Автоларнинг узун-узун карвонларидан.
 Беихтиёр кўз олдимга келади Гангам,
 Менга ҳаёт бахш айлаган онажон — Гангам!
 Гам тоғларин ошмоқликни курашда енгиб
 Жумла жаҳон аҳлига у ўргатди сабоқ.
 Ер куррасин ташналигин қондириб яккаш
 Саҳий Гангам улашар ҳаёт
 Ва
 Мақсад сари чопароқ тақир.
 Тубсиз муҳит қаърига сўнг кетади сингиб.
 Гўё банда ютган каби мангулик
 Неча денгиз оша келдим бунда мен,
 Кўз олдимда фақат сонсиз дарёлар пайдо.
 “Вик энд” деган сайри бордир бу элнинг.
 Аммо
 Бунда тополмайсиз ҳаётдан асар!
 Тинч океан отлиқ бу юрт
 Кеча-кундуз гилдиракда чопади ҳар ён.
 Гилдираклар ҳаётники эмас, йўқ,
 Улар автолару тайёралар, поездларники!
 Балки айнан шу боисдир Тангри қўллаган
 Бу юрт бир он тиним билмас, кўп бесаранжом!
 Эй Раббим!
 Автоларнинг дўнгалаги узра у ёқдан —
 Бу ёққа ҳансираб чопган бу юртга нечун
 Беролмадинг мардлик деган эзгу фазилат?!
 Эй Раббим!
 Қачонгача инсон чопар автолар каби?
 Ахир “фаст фуд” эмас ҳамма нарса дунёда,
 Ахир “фаст” бу маданият бўлмоғи лозим.
 Шундоқ, Раббим!
 Рўза фарзи, рўза тутмоқ маданияти,
 Яъни ўзи учун эмас
 Барча учун яшамоқлик — ҳиндларча одоб!
 Буларга ҳам бера қолсанг, ҳа, бера қолсанг
 Гангадайн одоб, ахир, не бўлур, Раббим?!
 Сабоқ беринг, ҳаёт тарзи тариқасидан,
 Ва айтсангки, чин инсоний иймон шу асли!
 Дарёлар бу ерда ҳам мўл ва бисёр экан,
 Фақат йўқдир бунда Гангам меҳрибон.
 Буларга ҳам битта Ганга нисор эт,
 Чунки
 Менинг Гангам танҳо эрур сен каби, Раббим!

ИФТИХОР ОРИФ

ЗАХИРАДАГИ ҶИИИИИ

Ҳаво сӯлим, ёқимли,
 Майдонда ҷиин кетар.
 Минглаб мухлислар шодон
 Ҷиинга жон қойитар.
 Олға, олға деб ҳар ким
 Тезлайди жамоасин,
 Мен-чи, бир ўзим якка
 Четда турибман маҳзун.
 Захирада турибман
 Нафасим ичга ютиб.
 Менга ҳам бир кун, албат,
 Навбат келишин кутиб.
 Ҷиин эса тобора
 Қизиб боради тақир.
 Захирада бир умр
 Қолиб кетмасман, ахир.
 Келар шундай бир соат
 Ва шундайин бир онки,
 Жанг айни авж олганда
 Чалингай ҳакам бонги!
 Захирадан чақмоқдай
 Майдонга учиб чиққум.
 Қарсақлару олқишлар
 Остида кўчиб чиққум!
 Мухлислар забонида
 Менинг ҳам исмим янграр.
 Минг қилса ҳам ҷиинчи
 Номим бор-да бекадар.
 Маҳоратда бошқалар
 Қаторидан қолмасман.
 Йўқса Ифтихор Ориф
 Номин бекор олмасман.
 Бир нуқсоним шул эрур:
 Захирада турибман
 Пайтим пойлаб, майдонни
 Гир айланиб юрибман:
 Келар шундай бир соат
 Ва шундайин бир онки,
 Янграгай мен-чун, албат,
 Ҳакам — замона бонги!
 Шай тур, Ифтихор Ориф,
 Майдон сенга мунтазир.
 Ҳадемай катта ҷиин
 Бошланур — Янги Аср!

*Ҳиндийчадан
 Амир ФАЙЗУЛЛА
 таржималари*

Масару ЭМОТО

СУВНОМА

Публицистика

КИРИШ

Сувнинг музлатилган бўлаклари кристалларини суратга ола бошлаганимга ҳам ўн йилдан ошди.

Шунга қадар Сувдаги тўлқин тебранишлари ўлчови юзасидан тадқиқот ўтказганман. Муз кристалларини ўрганар эканман, гаройиб ҳодисага дуч келдим: Сув турлича йўсинда ўз фикрини билдиришга қодир экан! Муз кристаллари расмларига боқиб, уларда ҳали биз ўрганишимиз зарур бўлган теран донишмандлик мужассамлигини англадим. Табиий сув қувурдагидан кўра кўпроқ ажойиб шаклли кристаллар ҳосил қила олиш хусусиятига эга бўлиб, ёқимли мусиқа таъсирида улар янада гўзал шаклга киради. Сув устида “раҳмат”, “аҳмоқсан” иборалари айтилса, бунда ҳам турлича шакллар пайдо бўлади. Кристаллар, яъни зараллар, қандай ҳаёт кечиришимиз зарурлиги хусусида ҳали бизга кўп сабоқлар беради.

1999 йил, июн ойида “Сув номалари” деб номланган, фотографиялар жамланган китобим нашр этилди. Гарчанд китоб ўз ҳисобимдан чоп этилган, катта китоб дўконларида сотишга мўлжалланмаган бўлса-да, одамларнинг дуо-илтижолари боис энг харидоргир асарга — бестселлерга айланди.

Китоб нашриёти бизнесида бунақаси бўлмаган. Китобимнинг талаш-талаш бўлаётганидан ҳайратда эдим. Айни пайтда асар тўғрисида ёру

*Русчадан
Маҳфуза Усмонова
таржимаси*

Масару Эмото 1943 йилда Иокогамада туғилган. У Иокогама университетининг ижтимоий фанлар факултетини тугатиб, халқаро алоқалар йўналиши бўйича ихтисос олган. 1986 йилда М.Эмото Токиода “Ай-Эйч-Эм” корпорациясини ташкил этади. 1992 йилда эса халқаро Очиқ университетда муқобил тиббиёт доктори сертификатини олади. Олим АҚШда Сув микроузилмаси ва магнит резонанс анализ технологияси билан танишиб қолади ҳамда ана ўшандан бошлаб у Сув сир-синоатларини очиш йўлидаги изланишларга киришади. Доктор Эмото кузатувчи-олим эмас, ўзига хос фикрловчи файласуф сифатида сайёра миқёсида Сувга оид тадқиқотлар ўтказмоқда.

Доктор Эмото музлатилган Сув кристаллари оби-ҳаётнинг асл моҳиятини бизга кўрсатиш хусусиятига эга эканлигини кашф этди. Сув тадқиқотлари натижалари юзасидан кўплаб китоблар ёзган олим тажрибаларини давом эттиряпти. Сув номалари эса дунё бўйлаб тарқалиб, ўз мухлисларини топяпти.

биродарларига мароқ билан сўзлаб, шинавандаларимни кўпайтираётган одамларга нисбатан эҳтиромим ортарди. Китобимдаги гоёлардан янада кўпроқ кишиларни бахраманд этиш ниятида инглизча таржимасини ҳам уюштирдим. Инглизча нашр муваффақият қозонди, тез орада маърузалар ўқиб бериш учун мени Швейцария ва бошқа хорижий мамлакатларга таклиф қила бошлашди. Дарҳақиқат, муз кристаллари номалари битилган фотосуратлар орқали Сув сўзлаётган китоб айна тарихий ўзгаришлар даврида босилган эди. Китобнинг тинимсиз нашр этилиши одамлар тирик Сув номаларини чанқоқлик билан қабул қилганини кўрсатар, бу ишни кўнглимга солган Тангрига шукур қилардим.

Кўпчилик худо борлигига шубҳаланиб, иродаси билан келишмаслиги менга маълум. Бу китоб эса худо яратган унсур — Сувга бағишланган. Сувни яхшироқ тушунганингиз сайин худо борлигини инкор этишингиз қийинлашиб боради. Китобдаги кристаллар суратларини кўриб, уйғонган ҳиссиётларингиз тўғрисида фикрлашингизни истардим.

Япониянинг “Санмарк” нашриёти мазкур китобни ёзишни таклиф этгандаёқ миямга ғаройиб гоёлар ёпирилди, кимгадир ёрилишни хоҳлади. “Санмарк” президенти Нобутаки Уэкига гоёларимни маъқулади, ходими Рюя Сайтоуни айна вақтда Швейцарияда ўқиётган маърузаларимни тинглаш учун жўнатди.

Китоб тугалланган ҳозирги кунда мени қониқиш туйғуси қамраб олди. Мазкур асар деярли ўн йилдан ортиқ вақт ўрганганим “тебраниш назария”си, шунингдек, инсоният табиати — феъл-атворини кузатиш асносидаги тадқиқотларим ҳамда коинот тўғрисидаги мулоҳазаларимнинг ўзига хос “минбари” бўлди.

Имкониятдан фойдаланиб, “Кокоро” корпорацияси президенти Синдзи Танигавага, “Санмарк” нашриёти бош муҳаррири Наоки Утикига, Тацуе Сайтога, шунингдек, ушбу китобни ёзишда ҳамсуҳбат бўлган кишиларга ташаккуримни билдираман.

Сув кристалларини суратга туширишим учун имконият яратиб берган “Нитирэй Айс” компаниясининг собиқ президенти Тецуе Тагутага, ушбу китобнинг инглизча нусхасини чиқариб, Сув билан муносабатимиз ҳақиқатини дунё бўйлаб тарқалишига ҳисса қўшган “Бейонд ордз паблишинг” нашриётига чуқур миннатдорчилигимни айтаман.

Китобнинг барча ўқувчиларига ташаккур. Ва энг муҳими, Сув ҳузуридаги эҳтиромимни изҳор этароқ, шундай дейман:

— Раҳмат сенга, Сув!

МУҚАДДИМА

Асарни ўқишга тутинар экансиз, Сиздан: “бахтлимисиз?” деб сўрамоқчиман.

Тўғри, ҳар бир инсон бахт тушунчасини ўзича талқин қилади. Қани, қалбингизга қулоқ солинг-чи, юракда хотиржамлик ҳукмронми? Эртанги кунга ишонч борми? Ҳар тонг уйқудан уйғонар экансиз, қандайдир қувончга йўғриласизми? Агар шуларни бахт деб бўлса, бахтиёрмисиз?

Имоним комил, бу саволга гоёят озчилик “ҳа”, деб жавоб беради, аксарият эса ҳаётдан нолийди. Нолиш сабаби нимада? Дунёда нималар рўй беряптики, алал-оқибат одамзод ўзини бахтиёр деёлмаса? Назаримда, барчамиз хаос — олатасир даврда яшайпмиз. “Хаос” сўзи “Тар

тибсизлик” маъносини англатиб, Борлиқ олам яратилмасдан аввал мавжуд бўлган, шакланмаган материя аломатлари саналади. Умргузаронлик қиларканмиз, ўзни укубатда, эзилган сезамиз. Газеталар, телевидение бизни бошдан-оёқ ахборотга кўмиб ташлайди, ҳар қадамда муаммоларга, тушунмовчиликларга рўбарў келамиз. Ташвишларнинг чеки-чегараси, ечими йўқдай туюлади.

Қаерга бормайлик, турмуш ташвишлари зилдай босади. Иқтисодий қарама-қаршиликлар, оилавий нохушликлар, миллатлараро нифоқлар, экологик фалокатлар, диний урушлар... ва ҳоказо жажжи сайёрамиз қаддини букиб қўйган. Хароб бўлган одамлар ва уларни эзувчилар, бойиётганлар ва қашшоқлашиб абгор бўлаётганлар, хорланганлар ва хорлаб, роҳатланаётган кишилар тўғрисидаги хабарлар дақиқалар ичида ер шарининг нариги бурчидан бизга етиб келади.

Хўш, бу азоб-укубатларнинг сабабкори ким? Нима учун кун кечириниш тобора оғирлашиб, дунё кўзимизга қоронги кўриняпти? Олагасир шовқин-суронга бошимизгача ботдик, дунёвий муаммолар эса тобора чуқурлашмоқда. Биз, ерликлар учун умумий — нимадир бор, барчамиз боши берк кўчадан чиқиш истагидамиз. Аммо, қандай қилиб? Бу саволга жавоб шунчалар оддийки, илгари ўйлаб ҳам қўрмаганмиз.

Тартибсиз урхо-урнинг сабаби нимада? Барча укубатларнинг илдизи қайда? Ахир, тириклик оламимиз уйғунлигига нифоқ солинмоқда-ку! Ҳа, бундан қочиб қутулолмаймиз. Гарчи, барча одам ягона биологик тур саналса-да, ирқимиз, миллатимиз ҳар хил, фикрлашимиз ҳам турлича. Бундан ташқари, одамларнинг аксарияти ўзи моҳиятига етмаган неки бор, барчасини қийинчилик билан англайди ёхуд инкор қилади. Алал-оқибат кулфат ва укубатлар сели бетўхтов ёпирилади. Инсон инсонлигича қолар экан, кўпчилик тасдиқ этган ҳақиқатни инкор қилувчи кимдир ҳаминиша топилади.

Муқаддимамизнинг “берди” сига энди яқинлашяпмиз. Ер сайёрасида яшовчи барча одамлар бирдек ҳазм қила оладиган, тасдиқлайдиган ҳақиқат борми ўзи?

Бор. Мен шундай қарорга келдим. Ҳар бир ерлик учун бирдай зарур, борлиги исбот талаб этилмайдиган унсур — Сув дунёвий ва шахсий муаммоларимизга ечим бера олади.

Инсон вужудининг ўртача 70 фоизини Сув ташкил этади. Она вужудида ҳомила эканмиз, 99 фоизимиз Сув бўларкан. Туғилганимизда, танамизнинг 90 фоизи Сув бўлади. Кексайиш мобайнида танамиз куруқцаб, жисмимизда 70 фоиз Сув қоларкан. Кексайган сайин танадаги Сув миқдори камайиб, тахминан 50 фоизга тушади. Бошқача айтганда, умримиз мобайнида энг аввало Сув сифатида мавжуд бўламиз — яшаймиз.

Жисмоний нуқтаи назардан қараганда, инсон — сув демакдир. Бу ҳақиқатни тасдиқ этгач, мен дунёга мутлоқ ўзгача назар билан қарай бошладим.

Сув ҳақиқати инсониятга тааллуқли бўлгани боисидан ҳам бу тўғрида дунёдаги ҳар бир одам билмоғини истайман. Назаримда, инсон ўз ҳаёти мобайнида босиб ўтиши зарур бўлган йўлни кашф этдим: бахтиёр, соғлом турмуш кечириниш учун танамизнинг 70 фоизини ташкил этувчи сувни тозалаш талаб этилади. Дарё суви ҳаракатлангани, оққани учун ҳам тоза бўлади. Сув бир жойда туриб қолса, ўлади. Худди шунинг учун ҳам сув ҳаминиша ҳаракатда бўлиши зарур. Мазкур ҳақиқатга кўра, бемор танидаги сув — қон ҳам “юрмай” қолади. Қон юрмас экан, жисмда айниш жараёни бошланади. Агар қон бош мияда тўхтаб қолса, ҳаёт хавф остида бўлади.

Нима учун қон ҳаракати тўхтайтиди?— деган саволга руҳ сўниқ бўлганда, ҳиссиётлар тўнганда, дея жавоб бераман. Замонавий тадқиқотчилар онг ҳолати тана ҳолатига бевосита таъсир кўрсатишини исботлаган. Ўзингизни яхши сезиб, маза қилиб яшаркансиз, жисмингиз ҳам яйрайди. Умрингиз жанжалу афсус-надомат ила кечса, жисмингиз букилади.

Демак, руҳий ҳолат вужуд аро оқар экан, бу ҳолатнинг яхши ёки ёмонлигига қараб, вужуд ё яйрайди, ё эзилади.

ҲАРАКАТ, ЎЗГАРИШ, ОҚИШ — ҲАЁТ МОҲИЯТИДИР

* * *

Инсон шакл-шамойилини олмай туриб, биз сув эдик. “Инсон Биз уни нутфадан — бир томчи сувдан яратганимизни, энди эса баногоҳ у (Ўзимизга) очиқ қаршилиқ қилгувчи бўлиб қолганини кўрмадимми?!” Куръони Карим, 36-сура (Ёсин, 77-оят). Сув моҳиятини англаган сайин инсонлик моҳиятини била бошлаймиз. Нима учун айнан сувдан яратилдик деган саволга жавоб бериш билан эса — улуғ тилсим сир-синаотини ечамиз.

Хўш, сув ўзи нима? Ҳаёт бағишловчи қудратдир у. Танамиз 50 фоиз сув йўқотса, яшашга умид қолмайди. Қон ҳамда жисмдаги ички суюқликлар сувдан пайдо бўлади, сув дармон бахш этиб, танада айланиб туради. Жисмимиздаги оқаятган қон — сув туфайли фаол ҳаёт кечирамиз. Сув жисмимизга қувват ўтказувчилик вазифасини бажаради. Сувнинг қувват узатувчанлигини танамиз бўйлаб ҳаракатланаётган юк машинасига қиёслаш мумкин. Агар жисм кирланган, ифлос бўлса, “машина” ичидаги юк ҳам кирланади. Худди шу боис сув тоза бўлиши гоят муҳим.

Айни пайтда замонавий тиббиёт ҳам сувга қувват узатувчи сифатида қараб, ундан айрим касалликларни тузатишда фойдаланмоқда. Сув қадрини гоят баланд тутувчи тиббиёт соҳаларидан бири гомеопатия¹ ҳисобланади.

Гомеопатия соҳасига XIX асрда Германияда Самуэл Ханеман (1791-1843) томонидан асос солинган эса-да, илдизлари тиббиёт отаси Гиппократга (эрамизгача бўлган 460-370 йиллар) бориб тақалади. Гомеопатик тиббиёт асосчилари “заҳарни заҳар кесади” қабилида иш тутганлар. Мисол учун, кўрғошин билан заҳарланган беморга кўрғошиннинг сувдаги эритмаси миқдорида ичириш даркор.

Гоят оз миқдордаги бу эритмада кўрғошин моддаси деярли йўқ ҳисоби, аммо Сув ўзида шу модда хусусиятларини сақлаб қолади ва шу йўсин заҳарланган бемор учун дори-дармон вазифасини ўтайди.

Гомеопатия шундай қонидани илгари суради: қанча кўп эритсангиз, шунча кўп наф беради. Бундан жисмингизда заҳар концентрацияси қанчалар юқори бўлса, эритма коэффиценти шунча кўп бўлмоғи зарур, деган мантиқли жавоб келиб чиқади.

Бу фикрни шундай ифодаламоқ зарур. Касаллик асоратларидан халос бўлиш учун модданинг таъсири эмас, балки сувдаги шу моддadan нусха олиниб, сақланаётган ахборот асқотади. Заҳар чиқараётган симптомлар — касаллик аломатларини ҳам айнан Сув хотирасидаги ана шу ахборот ўчириб-ювиб ташлайди.

Ҳа, худди шундай — Сув ахборотдан нусха олиш ҳамда хотирада сақлаш қобилиятига эга. Хулоса қиладиган бўлсак, Улуғ Уммон

¹ Г о м е о п а т и я — дори-дармоннинг жуда оз миқдордаги улуши билан даволаш усули.

Сувида ҳам унинг туб-тубларини макон тутганларнинг яратилиши жараёнлари тўғрисидаги хотира мавжуд. Музликларда эса сайёрамизнинг миллион-миллион йилларга оид тарихи мужассам. Сув Ер шари бўйлаб айланади, инсон жисмидан оқиб ўтиб, бутун дунё бўйлаб тарқалади. Сув хотирасида сақланаётган маълумотларни ўқий олганимизда эди, ададсиз миқёсдаги оламшумул тарих сирлари очиларди.

СУВНИ ТУШУНМОҚ – КОИНОТНИ, ТАБИАТ ҒАРОЙИБОТЛАРИНИ, ҲАЁТ МОҲИЯТИНИ АНГЛАБ ЕТМОҚДИР.

* * *

Сув тадқиқоти билан узоқ йиллар шуғулландим. Сув ахборотдан нусха олиш қобилиятига эгаллигини тушунганлигим ҳаётимни ўзгартириб юборди. Мазкур кашфиётни Америкада очгач, Японияга қайтдим.

Ушандан буён Сувнинг ахборотдан нусха олиб, ёдда сақлаш қобилияти беморлар саломатлигини тиклашда қўл келяпти, шу йўсин касалларга ёрдам беряпман. Яқин кунларга қадар тиббиёт ходимлари Сувда шифо бағишлаш хусусияти мавжудлигини хаёлларига ҳам келтиришмас эди. Мен эса, Сув ёдда сақлаш ва ахборотни узатиш қобилиятига эга, дея мутлоқ ишонч билан тасдиқ этаман. Аммо тиббиёт ҳамжамиятида бу ҳақиқат ғоят қаршиликка учради.

1988 йили француз олими Жак Бенвенист гомеопатиянинг асосий усуллари юзасидан тадқиқот ўтказди. У дорига шунчалик кўп сув қўйдик, клиник усуллар билан бу эритмада дори мавжудлигини аниқлаб бўлмасди. Олим мазкур эритмадан беморга берганда, худди ҳақиқий дори сингари таъсир қилганлигини кўриб, тонг қолди.

Йил ўтиб Ж. Бенвенист ўз тадқиқоти натижаларини “Нэйчер” илмий журнали (Англия)га юборди. Мақола, “мазкур тадқиқот натижалари шубҳали бўлиб, ҳеч қандай физик асосга эга эмас”, деган шарҳ билан босиб чиқарилди. Ушандан буён Бенвенист гипотезаси унут бўлди, кўмилди. Ҳа, илмий ҳамжамиятнинг қолипларига тушмайдиган тадқиқотлар тақдири ана шундай йўқликка маҳкум.

Сувда ахборотни эслаб қолиш қобилияти борлигини физик қонуниятлар билан исботлаш мумкинми, деган саволга кўпдан буён жавоб қидирардим. Қандай қилсак, бу ҳақиқатни кўзимиз билан кўришимиз мумкин?

Қалбингиз жами янгиликлар учун очиқ ва ташна экан, улуғ кашфиётлар сари бошловчи энг майда нарсаларни ҳам сеза бошлайсиз. Шундай қилиб, тасодифан бир китобни очдим-у, ўзимни ҳайратга солган хабарга кўзим тушди: “Қор кристалларининг бирортаси бошқасига ўхшамайди”.

Тўғри, бу ҳақиқатни мактаб давридан билардим. Миллион йиллар мобайнида Ерга тушган қор кристалларининг ҳар бири ўз ғаройиб шаклига эга. Қалбим, онгим анча аввал билган бу маълумотни батамом ўзгача талқин билан қабул қилди. Юрагим бу ҳақиқат учун очиқ ва уни тасдиқ этади. Ўйланиб қолдим, бу ҳақиқат мени янги кашфиёт сари одимлашга ундади: Сувни музлатиб, унинг кристалларини бир-бирига таққосласам-чи? Янги, ҳали тадқиқ этилмаган оламга илк қадамни қўйдим. Сувни музлатиб, кристалларини расмга олишга аҳд қилдим.

Табиатан “исни писга қўймайман”, янги ғоя туғилдими қўл қовуштириб, кутишга тоқат йўқ. Шу заҳоти компаниямизнинг ёш тадқиқотчисидан, бу соҳада амалий ҳеч иш қилинмаган бўлса-да,

тажрибани бошлашни илтимос қилдим. Ҳаракатларимиз самара берадими-йўқми, таваккалчилик билан иш бошладик. Менинг эса тахминларим тўғрилиги, тадқиқотлар бесамар кетмаслигига ишончим комил эди: шундай бўлишини билардим. Кунт, матонат бобида мақтанолмасам-да, бу сафар асло бўш келгим йўқ эди.

Биринчи қадам: ғоят нозик микроскопни ижарага олдим. Совутгичда музлатилган сувнинг кристалларини микроскопда кузатиб, суратга олиш ҳаракати беҳуда кетди. Муз кристаллари хона ҳароратида эриб қолаверди. Аммо мен бўш келмасдим. Ҳар оқшом ишдан сўнг ёш ёрдамчимни овқатланишга чақирар, ҳаракатимиз самара беришига ишонтириб, руҳлантириб қўярдим.

Икки ойлик уринишлар, хатолардан сўнг, ва ниҳоят, Сув бизга олти қиррали гўзал кристалл ҳада этди. Ходим бу хушxabарни етказганда ҳаяжонга тушдим.

Эндиликда тажрибалар учун ичида эркин ҳаракатланиш имкони бўлган, 5 даража муқим совуқ ҳароратли каттагина музлатгичим бор. Бемалол суратга туширавераман.

Юрагингиз бирор ишнинг уддалаш мумкин, деса уддалайсиз. Нимагаки қўл урмайлик, ўз эрку ихтиёримиз билан рўёбга чиқади. Тафаккуримизда нимани тасаввур қилсак, у Оламинизнинг бир бўлагига айланади. Бу — менга Сув билдирган ҳақиқатлардан бири.

* * *

Суратга туширганим Сув кристаллари ғоят пурмаъно бўлиб, уларда теран донишмандлик мужассам эди. Зарралар 20-30 дақиқа яшар, ана шу лаҳзада коинот ҳақиқати шаклларга айланарди. Қисқа муддат ичида кўз ўнгимизда сеҳрли олам сари дарча очиларди.

Бир марталик тажрибамда 50 донага етар-етмас бир хил шакли кристаллар вужудга келар, баъзан эса ҳеч қандай шакл ҳам, кристалл ҳам пайдо бўлмасди. Зарраларимиз таҳлили шуни кўрсатдики, ҳар хил сув турлича шакли кристалл ҳосил қиларкан. Айримлари қор кристалларига ўхшар, баъзилари кўримсиз шакл ҳосил қилар, бир хил сув музлатилганда, мутлақо шаклга кирмаган эди.

Дастлаб турли ҳудудлардаги қувур сувининг музлатилган кристалларини солиштирдим.

Токио суви... даҳшат! Бирор дона ҳам тугал шакли кристалл ҳосил қилолмаса-я. Табиий сувни хлор билан дезинфекция қилишгандан сўнг қувур тизимига оқизишади. Хлор табиий сув таркибини буткул пароканда қилиб ташлайди. Табиий сув, қай манбадан олинишидан қатъи назар, булоқданми, дарёданми, сойданми, музлатилганда, тугал шакли кристаллар ҳосил қилади. Муз кристаллари устидаги тадқиқотларим муваффақиятли борарди. Бу лойиҳага ўзим каби жон-дили билан берилган ҳамкорларимдан бири ажойиб таклифни айтиб қолди: “Келинг, Сувга мусиқа орқали таъсир ўтказиб боқайлик”.

Мусиқий тебранишлар сувга маълум бир таъсир кўрсатишидан хабардор эдим. Ўзим ҳам ашаддий мусиқа ишқибози бўлиб, чинакам мусиқачилик санъатини эгаллаш болаликдаги орзум эди. Табиийки, ҳамкоримнинг ғаройиб тажриба ўтказиш таклифини маъқулладим. Тажрибани қандай шароитда ўтказамиз, қандай мусиқадан фойдаланамиз — ҳозирча номаълум. Тажриба вақтида кўп хатоларга йўл қўйгач, ахир бир тўхтамга келдим: иккита динамик оралиғидаги столга бир шиша сув қўйилади, тингловчи одатда мириқиб эшитадиган ўртача баландликда мусиқа янграб туради. Аввалги тажрибаларда қўлланилган сувдан фойдаланамиз.

Дастлаб, дорихонадан сотиб олинган дистилланган сувни синаб кўрдик. Натижалар ҳайратланарли эди. Бетховеннинг ёрқин, соф оҳангли пасторал симфонияси янграганда, гўзал, тугал шаклланган кристаллар пайдо бўлди. Тантанавор гўзаллик ибодати мужассам Моцартининг қирқинчи симфониясини тинглаган Сув нафис, латиф шаклларга кирди. Шопен этюдлари янграгандан сўнг шаклланган Сув кристалларига боқиб, қирралар чиройидан завққа тўлдик.

Ҳар қандай мумтоз мусиқа Сувга гоят кучли таъсир кўрсатар, қирралари аниқ, чиройли шаклли кристаллар вужудга келарди. Қулоқни қоқиб, қоматга келтирувчи шовқин-суронли рок мусиқаларини тинглаган сув шаклланмаган, узук-юлуқ кристаллар ҳосил қиларди.

Тажибаларимиз шу билан тугамади. Хўш, бир варақ қоғозга “раҳмат”; “аҳмоқ” сўзларини ёзсак-да, гўё бу сўзлар шишадаги сувга аталгандай ҳолатда қоғозни шишага қаратиб қўйсак-чи?

Наҳот сув ёзувни “ўқиса”, моҳиятига етса ва шунга мувофиқ тузилишини ўзгартирса? Мусиқа таъсиридан сўнг сувнинг энг ақл бовар қилмас сеҳргарликларига ҳам ишонишга тайёр эдик. Ўзимизни баайни буюк кашфиёт арафасида турган тадқиқотчилар каби сезардик.

Тажиба натижалари янада ҳайратли эди. “Раҳмат” сўзи кўрсатилган сув олти бурчакли мафтункор кристаллчалар ясади. “Сен аҳмоқсан” сўзи таъсирида эса сув худди шовқин-суронли рок мусиқасини “тинглагандаги” каби узук-юлуқ, хунукдан-хунук кристаллчалар ҳосил қилди. Сувга илтимос (“Манави ишни бажариб қўяйлик”) оҳанги яхши, буйруқбозлик (“Ишни қилмайсанми!”) эса ёмон таъсир кўрсатди. Илтимос оҳангида тўғри, силлиқ, ўзига жалб этувчи кристаллчалар юзага келган бўлса, буйруқбозликда эса, умуман шакл йўқ эди.

Мазкур тажибалардан шундай хулоса чиқариш мумкин:

СЎЗДА КУЧ-ҚУВВАТ МУЖАССАМ. ЭЗГУ СЎЗЛАР ТЕБРАНИШИ ТЕГРАМИЗДАГИ ОЛАМГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР ЭТСА, САЛБИЙ, ОФРИҚЛИ СЎЗЛАР БУ ОЛАМНИ ВАЙРОН ҚИЛИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА.

* * *

Сувни ўрганиш, қандайдир маънода, олам яратилиши қонунларини тадқиқ қилиш, дейиш мумкин. Сув бизга намойиш этаётган кристаллар эса ўзга ўлчамли оламлар сари дарвозадир. Музлатилган сув кристалларини расмга туширган сайин ўзимизни Коинотнинг энг муҳим қонуниятларини англаш сари поғонама-поғона кўтарилаётгандай ҳис этардик.

Битта кристалл расми, айниқса, хотирамга михланиб қолди. Бу мен шу пайтгача кўрган кристалларнинг энг нафиси ва чиройлиси бўлиб, Муҳаббат ва Эҳтиром сўзлари таъсирида вужудга келди. Сув муз шаклида фарқ очилган атиргул кристаллини яратиб, ўз ижодидан ўзи завқланар, шодлик таратарди. Муздаги атиргул кристалли шу қадар мафтункор эдики, уни кўрганимдан сўнг ҳаётимда кескин бурилиш рўй берди. Сув, инсон қалби нақадар нозиклигини, Муҳаббат ва Эҳтиром сўзлари дунёга қанчалар кучли таъсир кўрсата олишини англашга ўргатди.

Японияда шундай нақл бор: қалбдан чиқувчи сўзлар КОТОДАМА деб аталувчи руҳга, яъни Сўз руҳига тааллуқли бўлиб, қалбдан

сўзлаганимизда оламини ўзгартиришдай лаёқатга эга бўларканмиз. Сув фикрларимиз, ҳиссиётларимизга беқиёс таъсир кўрсата олишини биламиз. Руҳлантирувчи сўзларни қўлаганимизда, ишларимиз силлиқ кетади. Аммо шу пайтга қадар Сўз ҳаракати ҳосиласини кўз билан кўриш имкониятига эга эмас эдик.

СЎЗ – ҚАЛБНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИДИР. Модомики шундай экан, сўз боис юзага келувчи қалб кечинмаларимиз Сувга кучли таъсир кўрсатади. Жисмимизнинг 70 фоизи Сувдан иборат, демак, бу кечинмалар жисмимизга ҳам тааллуқли саналади. Жисмонан бақувват инсонлар руҳан кучли эканлигининг сабаби ана шунда. Дарҳақиқат, соғлом руҳ соғлом танада ўзини яхши ҳис этади. Кўплаб беморларнинг соғайиб, оёққа туриб кетишлари учун узоқ йиллар парвариш қилдим. Дард, изтироб чекаётган инсонлар кўплигини кўрганним сайин, касаллик айнан бир шахсга тегишли эмас, балки инқирозга юз тутган жамият парокандалигининг далолати, дегим келади. Даққионустан қолган, пароканда дунёмизни ўзгартирмагунимизча, яраланган қалбларга малҳам бўлишни ўрганмагунимизча, жисман хаста беморлар камаймайди.

Мажруҳ, абгор дунё нима ўзи? Абгор дунё – мажруҳ қалблар мажмуи бўлиб, бу харобот бутун Борлиққа ўз таъсирини кўрсата олади. Кўлга тушган бир дона томчи тобора кенгайиб, кўпайиб борувчи сонсиз ҳалқалар ҳосил қилгани сингари, биргина қалбнинг жирканчлиги, хароблиги бутун дунё бўйлаб тарқалиб, глобал миқёсда мудҳиш аҳвол туғдириши мумкин. Аммо Умид ҳамиша бор, яшайди. Нажот эса Муҳаббат ва Эҳтиромда мужассам. Ер изланмоқда. Мовий сайёрамиз гўзал бўлмоқни истайди ва бунинг учун имкон қидиряпти.

Инсон – сув, дегандим. Худди шу боис ҳам муз кристаллари расмларини кўраётган одам қалбида Сув ўзгаришлар ясаётганлигига имоним комил.

Ҳа, мен музнинг энг гўзал — Муҳаббат ва Эҳтиром сўзлари қудратидан яралган мафтункор кристаллини кашф этдим. Ажаб эмаски, дунёдаги динлар пойдевори ҳам Муҳаббат ва Эҳтиромдан иборат бўлса! Ҳар бир инсон ҳаётида Муҳаббат ва Эҳтиром устувор бўлса, қонунларга эҳтиёж қолмасди. Бу ёруғ оламда бизга Муҳаббат ва Эҳтиром йўлдош бўлмоғи, хизмат қилмоғи зарур.

Сув биз – одамларга қандай ҳаёт кечиришимиз кераклигини аниқравшан кўрсатмоқда. Хужайралардан бошланувчи Сув тарихи бутун Коинотни қамраб олади. Ҳаётимга Сув кириб келгандаги кўтаринкилик ва ҳаяжонни сиз, азиз ўқувчим ҳам ҳис этажаксиз.

Биринчи боб

БОРЛИҚ ОЛАМ НИМАДАН ЯРАТИЛГАН?

Инсон сувдан яратилгани, вужуди асосан сувдан иборатлигини анлаганимизнинг ўзи Борлиқ олам сирларини очиш йўлидаги илк қадам саналади. Агар тегрангизни қуршаган оламга ана шу нуқтаи назардан қарасангиз, мавжуд нарсаларни батамом ўзгача кўз билан кўра бошлайсиз.

Қарангки, инсон ҳаётида содир бўладиган яхши-ёмон ҳодисалар, воқеалар Сувда ҳам акс этар экан. Ҳар бир инсон, шунингдек, одамлар

бирлигидан ташкил топувчи жамият қудратли уммонни яратади. Ва ана шу уммонга ўз томчимизни қўшароқ биз ҳам жамиятни шакллантиришда иштирок этамиз.

Сув ўзида сақлаётган номаларни кўпроқ одам англаб етмоғини истардим. Худди шу сабаб муз кристаллари расмларини альбом шаклида чоп этишга қарор қилдим. Бу хатти-ҳаракатим бор-йўғи бир томчи эди, аммо у одамлар уммонига тушгач, тобора кўпайиб, кенгайиб, бутун бошли ҳалқа-ҳалқа тўлқинлар юзага келди. Алал-оқибат бу тўлқинлар ўзимнинг, ғоят кўпчиликнинг ҳаётига катта таъсир кўрсатди.

1999 йил. Сув оламига ғайритабиий саёҳатимнинг олтинчи йилида кристаллар расмларини эълон қилдим. Шу муддат ичида хонамда ўз қисматини кутаётган расмлар уюм-уюм бўлди.

Расмларни эълон қилиш учун тайёрларканман, кўз ўнгимда чинакамига улуг ва ғаройиб тарих жонланди. Ҳар бир кристалл ана шу улугвор тарих тўғрисида сўйларди.

Расмларни тезроқ одамларга етказиш иштиёқида бир неча нашриётлар билан ғояларимни ўртоқлашдим, аммо улардан ҳеч бири менга пешвоз чиқмади. Бу лоқайдлик қароримдан қайтаролмади, кристаллар расмларини ўзим кўпайтириб, тарқатаман, дея аҳд қилдим. Орадан кўп ўтмай чучварани хом санаганим маълум бўлди. Расмларни китоб ҳолига келтириб, муқовалаб, нашрга тайёрлаган чоғимда ҳам Японияда мавжуд қоидалар асосида иш юритувчи китоб савдоси тизими китобларимни дўконларда сотишга рухсат бермас экан.

Бу, дарҳақиқат, ёриб ўтиш душвор тўсиқ бўлса-да, негадир парвоим фалак эди. Китобларим тайёр бўлгач, уларни ўраб, аввалдан буюртма берган юздан зиёд дўсту биродарларимга юбордик. Дастлабки нухаларни жўнатганимиздан сўнг, ажабтовур воқеалар содир бўлди. Китобимизни олган одамлар қўшимча буюртмалар бера бошлашди. Буюртмачилар ўз яқинларига, улар эса ўз таниш-билишларига китоб ҳақида сўзлаб беришар, мухлисларимиз тобора кўпайиб борарди. Айрим мухлислар беш, ўн донадан сотиб олишар, дўстларига тарқатишарди. Бу қўлга сачрагач, тобора кенгайиб, ҳалқа-ҳалқа тўлқинлар ҳосил қилувчи ягона томчи ҳодисасининг ўзи эди.

Энди кристаллар расмлари чоп этилган китобимни бутун дунёга овоза қилишни истардим. Таржима бюроларидан бирига китобдаги изоҳли матнларни инглиз тилига ўгириш тўғрисида буюртма бердим. Бахтимиз кулди, тез орада бутун дунё аҳли китобимиздан баҳраманд бўлди. Кейинчалик таржимонимга айланган Сидзуко Оувеханд китоб нухаларидан Европа, Америкадаги биродарларимизга жўнатди. Сув кристаллари расмларини кўрган турли мамлакатларда яшовчи мухлислардан юртларига ташриф буюриб, суҳбатлар ўтказиш ҳақида таклифлар ола бошладим. Сўнгги йилларда Швейцария, Германия, Австралия, Нидерландия, Италия, Англия, АҚШ, Канада сингари кўплаб мамлакатларни кўриш бахтига муяссар бўлдим. Дунёдаги минг-минглаб одамлар менинг кристалларим билан танишдилар.

Бу воқеалар айни вақтида бўлган кўринадиди. Одамзод ўзи яшаётган муҳитдаги олатасир, бетартиб, остин-устун ҳаёт моҳиятини англаш йўлларини қидирарди. Расмлар альбоми шу ноаён муҳитга тушиб, ҳалқа-ҳалқа тўлқин пайдо қилган ва қилаётган томчига айланди.

Бу расмларни японлар билан бир қаторда дунёдаги турли мамлакатларда яшовчи одамлар кўрдилар. Ўқувчиларим ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб каминага мактублар йўллашди. Қўлга ташлаган

тошчам, дарҳақиқат, кенгаювчи доиралар ҳосил қилар ва улар яна ўзимга қайтарди. Инсон онги ва сўзининг қуввати музда кристаллар ҳосил қилганлиги воқелиги минглаб инсонларни ларзага солганлигидан ҳайратда эдим. Сўз ҳамда фикр Сув, тупроқ сингари унсурларни ўзгартира олиш қудратига эғалигини аксарият дастлаб қабул қилол-маса-да, бу ҳақиқат эди. Оқин дарёлардан олинган сув кристаллари тириклик олами гўзалликлари тимсолини намоён этса, ифлосланган сув кристаллари хунуклиги, беўхшовлиги билан қалбимизнинг кўрқинчли, қаро чангалзорлари ҳақида ҳикоя қиларди гўё. Маърузалар чоғида аудиторияга кристаллар слайдларини намоёиш қиламан. Тингловчилар бунга ҳар хил акс-садо беришади. Айрим одамлар лолу ҳайронликдан қарахт қотишса, бошқалар кўзёшларини аста артишади. Бир томчи Сув одамзодга турлича таъсир кўрсатишига гувоҳ бўламан.

Энг биринчи маърузамни ўқиш учун мени Швейцарияга таклиф этган Мануэла Ким расмларни томоша қилганида пайдо бўлган ҳис-туйғуларини қуйидагича ифодалаган:

“Сув кристаллари мўъжизаларини ўз кўзимиз билан кўриш имконига эгамиз. Бу расмлар-онгимизда ошиғич сакрашни юзага келтиради. Онгдаги бу уйғониш дақиқалар ичида рўй беради. Ўзимиз ўйлаган, ҳис этган рўёни лаҳзада кўзларимиз билан кўрамиз”.

Швейцариялик яна бир тингловчи шундай ёзади: “Бизнинг онгимиз, бизнинг сўзларимиз қуввати теграмиздаги оламни ўзгартира олиш хусусиятига эғалигини ана шу кристаллар исботлаб берди ва бу ҳақиқат тасдигини кўзларимиз билан кўриб турибмиз. Расмлар – ушлаб бўлмас қувватни кўзга кўрсатиб қўйган биринчи ва ягона воситадир. Биз кўзимиз кўрмаган нарсага ишонмаймиз. Муз кристаллари эса кўринмас қувват таъсирини тасдиқлаб бердики, ишониш ё ишон-маслик тўғрисида энди гап бўлиши мумкин эмас. Мазкур усул ёрда-мида ҳар биримиз тажриба ўтказиб, ўзимиз учун бу ҳақиқатни ис-ботлаб олиш имконига эгамиз”.

Япон ўқувчиларимдан бири менга шундай деб ёзганди: “Сув – оддий бир унсур эмас, балки қудратли табиатнинг тирик кучи-дир. Сувнинг поклаш ва тириклик оламига ҳаёт бахш айлашдай сирли хусусияти тўғрисидаги расмлар мени такрор-такрор ўйлашга ундади. Қалб, ҳиссиётлар, тебраниш муз кристаллари шакллани-шига таъсир этишини кўрдим ва бунинг оқибатида Қалб ва Сўз қудратини ҳис этдим. Бу – жуда фаройиб, ҳайратомуз таассурот туғдиради”.

Маълум бўлишича, муз кристаллари инсон қалби билан доимий равишда мустаҳкам боғланган экан. Муз кристалларида Борлиқ Олам сирларини очувчи қалит яширинганлиги боис кристаллар минг-минг-лаб инсонлар юрагига йўл топди. Борлиқ оламдаги мавжуд тартибот, инсониятнинг ундаги асл ўрнини билишда айнан ана шу қалит асқотса, ажаб эмас.

Сув – қалбларимиз ойнаси. Унинг юзи турфа хил. Бу турфа юз сайёрамизда яшовчи жами одамларнинг онгини, ҳис-туйғуларини Сув ўзида инъикос эттириши натижаси ҳисобланади. Инсон қалбида яширин бор туйғуларни акс эттириш қобилияти Сувга нима беради? Мазкур саволга жавоб беришдан аввал борлиқ ҳаёт тебранишдан иборат ёки Тириклик Олами тебранма ҳаракатдан иборат эканлигини тас-диқлашингизни сўрардим.

Бутун борлиқ тебранма ҳаракат ҳолатида мавжуд бўлиб, ҳар бир нарса ўзига хос, фаройиб частотага тебранма ҳаракат тезлиги

даражасига эга. Ушбу китобда мен сизга ҳикоя қилаётган ҳодисалар айнан шу фактга асосланади. Сув устида узоқ йиллар олиб борган тадқиқотларим натижасида шундай тўхтамга келдим: тириклик олами тебранма ҳаракат эканлиги Коинотнинг энг асосий тамойилидир.

Мазкур тамойилни атиги уч сўз билан ифодалаш мумкин, аммо бу тўғрида умуман эшитмаган одамлар уни тушуниши гоаят қийин.

“Тириклик олами тебранма ҳаракатми? Ҳатто мана бу стол-стул ҳамми? Менинг вужудим ҳам-а? Наҳотки биз кўришимиз, ушлашимиз мумкин бўлган нимаики мавжуд — бари бор-йўғи тебраниш, ўзгаришдангина иборат бўлса?” деб ўйлаётгандирсиз? Қўлларингиз билан ушлаб кўраётганингиз ёғоч, тош, бетон сингари қаттиқ моддалар узлуксиз тебранма ҳаракатда эканига, дарҳақиқат, ишониш қийин. Ҳозирги замон квант механикаси эса, материя-жисм тебранма ҳаракатдир, демоқда. Истаган нарсани майдаласак, барча мавжудот кристаллар ва тўлқиндангина иборат фаройиб оламга тушиб қоламиз.

Ўз жисмингизни микроскопик ҳажмда кичрайтирдим, деб тасаввур қилинг-да, вужуд аталмиш оламингиз сирларини очиш учун саёҳатга отланинг. Шунда сиз ҳар бир нарса атомлардан, ҳар бир атом эса атрофида айланаётган электронлардан иборат ядрога эгалигини кўрасиз. Ушбу электронлар миқдори, шакли ҳамда орбитасига кўра ҳар бир модда ўзига хос тебранма ҳаракатда бўлади. Шу тариқа, қандай жисм бўлмасин, қаттиқ эмаслигига, балки, сон-саноксиз тўлқинлар қуршаган ядрога мавжудлигига иқдор бўласиз.

Ҳамма нарса мангу ҳаракатда, ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа ақл бовар қилмас тезликда тебранишда мавжуддир.

Буддавийларнинг Ханья-сингё (“Юрак донишмандлиги сутраси”)да шундай дейилган: “Нимани кўриш мумкин бўлса, унинг шакли йўқ; нимани кўриш мумкин бўлмаса, у шаклга эгадир”. Бир неча асрлар муқаддам Будда айтиб кетган парадокс (ғайримантиқ)ни замонавий фан исботлади. Кўзларимиз жисмларни кўради, лекин тебранишларни кўролмайди. Дарвоқе, мана бунга ўхшаш воқеаларга дуч келганмисиз?

Уйда ким биландир эркин, дўстона оҳангда қизгин суҳбатлашяпсиз. Тўсатдан уйга бошқа одам кириб келди. У одам эшикни очиши баробар муҳт ўзгаради, хонани тўлдирган ҳарорат ўрнини зулмат ва совуқлик қоплайди. Ташриф буюрганга разм соласиз: тушкун чехрали, елкаси букчайган, ҳаётдан безган бир киши. Ғамзада юрак, ишнинг орқага кетиши, жондан тўйиш... Ўзингизга шу саволни бериб кўришингизни истардим: нима учун айнан эшик очилиши билан уйдаги кайфият ўзгарди?

Одамлар ҳам ўзидан тебранма энергетик тўлқинлар чиқаради, ҳар бир киши ўзига хос, фаройиб тебраниш ҳаракати тезлигига эга. Қолаверса, ҳар биримизда ўзгалар тебранишини ушлаб қолишдай ғайритабиий сенсорик қобилият мавжуд.

Изтиробни бошдан кечираётган киши изтироб тебранишини ишлаб чиқариб, тарқатса, ҳаётсевар инсон ўзидан чиқаётган қувонч тебранишлари билан атрофни чарақлатади.

Ўзгаларни севувчи одам ўзидан муҳаббат тебранишларини таратади. Қалби мудҳишликка тўлган инсонлар эса қора, ёвуз тебраниш тўлқинларини чиқарадилар.

Ушбу қоида турли жисмларга, шунингдек, ҳудудларга ҳам хос ҳисобланади. Тез-тез бахтсиз ҳодисалар содир бўлиб турадиган жойлар

бор; баъзи ерларда савдо-сотик гуллаб-яшнаиди, айрим маконлардан бахт уфуради. Ўз эгаларига фақат кулфат келтирувчи олмос тўғрисида эшитганингиз бордир.

Бундан ташқари, тебраниш қоидаси жисмоний нарсаларгагина эмас, дунёда рўй бераётган ҳодисалар ҳамда жараёнларга ҳам тааллуқли бўлиб, улар ҳам ўзларига хос тебранма тезликка эгадир. Атмосфера қувватидаги ўзгаришлар момагулдурак, чақмоқ ва довулларни юзага келтиради. Кучли қувватдан эса табиий офатларни содир этади. Аммо биз бу ҳодисаларни бахтсизлик деб қабул этмаслигимиз керак. Чақмоқ ва довул ғоят кучли ёвуз қувватларни пуфлаб йўқ қилиб ташлашини инобатга олсак, табиат донишмандлигига тан берамиз — кўямиз.

Яна бир мисол. Турли байрамларни, тантаналарни биргаликда нишонлаш учун тўпланган, ясанган, шодумон кишилар кўшиқ айтиб, рақс тушишар экан, эскириб туриб қолган ёвуз тебраниш тўлқинлари чекиниб, шодиёна тебранишлар вужудга келади.

Дунёда нимаики мавжуд бўлса, барчаси ўзига хос ҳаракат тезлигида тебранади. Бу ҳақиқатни тасдиқ этаркансиз, Коинотни англаш борасидаги билимингиз, тушунчангиз кенгайди. Ана шу тушунча боис илгари мутлақ кўрмаган нарсангизни кўра бошлайсиз. Онгингиз бурчакларида сақланган бу билим, бу туйғулар ва кашфиётлар қалбингизга янги ҳаёт бағишлайди.

Барча мавжудот тебраниш ҳолатида бўлади, демак, барча мавжудот товуш чиқаради.

Бундан биз барча товушни эшитамиз, деган хулосага борманг. Айрим одамлар дарахтлар товушини тинглаб, ўсимликлар билан мулоқот қилишлари истисно бўла қолсин.

Инсон қулоғи 15 дан 20 000 герцгача бўлган тебранишларни эшита олади. Қулоқларимизнинг эшитиш даражаси чекланганлиги бир ҳисобда яхши, акс ҳолда кечалари ухлай олмас эдик. Табиат оламида неки мавжуд бўлса, ғоят чеварлик — нуктадонлик билан ўйлаб яратилган ва барчаси мутаносиб ҳолатда туради.

Модомики товуш туғилаётган экан, уни асосий тингловчиси ҳам мавжуд бўлмоғи керак-ку! **ҲА, ТОВУШ СУВГА АТАЛГАН. УНИНГ БОШ ТИНГЛОВЧИСИ — СУВДИР.**

Нима учун мусиқа муз кристалларининг шаклланишига ғоят кучли таъсир кўрсатиши, айтилган ёки ёзилган сўзларнинг қандайлигига кўра сув турлича кристаллар ҳосил қилиши тўғрисида фикрлашингизни сўрардим. Жавоб эса ўша-ўша: ҳамма гап тебранишда. Сув бу оламда мавжуд барча моддалар чиқараётган тебранишларнинг фаройиб тезликларига шу қадар сезгирки, у, шак-шубҳасиз, борлиқ оламини ўзида акс эттиради.

Мусиқа ва сўзлар — тебранишдир, уларни ҳар қандай одам енгил тушуниб, талқин қила олади. Буддавийларнинг диний маросимларида ижро этилувчи яккахон санолар сингари товушлар ҳам шифобахш тебранишлар тезлигига эга бўлади. Аммо мана бу воқеликни, яъни **ҚОҒОЗГА ЁЗИБ, СУВГА КЎРСАТИЛГАН СЎЗЛАР ТАЪСИРИДА ЗАРРАЛАР ҲОСИЛ БЎЛИШINI ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАШ МУМКИН?**

Дарҳақиқат, ёзилган сўзлар ҳам фаройиб тебранма нурланишлар ҳосил қиладики, Сув буни ҳис этади. Оламда рўй бераётган жамики тебранишларни Сув ҳаққоний акс эттиради, бу тебранишларни шаклга солиб, инсон кўзига кўрсатиб қўяди. Қачонки Сувга ёзма сўз кўрсатилар экан, уни тебраниш сифатида қабул қилиб, ўзига

хос нома сифатида намоён этади. (Харфлар ҳам сўзларни ифодаловчи визуал — маълум бир шаклга эга код эканлигини тасаввур қилинг).

Аслан олганда Сўз нима ўзи? “Аввалда Сўз бўлган эди”, тасдиқлайди Инжил (Ин 1:1) Демак, “Сўз” Борлиқ Олам яратилмасидан аввал мавжуд бўлган экан-да. Назаримда, инсон “Сўз”дан яратилган, ўз навбатида инсон сўзларни табиатдан ўрганган.

Инсоният табиат билан бақамти, уйғун, келишиб яшаган ибтидоий замонларда кишилар ўзларини ҳимоя қилишлари зарурлиги боис табиатдан туғилаётган ҳар қандай тебраниш ва товушларга нисбатан ғоят сезгир бўлганлар. Бирор хавф-хатарга учрамай туриб, бунинг олдини олиш учун ҳам ана шундай сезгирлик инсонга ғоят зарур эди. Инсоннинг яшаш учун курашида шамол гувиллаши, ирмоқлар чулдираши, ўтлоқда олишаётган ҳайвонлар наъра тортиши сингари товушларни тушуна олиш ва буни овоз ёрдамида бошқаларга етказиш заруриятга айланган. Нутқнинг илк намуналари бир неча сўздан иборат оддий номалар тарзида вужудга келиб, маданият ривожини, тажриба тўпланиши боис лугат бойлигимиз кўпайиб борган.

Модомики шундай экан, одамлар сўзлашаётган тиллар нима учун ҳар хил? Тил — теграмизни ўраб турган табиат пайдо қилаётган тебранишлардан вужудга келишини эътироф этсак, хилма-хилликни тушуниш мумкин. Осий ороллариининг намчил иқлимлари ҳар хил тебранишлар ҳосил қилади. Мисол учун Японияда йилнинг тўрт фасли ғоят чиройли ифодаланган бўлиб, япон тилининг об-ҳаво билан боғлиқ бой сўзлар лугатида бу ҳол ўз аксини топган.

Қайси тилда ёзилган бўлишидан қатъи назар, Сувга “Раҳмат” сўзи кўрсатилганда, чиройли геометрик кристаллар ҳосил қилди. Қачонки Сувга “Сен аҳмоқсан” сўзига ўхшаш ҳақоратлар айтилганда, у узук-юлук, бадбашара кристалларга айланди.

Инжилга кўра, Бобил минораси қурилгунга қадар Бани Одам битта тилда сўзлашган экан. Бу эса, турли қитъаларда, ҳар хил иқлимий шароитлар мавжуд бўлишига қарамай, Табиатнинг асосий қонуниятлари ҳамма ер учун бирдай ягоналигини кўрсатиб турибди.

Сув музлар экан, кристалл ядросини ҳосил қилиш учун томчилар бир-бирига жипслашади. Бу ядро тобора кенгайиб, олти бурчакли шаклга кирганда, Сувнинг кристалли пайдо бўлади; агарда табиат қонунлари бузилганлиги ахбороти сувда мавжуд бўлса, нотугал, бешакл кристаллар вужудга келади.

“Эҳтиром” ва “Муҳаббат” сўзлари Табиат, Ҳаёт қонуниятлари пойдеворини ташкил этади. Худди шу сабаб Сув ўз табиий ҳолида, албатта, олти қиррали кристаллар шаклини яратади. “Сен аҳмоқсан”га ўхшаш ҳақорат сўзлар табиатда мавжуд эмас. Бундайин салбий сўзлар инсонлар яратган нотабиий унсурлар саналади. Хафа қилувчи, ҳақоратловчи, мазах сўзлар — “маданият”ли инсоният ижодининг маҳсулидир.

Демак, Табиатда фақат Муҳаббат ва Эҳтиром тебранишларигина пайдо бўларкан, холос. Табиатни кузатиш асносида ана шу мулоҳаза ҳақлигини тасдиқладик. Дов-дарахтлар, наботот — ўсимликлар уйғунликда яшашади, демак, бир-бирини ҳурмат қилишади. Бу ўзаро уйғунлик, эҳтиром ҳайвонот дунёсига ҳам хос. Ҳатто шерлар ҳам эрмак учун эмас, фақат оч қолгандагина ўз қурбонини тутиб ейди. Дарахтлар соясида қолган ўсимликлар шикоят қилмайди, ҳайвонлар эса очликни қондириш учунгина овга чиқади. Американинг Century Science and Technology” илмий журналининг 1989 йил, март-апрел

сонларида олим Уоррен Ж. Хамерман мақоласи чоп этилди. Олим шундай ёзади: “Инсон танаси деб аталмиш органик жисм нотадаги ўрта “До” дан тахминан 42 октава баланд бўлган товушга тенг тебранма ҳаракат ишлаб чиқаради. Ўртача “До” тебраниш тезлигининг замонавий стандарти тахминан 262 герцга тенглигини инобатга олсак, инсон танасининг товуши тахминан 570 триллион герцгача етар экан. Герц — бир сониядаги тебраниш миқдорини кўрсатади, модомики шундай экан, Инсон бир сонияда 570 триллион тебранишни вужудга келтиради. Ушбу рақам ақл бовар қилмас ички имкониятимиз, қудратимиз мужассамлигидан далолат беради.

42 октавани тасаввур қилиш мушкул, лекин инсон танасининг тебраниш тезлиги фавқулудда маҳобатли, турфа хил ва беқиёс, тенги йўқдир. Инсон вужуди ўзида тебранишларга тўла Коинотни мужассам этади ҳамда самовий миқёсдаги симфонияларни яратади.

Иккинчи боб

ЎЗГА ОЛАМ ДАРВОЗАСИ

Илтимос, бу китобни бир четга суриб қўйинг-да, бир стаканга сув қуйиб, унга боқинг.

Стаканда нимани кўряпсиз?

Сиз ўтирган хона, дераза ортидаги манзара, тегрангизни ўраган, ҳис этаётганингиз муҳит — бари-бари ана шу сувга ёзилган.

Сув шунчалар ҳаётимизга сингиб кетганки, уни оддий Сув деб биламиз, у ҳақида ўйлаш кўнглимизнинг кўчасига келмайди. Чанқовимизни қондирадиган, поклайдиган, таомимизнинг асосини ташкил этадиган, қўйингки, умримизнинг ҳар лаҳзасига кириб борадиган Сув тўғрисида ким ҳам фикр юритибди, дейсиз. Аслини олганда, оддий Сувдан кўра сирлироқ унсурнинг ўзи йўқ.

Муз Сувда чўкмайди, сузади. Бу оддий ҳақиқат эса Сувнинг энг катта сир-синоатларидан бири. Ҳар қандай модда суюқдан қаттиқ ҳолатга ўтар экан, қалинлашиб, нисбатан оғирлашади. Сув томчилари музга айланиш жараёнида ғоят тартибли жойлашади, томчилар оралиғида бўш майдон қолдирилади. Муз яна сувга айланаётганда, юз минг баравар тез ҳаракатланаётган томчилар бўш майдонларни тўлдиради. Сувнинг қаттиқ-муз шаклига нисбатан суюқ шакли жипс, оғир бўлиши сабаби ана шунда. Сув энг оғир ҳолатда минус 4 даражали бўлади. Фаол томчилар ана шу ҳароратда молекуляр тизимдаги бўшлиқларни тўлдириб туради.

Ҳарорат кўтарилган сайин, томчилар янада фаоллашиб, зичлик кичрайишига олиб келади. Худди шунинг учун ҳам киши қанчалар қаҳратон бўлмасин, музлаган кўл ёки денгиз тубидаги сув ҳарорати доимий — 4 даражалигича туравергани боис сувости ҳайвонот, наботот олами омон сақланади.

Сув ўзини бошқа моддалар сингари тутиб, муз чўкиб кетса, нима бўлишини тасаввур қилинг. Сиз билан мен ҳам бўлмасдик, албатта. Кўл, денгиз, уммонлар тубигача музлаб, бари жонзотлар қирилиб кетарди.

Муз чўкмаганлиги учун, сув юзаси музласа-да, сувости оламида ҳаёт давом этаверади.

Сувда бошқа моддаларни эритиш, уларни ювиб тозалаш хусусияти ҳам бор. Қанчадан-қанча моддаларни эритган сувни асл пок ҳолига келтириш жуда мушкуллигини биласизми? Ярим ўтказгичли заводлар, кимёвий фабрикаларда тозаланган Сув олиш учун оби-ҳаётни не куйларга солишмайди, дейсиз, махсус тозолагич воситалар аралаштиришади. Бундай тозаланган Сув пластик контейнерларга қуйилгач, мавжуд аралашмалар тезда эрий бошлайди. Сувни буткул тоза ҳолатда сақлаш ҳаддан зиёд мушкул иш. Жўмракдан ичаётган сувингиз ҳам, дарё сувлари ҳам, бир қарашда тоза туюлса-да, минераллар ва бошқа кимёвий воситалар билан ифлосланган бўлади.

Сувнинг турли моддаларни эритиш хусусияти қандайдир маънода “тирикчилик шўрваси”ни яратадики, уммонлардаги мавжуд жонли организмлар ундан баҳраманд бўлиб, ҳаёт кечиради. Ерда жами тиррик мавжудотнинг туғилиши ҳам айнан шу “шўрва” туфайлидир. Дарҳақиқат, Сув – яратаётган ва ҳаёт бахш этаётган кучдир. Тириклик кристалларини ундираётган ҳам, Ер юзига таркатаётган ҳам – Сувдир.

Хаос – тартибсиз, ола-тасир, остин-устун муҳитни ҳам Сув яратди ва яна ўзи буни тартибга солди, натижада ҳаёт барқ урган сайёра вужудга келди. Қадимдан шундай нақл мавжуд: қаерда сув бўлса, ўша ерда ҳаёт бор. Японияда сув ер юзасига қўтарилган ҳудудлар муқаддас саналган; бу ерларда кучли тоза қувват мавжуд дейишиб, қадамжоларга айлантиришган. Муқаддас деб топилган, тоза қувват таратиб турувчи бошқа ҳудудлар ҳам ерости сувлари устида жойлашган.

Фаройиб физик хусусиятларга эга Сув – тириклик оламининг онаси ва Ҳаёт қувватидир.

Сув сир-синоатларини англаш йўлидаги тажрибаларим натижаларини таҳлил қиларканман, Сув — илоҳий неъмат, боқий оламнинг Ердаги мўъжизаси эрур, деган хулосага келдим. Ер юзида Сув нима учун гоят кўплиги хусусида ўйлаганмисиз? Бундан 4,6 миллиард йиллар муқаддам Ер энди шаклланаётган даврда Сув бугланиб, булутга айланган, кейин эса тинимсиз ёмғир бўлиб ёғиб, сайёраамиздаги уммонларни ҳосил қилган.

Лекин бу ҳодисалар аввали Куёш вужудга келиши билан бошланган. Турли газ бўлаклари тўқнашиб, аралашиб, қизил шар ҳосил бўлгунича айланаверган. Чанг ва газлар бирлашиб, Ерни, Куёш тизимидаги бошқа сайёраларни вужудга келтирган. Ўша замонларда Ер таркибида водород бўлган ёнаётган магмадан иборат шар эди.

Магма сўнганда эса қайта шаклланган атмосферага водород буг бўлиб учган.

Бу назарияларни ҳамма олимлар ҳам тасдиқлайвермайдилар. Айова университети олими Луис Франкнинг тахминича, Сув очик самодан сайёраамизга муз бўлаклари кўринишида тушган экан.

Сунъий йўлдошлар фазода туширган расмлардаги қора доғларни кўриб профессор Франк тадқиқотни бошлайди ва алал-оқибат, бу қора доғлар Ерга ёғилаётган кометалар, деган хулосага келади.

Бу жажжи-кометалар сув ва муздан иборат шарлар экан. Юзлаб ва ундан ҳам кўп тонна оғирликдаги шарлар Ер атмосферасига бир сонияда 20 ҳаракат тезлиги (бир йилда ўн миллион)да ёғиларкан. Франк назариясига кўра, худди шу муз шарлари тўрт миллиард йил муқаддам Ерни бомбардимон қилиши натижасида денгизлар, океанлар пайдо бўлган. Мазкур жараён ҳозиргача давом этмоқда.

Ернинг тортиш кучи очик фазодаги муз кометаларни ўз атмосферасига тортади, қуёш ҳарорати эса уларни буғлаб, сўнг газга айлантиради. Улар атмосферага тушаркан, газ бўлаклари ҳаво билан аралашиб, Ер юзига ёмғир ёки қор шаклида ёғади.

Бундан бир неча йил муқаддам НАСА ҳамда Гаваия университети-нинг доктор Франк назарияси ишончли эканлигига оид баёноти оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама этилди, аммо дунёга бу янги қарашни аксарият олимлар инкор қилмоқдалар.

Франк назарияси қабул қилинган тақдирда ҳам жаҳон кутубхоналаридаги китобларни қайта ёзиб чиқишга тўғри келади. Бу эса сайёрадаги ҳаёт билан боғлиқ илмий назарияларга янги нафас бахш этган бўлур эди.

Сувсиз ҳаёт йўқлигини ҳамма тасдиқлайди. Барча тириклик манбаи сув очик фазодан юборилган бўлса, мантиқан барча тирик мавжудот, жумладан инсон ҳам сайёраники эмас, ўзга оламдан келган хилқат ҳисобланаркан-да.

Сув – Ердан эмас, фазодан деган назарияга суянсақ, оби-ҳаётнинг гаройиб хусусиятларини яхшироқ англай бошлаймиз.

Муз нима учун сузади? Нима учун Сув турли-туман моддаларни эритиш хоссасига эга?

Нима учун тортишиш қонунларига зид равишда сочиқ пастдаги сувни тепага қарата шимиб олади? Сув ўзга оламдан келган деб тахмин қиладиган бўлсақ, Оби-ҳаёт билан боғлиқ тилсимлар анчайин тушунарли туюлади.

Сув-очик фазодан келган, деган назарияни ақлимиз қабул қилмаса-да, у тасаввурларимизни ҳаракатга келтиради. Фазоаро олис саёхатини тугатган Сув энди сайёрамиз бўйлаб ҳаракатланмоқда.

Муз бўлаклари Ерга учиб тушади, булутларга айланади, охир-оқибат, Замин бағрига ёмғир, қор бўлиб ёғади. Бу сув тоғларни ювади, тупроққа сингиб, минералларга тўйингач, яна юзага сизиб чиқади. Қуёш дарёлар ва океанлар сувини буғга айлантириб, яна булут ҳосил бўлмоғи учун Сувни атмосфера қайтаради.

Сув ҳам, ушбу айланма жараёнда у ҳосил қиладиган минераллар ҳам шу зайл Ҳаётни юзага келиши учун имконият яратади. Атмосферадаги карбонат ангидрид гази океанларда эриб, гаройиб экологик мутаносибликни вужудга келтиргач, фотосинтез жараёнига имконият пайдо бўлади.

Бундан 3,8 миллиард йил аввал айнан Уммонда ҳаётнинг илк нишонлари пайдо бўлган. Эволюция жараёнида илк ҳаёт нишонлари сув ўтларига айланди. Фотосинтез хусусиятига эга сув ўтлари дастлабки кислородни ишлаб чиқара бошлади. Қуёшнинг ултрабинафша нурлари билан ўзаро алоқага киришган кислород Озон қатлами деб аталган Ерни ҳимояловчи қобиқ ҳосил қилди.

Кейин эса, бундан 420 миллион йил аввал, кислород ҳамда Озон қатламига суянган ҳолда Ҳаёт сувдан қуруқлик сари илк қадамини қўйди.

Бизнинг одамсимон бобокалонларимиз атиги 20 миллион йил муқаддам Африкада туғилган, деган тахминлар бор. Ернинг тўрт миллиардлик ёши билан чоғиштирганда, илк инсонлар кеча туғилгандай туюлади. Бу ҳам бўлса, Кислород ва Озон қатламининг шарофати.

Ҳаётни, унинг эволюцион жараёнларини пайдо қилган куч эса, албатта Сувдир! Ҳаёт учун зарурий озуқа моддаларни эрита олиш, тоғу тошлардан дарё ва океанларга оқизиб келиш хусусиятига эга Сувгина шундай мўъжизакор.

Ҳаётнинг бу улуғ ҳикоятини тасодиф дейиш мумкинми, ўзимиздан сўрайлик. Замонамиздан жуда-жуда олис, ақл илғамас даврларда куртак отган, сайёрамизда ҳаётнинг туғилиши билан боғлиқ, миллиард йилларни қамраган ҳақиқат тағзаминида Улуғвор Олий Онгнинг яратувчилик қудрати мужассамлигига иқрор бўлайлик.

Цукуба университети профессори Кадзуо Мураками ДНК оксидидаги ренин деб номланган кодни кашф этиб, дунёга донг таратди. Профессорнинг бу код юзасидан дунёқараши куйидагича: “ДНКни теранроқ тушунганимиз сайин, жажжи маконга Кимнингдир қандайдир улуғвор қудратли қўлигина ғоят пухта ўйланган, мукамал ахборотни ёза олиши мумкинлигига тан бераёрамиз”. “Кимнингдир”га аниқлик киритиш учун олим “Қандайдир улуғвор” иборасини қўллайди.

Дарҳақиқат, “Улуғвор недир” мавжудлиги инкор этилса, Сув ва Ҳаётнинг оламшумул бирлиги ҳикоятини тушунтириш мумкин эмас. Самовот улуғ ният билан битган Ҳаёт асари тарихи ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Қадим Сув очиқ фазони тарк этиб, Ерга ёғила бошлаганда, ўзи билан қандай хабар келтирган экан? У ўзи билан ҳаётни барпо этиш зарурияти акс этган дастур келтирган, дея тахмин қилишимиз мумкин. Аслини олганда ҳаётнинг ўзи нималигини аниқроқ тасаввур қилаётирсиз, деган умиддаман.

Осмондан ёғилаётган Сув. Унинг тупроққа сингиб, сизот-ерости сувига айланмоғи учун ўнлаб, баъзан юзлаб йиллар керак. Цюрих Техника университети олими Жоан С. Дэйвис ўттиз йилдирки, Швейцариянинг дарё сувлари устида тадқиқот олиб боради. Олима сизот сувни “доно”, эндигина ерга ёғилган сувни эса “ёш” деб атайди.

Доно бўлиш учун Сув ерни ёриб кириб, унга сингийди, турли минераллар тўғрисида маълумот йиғиб бўлгач эса, замин юзига сизиб чиқади.

Университетда ўттиз йил ишлаб қўйган профессор Жоан бу даргоҳни тарк этди, ҳозир ўзи тадқиқотлар ўтказяпти. Швейцариядаги симпозиумлардан бирида бу олима билан ҳаммаърузачи сифатида иштирок этиш шарафига муяссар бўлдим. Унинг тадқиқот мавзуи — Сувни қайта ишлаш усулларига бағишланган. Ҳозирда мавжуд бўлган сувни узундан-узун қувурлар орқали етказиб бериш тизимида Сув жисмимизни соғломлаштириш хусусиятини йўқотади. Юқори босим остида, катта тезлик билан қувурлардан оққан Сувнинг таркиби бузилиб, минералларини йўқотади.

Жоан, имкон қадар кўпчиликни, шу жумладан камбағал кишиларни соғлиқ учун фойдали сув билан таъминлаш учун оддий, қулай йўллар топишга бор диққатини қаратди. Муз кристалларини ишлатиб кўриш олиманинг таклифларидан бири бўлиб, бунда Сувга унча катта бўлмаган муз парчалари солинади, минераллар сақланган бу сув билан суғорилган экинлар соғлом, тоза ҳосил беради. Бундан ташқари, Жоан Сув сифатини яхшилаш учун магнитдан фойдаланиш имконини тадқиқ қилди; Сувга айланма ҳаракат берувчи қувур жўмраклари лойиҳасини яратди. Эндиликда у қандай қилса, қувур тизимида сув табиий равишда оқиши мумкинлиги устида тадқиқот ўтказяпти.

Жоан ўз ишлари ҳақида шундай ҳикоя қилади:

“Кўпчиликдан муз кристаллари юзасидан ўтказган тадқиқотларингизга қизиқишларини эшитдим. Менимча, бу тадқиқотлар одамларга ғоят зарур маслаҳатлар беради. Сувга ҳурмат кўрсатиш —

энг асосий маслаҳатдир. Сув энг нозик қувватлардан ҳам таъсирланишини одамлар билсинлар. Ҳозирги пайтда Сув амалий муҳофазага олинмаганлигини олимлар, расмий доиралар эшитиб қўйсинлар, дейман.

Тадқиқотларим натижаси соғлиқни сақлаш, тиббий ёрдам соҳасида асқотади. Айни вақтда Сувнинг физик хоссаларига қизиқиш унча катта эмас. Мисол учун, минерал Сув фойдали дейишади. Аммо бундай Сувда мавжуд минераллар артериянинг қотишига сабаб бўлиши мумкинлигини ҳамма ҳам билавермайди. Бундан ташқари, минерал Сувларда карбонат ангидрид тузлари қўп, кислоталик даражаси юқори бўлиб, соғлиққа нафи йўқ. Ҳар қандай шароитда ҳам кимёвий ишланган сувдан фойдаланмай, имкон етганча, табиий манбалар Сувини ишлатган маъқул. Сув озодликни истайди ва озод бўлиши зарур.

Муҳими, бизда Сувга эҳтиром билан муносабатда бўлиш истаги уйғонди. Ҳозирги тамаддунимизда Сувга нисбатан хурмат унутилганлигини тан олайлик. Қадим Грецияда Сувни чинакам эъзозлашарди. Аксарият грек афсоналари Сувни муҳофаза қилишга бағишланган. Кейинчалик бу афсоналар илмга зид, деган фан пайдо бўлди. Сув ўз асрорларини беркитди. У замонавий технологик заруратда тозалаш мумкин бўлган моддага айланди-қолди. Гоҳо, “Тозаланган сув зилол сув эмас”, деймиз. Маҳсус заводларда қайта ишланган Сув гўзал кристаллар яратувчи Сув эмас. Сув тозаланишга эмас, хурматга муҳтож.

Бу доно сўзлар Сувни узоқ йиллар кузатиш натижаси саналади. Шундай юксак даражали олима Сув кристаллари борасидаги тадқиқотларим билан қизиққанлигидан, унинг Сувга нисбатан хурматидан бошим осмонга етди.

Жоан каминага шундай маслаҳат берди:

— Муз кристаллари билан боғлиқ назариянгиизнинг физик асосини топишга муваффақ бўлсангиз, бу тўғрида ишонч билан дунёга овоза қилинг. Швейцария сув хоссалари тадқиқотлари борасида дунё бўйича етакчи, деб эътироф этилганлигини унутманг.

Олиманинг маслаҳати менга умид бағишлади. Чунки худди ўша вақтда Швейцарияда Сувни ўрганиш бўйича марказ ташкил этиш тараддудида эдим.

Сув ахборотни ёзиб олади. Ер сайёрасини айланаётган вақтида эса бу ахборотни ёяди — тақсимлайди. Коинотдан юборилган Сув ҳаётий илмлар билан тўла ва ана шу илмга калит муз кристалларига яширинган.

Сув яратган ғоят гўзал кристалларга боқаман: ҳаётнинг ўзи жисмга айланиб бораётгандай туюлади. Сувга чиройли эзгу сўзлар кўрсатилганда шакланган муз кристаллари ғоят гўзал. Сувнинг “муҳаббат” ва “эҳтиром” сўзларига жавоби аъло! Яхши сўзлар Сувга илҳом бағишлайди, ҳаётни бус-бутун намоён этиш учун жисмга айланади. Зарраларнинг шаклланиш жараёнини мушоҳада қилиш — ҳаёт яратиш жараёнига ўхшайди, деган тўхтамга келдим. Бунинг боиси шундаки, кристалларга кўзимиз тушганда Сув ҳар лаҳза ўз кўринишини ўзгартиради. Нигоҳ ўзига ҳос қувватга эга. Нигоҳингизда эзгу ниятлар мужассам бўлса, Сувга жасорат бағишлаб, руҳлантиради. Ёвуз ниятли нигоҳ жасоратдан жудо қилади.

Журналимиз муштарийси бўлган бир оилада ажойиб тажриба ўтказишган. Иккита шиша банкага гуруч солишиб, бир ой мобайнида биринчи банкага “раҳмат”, иккинчисига “сен аҳмоқсан” сўзларини айтиб туришган. Шу давр ичида гуручлар қандай ўзгаришини кузатишган. Ҳатто болалар ҳам мактабдан қайтгач, гуручга қарата “раҳмат”, “сен аҳмоқсан”, деб туришган.

Ой ўтгач, “раҳмат” сўзини тинглаган гуруч ўздан ёқимли, ўткир ис таратиб, ачий бошлаган, ундан ундириб, янчилган шоли иси келарди.

Доимий равишда “сен аҳмоқсан” сўзини эшитган гуруч эса қорайиб, чириб кетган.

Ушбу тажриба тўғрисида китобимда ёзганимдан кейин Япониядаги юзлаб оилалар бундай тажрибани ўзлари ўтказдилар. Натижа бир хил эди. Яна бир оила эса тажриба шартини биров ўзгартирган. Улар учта банкага гуруч солишган. Биринчи банкага “раҳмат”, иккинчиси “сен аҳмоқсан” сўзларини бир ой мобайнида айтиб туришган. Учинчи банкадаги гуручга эса умуман эътибор қилишмаган.

Хўш, нима бўлди деб ўйлайсиз? Эътиборсиз қолган гуруч “сен аҳмоқсан” сўзини “эшитган” гурунчдан ҳам аввалроқ қорайиб кетган. Узгалар ҳам бу тажрибани ўтказишганда натижа бир хил бўлган. Кўриниб турибдики, умуман эътиборсиз қолиш ҳақорат эшитишдан ҳам кўра ёмонроқ экан.

Кимгадир ижобий, салбий муносабатда бўлсак, шу йўсин, унга ўз қувватимизни ўтказамиз.

Одамга, жамики мавжудотга мутлақо эътибор қилмасак, айниқса кўп зарар етказар эканмиз.

Назаримда, бу тажриба бизга катта сабоқ бўлди. Демак, фарзандларимизга эътиборли бўлмоғимиз, суҳбатлашиб турмоғимиз зарур. Самимий, меҳрли сўзларни болага ҳомилалик пайтидаёқ ўргатиш керак бўлади. Бунинг учун эса аёлимизга меҳр бериб, унга фақат чиройли сўзлар айтиш билан туғилажак фарзанд тарбиясига пойдевор қўярканмиз. Ўсимликларга самимий боқиб, рағбатлантириб гапирсангиз, хушмуомала бўлсангиз, улар гуркираб, яшнаб кетади. Хонаки ҳайвонлар, ҳатто ҳашаротлар ҳам меҳрга, майин муомалага муҳтож.

Ушбу китоб шарофати билан кўпчилик Сувни эъзозлайди, Сувга самимият ила боқади. Натижада Сув янада кўпроқ гўзал кристаллар яратади, шу тариқа янада гўзалроқ олам бунёд этилишида қатнашамиз.

Худо — ўз яратувчилигидан баҳра олишига, шунингдек, бизларга ҳам бунёдкорлик қобилиятидан беришни исташига шубҳам йўқ. Кейин эса Парвардигор кўкдан меҳрга, эзгуликка тўла улғувор нигоҳини ерга қаратиб, яратувчилик қобилиятимиздан эркин онгли фойдалана оляпмизми-йўқми, кузатиб туради.

Тириклик олами тўғрисидаги барча хотира Еримизга қайтди. Бу хотирани Ерга Сувнинг қалби олиб келган эди. Ана шу хотирадан ҳаёт уйғонди, Одам пайдо бўлди, алал-оқибат сизу биз туғилдик. Сизнинг онгингиз, билимингиз, эрку иродангиз, муҳаббатдан туғилган табассумингиз — барча-барчаси Сувга янги ҳаёт бахш этиб, ўзгача фаройиб Борлиқ оламини яратиш сари бошлаб боради.

Учинчи боб

ҲАММА НАРСАНИ ОНГ ЯРАТАДИ

Сувнинг фаройиб хусусиятларини ўрганишни бошлаганимдан буён бутун дунёдаги сув намуналарини кўриб, тажриба ўтказиш бахтига ноил бўлдим. Заминимиздаги ҳар қандай ҳудуд Суви ўзига хос фаройиб, гўзал хусусиятларга эга.

Бундан ташқари, сайёрамиздаги Сув тобора ифлосланиб бораётганлигини ўз кўзим билан кўрдим. Бутунжаҳон савдо ташкилоти шундай баёнот беради: XX аср нефт учун уруш билан бошланган эди, XXI аср Сув учун урушлар гувоҳи бўлади. Японияда ёппасига хлор ишлатилганлиги сабабли тугал, тўлиқ шакли кристаллар ҳосил қилувчи бирорта ҳам водопровод суви йўқ. Хлор илк бор Лондонда XX аср бошларидагина ишлатилган бўлса, Японияда эса мана, 50 йилдирки, ҳамон ундан фойдаланишади. Крандаги сувдан фарқли равишда булоқ, дарё ирмоқлари, бошқа табиий манбалар суви гўзал кристаллар ҳосил қилишини юқорида айтган эдик. Ҳозир ер остидан кўтарилаётган Сувнинг кўп қисми бундан эллик йиллар илгари осмондан ёмғир, қор шаклида ёққан бўлиб, айна ўша пайтда Японияда индустриализация бошланган эди.

Ёмғир Сувининг ифлосланиши дунёвий миқёс олди. Япон шаҳарларидан биринди диоксин билан зарарланган водопровод сувини музлатиб, кристаллар ҳосил бўлишини сурагга олмоқчи бўлдим. Таасуфки, зарарланган сувда умуман кристалл асари йўқ эди. Саноат чиқиндилари оқар сувларни ифлослантиряпти, бу сув зарарли моддаларни бутун дунё бўйлаб тарқатяпти.

Умид ҳамisha яшайди. Диоксин билан заҳарланган Сув эгалари — шаҳар аҳли ўз оби-ҳаётларини муҳофаза этишга дадил киришдилар. Энди бу Сув тобора тозариб, кристаллар ҳосил қилиши енгил кўчяпти.

Аслида ифлосланиш ўз оңгимизда бошланган.

Дангиллама уй-жойларда, тўкин-сочин, шоҳона ҳаёт кечириш йўлида ҳар қандай ноҳўя ишга ҳам тайёрлик фикри билан яшадик, тўймас, худбин нафсимиз буюрганини қилдик. Нафс кўйида табиат қонунларини оёқости қилдик, атроф-муҳитни булгаб ташладик. Инсон нафси-бади, очкўзлиги вужудга келтирган экологик хатар етиб бормаган жой сайёрамизда қолмади, ҳисоб. Зарралар расмларининг шарофати билан бир ҳақиқат ойдинлашди: Сув — қалбларимиз ойнаси экан. Қалбларимиз аслида қандай бўлмоғи керагу ҳозир қандай кўринишда? Сув бу саволларга ҳам жавоб бера олади. Қаёққа кетмоқдамиз? Сайёрамизни қандай ҳимоя қиламиз? Оқил, эрк-ихтиёри кўлида бўлган, эзгулик ошён қурган қалбининг амри билан яшовчи Инсон улуг ҳилқат эканлигини амалда тасдиқ этсаккина, бундай саволларни кўндаланг кўя оламиз. Сайёра кушандаси, зараркунанда деган кўз билан инсониятга қарашга нуқта кўядиган вақт ҳам келади. Ҳар бир инсон тугма гаройиб қобилиятларга эғалигига етарли баҳо беролмаймиз. Дарҳақиқат, Инсон ғоят қудратлидир.

Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, табиатда 108 тадан 111 тагача кимёвий элементлар мавжуд (менимча, 108 та, буни кейинроқ тушунтираман). Ҳозирги замон одамнинг танасида 90 та элемент борлиги тасдиқланган. Жами тирик мавжудотлардан фақат одамгина шунча кўп кимёвий элементга эга, аммо мен бунга шубҳаланаман. Ичимизда ҳали қашф этилмаган элементлар мавжуд. Бу элементлар Одамзоднинг ТҲКИСЛИК ва КОМИЛЛИК эволюцион жараёни мобайнида юзага қалқиб чиқса, ажаб эмас.

Юксак эволюцион тараққиётга эришган мавжудотларда элементлар миқдори кўп бўлади. Инсонга қиёслаганда ўсимликларда кимёвий элементлар миқдори анчагина кам экан. Бу қандай намоён бўлади? Элементлар камлиги ҳиссиёт лаёқатининг пастлигини англатади, деб тахмин қилиш мумкин. Кўпгина ҳайвонлар оғриқни ҳис этишади. Одамзод (шунингдек эволюцион тараққиётда унга яқин махлуқларгина) гам, кучли эҳтирос сингари юксак туйғуларни ҳис этишга қодир.

Инсон танаси — жажжи коинот деб талқин этсак, жисмимизда барча кимёвий элементлар борлиги табиий туюлади. Буддавийлик эътиқодига кўра, инсон 108 та заминий ҳис-туйғу (саросима, яқинлик, садоқат, рашк, манманлик... ва ҳоказо) билан дунёга келар, шу туйғулар боис бир умр қийналиб яшаркан. 108 заминий ҳис-туйғунинг 108 кимёвий элемент билан мувофиқлиги бор, дейиш назаримда, мантиқан тўғри. Бу тахминни аниқлаш учун дадил қадам қўйдим. Тебранишларни аниқловчи ускунамни Японияда синовдан ўтказдим. Ускуна атрофдагиларнинг ажойиб тебранишларини ўлчаб, сўнг тебранишларни Сувга узатарди. Турли одамлар чиқараётган тебранишларни ўлчарқанман, салбий тебранишлар ҳар хил элементлардан чиқарётган тебранишларга мувофиқ тушиши маълум бўлди.

Аччиқланишдан юзага келган тебранишлар симоб тебранишлари билан эквивалент экан. Ғазаб — кўрғошин тебранишлари, афсуснадомат — алюминий тебранишлари билан эквивалент тушади. Шубҳа — кадмий билан, изтироб — темир билан, руҳий зарба — рух билан эквивалент, яъни тенг миқдорли тебранишлар ҳосил қиларкан.

Кейинги йилларда алюминдан ишланган ошхона идиш-товуқларидан фойдаланиш алгеймер касалини авж олдириши тўғрисида гапирилмоқда. Бунинг сабаби — изтироб, ғам тебранишлари алюминий элементи билан эквивалентлигида бўлса, ажаб эмас. Кексаликнинг ғам, надомати алюминийга мойиллик уйғотиб, алгеймер (хотирани йўқотиш) касаллигини бошлайди.

Аввалги бобда номи тилга олинган Жоан Дейвис қизиқ бир воқеани сўзлаб берди.

... Физик олимлардан бири сайёралар жойлашувининг Сувга таъсири тўғрисида тажриба ўтказган. Қоғоз турли минералларга бой Сувни сайёраларнинг маълум бир жойлашувига кўра энгил ёки қийин шимаётганлигини кузатган. Сайёралар ҳаракатининг ўзгаришига вола, дейлик, Сатурн Ерга кучли астрологик таъсир кўрсатганда, қоғоз кўрғошинни энгил шимиб оларкан, мис, кумуш, темирни гоят оз шимар ёки умуман шиммас экан.

Бундан Сатурн билан кўрғошин ўртасида яқин боғланиш мавжуд, деган хулоса чиқариш мумкин. Металлар инсон ҳиссиётлари ва кайфиятига мос тебранишлар ҳосил қилади, (кўрғошин — ғазабга мос тебранади). Мантиқий хулоса чиқарсак, Сатурн ғазаб туйғуси билан мустаҳкам боғланган.

Астрологлар таъкидлаган сайёралар ва инсон шахси ўртасидаги боғлиқлик, қандайдир маънода, металларга ҳам тааллуқли, дейиш тўғри бўлур эди.

Мен учун бу назария чуқур маънога эга. Зеро, 108 заминий ҳис-туйғу билан 108 кимёвий элементлар орасида ўзаро боғлиқлик тўғрисида ўз тасаввурларим бор. Қуёш тизимидаги сайёралар сони — 9 та. Бу рақамни 12 га кўпайтирсак, 108 ҳосил бўлади. Даврий системага таянган ҳолда, қачондир қайси сайёра қайси элемент билан мувофиқ келишини аниқлаб оламиз.

Мазкур китоб устида ишлардим. Қизиқарли телевизион кўрсатувни бериб қолишди. Кўрсатувда ҳикоя қилинишича, Ергаги жамики моддалар олис Коинотда портлаган юлдузлар чўғидан яратилган экан. Бошқотирма учун яна бир мавзу...

Умримиз мобайнида 108 хил заминий ҳис-туйғу ҳукмронлигида яшаймиз. Аммо қочиб қутулиб бўлмайдиган салбий ҳиссиётларни қандай бошқариш мумкин? Ҳаёт яхши кечишини истасак, салбий ҳиссиётларни енгиш зарур бўлади. Хўш, ғазаб, изтироб, ҳасад сингари

салбий туйғулар онгимизни хиралаштириб ташлаган бўлса, нима қилмоқ керак? Ҳиссиётлардан буткул халос бўлиш мумкин эмас, бунинг кераги ҳам йўқлигини тушунмоқ зарур. Бирон-бир инсон салбий фикрлардан буткул озод бўлолмайди.

Ҳар биримизда илк инсон онгининг уйғониши билан боғланган олис ўтмишдаги бобоқалонларимиз хотираси яшайди. Аждодларимиз хотирасининг салбий томонларини ҳам мерос билиб, умргузаронлик қилиш пешонамизга битилган.

Нима бўлганда ҳам, қалбимизни забт этган салбий фикр ва ҳиссиётлардан халос бўлолмаслигимизни тан олиш гоят ёқимсиз иш. Қалбимизнинг бу оғир юкидан қандай озод бўламиз? Тебранишлар қонунига суйнадиган бўлсак, бунинг жавоби жуда оддий. Бунинг учун салбий ҳиссиётларга зид бўлган эзгу туйғуларни пайдо қилиш зарур. Икки қарама-қарши тўлқин бир-бирини қоплаши натижасида салбий туйғу йўқолади.

Бундан анча йиллар муқаддам япон университетларида бир товушни иккинчиси билан ўчириладиган усул ишлаб чиқилган. Олимлар кулоқни батанг қилувчи шовқинни... ўчирувчи шовқин яратишди, бунинг натижасида осойишта майдон ҳосил бўлди (мисол учун, телефон ёнида). Кераксиз шовқин тўлқини узунлигини аниқлагач, тадқиқотчилар бунга аниқ қарама-қарши шовқинни яратишади ҳамда бу акс товушни баланд гапирувчи приёмниклар орқали эшиттиришади. Оқибатда кераксиз шовқин буткул йўқотилади. Автоўйлардаги автомобиллар мотори шовқинини кесишда ҳам айнан шу усул қўл келяпти.

Бу усулни инсон ҳиссиётлари доирасида ҳам қўллаш мумкин. Ҳар бир салбий ҳиссиётнинг ижобийси ҳам борлиги ҳақ. Қуйида қарама-қарши тебранишлар яратувчи ҳиссиётлар рўйхати келтирилган:

Нафрат	Эҳтиром, ташаккур
Ғазаб	Самимият
Кўрқув	Дадиллик
Нотинчлик, саросима	Қалб сокинлиги
Зўриқиш	Рухий хотиржамлик

Икки қарама-қарши туйғу бир хил узунликдаги тўлқинлар чиқариши фактининг икки сабаби бор. Худди доктор Джекил ва мистер Хайдуга ўхшаб биз ҳам икки юзлимиз. Қизиққон кишилар бўлар-бўлмасга йиғлаб юборишини кузатганмисиз? Яхшилигини ҳамма эътироф этувчи инсон эса кутилмаганда жиноят содир қилиб қўяди. Севикли қизларига нисбатан мулоийм, меҳрибон йигитлар қиз уни тарк этмоқчи бўлса, ғазабга миниб дўқ-пўписага ўтишади.

Ёмонликдан буткул халос бўлган одамнинг ўзи йўқ, шунингдек, ҳеч инсон ёвузлик тимсоли бўлиши мумкин эмас. Инсон — қарама-қарши ҳиссиётларга эгаллик хусусияти борлиги учун инсон саналади.

Нафрат қалбингизни забт этса, унинг давосини эҳтиром ва завқшавқ туйғусидан изланг. Бу тўғрида билсангиз ҳам нафрат ўрнашган юракка эҳтиромни сиздириш қийин кечади. Мадад излаб табибга югуринг. Франциянинг Лурд шаҳридаги мўъжизавий сув Биби Марямга эҳтиром туйғулари ила тўлиқлиги учун ҳам шифобахш хусусиятларга эга бўлса керак. Нафрат тўлқинларини чиқариб касал бўлганлар бу муқаддас сувни ичиб шифо топишлари ҳақиқат.

Гомеопатияга пойдевор бўлган қойда бу ерда ҳам амал қиляпти. Заҳарга шу қадар кўп Сув кўшилдики, энди физик усуллар билан заҳарни аниқлаб бўлмайди. Аммо илк заҳарли эритма шифо бўлишини қандай шарҳлайсиз? Модда эриб йўқолса-да, Сувда унга хос тебранишлар хотираси сақланиб қолади; шу боис заҳар дорига айланади.

Мантиқан олганда, дорилар тана учун у қадар фойдали эмас. Дорилар касаллик аломатларини енгиллатиши, оғриқни йўқотиши мумкин, аммо улар кучли заҳарга айланиши ҳам турган гап.

Оғриқ қолдирувчи дорилар кўпинча, оғриқ тебранишларига нисбатан қарама-қарши тебранишга эга бўлади. Лаборатория шароитида турли моддаларни аралаштириб, зарурий тебранишларни топиш мумкин. Бу моддани аввало сичқонда синаб зарурий натижага эришгач, сўнг одамга қўллашади.

Тана дорини қабул қилгач, оғриқ қолади. Доридаги аралашма моддалар тебраниши ҳам тўхтади ва уларнинг ҳар бири асл ҳолатига қайтиб, ўзига хос тебранишлар чиқара бошлади. Тебранишлар тасодифан бошқа ҳужайра таркибига зарар етказса, хатарли асоратдан қочиб қутулолмайди.

Дорилар касалликни даволаш учун ишлатилади, аммо моҳиятан у ёки бу дори қандай таъсир кўрсатишини тушунмаймиз. Агар дорига тебраниш нуқтаи назаридан қарасак, батамом ўзга манзара намоён бўлади. Мисол учун, жарроҳликда шикаст тебранишлари анча кучли тебраниш даражалари билан даволанади. Кимдир баланд бинодан қулаб, ерга зарб билан тушди, дейлик. Ерга урилган вақтда тана тебранишлари даражаси юз-юзлаб бараварга кўпайиб, хатарли ҳолатни юзага келтиради. Бундай вазиятда бемор тенг ёки кучлироқ тебранишлар воситасида даволанади — яъни жарроҳ скалпели ишга тушади. Кескир асбоблар ўз табиатига кўра анча юқори тебраниш даражаларига эга бўлади. Жарроҳ кескир асбоблар ёрдамида бемор танасини ёриб, унда меъерий тебранишларни ҳосил қилади.

Инсон танасини даволовчи шифокор энг аввало файласуф бўлмоғи шарт, деган ишончдаман. Ўтмишда шомон ёки қабила қоҳини шифокор вазифасини бажарган. У қабиладошларини табиат қонунларига бўйсуниб, табиатнинг даволовчи — шифобахш кучларидан фойдаланиб яшашга чорлаган.

Шифокорлар тананинг касал аъзоларинигина эмас, бемор — инсон онгини ҳам даволаганларида эди, вақт ўтиши билан шифокорларга ҳам, касалхоналарга ҳам ҳожат қолмасди. Одамлар оғриб қолсалар, яқинда яшовчи файласуф хузурига ошиқардилар. Файласуф йўл қўйган хатоларини кўрсатиб, тузатиш йўлларини айтар, одамлар эса Тўғри Ҳаёт кечиришга қарор қилиб, уйга қайтардилар.

Ишончим комилки, келажак шифокорлари ҳозиргидай “даволовчилар” эмас, “маслаҳатчилар” бўлишади. Кўплаб одамлар билан соғлиги чатоқлиги тўғрисида суҳбатлашганман. Суҳбатлардан шундай хулоса чиқардим: аксарият касалликларимиз салбий ҳиссиётларга берилиш оқибатидир. Агар сиз салбий ҳиссиётларни енга олсангиз, касалликларни ўзингиз даволашингиз турган гап. Чунки бу инсонга Табиат ато этган тугма қобилият ҳисобланади. Ижобий кайфият муҳимлигини унутманг!

Ижобий фикрлаш иммунитет — касалликка қарши курашиш қобилияти тизимини кучайтиради, соғайиш томон ҳаракат қилишга мадад беради. Ҳозирги тиббиёт ҳамжамияти ҳам ижобий фикрлаш

усулини эътироф этмоқда. Шифокорлардан бири саратонга чалинган беморларни тоққа кўтарилиш билан даволайди. Инсонга Ҳаёт моҳиятини англатсангиз, бу унинг руҳига мадад бўлади ва иммун тизими-ни мустаҳкамлайди.

Айни пайтда “яхлит” тиббиётга қизиқиш кучайган. Яхлит тиббиёт касаллик белгиларинигина эмас, балки беморнинг мавжуд ҳаёт тарзини кўриб чиқади, руҳий ҳолати тўғрисида ғамхўрлик қилади. Яқинда шифокорларимиз Япония Яхлит тиббиёт жамиятини ташкил этдилар.

Кўз кўрсагина ишониладиган замон ўтди-кетди, энди биз инсон учун энг муҳими — қалб поклиги эканлиги тўғрисида ўйламоқдамиз. Биз тўғри йўлдамиз. Янги бошланган юз йилликда гоят кўпчилик тўғри фикрлашни ўрганиб яшайди.

Инсон танаси асосан — Сув, Онг эса — Қалбдир, жондир.

Сувнинг танамиз бўйлаб равон оқишига ёрдам берувчи куч — ҳар қандай тиббиётдан устун туради. Бу куч — қалбимизни покиза тутишимиздир. Танангиз бўйлаб энг гўзал кристаллар ҳосил қилувчи сув оқаётганлигини тасаввур қилинг-а! Шундай бўлмоғини истанг ва бунга эришасиз.

Муҳаббатнинг шифобахш кучига ҳеч қандай дори тенг келолмайди. Бу ҳақиқатни тасдиқ этганимдан буён одамларга қарата, ИММУНИТЕТ — МУҲАББАТНИНГ ЎЗИДИР, дейишдан толмайман.

Дарҳақиқат, салбий кучларни енгувчи, жисмимизга ҳаётий қувват бағишловчи Муҳаббатдан устунроқ не бор?!

Дарвоқе, яқинда бу иборани ўзгартириш заруратини ҳис этдим. Иммунитетни Муҳаббатгина эмас, Муҳаббат ва Эҳтиром вужудга келтиради. Қуйидаги тажрибадан сўнг бунга иқроп бўлдим.

Микротўлқинли печда сувни иситгач, магнит майдони кристалларга қандай таъсир кўрсатишини аниқламоқчи бўлдим. Икки хил сув олдим. Дистилланган ва кран суви. Кран Сувига “Муҳаббат,” “Эҳтиром” сўзларини кўрсатдим. Дистилланган Сувдан шаклланган кристаллар дабдаласи чиққан, нотугал эди... “Муҳаббат”, — “Эҳтиром” сўзлари таъсир этган кран Суви тугал кристаллар яратди. Бошқача таърифласам, “Муҳаббат”, “Эҳтиром” сўзлари магнит майдонининг бузғунчилик таъсиридан Сувни ОМОН сақлашди.

“Муҳаббат”, “Эҳтиром” сўзларини кўрган Сув энг гўзал кристаллар яратади. “Муҳаббат” сўзи ўз-ўзидан гаройиб кристаллар ҳосил қилишга қодир. “Муҳаббат” ва “Эҳтиром” бирлашиб, кристаллга теранлик, нафосат, бриллиантнинг ярқираши монанд шаффофлик бахш этади.

“Муҳаббат” ва “Эҳтиром” кристаллари “Муҳаббат”дан кўра “Эҳтиром” ҳосил қилган кристалларга кўпроқ ўхшайди. Демак, “Эҳтиром” тебранишлари кучлироқ бўлиб, кристаллар шаклланишига катта таъсир кўрсатар экан-да. Муҳаббат — ўзни сўзсиз фидо этиш билан боғлиқ фаол куч. Эҳтиром эса нисбатан суст куч; сизга нимадир берганларидан сўнг пайдо бўлгувчи туйғу; сизга Ҳаёт инъом этаётганликларини англайсиз ва уни шукроналик билан қабул қилиш учун қўлларингизни узатасиз.

Муҳаббат ва Эҳтиром фалсафанинг Ян ва Ин туркумига мувофиқ, дейиш мумкин.

Муҳаббат Қуёш бўлса, Эҳтиром — Ой. Муҳаббат — эркак бўлса, Эҳтиром — аёл.

Суст қувват Ин — Эҳтиром нима учун Яндан — муҳаббатдан кучлироқ экан? Бу саволларга жавоб излаганим сайин биз қандай ҳаёт кечиришимиз керак, деган қизиқ гоёга тўқнашдим.

Муҳаббат ва Эҳтиром ўртасидаги муносабат қандай? Бу саволга жавоб ахтараркан, биз яна Сувга юзланамиз. Сув молекуласи водороднинг икки атом ва кислороднинг бир атоми бирикмасидан иборат бўлиб, H_2O кимёвий формулага эга. Агар Муҳаббат ва Эҳтиром ҳам кислород ва водородга ўхшаб 1:2 пропорция билан боғланса эди, Эҳтиром Муҳаббатга қараганда икки баравар кўп бўларди.

Муҳаббатдан икки баравар кўпроқ Эҳтиром — бу барча интилиши зарур бўлган нисбатдир. Семинарлардан биридаги нутқимда айнан шу нисбатни эслатиб ўтдим. Икки ёш аёл семинардан сўнг ёнимга келиб шундай дейишди: “Мулоҳазаларингиздан гоят таъсирландик. Сиз бу нисбатни эслатиш билан, одам гапирмоғи учун албатта битта оғиз, эшитмоғи учун иккита қулоқ берилган, кам гапириб, кўп эшитиш керак, демоқчисиз, тўғрими?”

— Мутлақо тўғри! — дея ҳайқирарканман айна шу лаҳзада бироз донорқ бўлганимни ҳис этдим.

Табиат оламига боқайлик: суз қувват катта кучга эга бўлади. Денгиз балиғи жуда кўп миқдорда икра-увилдириқ кўяди, лекин бу икранинг озгина қисмигина балиқчаларга айлана олади. Кўплаб икра-лар бошқа денгиз жонзотларига озўқа бўлади.

Одамлар қачонлардир Муҳаббатдан кўра кўпроқ Эҳтиромни қадрлаб яшаганмикин? Аксинча, деб ўйлайман.

Муҳаббатнинг улғворлигини инкор этиб бўлмайди. Муҳаббатнинг кучи ва ҳукмронлиги ҳақида аксарият умумий тушунчага эга. Чунки биз Муҳаббат кучига асосий эътибор қаратилган маданият тарбиясини олганмиз. Аммо бу формуланинг иккинчи қисми деярли унутилган.

Инсоният ниманики кўз билан кўриб бўлмаса, ундан юз ўгирди, бутун эътиборини моддий оламга қаратди. Моддий оламдан кўпроқ нарса олиш мақсадида ўрмонларни ёппа кесиб юбордик, чўлларни ўзлаштирдик, шу зайл ўз маданиятимиз ҳукмронлигини таъминладик.

Инсоният жамиятининг мазкур ривожини, дарҳақиқат, оиламизга, юртимизга Муҳаббат меваси, деб қараш тўғри бўлур эди. Аммо шу зайл яшайверарканмиз, жанжалларнинг ниҳояси бўлмайди. XX аср тарихи курашлар ва урушлар тарихи эканлигининг бош сабаби ҳам Муҳаббатнинг оила, юрт сингари тор доирада қолиб кетганлигидир.

Ва ниҳоят, ақл-ҳушимиз орқали ёниб кетаётган йўлимизнинг боши берклиги, ҳеч қаёққа олиб бормаслигини кўрсак, ажаб эмас. Ҳаётнинг барча бойликларини эгаллаш учун гоят кўп қурбонликлар бердик. Ўрмонлар кесиб битириляпти, тоза сув тугаб битди, ҳатто она-Ерни ҳам тилка-пора қилиб, бўлаклаб сотдик.

Дунёмизнинг бугунги эҳтиёжи — Эҳтиром. Энг биринчи қиладиган ишимиз борига шукур, қаноат қилиб яшаш бўлсин. Табиат олами ранг-баранг, гоят бой сайёрада туғилганимиз учун шукур қилмоғимиз зарур. Ҳаётимизни ҳаёт қилаётган Сув қошида Эҳтиром бажо қилмоғимиз эса шарт. Кўкракни тўлдириб тоза ҳаводан нафас олиш имконияти борлиги учун шуқрона айтишни биламизми?

Кўзингизни катта очинг; қалб нигоҳи билан тегрангизга боқинг, ҳа, бу олам борлигининг ўзиёқ ҳар нафасда Эҳтиром ила яшашга арзийди.

Эҳтиром тимсолига айлансангиз, танангиз бўйлаб оқаётган сув нақадар тоза бўлишини тасаввур этинг-а! Шундай қила олсангиз, гўзаллашиб, ёруғлик таратаётган кристаллга айланасиз.

Тўртинчи боб

АТИГИ БИР НАФАСДА ДУНЁ ЎЗГАРАДИ

Сизнингча, чинакамига тоза сувни қаердан топиш мумкин? Швейцария Алплариданми? Балки Шимолий кутбдандир? Ёки Жанубий-сиданми? Тайёрловчилар дунёда энг яхши деб тасдиқлаётган бир шиша сув топиш қийин эмас. Аммо ҳақиқатан яхши сувни сотиб олиш мумкинми?

Сув — шунчаки оддий H_2O эмас. Майли, сиз энг табиий, сифатли Сув ичинг, агар қалбингиз пок бўлмаса, оби-ҳаёт ширин таъм бермайди.

Ижозатингиз билан сизга савол берай: қалбингиз покми?

Ишдаги келишмовчиликлар сизга оғирлик бермайдими? Оилавий жанжалларга қандайсиз? Онгингиз сокин эмасми? Дарҳақиқат шундай бўлса, энг оддий, жонга теккан таъмли Сув ичмоқдасиз. “Ҳаммаси онг орқали ўтади, демоқчимисиз?”, деган фикрга бордингиз. Лекин мен бошқа бир ҳақиқатни сизга етказмоқчиман: шукроналик билан ичилган Сув таркиби қалбда қора туйғулар билан шимирган Сувдан фарқ қилади.

Ҳиссиётлар ва сезгиларимиз ҳар нафасда бу оламга таъсир кўрсатиб туради. Бунёдкор сўзлар ва тимсолларни йўллаш билан гўзал олам яратишга ҳисса қўшасиз. Бузғунчи фикрлар чиқарсангиз, Коинотни вайрон қилувчилар сафида бўласиз. Бу ҳақиқатни тушунгач, энди атрофингиздагиларга ғазабнок сўзлар айтишдан тийиласиз, ўз хато ва камчиликларингиз учун бошқаларни айбламайсиз. Ҳа, дунёни бир нафасда ўзгартиришга қодирсиз. Қуйидагилардан қай бирини танлайсиз?

Муҳаббат ва Эҳтиромдан ёришган оламними? ЁКИ УҚУБАТ, НОШУКУРЛИК, НОТАВОНЛИКНИМИ? Айни вақтдаги кайфиятингиз — жавобни белгилайди.

Буддавийлик таълимотига кўра, оламда ҳамма нарса доимий ўзгаришда, ўзгарувчанликкина муқимдир.

“Тебранишлар” тилида буни шундай тушунмоқ керак: тебранаётган жисмининг ҳолати ўткинчи, тебранишлари эса абадийдир.

Бу оламда неки мавжуд экан, айни ҳозирда яшайди, деган тушунчани аңлаш сизга умид бағишлайди, ҳаётингизни ёруғликка тўлдиради. Ўтмишдан хавотирингиз йўқ, келажак қандай бўлишини истасангиз, у шундай бўлади. Сизнинг қандайлигингиз айни шу лаҳзада бутун дунёга туша оладиган калит экан.

Инсон онги бу дунёга қанчалар таъсир кўрсата олишини синаш учун тажриба ўтказасиз. Фикрингиз кучи ёрдамида осмондаги булутни артиб ташланг.

Очиқ кун. Осмондаги жажжи булутни нишонга олинг. Бу ўйинда фикрлар муҳим, шу боис ҳам булут йўқолишига ИШОНИШ зарур, аммо ортиқча зўриқманг. Ҳаддан зиёд жамланиш ҳам тескари самара — натижа беради — қувватингиз кулфланиб, ишлолмай қоласиз.

Онгингиздан булутга йўналган, уни парчалаётган кўринмас қувват нурини тасаввур қилинг. Кўплаб лазер нурлари нақ булутни нишонга олганини хаёлан кўринг.

Кейин эса ўтган замон феълида “Булут йўқолди. Қувватим, раҳмат, буни удаладинг”, денг. Бу кўрсатмаларни қадам-бақадам тўғри бажарсангиз, булут сийраклаша боради ва сониялар ичида йўқолади.

Инсон онги теграмизни қуршаб турган оламга катта таъсир ўткази олишини бу тажриба кўрсатяпти. Булут газсимон ҳолатдаги Сувдан иборат, шу бойс бу Сув бизнинг иродамизга бўйсунди. Онг моддий оламга таъсир ўткази олади, деганлар адашади.

Назариячи физик олим Дэвид Бом шундай дейди: **КОИНОТНИНГ ҲАР БИР БЎЛАГИ ЎЗИДА КОИНОТНИНГ БАРЧА БЎЛАКЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ САҚЛАЙДИ.**

Бошқача айтганда, ҳар бир одамда, ҳатто унинг ҳар бир ҳужайрасида Коинот тўғрисида маълумот сақланади. Бу маълумотга Вақт категорияси ҳам киради. Айтайлик, сизнинг шу ерда, ҳозир мавжудлигингиз бугун, ўтмиш ва келажак маълумотлари жамланган Умумкоинот ахборот банкига уланган. Худди шу бойс оламни бир нафасда ўзгартириш имкони шунчаки ҳаёлпарастлик эмас.

Келинг, ана шу “бир нафас” ҳақида ўйлаймиз. Табиий, илмий тасаввурларга суяниб буни қандай талқин этсак экан? Дэвид Бомнинг бир нафас тўғрисидаги фикри шундай: Ички Коинот қандайдир жиҳатдан, Вақтнинг ҳар лаҳзасини проекциялаб, Ҳозирни яратади.

Вақтнинг навбатдаги лаҳзаси — Коинотнинг бошқа бир томони акс этишидир ва ҳоказо. Ҳар лаҳзада биз ўзга оламни кўрамиз. Аммо бир лаҳзалик олам навбатдаги лаҳзалик оламга таъсир кўрсатади, шу бойсдан ҳам узлуксиз олам билан бақамти туюламиз.

Ушбу назарияга кўра шундай деймиз: Олам ҳар нафасда ўзгариб туради ва ҳар лаҳза янгитдан яратилади. Онгимиз ҳам оламнинг узлуксиз яратилишига ўз ҳиссасини кўшади. Агар бу ҳақиқатни англасангиз, ҳаётингиз буткул ўзгаради.

Ҳозирги ҳикоямни тушуниш биров қийинлиги учун яна кристалларимизга қайтамиз. Теграмиздаги олам ҳар нафасда ўзгариб туради, Сув эса бу ўзгаришни биринчи бўлиб ушлаб қолади.

Қачондир тебранишларни ўлчовчи асбоб ясаб, Сувни яхшироқ тушуниш учун ундан фойдалангандим. Ироқ Қувайтга бостириб кирган, биринчи уруш бошланганининг илк куни мен Токиодаги водопровод сувлари тебранишларини ўлчаётган эдим. Сувда симоб, қўрғошин, алюминий ва бошқа инсон учун зарарли моддалар тебраниш даражаси кескин кўтарилганлигини кўриб ҳайрон бўлдим. Бундай бўлишига асос йўқдай эди. Балки асбобим бузилгандир десам, у ҳам жойида. Ўлчов ишларини такрорлаганимда эса зарарли моддалар миқдори янада кўтарилгани маълум бўлди. Кейинги кун газеталарда Форс кўрфазидида уруш бошланганлиги тўғрисида ўқиб, батамом боғланмайдиган ҳодисаларни боғладим. Урушнинг биринчи куни ташланган бомбалар миқдори Вьетнамдаги урушда ташланган жами бомбалар миқдори билан тенг экан!

Уруш ҳаракатларидан минглаб километр узоқдаги Японияда туриб, зарарли моддалар тебранишини уруш бошланган пайт билан бир вақтда ўлчашга муваффақ бўлдим. Наҳотки бу мумкин бўлса, деб сўрасиз?

Форс кўрфази узра ташланган бомбаларнинг зарарли оқибатлари шу заҳотиёқ Японияга кўчиб қолиши мумкин эмас эди. Шундай бўлсада, Ер шарининг бир томонига ташланган бомбанинг зарарли тебранишлари қандай қилибдирки, сайёранинг барча бурчакларига етиб улгурди. Бу тебранишлар Вақт ва Макон қонунларига бўйсунмаган ҳолда тарқалади. Назаримда, тебранишлар уч ўлчамли оламимизда ҳам эмас, бизга кўринмайдиган оламда ҳам эмас, қандайдир оралик ерда мавжуд. Ерда қандай ҳодиса рўй беришидан қатъи назар, Сув буни тутиб олади ва янги маълумотни бизга узатади.

Кўрфазда уруш бошланганда, ҳали муз кристалларини расмга туширишга киришмагандим, агар шундай қилганимда, ғалати расмлар чиқиши тайин эди.

Тебранишлар моддий оламни лаҳзаларда ўзгартириб юборганлигига мисол келтираман. Мазкур ҳодисада Сув дуолар кучи билан то-заланган.

Марказий Япониянинг Фудзивара тўғонида будда мактаби руҳоний-си Хоуки Като илтимосимизга биноан, бир неча марта ибодат оят-саноларини куйлаб берди. Руҳоний билан танишганимда, у менга Сувнинг икки хил расмини кўрсатди. Биринчи сурат ояти — санолар куйлангунга қадар, иккинчиси эса Сув ибодат саноларини эшитгандан сўнг туширилган. Иккинчи суратдаги кўл Суви анча тоза эди.

Будда таълимотига кўра, ибодат дуолари кучи “Сўз руҳи”дан таралади. Айнан “Сўз руҳи”дан чиқаётган қувват кўл сувини тозаллаган, дейиш мантиқан тўғри бўларди. Бу тахминни текшириш учун ибодат дуолари кўшигини эшитмаган ва эшитган Сув кристалларини расмга туширмоқчи бўлдим. Руҳоний бир соат мобайнида кўл қирғоғида тик туриб сано куйлади, мен эса уни видеога туширдим. Санолар тугагач, руҳоний билан суҳбатлашардик. Орадан 15 дақиқа ўтмай, гуруҳимиз аъзолари мени чақириб қолишди.

“Ишонини қийин! Кўз ўнгимизда Сув тозаланиб боряпти”, деди кимдир. Дарҳақиқат шундай эди. Сувга боқарканмиз, у тобора шаффофлашаётганлигини кўрардик. Ҳатто кўлнинг илгариги лойқа тубида сезилмаган барглар ҳам кўзга яққол ташланарди.

Кейин кристалларни суратга туширдик. Оят-санолар куйлагунга қадар олинган Сув кристаллари қинғир-қийшиқ, буришиқ бўлиб, қаттиқ азобни бошдан кечираётган инсон суратига ўхшарди. Ибодат маросими мобайнида Сув яратган кристаллар тугал, бағоят зўр эди! Каттароқ олти қиррали кристалл ичида кичикроқ олти қиррали кристаллар жойлашган бўлиб, иккисининг ҳам ёруғ гардишли нақши товланарди.

Ибодат саноларидан сўнг, албатта, шаффоф бўлмоқ учун Сувга вақт керак, бу ҳолат эса моддалардаги ўзгаришлар аста-секин рўй беришини кўрсатиб турибди. Ибодат тебранишлари зудлик билан яқиндаги нарсаларга, жумладан, Сувга етказилгани шубҳасиздир. Биз физикавий феноменни кузатдик. Бизники деб аталган олам теграсида бошқа олам ҳам борлигини тан олмагунча, бу феноменни тушунтириб бўлмайди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Тажрибамиздан бир неча кун кейин газеталарда бир фожиа ҳақида ёзишди. Кўлдан аёл кишининг жасади топилибди. Беихтиёр сувга ибодат санолари ўқилгунга қадар ҳосил бўлган кристалларни эсладим. Дарҳақиқат, улар ўлим билан олишаётган инсон юзига гоят ўхшарди.

Балки бу аёл руҳи Сув кристаллари орқали бизга нимадир демоқчимикин? Оят-санолар унинг руҳига енгилдик берган бўлса, ажабмас. **БИЗ ЯШАЁТГАН ОЛАМДАН ҲАМ ЎЗГА ОЛАМ МАВЖУД. ЎША ОЛАМДАН БИЗ ТОМОНГА ҚАРАЛСА, ҲОЗИР КҮРИНМАЁТГАН НЕЛАРДИР НАМОЁН БҮЛАДИ.**

Англиялик олим доктор Руперт Шелдрейк биз кўра олмайдиган олам мавжудлиги ва у бизнинг оламимиз билан боғланганлигини инсониятга теран англатиш йўлидаги тадқиқотларни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди. Кембридж университетига биохимия доктори илмий даражасини олишга эришгач, мазкур илм даргоҳида биология, биохимия ўқитувчиси бўлиб ишлади, Қироллик илмий жамиятининг аъзоси этиб сайланди.

Шелдрейк 20 йил мобайнида ёзган китоби (қаранг: Руперт Шелдрейк, “Фаришталар физикаси” — М.: Гелиос, 2003) да ўз назариясини баён этган. Бироқ “Нэйчер” илмий журнали китобни танқид қилиб, ёндириш керак, дейишгача бориб етди. Бундай нохушликларга қарамай, асар кўплаб одамларнинг қалбини уйғотди. Бу йўналишдаги тадқиқотлар давом этмоқда. Китоб нимаси билан ўзига жалб этади? Кўпинча, бирор ҳодиса икки марта рўй берса, яна қайта содир бўлади, дейишади. Бахтсиз ҳодисалар, жиноятлар кўпинча “ғам ҳам, шодлик ҳам кўшалок келади”, нақлига кўра рўй беради. Инсоният жамияти тарихини ўрганаркансиз, муҳим воқеалар маълум вақт оралиқларида, одатда, даврий равишда такрорланишига гувоҳ бўласиз. Воқеаларнинг ажабтовур такрорини қандай изоҳлаш мумкин? Доктор Шелдрейк бу саволга илмий усулларни қўллаган ҳолда жавоб топмоқчи бўлди.

Олимлар кўз билан кўриш мумкин бўлмаган ҳодисалар, ғайритабиий ҳудудларни ўрганишда редукционизм усулини қўллашади. Аммо Шелдрейк батамом бошқа йўл тутди.

Олимнинг назариясига биноан, бирор ҳодисанинг такрорланиши “морфоген майдон” ҳосил қилади. Бу майдон резонанси натижасида ҳодисанинг қайта рўй бериш эҳтимоли кучаяди. “Морфоген майдон”ни қувватга асосланган ахборот эмас, балки қурилажак уй лойиҳаси, деб айтиш мумкин. Бу резонанс назариясига бир мисол бўла олади. Доктор Шелдрейкнинг тахминича, ҳодисалар ҳам товушлар сингари резонанс чиқаради. Айни бир ҳодиса такрорланишини “морфоген резонанс” деган ибора билан номлайди. “Нэйчер” журнали бу назарияни пучга чиқарган бўлса-да, “даргоҳи кенг” олимлар томонидан қизиқиш билан қаршиланиши, жиддий муҳокамага туртки берди. Шубҳасиз, Шелдрейк илм йўлидаги илк қадамни фан очган сўқмоқлардан бошлаган. Аммо унинг назарияси ҳозирги замон анъанавий илм-фани қолипларига тушмаганлиги учун ҳам тўсиқларга учради.

Одамлар бундай мавзулар муҳокамаси пайтида кўпинча глицерин кристаллари воқеасини эслашади. Кашф этилганидан буён ўтган 40 йил мобайнида глицерин кристалл ҳосил қилмайди, деган ишонч бор эди. ХХI аср бошларида Венадан Лондонга “саёҳат қилаётган” глицерин тўсатдан кристаллана бошлади. Орадан кўп ўтмай, тамоман бошқа ҳудудда ҳам глицерин кристалланишга киришди. Глицериннинг кристалланиш ҳодисаси кенг ёйила бошлади. 17 даражадан паст ҳароратда глицерин кристалл ҳосил қилиши ҳозир илмий жиҳатдан исботланган.

Хўш, бундан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Қачонки, кристаллар илк бор шаклланиганда, морфоген майдон вужудга келган. Вақти-соати етиб, қолган глицеринлар ҳам шунга мувофиқ кристаллана бошлаган. Бошқа моддалар билан ҳам шундай воқеа рўй берган. Ҳар қандай тасодифларга қарамай, агар модда кристалл ҳосил қилган бўлса, бу одатдаги ҳолга айланади.

Шелдрейкнинг морфоген резонанс назарияси асослими-йўқми текшириб кўриш учун Англия телеканалларидан бири жамоатчилик кўз ўнгида тажриба ўтказди. Иккита сурат тайёрланди. Иккала сурат ҳам бетартиб нақшлардан иборатга ўхшар, аслида эса бирида шляпали аёл, иккинчисида эса мўйловли эркак сурати яширилган бўлиб, топиш маҳол эди.

Тажриба уч босқичда ўтди. Бу кўрсатув тўғри эфирга олиб берилди. Кўрсатув иштирокчиларидан суратларда нимани кўришаётганини

айтиш сўралди. Кўрсатув мобайнида мўйловли эркак сурати ошкор қилинди. Тажрибадан кейин кўрсатувни кўрмаган бир гуруҳ иштирокчидан суратларда нима тасвирланганлигини айтишни сўрашди.

Тажриба иштирокчилари икки гуруҳ эди. 1-гуруҳ — тажрибани бевосита кўраётганлар. 2-гуруҳ кўрмаётганлар. Қарангки, 2-гуруҳ суратда мўйловли эркак акс эттирилганлигини 1-гуруҳга нисбатан 3 барабар кўп кўришган. Агар кимдир ниманидир билса, бошқаларга ҳам бу ҳақда маълум бўларкан-да. Айнан морфоген майдон боис, ушбу воқеада тўғри жавоб ҳайратли тарзда кўп бўлди.

Доктор Шелдрейкка кўра, ДНК — бир оилага хос тузилиш, феъл-атвор ўхшашлигининг ягона сабаби эмас; бунда морфоген резонанс ҳам маълум рол ўйнайди. Шунингдек, Шелдрейк назариясининг бунга оид яна бир неча талқинлари ҳам мавжуд.

Шелдрейк назариясига хос энг муҳим жиҳат шундаки, вақти-соати етиб, морфоген резонанс борлиқ макон ва замон бўйлаб таралади. Яъни, морфоген майдон шаклланган бўлса, зудлик билан ҳамма ерга таъсир ўтказа бошлайди ва бутун олам миқёсида лаҳзалик ўзгаришлар содир этади.

Шелдрейк назарияси тўғрисида илк бор эшитганимда, ўз тадқиқотларим билан морфоген майдон тебранишлари ўртасидаги боғланишдан ҳаяжонга тушдим.

Дастлабки икки ойлик муваффақиятсиз уринишлардан кейин, ниҳоят, Сув кристалларини расмга олишга муваффақ бўлдим. Илк кристаллар расмини олишим баробар бошқа тадқиқотчиларнинг ҳам йўли очилди. Бу ҳам бўлса, морфоген резонанс самараси. Доктор Шелдрейк тўғрисида Эйти Ходзиронинг “Нима учун шундай бўлади?” бестселлер китобидан билганман. “Олти ғаройиб олим” хужжатли фильмида Шелдрейкни кўргач эса, унинг тадқиқотларига ғоят қизиқиб қолдим. Орадан тўрт йил ўтиб, Европа бўйлаб маърузалар ўқиб юрганимда доктор Шелдрейкни кўриб, танишиш имкони юзага келди. Унинг Лондондаги уйида бўлдим.

Доктор Шелдрейк сув кристаллари билан боғлиқ тадқиқотларимдан хабардор экан. “Ҳафтада, ҳеч бўлмаса битта ихлосмандингиздан хат оламан, улар сиз ҳақингизда ёзишади”, деди у. Бир-биримизга саволларимиз ғоят кўп эди. Доктор ўз мулоҳазаларини шундай баён қилади: “Мен тирик организмлар, уларнинг хусусиятларини ўрганаман, Сув олами билан эса таниш эмасман. Аммо, келажакда иккимизнинг тадқиқотларимиз бир-бирига боғлиқ эканлиги аён бўлади, бунга ишончим комил”.

Мени кузатиш жараёнининг кузатилувчига таъсири масаласи кўпроқ қизиқтиради. Орқасидан кузатиб турганларини ҳис этувчи одамлар бор. Бу борада тадқиқот ўтказмоқчиман.

Мазкур тадқиқотнинг хужжатли асослари субъектив деб эътироф этилиш хавфи бор, шу боисдан ҳам тажрибалар учун балки Сувдан фойдаланармиз. Кристалларни расмга олишга ҳаракат қилиб кўраман. Сув турли шароитда қандай ўзгаришга учрааркин? Сувга эътиборсизлик қилинганда, иқтидорли, оддий, ёмон одамлар унга тикилиб турганда, қандай жавоб бераркин, билмоқчиман.

Гуруч билан боғлиқ тажрибаларни доктор Шелдрейкка айтганимда, у одамнинг Сувга таъсирини кўрсатиш энгилроқ кечишини маълум қилди.

Ҳозирда олим телепатия ҳодисасини тадқиқ этмоқда. Итлар ўз эгалари уйга қайтаётганини сезадими-йўқми? Бунинг учун махсус видео-асбоб олган олим бу ҳодисани 200 ҳолатда исботлади.

Доктор Шелдрейк менга шундай нома ёзган эди:

“Кўзга кўринмас қувват ҳаракати борлиги учун ҳам ҳаёт бор, яшаймиз. Биз буни ҳамиша ёдда тутишимизни, теграмиздаги одамларга, ҳодисаларга эътиборли бўлишимизни истардим. Бу жуда муҳим. Гап шундаки, нимага қарасак, унга таъсир ўтказамиз. Буни ҳамма биладиганга ўхшайди, аммо ҳеч ким амалда қўлламайди. Ота-оналар ҳам фарзандларига имкон борича кўпроқ эътибор қаратсинлар. Бу ҳам айна юқоридаги фикр”.

Кимгадир диққатингни бериш Муҳаббат изҳорининг айна ўзидир. Доктор Шелдрейк онг жонли, жонсиз моддаларга таъсир кўрсатиши тўғрисидаги назариянинг асосчиларидан бўлганлиги учун ҳам мулоҳазаларини қадрлайман.

Сув ҳамда Шелдрейк таълимоти инсониятга бераётган билимларни таққосларкан, мавжуд олам сирларини очиш учун ташланаётган қадам эканлигини англаймиз. Оллоҳ биз — инсонларга ижод қилиш, яратиш лаёқатини инъом этди. Агар бу лаёқатни тўла ишга сола билсақ, оламни лаҳзаларда ўзгартира оламиз.

Ўз юмушларига, изтиробларига ўралиб, мушкуллар ечимини тополмаётганларга Худонинг Ўзи берган бу имконият далда бўлмоғи керак. Сиз, ҳа, ҳа, айнан Сиз дунёни ўзгартира оласиз!

Оламда барча нарса ўзаро боғланган. Сиз ҳозир ниманидир қилиясизми, айна лаҳзада шу ишни бошқа биров ҳам бажаряпти. Хўш, қандай морфоген майдон яратамиз? Изтироблар, ёмонликлар майдониними ёки Муҳаббат ва Эҳтиромга чулганган оламними?

Сувнинг ёнида ўтирган кўйи унга Муҳаббат ва Эҳтиром номаларини йўлласангиз, ер шарининг олис нуқтасидаги қандайдир инсон бу муҳаббат, эҳтиромни туяди. Қаергадир боришингизга ҳожат йўқ. Кўз олдингизда мавжланган Сув дунёдаги уммонлар, денгизлар, дарёларда мавжуд жамики сувлар билан боғланган. Сиз тикилаётган Сув сайёранинг барча нуқталаридаги Сувларга резонанс беради ва Муҳаббатингиз номаси барча инсонлар қалбига етиб боради.

Сайёрамизни Муҳаббат ва Эҳтиромга буркай оламиз. Ва Еримиз бутун Борлиқни ўзгартира олувчи морфоген майдонга айланади. Куттиш ҳам, қайгадир бориш ҳам керакмас: шу ерда, ҳозир фаройиботлар яратишни бошлайлик, азиз инсон.

Бешинчи боб

БУТУН ОЛАМНИ ТЎЛДИРГАН ТАБАССУМ

...Сув кристаллари тадқиқотининг келажаги қандай? Бу саволга жавоб беришдан аввал бу тадқиқот натижалари Фан томонидан эътироф этиладими, деб ўйлашимиз зарур. Хориждаги маърузаларимда кристаллар расмларини кўрсатарканман, мени саволларга кўмишади. Мусиқий ёзувлар ва жонли ижрони тинглаган Сув кристаллари ўртасидаги фарқ нимада, деганга ўхшаш саволлар беришади. Бундай саволларга жавоб бериш учун тадқиқотларни давом эттириш, турли шароитларда кўплаб тестлар ўтказиш жоиз.

Яна бир муҳим масала — тестларнинг такрорийлигидир. Кузатувчининг онги кристаллар шаклланишида муҳим аҳамиятга эгаллиги исботини топган. Одатдагига кўра, элликта Сув намуналарини идишга куярканмиз, Сувга бўлган муносабатгина эмас, тадқиқотчининг фикрлари ҳам кристаллар шаклланишига таъсир кўрсатиши маълум бўлди.

Бундан ташқари, элликта Сув намуналари ҳолати вақтнинг ҳар бир сониясида ўзгариб туради. Қандай йўл тутмоқ керак? Илмий нуқтаи назардан барча шароитлар мутлақ бир хил деган ўлчовни тасдиқлаш мақсадида шарт-шароитлар — омилларни назорат қилиш ақлга сифмайди. Лекин қаловини топса, қор ёнади, қабилда йўл тутдик. Тадқиқотчи фикрларини Сувга таъсир этмаслиги чорасини топсак-чи? “Раҳмат”, “Сен аҳмоқсан” сўзлари таъсирида Сув қандай кристаллар ҳосил қилиши ҳақида тадқиқотчининг фикри мавжуд. Ана шу фикр тадқиқотларимиз натижасига таъсир кўрсатмаслиги учун ҳаракат қилдик. Идишларни алифбе ҳарфлари тартибда белгилаб, натижа маълум бўлмагунча, қайси идишда қандай Сувлигини сир сақлаймиз.

Шу тариқа тадқиқотчиларнинг фикрлари таъсиротидан Сувни сақлашга умид боғлаймиз. Эллик дона идишда ҳосил бўлган кристаллар миқдори, шакли кўрсатилган жадвал тузамиз. Ҳар бир кристалл намуналари сифатига кўра — чиройли, олти қиррали, тугалланмаган ажратиб чиқилади. Чиройли кристаллар, олти қиррали кристаллар, тугалланмаган кристалларни солиштирамиз. Айни шу чиройли ёки олти қиррали намуналарнинг энг муҳим белгиларини ўзида мужассам этган кристаллни танлаб, суратга оламиз.

Кузатувчи-тадқиқотчининг фикрларигина эмас, сиҳат-саломатлиги ҳолати ҳам Сув кристалларини ўзгартириб юборади. Буни ҳам инobatга олган ҳолда бирваракай уч-тўртта тажрибали тадқиқотчи ҳар бир Сув намунасини ўрганади. Бу усуллардан мақсад пировард-натижани қўлга киритишдан, Коинот элчиларининг энг латифи бўлмиш Сув номаларининг мағзини чақишдан иборат. Зилзила содир бўлишини аввалдан айтиб беришда Сув кристаллари олдига тушадиган йўқ. Зеро, бешқа унсурларга қараганда, Сув ер силкенишини олдинроқ илғаб олишга қодир экан. Хаёлларга бериламан. Сизот Сув намуналаридан ҳар куни олиб, кристалларда содир бўлаётган ўзгариш жараёнларини вақтида аниқлаш мумкин. Бунинг учун зилзилага қадар ва ундан сўнг Сув ҳосил қилган кристаллар расмларини солиштириш кифоя. Зилзила рўй бергунга қадар ҳосил бўлган кристаллар расмларидаги маълумотларни қиёслаб, умумий ўхшаш жиҳатлари жамланади. Ана шу маълумотдан зилзилани башорат қилишда фойдаланса бўлади.

1923 йилдаги даҳшатли зилзилада бобомдан, бувимдан, холамдан айрилганман. Кобада рўй берган 1995 йилдаги зилзила вайронагарчиликлари кўлами эхсонамизни чиқариб юборган. Ҳа, бундай табиий офатлар юракларга кўрқинчли из солиб кетади. Зилзилани олдиндан айтиб беришда Сув кристаллари мададига суянилса, шубҳасиз, бутун инсоният учун хайрли бўлур эди. Келгусида эса Сув кристаллари башорати тўфон, сел, эпидемия ва ҳатто уруш офатлари олдини олишда инсониятга асқотса, ажаб эмас.

Сув кристаллари расмини олишни ҳар қандай киши ҳам, касбидан қатъи назар, удалай билишини истаيمان. Айни пайтда шуни оммалаштириш устида ишламоқдаман. Имоним комилки, яқин келажакда бу орзу ҳам ушалади. Ҳозирда, одатдагисидан 20 баравар чидамли, самарали бўлган ўта иссиқлик ўтказувчи материалларни синаб кўряпмиз. Бу эса Сувни хона ҳароратида музлатиш имконини беради.

— 5 даражагача совутилган махсус хонада кристалларни расмга олишнинг ҳожати қолмайди. Олимлар, истаган одам Сув кристалларини тасвирга тушириши мумкин бўлган ана шу технология устида иш олиб боришяпти.

Инсоният яқин келажакда Сув кристалларидан фойдаланишга асосланган технологияни ўзлаштириб олади. Аммо, калтакнинг икки учи борлигини унутмаслик зарур. Сувда яширин қудратдан тўғри, эзгулик йўлида фойдаланиш инсониятга шараф, саодат келтиради, аксинча, сувни тор манфаатлар, ўзгаларга зарар етказиш қуроли қилиб олсалар-чи?

Вужудимиз асосан Сувдан иборатлиги учун ҳам Сувсиз яшаш мумкин эмас. Айни пайтда Сув бутун бошли инсоният тамаддунини ювиб кетишга, бемисл талафотлар етказишга қодирлигини унутмаслик шарт. Нима қилмоқ керак? Бу дунёнинг қиёфаси ҳар бир инсон қалбида нималар мавжудлигига боғлиқ экан...

Инсон қалби оламга бахт ҳам, изтироб ҳам бера олиш кучига эгаки, Сув кристаллари айнан шу қалб ҳолатларини инъикос эттиради. Ҳаётда тўғри йўлни қандай қилиб топиш мумкин? Муҳаббат ва Эҳтиромни кўнгилга жо айлаб! Муҳаббатга лиммо-лим юрак Эҳтиром ҳиссини уйғотади. Муҳаббат эҳтиром туйғусини тўғри йўлга бошлайди. Эҳтиром ва Муҳаббат бутун дунёни тўлдира олишини Сув кристаллари бизга намойиш этди.

Ҳар биримизнинг зиммамизда Сувни поклаш, озод ва бахтли оламимизни бунёд этиш вазифаси турибди.

Асрлар, минг-минг йиллар мобайнида инсоният Ерни инсофсизларча талон-тарож қилди, ҳар бир янги авлоддан Заминга ёмонлик мерос қолавердики, бу тарих Сувга жо бўлди. Энди эса Сув биз билан суҳбатга киришди. Биз зориққан, муҳтож бўлган илмни Сув ўз кристаллари орқали беряпти. Айнан бутун биз сайёрамиз тарихи солномасининг янги саҳифасини очмоғимиз зарур. Шу лаҳзада биз, сиз қандай йўналишда кетаётганимизни Сув сокин ва ғамхўрлик билан кузатмоқда. Сув ҳар биримизни кузатмоқда.

Ўқувчим, сиздан ягона ўтинчим: СУВ ИНСОНИЯТГА, шахсан сизга нима демоқчилигини эшитинг ҳамда қабул қилинг.

ХОТИМА

Сувнинг, Коинотнинг ғаройиб хусусиятларига оид кашфиётлар такомил топаверади.

Сув Коинотнинг олис-олис пучмоқларидан Ерга келишда давом этаётганини эшитиб, ҳайратга ботган эдим. Сув шу зайл мутассил келиб турса, Ер юзида эртами-кечми қуруқлик қолармикан, деган хаёлга ҳам бордим-у, яхши ният ҳамиша яхшилик ҳосилини беришини англаб, ёмон фикрларни ҳайдадим.

Қадим замонлардан буён Сув ҳаёт манбаи бўлиш билан бирга Бани Башар бошига вайронагарчиликлар, мусибатлар ҳам келтирган. Инсоният тадрижий тамаддуни тарихида ғоят катта Сув босишларга оид маълумотлар учрайди. Нуҳ пайғамбар замонидаги Тўфон, Атлантида ва Му қитъаларининг Сув қаърига қириб кетганлигини замонавий илм фан тасдиқламоқда. Нуҳ алайҳиссалом қавми шу даражада нафс қулига айланишган эканки, улар ўрмонларга қирон келтиришган, Ер юзида эса атиги уч дона дарахт қолган экан. Нуҳ алайҳиссалом ана шу шамшод дарахтларидан кема ясаб, унга эргашган одамларни, қушлару ҳайвонотни тўфондан қутқариб қолган экан.

Ҳаёт чархпалаги мангу айланаверади, тарих такрорланаверади. Модомики шундай экан, Коинотдан келаётган Сув сайёрани босмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Балки бу ҳодиса ўн минг

йиллардан сўнг содир бўлар, биз эса ана шу фожианинг олдини олишга ҳозирдан киришмоғимиз зарур. Ҳали эрта, дейсизми? Айни пайтда Заминимизнинг турли ҳудудларида рўй бераётган сел, сув тошқинлари “Sos!” сигналини босиш учун сабаб эмасми?

Ана шундай хавотирлар ичида эканман, тўсатдан ҳаёлимга кутилмаган фикр келди. Микроолам (одам) — макроолам (Коинот)нинг айни нусхаси, коинот эса улкан мандала (санскритда — айлана, чархпалак) демакдир. Бундай фикрлар оқимидан қуйидаги мантиқий хулоса келиб чиқади: Коинотда нимаики содир бўлса, бизнинг жисмиимизда ҳам рўй беради.

Сув инсон вужуди бўйлаб мунтазам айланиб туради, ўз-ўзидан аёнқи, бундай ҳодиса Коинотда ҳам доимий равишда содир бўлади. Катта миқёсдаги Сув бир йўналишга — Ерга тушадиган бўлса, Коинот миқёсидаги Сув айланишига путур етади. Ерга мутассил ёққан сув гаройиб, узундан-узоқ саёҳатига нуқта қўяди. Алал-оқибат Коинотнинг олис-олис пучмоқларига қайтади.

Биз учун Сувнинг мутассил Ерга ёғиб туриши қандай аҳамиятга эга? Аслини олганда, Ер Коинотнинг муз бўлаги тушадиган ягона манзил эмас. Аммо муз тоғи қўниши мумкин бўлган биз билган ўзга сайёраларда Сувни тўплаш учун зарур шарт-шароит йўқ. Куёш системасини инсон танасига таққослайдиган бўлсак, Ер бу “тана”да жигар вазифасини бажаради, дейишга журъат этаман.

Жигаримиз ҳар куни 200 литр сувни тозалаб, уни жисмиимизнинг бошқа аъзоларига юборади.

Демак, Ер Куёш системаси бўйлаб айланувчи Сувни тозалашдай улугвор, ҳаётий муҳим вазифани бажарар экан. Шундай экан, Ерга келиб тушган Сувни тозалаш масъулияти кимнинг зиммасига юкланган? Сувни поклаш вазифаси бутун инсониятнинг, сизу бизнинг зиммамиздадир. Ўзимиз ҳам сувлигимиз учун бунга масъулмиз. Мовий сайёрада туғилган эканмиз, Ердаги Сувнинг тоза сақлаш масъулияти бизга юкланганлигини унутмаслигимиз шарт.

Сувнинг Коинот аро узоқ, гаройиб сайёҳатини тасаввур этарканман, инсониятнинг келиб чиқиши, келажаги билан боғлиқ фикрлар ҳаёлимга оқади. Сувдан яратилганлигимизнинг ўзиёқ кўплаб тилсимларга калит бўлади.

Вужудимизнинг 70 фоизи сувдан иборат. Худди шу боис шахсимизнинг шаклланишида Сувда мавжуд маълумотлар муҳим ўрин тутади.

Автомобил фалокати туфайли оғир шикастланиб, қон қуйилган кишилар кўзига умрида бормаган жойлар, уларга алоқасиз ўтмиш ҳодисалари кўринганлиги тўғрисида кўп эшитганман. Қон қуйишгандан сўнг феъл-атвори ўзгариб кетган одамлар ҳам бор.

Эҳтимол, умримиз мобайнида рўй беражак воқеа-ҳодисалар жисмиимизда турувчи Сувга ёзилар ва буни биз Қалб деб атармиз. Қалб ўзи нима?.. Руҳ бор бўлса, у асли нима? Имоним комил, бу саволларга инсоният илмга таяниб, Сув мадади билан жавоб оладиган кун яқин.

Қалб қандай вужудга келган? Эҳтимол, қалбни Коинотнинг олис буржларидан сайёрамизга Сув олиб келгандир.

Ўз-ўзидан, қалб қаерда сақланади, деган савол туғилади. Биз — Сувмиз, кун келиб бу сайёрада кечган ҳаётимиз ўтмишга айланади-да, Коинот бағрига отланамиз. Ердаги кунимиз якун топмасидан аввал заминнинг пок Сувига айлана олиш — ҳаётий вазифамиздир. Бу вазифани адо этиш учун биз Коинот қонуниятлари ила уйғун,

тўғри ҳаёт кечиримиз зарур. Айнан онгимиз Сувни тозалайди ва шу йўсин биз Сувнинг гўзаллик ва қудрат мужассам номаларини мавжуд тириклик оламига узата оламиз. Борлиқ Оламини Сувнинг энг гўзал кристаллари билан безай олсак, нақадар соз бўларди! Бунга қандай эришиш мумкин? Муҳаббат ва Эҳтиром ила...

Сув кристалларига яна бир боқинг: улар қанчалар чиройли-а?! Ер юзидаги жами одамзод Муҳаббат ва Эҳтиром туйғуларини ҳис эта олишсами, Мовий сайёрамиз ҳаёт чечаклари барқ уриб очилган Асли Аввалдаги гўзал дунёга қайтган бўларди. Сайёрадаги умримиз Коинот мангулиги қошида лаҳзаларга тенг. Жисм оламини тарк этиб, Коинот аро сафарга отланамиз. Бунинг қандай рўй беришини билмайман, аммо биз ҳар нафасда Коинот қонуниятларига суянмоғимиз шарт. Жисмни тарк этгач эса, Сув ёки булут (буғ) шаклида саёҳатни давом эттирамиз.

Қалбим жисмни тарк этиб, саёҳатга отланар чоғи, “Биз Коинотни кўрмак учун кетяпмиз! Навбатдаги бекат — Марс!”, дея баралла ҳайқирмоқни ният қилганман.



*Бу йил ЮНЕСКО қарори билан Жалолоддин Румий йили
деб эълон қилинди*

ҲАКИМ САТТОРИЙ

Румий ўтган йўл

Муаззам Шарқ кўплаб буюк даҳоларга бешик бўлган. Бу мўтабар зотларнинг исмларини шунчаки қайд қилиб ўтганда ҳам саҳифалар тўлиб кетиши шубҳасиз. «Нур — Шарқдандир» деган эътироф ана шундандир. Шарқнинг улуг фарзандлари қаторида Жалолоддин Муҳаммад Румий Балхийнинг алоҳида ўрни бор.

Тоза палакларда туп ёзган Жалолоддинни тақдир етарлича сийлаган. У кўз очган хонадон теварак-атрофда машҳур, узоқ-яқиндан кўплаб маърифатталабларнинг орзусидаги даргоҳ эди. Умр йўллари уни даврининг буюк инсонлари билан юзма-юз қилди. Воизликда юксак мақомга эришиб, сўз сеҳрини тўла шеърятда намойиш этди. Рухий ва моддий дунё саноатларини ўз тафаккурида қайта кашф қилиб, олам асрорини инкишоф этишининг янги йўлини асослади: Мавлононинг қарашларини муридлар тартибга солиб, тасаввуфда янги тариқат — «Мавлавия» сулукини тақдим этдилар. Гарчи бир пайтлар «Ҳеч қачон ўзимда шеърятга майл сезмаганман ва менинг назаримда ундан баттар машғулот йўқ», деган булса-да, оташин илҳом қанотида ўтли мисралар яратди. Мисраларки, тафаккурнинг теран қатламларидан баҳс юритарди: унинг бир байтига 20 варақ шарҳ ёзилган.

Жалолоддин Румий моддий оламдан руҳ дунёсига кўтарила олган, тил билан ифодалаб бўлмайдиган борлиқни кўра, ҳис қила биладиган ва мавҳум тушунчаларнинг суратини чизишга қодир даражага етган эди. Инсоният учун ато этилган бу Инсоннинг ҳаёт йўлига разм солиш кўплаб саволларга жавоб берса, ажаб эмас.

Хоразмшоҳлар салтанатининг муҳим нуқталаридан бири, Хитой ва Ҳиндистондан, Эрон ва Мовароуннаҳрдан келадиган карвон йўллари туташадиган Балх ўша пайтда гуллаб-яшнаган шаҳар эди. Шаҳарнинг яна бир ифтихори — унда давр ва шароит тақозоси билан Урганчдан келиб қолган машҳур олим ва воиз Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Хатибий — Баҳовуддин Валад яшар эди. Унинг тушига пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) кириб, олим иқтидорининг эътирофи сифатида уни Султонул Уламо (олимлар султони) деб аташни амр этган эдилар. Султонул Уламо ислом илоҳиётшунослиги, Куръон тафсири ва ҳадислар шарҳидан мадрасада дарс берар, унинг «Ал-Маориф» китоби жуда машҳур эди. Онаси Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қизи эканлигиданми ёки машҳурлиги боис саройга яқин бўлган.

Ана шу оилада ҳижрий 604 йил рабиул-аввал ойининг 6-санасида мелодий 1207 йил 30 сентябрда Жалолоддин Румий таваллуд топган.

Бу пайтлар Хоразмшоҳлар салтанатида инқироз бошланган давр эди. Жумладан, Хоразмшоҳнинг онаси, ақлли ва қатъиятли Туркон хотун атрофида уюшган ҳарбий зодагонлар илм-маърифат вакилларига қарши фитна кўзгашта уринишаётган эди.

Табаррук оилада туғилган Жалолоддин тарбияси илм-урфон нури билан чулғаб олингани шубҳасиз. Хокисор, меҳрибон она — Мўмина хотун гўдак бошида парвона, фақат унинг бошқаларникига ўхшамаган қилиқларини шарҳлашга ожизлик қиларди. Бир куни 4-5 ёшларида том четида ўтириб, фалакка парвоз қилишни хоҳлади, қўлларини ёзиб, бир зум ўзини бўшлиқда ҳис қилди. Унинг бу ҳолатини руҳоний алломалар «Ушанда ҳақиқатан Жалолоддин кўкка парвоз қилган», деб изоҳлашса, моддиончилар «У пастга кулаб, хушидан кетди», деб

таъкидлайдилар. Нима бўлганда ҳам боланинг вужудида ердан кўтарилиш — жами инсонлар яралган тупроқдан баландда туриш, самога интилиш туйғуси барқ урарди ва бу ҳис тобора кучайиб борди. Кейинчалик илҳоми жўш урганда у чарх уриб рақсга тушар, шунда, эҳтимол, бир зум ўзини овоз сазарди.

Саройда эса фитна авж оларди. Ниҳоят, диний масалаларда бир-бирига ашаддий рақиб бўлган Султонул Уламо билан ақидапараст мутаассиб Фаҳриддин Розий бугунлай душманга айланди. Аёнлар Розийнинг тарафида бўлишди, унинг фатволарини қўлаб-қувватлашди. Бу ҳол оғир кўргуликларга олиб келди. Хусусан, иғво туфайли машҳур шайх Маждиддин Бағдодий фожиали қатл этилди (1209). Султонул Уламо ва Маждиддин Бағдодий бир пайтда Нажмиддин Кубро даргоҳига қадам қўйиб, мурид бўлишган, муборак хирқани ҳам шайхнинг қўлидан кийишган эди.

Ҳаддидан ошаётган Муҳаммад Хоразмшоҳ муқаддас ақидаларни ҳам писанд қилмай қўя бошлади. Бағдод халифаси Носирга мактуб йўллаб, пойтахт масжидларида ўз номига хутба ўқитишни талаб қилди. Бу бугун халифаликни ўз тасарруфига киритишга шама эди. Ҳолбуки, Аббосийларнинг то қиёматгача тахтга ўтириши Муҳаммад алайҳиссалом томонидан иноят қилинганди.

Айни пайтларда Чингизхон галалари чигирткадек яқинлашиб келар, Хоразмшоҳлар давлатининг шарқий чегараси ҳисобланмиш Ўтрор остоналарида турарди. Мўғуллар 450 мусулмон савдогарни элчи сифатида йўллайдилар. Ҳиссиётга берилган ва келажакни кўра билмаган Хоразмшоҳ жами савдогарларни қиличдан ўтказишга амр қилди, 500 туядаги қимматбаҳо буюмлар Ўтрор ҳокими томонидан шоҳга тортиқ қилинди.

Тушида сарвари коинот — Муҳаммад алайҳиссаломни кўриб, шарафланган Баҳовуддин Валад — Султонул Уламо кетма-кет содир этилган уч катга гуноҳ — шайхнинг ўлдирилиши, халифага таҳдид солингани, элчи савдогарларнинг қатли ом этилишларини тафаккур кўзгусига солиб кўрди ва салтанатга мислсиз бало яқинлашиб келаётганини ҳис қилди. Уламо ва шайхлар ҳам муқаррар қойим бўлажак илоҳий жазо ҳақида каромат қила бошлайдилар. Бу жазо эса тенгсиз қудратга эга бўлган Чингизхон қўшинидан келиши ҳам сир эмас эди.

Хуллас, бошланиб кетган бухрон олдида ўзини ожиз сезган Султонул Уламо Хуросонни тарк этишга аҳд қилди. Оила аъзолари, муридлари қуршовида кўч-кўронини ортиб, Балхдан чиқишди. Дастлаб Бағдодда, сўнгра ҳаж амалини адо этиш учун Маккаю мукаррамада бўлишди. Дамашқда бироз муддат яшашди.

Бу пайтда Кичик Осиёнинг сиёсий харитаси ранг-баранг, олақуроқ, бўлиб, Хоразмшоҳлар, Бағдод халифалиги билан ёнма-ён унинг марказида Салжуқийлар бошлиқ Рум султонлиги (1077 — 1307) Кунё (қадимги Икониум)ни пойтахт қилиб, шиддат билан ривожланаётган эди. Салжуқийлар, айниқса, Аловиддин Қайқубод I (1219 — 36) ва Ғиёсиддин Кайхисрав II (1236 — 45) ҳукмронлиги даврида шу худудда етакчи мавқе касб этганди. Умид осойишта ва фаровон туркий султонлардан эди-ю, фақат уларнинг муносабати аниқ эмасди.

Хуросон таҳлика ичида қолганди. Балхдан чиққан қарвон ҳам ором билмасди. Ҳатто арининг ҳам уяси бузилмасин экан. Улар Ҳижоз ва Шом бўйлаб йўл тортишарди. Шунда закий инсонлар отасининг изидан эргашиб бораётган Жалолиддинни кўрсатиб, «Уммоннинг денгиз ортидан боришини кўринг!» деган экан. Ўткир назарлар ёш ўғлоннинг келажagini адашмай башорат қилишарди. У ана шу ёшида Қуръонни ёд билар, ҳадис илми ва шариат қонунларини ўзлаштирган, араб тили грамматикасию шеър тузилишини тўла ўрганган, улуг шоирларнинг асарларини мутолаа қилиб, бенуқсон тушунарди.

Маърифати барқ уриб турган ўсмирни улуг шоир Фаридиддин Аттор ҳам кўргач, идрок этди. Уларнинг қарвони Нишопур шаҳридан ўтиб борарди. Султонул Уламо эски таниши — сеvimли шоири Фаридиддин Атторни эслади. Аттор ундан 15 ёш катта, суфийлик хирқасини мактабдоши ва оғаси, ўша Хоразмда ўлдирилган шайх Маждиддин Бағдодий қўлидан кийган эди. Нишопурда ҳам нотинчлик, маърифатсиз бир зот ҳоким бўлган ва Атторни ҳам куфрда айблаб, бадарға қилган экан. Шаҳар чегисидаги узоқ тоғ бағридан жой олган ғор оғзида икки қария учрашди. Улар уч қарра бош эгиб саломлашгач, гулхани ўчиб қолган ўчоқ

яқинидаги тошга юзма-юз ўтиришди ва лом-мим демай бир-бирларига тикилиб қолишди. Нигоҳлар кўнгилга назар айлар, борлиқни кичик унсурлар, қисқа шарҳлар орқали эмас, яхлитликда қабул қиларди. Бундай пайтда сўз кетмайди. Сўз бу чоқ ожиз ва зерикарли. Улар шу ҳолда узоқ ўтиришди. Ниҳоят, шоир тилга кирди:

— ... бедаво, бесамар жаҳондан кечдим.

Шоир тугаб битган шамага ўхшарди. Унга ачиниш эса жоиз эмас, билъакс шундай зотдан айрилиб қолажак дунёга ачиниш лозим эди. Валад тўлишиб деди:

— Шукр, дийдорингизни кўришга муяссар бўлдим.

Ҳамроҳлар бу сирли суҳбатни жим кузатишар эди. Шундан сўнг улар узоқ суҳбатлашдилар. Нима ҳақда — Жалолиддин буни билмайди. Ниҳоят, шоир букчайганча форга кириб кетди ва бир китоб олиб чиқди. Дарвоқе, бутун мусулмон дунёсини кезиб чиққан, тафаккурнинг энг тоза гавҳарларини ўзида жамлаган «Мантиқ ут-тайр» сингари асар ёзиб, дунё асрорини инкишоф этган шоир, чеҳраларга боқиб кўнгилларни укувчи сирдош китобни отасига узатаётиб, Жалолиддинга боққан эди. Китоб буюк шоирнинг «Асрорнома» достони эди. Унинг назари эса поёнига етаётган сўз авжининг яна янги фалакларда кўришга иштиёқи эди. Уша бесаранжом лаҳзалардаги бу қисқа учрашув Жалолиддин Румийнинг умр йўлидаги бир ойдин бекат бўлиб қолди.

Шунинг билан Нишопур ҳам ортда қолди. Энди йўл Салжуқийлар тасарруфидаги ерларда давом этарди. Малатия орқали Сивос, Арзинжон, Оқшеҳир йўлларида қарийб тўрт йиллик умр ўтди. Султонул Уламо мадрасаларда дарс берди, Жалолиддин эса отасидан бутун илмларни ўрганди. Вақтини таҳсил билан ўтказди.

Йўллардан ўтиб боришар экан, саргардон карвонларга, тўда-тўда йўловчиларга дуч келишарди. Улар ўзлари билан дунёнинг турли бурчақларидан хабарлар олиб келарди. Қўналғаларда кечагина Султонул Уламо кўчи ўтган йўлларда мўғул галалари изғиб юргани, шаҳарлар таслим бўлгани, Урганч кунпаякун қилингани ҳақида суҳбатлар бўларди. Ҳа, Хоразмшоҳларнинг офтоби ботишга етганди. Йўлларда ваҳимага тушган Аббосийларга ёрдамга бораётган салжуқ лашкарлари тўп-тўп бўлиб учради.

Сокин ва баракотли салтанат тобора бағрига чорларди. Энди улар бир йил қишни ўтказиш нияти билан Лоранда (ҳозирги Караман) шаҳрига боришди (1222). Унинг ҳокими амир Мусо кўнгли тоза, маърифатни қадрловчи туркий ҳукмдор эди, меҳмонларни очиқ чеҳра билан кутиб олди.

Лорандада бир йил эмас, ризқ тортиб, етти йил қолиб кетишди. Ҳоким Султонул Уламо ҳурматига шаҳарда Мадраса курдирди. Жалолиддин ҳам отаси билан бақамти ваъз ўқишга киришди. Илк марта қалбида шеър завқи борлигини шу ерда туйди ва баъзан ваъзларида ўзининг байтларидан қўшиб ўқий бошлади. Савдогар Шарафиддин Лоло Самарқандийнинг қизи Гавҳарбонуга муносабати эса тарқоқ мисраларни бир ипга тизишга ва фавқуллодда ўтли сатрлар битишга ундади. У эҳтиросли қалби билан бу гўзал ойимчани севиб қолди. Тезда тўйлари бўлди. Орадан йил ўтиб, Яратган уларни ўғил фарзанд билан сийлади. Унга бобонинг шарафига Валад деб ном бердилар. Кейинчалик Султон Валад комил инсон бўлиб етишди. Бобоси ва отасининг ҳаёти ҳақида «Валаднома» достонини ёзди. Отасининг айтганларини сўзма-сўз йиғиб, “Фиҳи ма фиҳи” (“Ичиндаги ичиндадир”) китобини тузиш билан бирга падарининг таълимотини қувватлантириб, «Мавлавия» сулуқини асосладики, ҳозирги кунда унинг тарафдорлари ер юзиде ўн миллионлаб кишини ташкил этади.

Беш йил бурун арман подшоси Левон II дан тортиб олинган Лоранда кўпмиллатли шаҳар эди. Унда туркийлар билан ёнма-ён форслар, юнонлар, арманлар ва бошқа халқлар яшарди. Бўшаб қолган монастыр, бутхоналар ёнида масжидлар қурила бошланди. Шундай шароитда Султонул Уламнинг мавқеи ва хизматига эҳтиёж катта эди. Амир Мусо ҳам устозни узоқроқ ушлаб туриш пайида эди.

Жалолиддин имкониятдан фойдаланиб, юнон ва бошқа тилларни кўшимча равишда ўрганди. Турли динлар ва халқлар тарихи билан қизиқди. Эҳтимол, ана шу таҳсиллар жараёнида унда илк бора жами халқлар бир ота-онадан тарқалгани, барча динларнинг негизи ягоналиги ҳақидаги андишалар пайдо бўлгандир.

Лоранда дунёга тийрак кўз билан боқиб, нигоҳи қадалган уфқни кўзлаб, ерда қадам ташлаб бораётган ёш йигит ҳаётида ўчмас из қолдирди. У шу ерда тириклик синоагларига илк бора дуч келди. Илк бора айрилиқ бағрини ўртади: дастлаб касалманд акаси Аловиддин, сўнгра онаси Мўмина хотун ёруғ дунё билан видолашти. Хомуш тахаллуси билан илк шеърини ёзди. Илк марта инсон вужуди фақат тўқималардан иборат эмаслигини, унинг қайсидир узвларида тўфон турса, ҳатто мияга ҳам бўйсунмай қолишини ҳис этди; бу дастлабки таассуроти ўзгармай қолди ва бир умр юрак миядан устун, деган ақида билан яшади. У бу ҳисни Гавҳаройимни севиб қолганда туйган эди. Ва, ниҳоят, дунёнинг боқийлиги зурриётларнинг давомийлигида («мен ҳам япроқман, томиримга экилганман») эканлиги саодати шу шаҳарда насиб этди: биринчи фарзанди Лорандада туғилди.

Султонул Уламо (Баҳовуддин Валад) бу ерда етарлича шуҳрат қозонди. У айтган ваъзларнинг довуғи узоқ-узоқларга таралди. Албатга, буни пойтахт, ҳукмдор билмаслиги мумкин эмас эди. Аниқ далилларга қараганда, Султон Аловиддин Қайкубод уламога махсус хат билан мурожаат этиб, уни Кунёга таклиф этади. Жуда кўп ваъдалар беради. «Амри подшо — вожиб» деганларидек, таклифни қабул қилмасликнинг иложи йўқ, эди.

Азбаройи ихлоси ва ҳурматининг буюклигини изҳор этиш учун кутиб олувчилар сафининг бошида султон Аловиддиннинг ўзи турарди. Яқинлашгач, уламо тўхтаб, таъзимга бош эгди. Султон яна яқинлашиб, энгашди ва устознинг қўлини ўпмоқчи бўлди. Уламо ҳукмдорга қўли ўрнида ўпиш учун ҳассасини тутди. Бу шаккокликдан султон бағоят дарғазаб бўлди: «Бунча манман бўлмаса бу чол!». Аммо ҳамманинг кўзи унда эди, қаҳрини сездирмай, ҳассага лабини босди. Султонул Уламо унинг кўнглидан кечган гапни сезган эди, устозларга хос босиқлик билан муридларга ўқдек таъсир қилувчи оҳангда шундай деди:

— Мен такаббур эмасман. Билгинки, бош эгиш гадолар иши. Султонларга бу муносиб эмас.

Саройга эмас, Олтинпо мадрасасига жойлашган шайх умр фаслининг тўлишган айёмида бутун иқтидорини ишга солиб ваъз ўқирди. Унинг лутфи кишиларни оҳанрабодек ўзига тортарди. Султоннинг талаби билан дамашқлик усталар биндўлган улкан масжиди жомега Аловиддин Қайкубод бошлиқ хонадон вакиллари, саройининг жами аёнларини аркони давлати, қозилар, ҳарбийлар, савдогарлар ташриф буюрарди. Ваъзларда Қуръони Карим оятлари тафсир қилинар, шу асосда илми шарият, илми урфон, илми ҳидоят — ҳуллас, жами дунё сирлари ҳақида баҳс борарди. Минглаб китобларни кўрган, кўллаб диёрларни кезган уламанинг чақиндай хотирасида қанчалаб шеърини мисралар, ривоятлар, рақамлар, исм-шарифлар бехато айланар, оддий унсурнинг жузъий бир ҳолатидан бепоён самовий сирларини қафтдагидек кўрсатиб бера оларди. Бир далилнинг кўллаб талқинларини келтирар, бир талқин янги талқинларнинг занжирига уланиб кетаверарди. Нарсалар ва моҳиятлар Султонул Уламо ваъзи орқали жами сирларини намоён қиларди. Тингловчиларнинг ҳар бири унинг назарида бўлар, уларнинг фақат зоҳирини эмас, ботинини ҳам кўриб турарди гуё. Ора-орада уларга мурожаат этиб турар, сўзининг таъсирини текшириб борарди. Баногоҳ сомеълардан бири ҳайратига истеҳзо аралаштириб, «Ваъз айтиш учун соатлаб тайёрланса керак», деган ҳаёлга борди. Шу ондаёқ уламанинг нигоҳи унда тўхтади, исмини айтиб, чақирди-да:

— Қуръон сурасидан билганингни ўқи, — деди. Қўлга тушган гуноҳқордек бечора тингловчи аранг бир оятни ўқий олди.

— Мен, — деди Султонул Уламо, — сен айтган шу оятга тайёргарликсиз қанчалаб шарҳ бера оламан...

Султонул Уламо қариб бораётганини, Кўнё унга ер юзидаги сўнгги манзил бўлишини сезар эди. Бир кун юқоридан шаҳарга разм солар экан, ёнида турган ўғли Жалолидинга:

— Қара, бу ерда уйлар жуда кўп. Уларда набираларим, набираларимнинг набиралари яшайверсин, — деди.

Бу сўзлар мангулик тилак эди. Ростдан ҳам баъзи манбаларда афсонавий ҳаким Платон (Афлотун) дафн қилингани қайд этилган Кунё ҳазратнинг авлодларига абадий маскан бўлиб қолди. Султонул Уламо 1231 йил 6 (23) февралда вафот этади.

Жалолидин Румий катта ҳаёт йўлининг бошида ёниб турган чироқнинг нури жуда ўткир эди.

Отаси вафотидан кейин Жалолиддин бош мударрис этиб тайинланади. Унинг учун асосий дастуруламал отасининг тажрибалари, панд-насиҳатлари ва «Ал-Маориф» китоби эди. Жалолиддин ваъз учун зарур ҳамма нарсага: илму маърифат, қувваи ҳофиза, ҳаёл-тасаввур ва нотиклик малакасига эга эди, фақат унда тажриба, амал етишмасди. Қолаверса, кеча етакдаги талаба билан бугун бошқаларни етаклаши лозим бўлган устоз баробар эмас эди. Кўнё муҳтида отасининг содиқ шогирдлари қаторида унга ҳасад қилувчи зотлар ҳам оз эмасди. Улар ёш мударрисни тан олишмас, боз устига етук устоз-шайхлардан ёзма ижозати — шаҳодатномаси йўқлигини пеш қилишарди.

Ана шундай бир шароитда аллақачон мўғулларга таслим бўлган Термиз шаҳридан «Кубравия» тариқатининг йирик вакилларида бири, отасининг содиқ шогирди Сайд Бурҳониддин этиб келди. Суфийликда «Муҳаққиқ» (ҳаққа етган) мақомига эришган шайх Бурҳониддин Термизий устозининг нури дийдасини камолга етказиш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва унинг тарбияси билан жиддий шуғуллана бошлади.

Тасаввуф алломаларининг қайд этишича, бу йўлга кирган киши тўрт мақомни босиб ўтиши лозим: *шариат*, *тариқат*, *маърифат* ва *ҳақиқат*. Ўзни тоблаш (чиништириш) босқичлари эса қуйидагича:

ШАРИАТ — тайёргарлик босқичи, ҳар бир мусулмон учун фарз бўлган амаллар бўлиб, бу ҳали йўлга кириш дегани эмас. Уларни тўла ўзлаштиришдагина иккинчи босқичга ўтиш мумкин. Шариат *амалга* асосланади ва кўпроқ *зоҳирий* таассуротлар (кўз, кулоқ, оёқ, кўл, юрак) орқали ҳосил қилинган илмга суянади. Шариатнинг белгиси *тафаккур*, раҳнамо *ақл*дир ва у кишини *олимга* айлантириш билан кифояланади. Шариатда камолга етган кишини *отга* қиёслаш мумкин ва энди отни бошқарадиган чавандозга зарурат сезилади.

ТАРИҚАТ (йўл) тасаввуфнинг амалий қисми бўлиб, суфийларнинг руҳий-психологик машқлари, ўз-ўзини чиништириш ва тарбиялаш тadbир-усулларининг иккинчи босқичидир. Тариқатда *ботиний* кечинмалар (туйғу, сезги, ҳис, руҳ, қалб)га суянилади ва у муридни **МАБРИФАТГА** муяссар этади. Бу манзилларни *муҳаббат* раҳнамолигида тўла ўтган мурид (муродга интилувчи) мурод (Оллоҳнинг васли)га эришишда ҳақ йўлга — *тасаввуфга* етган бўлади.

Тариқат мақомлари қуйидагилар:

Т а в б а — қайтиш, олий ахлоқий сифатларга қайтиш.

В а р а ь — парҳез, тақво (тил, кўз, қалбни тийиш).

З у ҳ д — ҳазар қилиш (ҳалол ва ҳаромни фарқлаш, бойликни рад этиш).

Ф а қ р — Оллоҳга бандалик йўлида тупроқдек ном-нишонсиз бўлиш.

С а б р (сабр — иймоннинг ярмидир).

Т а в а к к у л — Оллоҳга суяниш.

Р и з о — нафс розилигидан чиқиб, ҳақ розилигига кириш.

Шу ерда тариқат тугаб, камолга етишнинг сўнгги босқичи — **ҲАҚИКАТ**, яъни ҳақиқий ҳаёт бошланади. Бу даражадаги суфий *ориф* деб аталади. Уни *чавандозга* менгазайдилар. Уч босқични: 1) олов ёндиришини эшитганман; 2) олов ёндиришини кўрдим; 3) оловда ёниб кўрдим тарзида мисол билан ҳам тушунтирадилар.

Шайх Бурҳониддин Термизий шогирди билан узоқ суҳбаги давомида сездики, у мақомот босқинчиларидан тўла ўтиб, ҳол мартабасига етибди. Унда «илми қол» камолга етган, тил билан ифодаласа бўладиган зоҳирий илмларда бенуқсон. Фақат инсондаги сўз билан тушунтириб бўлмайдиган ғаройиб руҳий кечинмалар, фавқулудда феъл-атвор, хислатлар — «илми ҳол» даражасида тамкинга эришмаган, инсондаги тараб, сурур, ҳазинлик, шодлик, гам, завқ-шавқ, яйраш, соғинч, хумор каби тушунчаларни ҳис қилиш ва шарҳлашда юксак даражага эришмаган. Бу мақомга етишда эса обрўли оилада улғайган ва етарлича эъзоз кўрган Жалолиддиндаги гурур, кибр халақит берарди. Шайх дастлаб унинг ана шу жиҳатини бартафат этмоқчи бўлди.

Сайд ёш уламога хирқа кийдириб, белини ридо камари билан бойлади. Шу ондаёқ Жалолиддиннинг соқолини қиртишлаб, қошларини юлиб, сочини қиришди. Пир унинг бошига дарвешлар қалпоғи — сарпўш кийдирди. Шу лаҳзадан бошлаб у барча имтиёздан Мосуво бўлган, Сайд Бурҳониддин Муҳаққиқнинг муриди эди. Мурид дегани ўз инон-ихтиёрини пирга топширган солиқ. У ҳамма нарсада шайхга сўзсиз итоат этиши шарт.

Пир шоғирдини аяб ўтирмади. Унга шаҳардаги ҳожатхоналарни тозалашни буюрди. Чарм челақларда муттасил аҳлат ташпир, тозаланган хандақлар эрталабгача баҳор сувлари билан тўлиб тураверарди. Ҳаммомда уч қабра чўмилиб, тонггача «Ал-Маориф» китобини ўқир эди. У озиб-тўзиб кетган, бадбўй ҳиддан оғзига туз соломасди. Ёмғирлар қамайгач, пир чорлаб шундай деди:

— Сен юмушни тугатдинг. Фақат унутмагинки, юракни тозалаш ҳожатхона тозалашдан қийинроқ.

Жалолиддин иккинчи сабоқни кутарди. У икки мурид билан шаҳардан садақа йиғиши керак эди. Тиланчилик қилиш биринчи юмушдан минг бора оғир эди. Баъзан секинроқ тозалаганимда бу азобда қолмасмидим, деб афсусланарди. Садақа сўраб юриб, одамларнинг қанақалигини ўз кўзи билан кўрди. Илм аҳлининг заҳархандаси, қашшоқ одамларнинг сахийлиги, бой хонадонлар хизматкорларининг такаббурлиги унга турлича таъсир этарди. Кўплаб зоҳидларга ўхшаб унинг пири очликни ҳикматлар эшигининг калити деб биларди. Тамадди қилишга қуруқ нондан бошқаси бўлмас, баъзан бир бўлак шўртрак шолғом билан сийланарди.

Нихоят, шайх Жалолиддинни етаклаб бозорга тушди ва қассоблар растасидан ўтаётганда ичак-чавоқлар солинган, пашшалар гужғон ўйнаётган тоғорага ишора қилди. Мурид сўзсиз тушунди, шартга етиб қуйқани ялади. Синовлар яна давом этди. Очликни енгиш учун қорнига тош боғлаб олди. Отасининг китобини 101 марта ўқиб чиқувди, энди чўккалаб, бир оёғини йиғиб, унисини чўзиб, Қуръон тиловатига киришди. Ҳар бир оят оҳанг ва садо воситасида тасаввурида қолмагунча ўқишга мажбур қилинарди.

Пир амри маърифатида илоҳий тушунчаларни шарҳлар, мавҳум тимсоллар воситасида бўлажак буюк шоирни моддий оламдан руҳоният дунёсига етакларди. Масалан, ҳайвонлар ва ўзини ўйлаб яшовчи одамларни бир деб тушунтирарди ва бу бирликни уларнинг юмуши фақат насл қолдириш экани билан исботларди. Устози уни маърифат дунёсига етакларкан, кўпинча сўфий шоирлар Ҳақим Санойй ва Фаридиддин Атторга мурожаат қилишини сезиб етди. Ёмғирдан ювилган осмондек тиниқ зеҳнида муҳрланган бу зотлар кейинчалик, шеърият уммонида чарх урган чоғларида, севимли тимсолларга айланиб қолди.

Пир муриднинг иродасини тоблаб, уни ўз-ўзини енгиш сари етаклар, диққатини бир нуқтага йиғиб, ботинни кўришга ўргатарди. Соликнинг қурб, муҳаббат, шавқ, унс, мушоҳида, мужоҳида, мукошифа мақомларидан шитоб билан пояма-поя илгариллашини мамнун кузатарди, унинг энг чигал кечинма ва ҳолатларни кўлда тутгандек тасвирлай олиш қобилиятига ҳайрон қоларди. Тасаввурга жон бағишлаган тимсоллар шайхнинг хаёлига ҳам келмасди.

Булар синов даври поёнига етиб бораётгани аломати эди. Ҳадемай, у соч олдириганига минг бир кун ҳам тўлди. Жами таассуротларни ёлғиз қолиб кечириб — синаб кўриш, узлатга чекиниш фурсати етишган эди.

Пир ҳужра тайёрлаб, унга бир кўза сув ва арпа нон киритиб қўйишни тайинлади. Муридни бошлаб борди-да, ичкарига киритиб, ҳужра эшигини ташқаридан шуваб ташлаттирди. Узлат қирқ кун давом этди. Муҳлат тугагач, ҳужрага биринчи бўлиб пир қадам қўйди. Жалолиддин аста шивирларди:

Нарса йўқким хорижи олам эрур,
Ҳар не истарсан ўзингда жам эрур.

Шайх бу сўзлардан қаттиқ мутаассир бўлди. Муриднинг тилидан «ўзини топган ва ўзини унутган» кишининг иқрори янграрди. Муддао ҳам шу эди! Мурид шайхнинг кўнглидан кечган Қуръоннинг «Сизга бу дарсдир, сиз эса билмассиз» оятига жавоб қилган эди. Шайхнинг кўнглини илғай олган мурид ориф саналарди.

Шайх Бурҳониддин Термизий Кўнеда тўққиз йил қолиб кетди. Бу орада шоғирд ўз илмининг такомилга етказиш мақсадида Ҳалабда бўлиб, Ҳалавия мадрасасида Муҳиддин ибн Ал-Арабий, Камолиддин ибн Ал-Адам каби улуғ мударрислар билан суҳбатлар кўрди. Дамашқдаги машҳур Мақдасия мадрасасида мураккаб илоҳий-дунёвий масалалар юзасидан муҳокамалар юритди. Энди у ҳар жиҳатдан камолга етган, рақиблар ҳам эътироз билдира олмайдиган даражага эришган эди.

Таҳсилдан қайтган Жалолиддин Кунёда катта тантаналар билан кутиб олинди. Устози Сайд Бурҳониддин устидаги бош мударрислик ҳирқасини ечиб, ишонч билан унга топширди. У буюк воиз ва илоҳиётчи олим бўлиб етишганди.

Муриднинг даражаси пирни қаноатлантирарди. Кўнгли бахузур устоз қониқиш билан юртига қайтишни хоҳларди. Жалолиддин эса унга отасидек ўрганиб қолган, шунинг учун кетишга ижозатни пайсалга соларди. Ҳа, Сайд Бурҳониддин Жалолиддинга отасидек қадрдон эди, бироқ, отасидан фарқ қиларди. Отаси вазмин, мушоҳадаси теран, сирли зот эди. Пир эса очиқ табиатли, бир оз жазаваси ғолиб келадиган феъли бор эди. Баъзан намозда бошқаларни унутиб, соатлаб саждадан бош кўтармасди. Одамларнинг фикрини ўқишда ҳам пир Султонул Уламодан қолишмасди. Муридлар билан оқшом пайти гулхан атрофида суҳбатлашиб ўтиришарди. Бирдан:

— Зиёга каоб келтиринглар, — деб қолди.

Орқароқда ўтирган Зиё кўрадаги чўғни кўриб, кўнгли суст кетган эди, шайх буни илғади.

Жалолиддин пирсиз ўзини ёлғиз сезарди. Таҳсилда юрган пайтлари фаришталардек мулоийм завжаси Гавҳар хотун тўсатдан дунёни тарк этган, унинг йўлларига кўз тикиб нўлимай-нетмай тупроққа кириб кетган эди. Ҳар оқшомги суҳбатларда ҳам дилига таскин олар, ҳам кун бўйи туғилган ўйларни баҳам кўриб, шуурини нурлантирарди. Қариб, умри поёнига етиб бораётган шайх эса Қайсарига кетишга шошиларди. Ахийри руҳсат беришдан бошқа илож қолмади. Кўп ўтмай, шайхнинг вафот этгани ҳақида хабар келди.

Ҳам устоз, ҳам дўстдан айрилгач, оламни тарк этган отаси, Гавҳарнинг фироғи қанчалик оғир бўлмасин, ҳаммасини унутишга мажбур эди, чунки Жалолиддин мансуб бўлган мақомотнинг талаби ҳаммасини одатдаги ҳол сифатида қабул қилишни талаб этарди. Ғам-андуҳ чекиш, куйиниш шаккоклик ҳисобланарди. Инчунун, мавлоно оила масаласида собит эътиқодли киши эди, комил инсон фаолиятида эр-хотин муносабатларининг ўрнини эътироф этарди. Кейинроқ уйланишга қарор қилди. Савдогар Муҳаммадшоҳнинг беваси Кира хотунни умр йўлдоши сифатида танлади. Ундан ўғил фарзанд — Олим Чалабий туғилди, Олим кейинчалик отаси амалга киритган одатлардан бири — рақси самони такомилга етқариш, хос тариқатда урфга киритишда етакчи бўлди.

Илму урфон ва савқи табиий билан лиммо-лим тўлган қалб одамларни оҳанрабодек ўзига тортарди. Унинг ваъзларини эшитиш, суҳбатида бўлиш учун узоқ-узоқлардан одамлар уммонга интилган дарёдек оқиб келишарди. Мавлоно Жалолиддиннинг шуҳрати чегаралардан ўтиб, оламни тулиб борарди. Гарчи атрофида кўплаб муридлари, шоғирдлари бўлса-да, у ўзини ёлғиз ҳисобларди. Негадир бутун фазилятлари билан унинг талабига жавоб берадиган кишини тополмасди. У бир дўсти анис (яқин ҳамсуҳбат)га муштоқ эди.

Баъзан шаҳардан ташқарига чиқиб, оддий одамларнинг ҳаётини кузатар, дабдаба ва сохталиклардан холи бу ҳаёт унинг зериккан кўнглига завқ бағишларди. Энг оддий турмуш икир-чикирларини кузатиб, магарки илмда камолга етган бўлса-да, юпун либос ичидаги дилдираган вужудни тўла тушуниш учун бу салоҳияти камлик қилишини ҳис этарди. Унинг наздида Инсон барибир ечилмас жумбоқ, очилмас сир бўлиб қолаётган эди. Бир-икки сафар ахийлар жамоасининг йиғинларига ҳам қатнашди. У ерда жорий қилинган тартиблар, аъзоларнинг феъл-атвори мадраса воизининг тасаввурларини янада чалқаштириб юборди. У юқорига ўрлагани сари кўпроқ манзарани кўрар, бироқ, ҳаммасини тўла идрок этиб бўлмасди. Мавлоно Жалолиддин тақдирдан унинг ғуборли тасаввурларини ойдинлаштиришга ёрдам берадиган, уни яна ҳам юксалтириб, олам ва одам сирларини саҳифама-саҳифа намоён этишга қодир мўъжизани кутарди. Унга кўп нарса аён эди, аммо қалбини кемирган ҳақиқат дунё юзини кўрмай пинҳонлигича қолиб кетишдан хавфсирар, изгируб чекарди.

Кўнё мавлоно Жалолиддин туфайли илму урфон бағрида яшарди. Хос жойларда муқаддас Қуръон оятлари тиловат қилинар, одамлар тўп-тўп бўлиб, муборак ҳадисларнинг мағзини чақишга интиларди. Узаро баҳсларда турли фикрлар изҳор қилинар, табиийки, томонлар ўз ҳақлигини исботлаш учун соатлаб мунозара қилишарди.

Бу галги баҳсга пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳи алайҳи вассалламнинг икки ҳадиси сабаб бўлганди. Сарвари коинот лутф қилибдиларки, «Оллоҳ, аввало, оқ гавҳар яратди». Яна бир ҳадисда эса «Оллоҳнинг аввал яратгани ақлдор» дейилмиш. Демак, оқ гавҳар ақли, ақлга баробарми? деган савол устидаги мунозара ўн беш кундан бери давом этарди.

Ўша кунни Жалолиддинни пахта савдогарлари ўз маблағларига бунёд этган мадрасада баҳсга таклиф қилишган эди. Одатда, бундай тортишувлар аксар ҳолларда моҳиятдан узоқлашиб, ўз билимдонлигини, шу орқали худбинлигини намойиш қилишга ўхшаган даҳанāки жангга айланиб кетади. Айниқса, одамлар тирикчилиги ночорлашиб, ҳаётий саволларга ечим кутиб турганда, уламоларнинг бундай мунозараларга илмини, умрини сарфлаши жоизмикин? Жалолиддин шундай қарама-қарши ҳислар қуршовида шоғирдлари билан мадрасадан қайтар экан, муюлишда бир дарвеш шартга келиб, хачирининг жиловини ушлади-да, кўзларига тик қараб, сўради:

— Айтгил, ким устун — Муҳаммад пайғамбарми ёки Боязид Бистомий?

Бу журъатли зот Шамсиддин Муҳаммад Табризий эди. Уни Шамс Табризий ҳам деб аташарди. Ёшлигидан сўфийлик, тасаввуф илми сирларини замонасининг машҳур устодларидан ўрганган эди. Илм олиш, доврқли сўфийларни кўриш учун тинимсиз дунё кезарди. Шунинг учунми унга «Парранда» лақабини беришганди. Унинг маънавий парвози кучли бўлганидан ҳам шундай аталган, дейди баъзи олимлар. (Мавзудан бир оз четга чиқиб, маълум қиламизки, Китоб туманидаги Хўжаиспорос қишлоғи қабристонидида шайх Шамсиддин Парранда дафн этилган, деган маълумотни эшитганмиз. Ул зот ҳақида «Шайх намозининг фарзини Маккада ўқиса, суннатини Китобда адо этаркан», деган ривоят юради. Мазкур далил бу табаррук зотнинг ҳам бизнинг ўлкамизда бўлганини тасдиқласа, ажаб эмас).

Ўз сафарлари давомида Жалолиддиннинг доврғини Дамашқда эшитган шайх 1244 йилнинг 26 ноябрида Кўнёга келган ва шаҳардаги қандолатфурушлар карвонсаройига тушган эди. Ниҳоят, мавридини топиб, жиловидан тушди ва тинимсиз кезинишлари давомида пишитган бошёрар саволни ўртага ташлади. Албатта, Жалолиддинда бу саволга жавоб тайёр эди, бироқ Шамс ҳам аноий эмас, қандай мантиқ билан у бундай сўроқ қўймоқда, унинг «ўқи» нимадан иборат? Албатта, даражага етишган инсон билан Оллоҳнинг вакилини тенглаштириб бўлмасди, Жалолиддин иккиланмай:

— Албатта, Муҳаммад алайҳиссалом, — деди. Бу жавобни Шамс кутган эди, энди иккинчи саволи билан тузоқни ошкор қилди:

— Маъқул. Унда нега Муҳаммад (с.а.в.) «Юрагимни занг босиб, Эгамнинг олдида ҳар кунни етмиш карра тавба қиламен», дейди-ю, Боязид «Мен қусурлардан холи бўлдим, жисмимда худодан бошқа ҳеч нарса қолмади», деб жар солади?

Савол жиддий исбот талаб қиларди. Боязид Бистомий IX асрда яшаган машҳур тасаввуф алломаларидан бўлиб, муридни фанога ва ундан кейин бақога ҳаяжонли, шовқинли руҳий кечинмаларни ғалаёнлар билан олиб боришга мойил йўл тарафдорларидан эди. Муҳаббат ҳақида гапирганда, Бистомий уқтиришича, ваҳдат ва фано шундай бир руҳий ҳолатда руй берадики, солиқ-худди шароб ичган одамдек ўзини унутади (Шамсиддин Табризий ҳам шу йўл тарафдори эди. Жалолиддин Румий ҳам шу йўлдан кетади).

Сўфийлар дунёсида Бистомий юқори нуфузга эга бўлиб, «Султонул орифин» унвонига сазовор бўлган эди.

Савол берган зот билимларнинг нисбийлигига ишонарди. Гарчи инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат устида муҳокама кетаётган бўлса-да, аниқ нуқтада мантиқ у томонда эди.

Жалолиддин зарба еган одамдек хушёр тортди, нотаниш кишининг кўзига узоқ тикилиб қолди. Йўловчи бу қарашлардан суҳбатдошининг юрак мусаффолигини пайқади. Жалолиддин мунозаранинг балоғатидан паст тушмай, шундай жавоб берди:

— Муҳаммад (с.а.в.) ҳар кунни етмиш мақомни босиб ўтарди ва ҳар гал тавба-тазарру этарди. Боязид эса бир пояда туриб, жазава ичида ўша сўзларни айтмиш.

Бу саволга ҳеч ким бундай жўяли жавоб беролмаганди. Мавлононинг юрак мусаффолигидан ва тамкинли жавобидан маст бўлган Шамсиддин хушидан кетиб, ерга йиқилди.

Бошқа бирон-бир икки зотнинг учрашувига ўхшамаган бу дийдорлашув инсоният тарихида ўчмас из қолдирди. Бу икки инсон гўё бири узук, бири кўз эди-ю, дунёнинг икки буржига улоқтириб юборилган, фалаклар айланиши, вақтлар кесишуви билан шу пайтда шу жойда учрашган эди. Агар икки инсон бир-бирини топиб, бири иккинчисида ўзини кўрса, бир-бирини англаб, бир-бирини севса, бу дунёдаги энг ажойиб ҳодисалардан бўлади. Эҳтимол, бундай учрашув ўша одамларнинг шахсий ҳаётидагина мўъжиза саналиб қолар, бироқ бугун дуч келган икки зот ҳис ва идрокнинг, ақл ва эҳтироснинг, илҳом ва туйғунинг — ҳуллас, бир-бирини тўлдирувчи юзлаб икки унсурнинг ўзини ўзида жамлаган икки дарё эди. (Бугунги кунда Кунёда «Икки дарё учрашуви» — «Маржа ал-бахрайн» деган кўча бор.

Жалолиддин Румий билан Шамсиддин Табризийнинг илк суҳбати узлуксиз уч ой давом этди. Дунё кезган, беҳисоб синоатларни бошдан ўтказган Шамсиддиннинг суҳбатлари Жалолиддинни бутунлай ўзига сеҳрлаб олди. Унинг ҳикояларини тинглар, муҳокамаларига қулоқ тутар экан, ҳозиргача ўзи излаган нарсани топганга ўхшади. Жалолиддин илму урфонда тенгсиз эди. Бироқ, унинг юраги ҳали жунбушга тушмаган эди. Ҳолбуки, дунё асрорини англашда ақлдан ҳам юқори кўтарилиш, жазава, ҳаяжонга берилиш кишида башорат қилиб бўлмайдиган ҳолатлар ато этар экан. Шамсиддин Табризий назарида, комил инсон — ўз-ўзини англаган ва ўз-ўзини унутган инсон. У ёш дўстини пояма-поя шу мақомга олиб чиқди. У Жалолиддинни шоирга айлантирди.

Жалолиддиннинг содиқ шогирдларидан бири, ахийлар жамоаси оқсоқолининг ўғли Ҳусомиддин устознинг хуш дақиқасини топиб, «Ваъзларингизда ифодаланган гўзал маъноларни худди Санойй ёки Аттормага ўхшаб, дoston қилиб ёзсангиз бўлмайдими?» деди. Мавлоно шу зумда галадондан тоза қоғоз чиқарди-да, ўз кўли билан 18 байт маснавий ёзди ва қоғозни Ҳусомиддинга узатди. Бу «Най таронаси» бўлиб, шундай бошланарди:

Тингла, най андоқ ҳикоятлар қилур,
Айрилиқлардан шикоятлар қилур.

Қолганларини эса айтиб турди. Ҳусомиддин пайдар-пай ёзиб олаверди. Машҳур «Маснавий» китобининг ёзилиши, умуман, буюк ижод шу тарзда бошланди.

Жалолиддин қалбида ишқ илк бора чечак ёзган йигитлик йилларида паришон газаллар ёзган, лекин уларни тўпламаганди. Ҳатто у дастлаб шеърятга ҳуши йўқлигини таъкидлаган эди. Мана, умрининг тўлишган палласида у шеър билан учрашди. Зеро, у шеърнинг орқасидан қувламади, балки шеър уни узига чорлади. Дастлабки таронадан сўнг Ҳусомиддин Ҳасан Чалабий кўлида қоғоз ва довот билан шоирнинг изидан соядек эргашиб юрди. Унинг фидойилиги билан неча минг шоҳ сатрлар бутун инсониятнинг маънавий хазинасига айланди:

«Маснавий» («Маънавию маснавий») 25700 байтга яқин улкан асар бўлиб, анъанавий Шарқ дostonлари йўлида ёзилган. Ундаги кўплаб ҳикоятларда най, тўти, кўза, май, дарвиш, сўфи, бемор, ошиқ, деҳқон сингари тимсоллар асосида шоирнинг дунёқарashi акс этган. Маълумки, буюк сўз санъаткорлари энг эзгу инсоний гоъларни тараннум этганлар, таъсирли воқеалар билан инсон шуурига яхши амалларни сингдиришга ҳаракат қилганлар. Жалолиддин Румий қарашлари исломий ақидалардан келиб чиққан эди. «Маснавий»да муқаддас Куръонга тез-тез мурожаат қилиб турилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, унда 760 ўринда оятлардан айнан форсийга таржима қилиниб келтирилади. 745 ҳолатда Пайғамбаримизнинг 703 ҳадисларидан фойдаланилган. Бу асар жуда катта обрў қозонди, барча давраларда эътироф этилди. Яратилганига икки юз йилдан кейин уни машҳур шоир ва суфий Нуриддин Абдурахмон Жомий «Форсий Куръон» деб атади.

Жалолиддин илоҳий илҳом оғушида ижод қиларди. У Шамс билан учрашгач, бутун дунёни унутди. Ваъз айтмай кўйди. Муридлар, шогирдлар ҳам кўзига кўринмасди.

Бу ҳолдан ташвишга тушган мухлислар Шамснинг жонига қасд қилишгача бордилар. Таҳликага тушган Шамс 1246 йил 11 мартда ҳеч кимга сездирмасдан Кўнёдан қочди. Бу айрилиқ Жалолиддинга багтар таъсир этди. Устозининг забун ҳолидан афсусланган шогирдлар Шамсни излашга киришдилар. Султон Валад уни Шомдан топиб келди. Яна дилкаш суҳбатлар бошланиб кетди. Бироқ, Жалолиддин ўзига қайтмади. Муридлар такрор жунбушга келдилар. Кўп ўтмай Шамс Табризий бутунлай йўқолди ва қайтиб кўзга кўринмади. Жалолиддин «Куёшим ботди» деб фарёд кўтарди, қайтиб мардасага ҳам, минбарга ҳам чиқмади. Хижрондан қалби яраланган шоир кўплаб ғазаллар яратди, тасаввуфий шеърлар битди. Бу ўгли ижод маҳсули «Девони Шамси Табризий»да жамланди. У 54000 байт гўзал шеърлардан тўкилган.

Жалолиддиннинг бисотида ҳамма нарса бор эди: садоқатли муридлар, фидойи шогирдлар, султонлар унинг қабулига навбатда турарди, одамлар суҳбатига ошиқарди. Аммо унинг юрак тубини бир дард тешгудек бўларди — бу суюкли дўстнинг фироғи эди. У аламзада дилига маҳам истар, хижрон азобини унутишни хоҳларди. Ич-ичида бир мунгли наво ёруғликка йўл излаб чўкиб ётарди. Бир куни бозордан ўтиб, заргарлар растасига яқинлашди. Усталар қўлида ишлаётган болғалардан шундай садо таралар эдики, бу оҳанг у излаб юрган, тополмаётган ва бутун топган мусиқасига ўхшарди. Оҳанг уни ўзига асир этди, бутун вужудида сел бўлиб оқди. Кўлларини ёзди-да, чарх уриб айланди. Бу ҳаракат унга мислсиз ҳаловат бағишлади ва яна айланиб, чарх ура бошлади. Усталар бошларини кўтариб қараганларида узун яктагининг этаклари ҳавога тўлган, салласининг печй бошига чулганган одамнинг зарб билан рақс этаётганини кўрдилар. Уларнинг бошлиғи заргар Салоҳиддин Фаридун Зарқуба Мавлонони таниди-да, усталарни яна ҳам жадалроқ ишлайверишга даъват этди. Рақс этувчи ўзини унутган, у ер ва само ўртасида чарх урарди. Ниҳоят, у тўхтади, чехраси мамнун эди. Гуё умр бўйи истаган оромини шу лаҳзада топган эди.

Шу дамдан бошлаб Салоҳиддин унинг яқин кишисига айланди. Шамснинг соғинчи ҳам чекинди, шоир «Куёш ботиб, ой чикди» дея таскин топди. Шу билан инсонлар қалбига Ҳақ нурини олиб киришнинг яна бир усули ҳам инкишоф этилди. Энди давраларда ваъз, шеър билан бирга рақс ҳам ижро этиладиган бўлди. Кейинчалик бу ҳолат суфийлар ҳаётида барқарор ўрин олди ва «Зикри самоъ» номи билан таомилга кирди.

Мавлоно ва Салоҳиддин икки танда бир жондек ўн йил бир-бирларига масту мафтун бўлиб юришди. Шамс Табризий Жалолиддинга бир оловни юқтириб кетганди, агар Салоҳиддин бўлмаганда, у шу оловда куйиб кетиши мумкин эди. Салоҳиддин оловнинг тафтини ўзига олди, шуъласи эса Жалолиддинда қолди. Висол билан мунаввар бўлган қалб ила Мавлоно гўзал мисралар тизди. Унинг хуш кайфияти шеър бўлиб қоғозга тўкиларди. Шундай қилиб, «Маснавий» устида жадал ишлади, унинг биринчи китоби тугаб қолган эди. Кўпдан туз тотмаган Жалолиддин тонгга яқин бир бурда нон еди. Шу лўқма тафаккур мавжини лойқалдек босди. Шоир Ҳусомиддиндан қаламни кўйиб туришни сўради. Шу ҳолда роса беш йил илҳом тугкич бермади. Нафсни жиловлай олмагандик азобини шунча йил тортишга тўғри келди. Хуллас, олти китобдан иборат мислсиз улуг асар ана шундай қийноқлар ва жасорат билан ўн беш йилда дунёга келди. «Маснавий»ни шарҳлаб ёки тушунтириб бўлмайди, — дейишади, — бунинг учун «Маснавий»дек китоб ёзиш керак. Уни фақат ўқимоқ лозим».

Бу орада Салоҳиддин қартайиб, тўшақда узок ётиб қолди. Мавлоно ундан ажралишни истамасди. Охири илтижо қилди: «Ижозат бер, бу дунёни тарк этай, азобдан кугулай». Нақадар оғир бўлмасин, Салоҳиддиннинг бирор тилагини рад этмаганди, видолашиб чиқиб кетди. Салоҳиддинни доира ва най тароналари билан, ҳофизлар кўшиқ куйлаб дафн этишди — марҳумнинг васияти шундай бўлган экан.

Энди Мавлононинг атрофида парвонадек Ҳусомиддин Чалабий қолган эди. Фарзанд Султон Валад ҳам содиқ мурид, ҳам муносиб ворис эди. Кейинчалик ҳам отасининг меросини ихлос билан тўплади. Унинг саъй-ҳаракати билан

Жалололидин Румийнинг 2703 газал, 1790 рубоийсини жамлаган тўплам — «Девони кабир» юзага келди. Насрий асарларини ҳам алоҳида китобга йиғди. Мавлононинг нури деҳқон йиғит Юнус Имро қалбига-да зиё сочди. Султон Валад ва Юнус Имро янги халқона ва анъанавий турк шеърятининг икки қаноти бўлиб улғайдилар.

* * *

Мавлоно Муҳаммад Жалололидин Румий ҳижрий 672 йил жумодул охирнинг бешида, мелодий 1273 йил 12 (17) декабр куни вафот этган. Унинг ханозасида туркийлар ва юнонлар, арманлар ва яҳудийлар, мусулмонлар ва христианлар баробар иштирок этишади. Негаки, «Биз дунёга одамларни ажратиш учун эмас, бирлаштириш учун келганмиз», деб маълум қилган шоир ва воиз жами инсонлар бир авлоддан тарқалганини, динларнинг асоси ягона эканини умр бўйи таъкид ва ташвиқ қилиб ўтди. Унинг учун бутун инсониятнинг бахти, бутун оламнинг гўзаллиги ягона истак эди. Шу туфайли у жами одамзоднинг фахрига айланди.

Жалололидин Румий шахси — ўта нодир ҳодиса. Бу нодирликнинг қамровини шартли равишда энг жўн соддалик ва энг мураккаб комиллик ораси, деб белгилаш мумкин. Яъни оддий мантиқ шуки, бир қўлда таёқнинг икки учини ушлаб бўлмайди ёки бир вақтда танганинг икки тарафини кўриш мумкин эмас. Бироқ Жалололидин Румий иқтидори истисно тариқасида бу ҳолатларни рад этар, у бир қўлда таёқнинг икки учини ушлай олар, бир вақтда танганинг икки тарафини кўриш даражасида эди. Тасаввурни оидинлаштириш учун иккита одми мисол келтирамиз: «Маснавий»дан бир байт:

Эшаги бёр эрса тўқим йўқ эди,
Топди тўқим, эшагин бўри еди.

Румийга хос талқин:

«Мен Худонинг бандасиман» дегувчилардан «Мен Худоман» (Анал — Худо) дегувчилар ҳудожўйроқдирлар. «Мен Худонинг бандасиман» деганлар бағоят такаббур бўлиб, гарчи бошларини эгиб бўлсалар-да, ўзларини Худо билан ёнма-ён кўядилар, қайсидир даражада ўзларига мавқе талаб қиладилар. «Мен Худоман» деганлар эса ўз гурурларини синдириб, Худо билан бирикиб кетганликларини (яъни «мен — йўқман, Худо — бор») таъкидлайдилар.

«Ваҳдати вужуд» — Жалололидин Румий ва бошқа суфий шоирлар улуғлаган гоёлардан эди. Бу ягоналик фақат Яратган билан узвийликда эмас, балки негиз — моя — ҳақиқ билан ялакатликда ҳам ўз моҳиятини намоён этар эди. Замонлар оша Оллоҳнинг бандалари — одамларни тоифаларга ажратиб, уларга турли муносабатлар шаклланиб келган бир шароитда бойлар ва камбағалларни бир кўзда кўриш, бинобарин, давлатмандлару ҳукмдорларга маддоҳлик қилишдан тийилиш ҳам бир маънавий камолот намунаси эди. Румий севган шоирлардан бири — Фаридидин Аттор қарийб беш юз минг мисра шеърӣй мерос қолдирди, бироқ, бир сатрида ҳам ушумомадгўйлик қилиб, қаламини булғамади. Шу фазилати билан ҳам бу ўлмас мерос яна бир шухратга дохил бўлди. Румий ўз буюк салафининг йўлини қувватлаш билан бирга, қарам ва марҳаматнинг, жасорат ва ҳимматнинг янги намуналарини намоёйиш этди.

... Юнон бола Сирианус очлик тазйиқида дўконга ўғриликка тушди ва ваҳимадан дўкондорни ўлдириб кўйди. Уни ўлимга ҳукм этдилар. Беихтиёр қатл майдонида келиб қолган Мавлонога оломон иккига бўлиниб йўл беради. Ҳамма ундан нажот кутарди. Жалололидин тўнини ечиб, боши кундага кўйилган боланинг устига ташлади. Жаллод болтасини ишга солишга журъат этолмади. Бу ҳақда султон Фиёсиддин Қайқубодга хабар берганларида, қулни озод қилиб юборишни буюрди. «Бир одамнинг хуни нима бўлибди, Мавлоно қиёматда бизнинг жами гуноҳларимизни сўраб олишга вакил қилинганлар», деган экан кўшимча қилиб ҳукмдор.

Қаранг, фалак чархи қанча навозишлар кўрсатди. Тахт илинжида ўз отасига қарши борган ва уни маҳв этган Фиёсиддин кибру ҳавога ортиқ берилди. Муқаррар

ёв — мўғулларни писанд қилмади. Ниҳоят, 1243 йил июнда Кўсатоғ водийсида салжуқийларнинг қора байроқли кўшини билан мўғулларнинг қизил байроқли кўшини тўқнашди. Салжуқийларнинг энг номдор лашкарбошиси биринчи зарбадан ҳалок бўлгач, руҳан ожиз кишиларда бўлганидек, кибру-ҳаво ўрнини бир зумда қўрқув эгаллади, парокандалик бошланди. Ана шундай таҳликали дақиқаларда халқ подшолардан, қурол тутган ҳарбийлардан эмас, сўфий шайхлардан, воиз ва зоҳидлардан нажот кутади. Зеро, улар жамиятнинг шундай табақаси эдиларки, эътиқодлари сабаб ҳар қандай фалокатга, очлик ва қашшоқликка тайёр, бироқ, тан кулфатини руҳ мағлубияти билан алмаштирмаган эдилар.

Салтанат мўғуллар оёғи остида топталди, мамлакатни бошқариш жиловни қўлдан кетди. Бало чигирткадек сокин ва фаровон Кўнёга яқинлашиб келарди. Бу мудҳиш кўчки гўзал чаманзорни маҳв этиши аниқ эди. Шаҳарни ваҳима қоплаган, хотинлар эрларидан мўғуллар беномус қилмасдан ўз қўли билан ўлдиришни сўрарди. Эркаклар муқаррар ўлим, хунармандлар саҳроларда гўрга киргунча давом этадиган меҳнат азобидан кўрқишарди.

Тун зулмати чўккач, Жалолиддин Ҳалқабағўш дарвозасидан билдирмай чиқди-да, водийга тушиб кетди. У тун бўйи Қазанвиран тепалигида ёлғиз қолди. Агар мўғуллар бостириб келса, у биринчи шаҳид бўларди. Эрталаб соғ-саломат қайтгач, Жалолиддинни кўрган шаҳар аҳли ҳайратдан ёқа ушлади. Ва шу билан мўғуллар Кўнёга қайтиб қадам қўймади! (Кавказда уларга қарши исён кўтарилган, зудлик билан ортга қайтишга мажбур бўлишганди). Мазкур омонликни ҳамма Мавлононинг кароматига йўйди. Бу бежиз эмас эди.

Айни пайтда вазиру вузаролар, амиру уламолар султон Иззатдин бошчилигида Жанг майдонини тарк айлаб, пойтахтни қисмат ҳукмига ҳавола этиб кетган эдилар (1256 йил). Кейинчалик Иззатдин Кайковус II маҳрамлари билан мадрасага ташриф буюрганда, Мавлоно ҳеч нарсани сезмагандек шоғирдлари билан суҳбатни давом эттираверди. Султон дурадгорлар, сартарошлар, кўнчилар орасида бир пас ўтиргач, хокисорлик билан бош эгиб сўрайди:

— Мавлоно ҳазратлари, мени ўз панду мубораклари билан сарафроз этсалар!

— Сенга нечун насиҳат айлай, — дейди шоир, — сен чўпон бўлиш ўрнига бўри бўлдинг. Асраб-авайлаш ўрнига талон-тарож этдинг. Оллоҳ сени султон қилди, сен эса иблиси лаъин измини тутдинг!

Ривоят қилишларича, султон бу сўзларни эшитиб, йиғлаб чиқиб кетган эмиш. (Р. Фиш. «Жалолиддин Румий», 237-бет).

Машҳур воиз, оташнафас шоир сифатида танилган, ҳар қандай шароитда ҳақиқатнинг юзига тик қараб, юракда борини айта оладиган ва шунга кўра халқ меҳри билан чулғаб олинган мавлоно ҳукмдорларнинг юзига ҳам тик боқиб, ўз муносабатини изҳор эта оларди.

Бу фазилат мавлоно Жалолиддин Румийнинг олмосдек кўп қиррали шахсиятига хос бир белгиси, ҳолос. Бугунги кунда жаҳон афкор оммаси ул зоти шарифни жуда кўплаб сифатлари боис улўгламоқда, ҳаёти ва фаолияти билан қизиқиб, унинг мўъжизаларига тобора яқинроқ бўлаётир. Зеро, бир вақтлар «Саноий ва Аттор ҳижрондан сўзламишлар. Бизнинг васфимиз эса висол ҳақида. Мана, моҳият», деб лутф қилган шоир инсониятга ҳамон эзгулик, ҳаётсеварлик ғояларини юқтириб келмоқда. Унга талпинишнинг, уни эъзозлашнинг сири ҳам шунда бўлса керак. Зеро, ҳали одамзод нурга, ёруғликка интилишдан тўхтагани йўқ.

Ҳа, Жалолиддин Румий такрорланмас мўъжиза. Бундай буюклик қай йўсинда воқе бўлганини ҳикоямиз давомида бир кўр кўздан кечирдик. Шу қисқа саёҳатимиз орқали унинг қанчалаб қийноқлар, ранжу маломатлар кечирганини ҳис қилиш қийин эмас. У ақидапарастликни ёқтирмас, динга ахлоқ, маънавий тарбиянинг самарали воситаси сифатида қарар эди, расмий руҳонийларни хушламасди, шу туфайли унга уюштирилган тухматлар, фитналар, ҳасадгўйларнинг разолати ҳақида сўзлаш мавриди эмасдир, билъакс, биз Румий талъатига мафтун бўлар эканмиз, у мақсадни жуда буюк олганини, унинг нигоҳи Ҳаққа қаратилганини таъкидлаш жоиздир. Ана шу буюк аъмол учун, бетимсол висол учун қолган ҳамма нарса абас эди. Ҳатто шеъриятдек соҳир мўъжиза ҳам Румий учун мақсад эмас, улўғ орзуга етишиш йўлида восита бўлиб қолди. Баъзилар ўзининг бутун қобилиятини ва, албатта, умидини шеъриятга бағишлайди. Шеър орқали орзулари рўёбга чиқишини, обрў, мансаб, бойликка эга бўлишни истайди. Мавлоно Румий эса бу даражадан

устун туради. У шоирликни орзу қилмади, балки у қўзлаган ёруғ манзил уни шоирга айлангирди. Таассуфки, унга илтифот қилган толе фақат уни сарафроз этибгина қолмади, балки Румий дунёнинг энг улуг шоирларидан бирига айланди. Унинг беназирлиги, бетимсоллиги ҳам шунда. Гуё дарахтдаги мевага ҳамма қўл чўзади-ю, мева эса ўзи истаган кишига «мени ол!» деб илтифот қилади. Жалолиддин Румий ана шу даражада шарафланган зотдир.

Унинг боқий ижоди ҳамон инсоният хизматида. У васф этган, одамларга илинган эзгу туйғулар, панд-насихатлар ҳамон оҳорини йўқотгани йўқ. Румийнинг йиллар қаърини тешиб ўтувчи нигоҳи билан бугуннинг энг сўнгги муаммоларига ҳам жавоб топиш мумкин. «Менинг болаларим китоб ўқймайди, менинг болаларим компьютер ўйнайди», дейди бахтиёр ота мўйловини силаб. Агар Румий назари билан виждонга тик боқиб баҳоласак, ўша отани ва ўғилларни нима кутаётганини билиб олиш қийин эмас. «Китоб ўқисам, ишим орқага кетади» дейди замонавий тadbиркор. У ўз сўзи билан тadbиркорлиги ва «иши»ни олдинга силжитган омади нима ҳисобидан эканини фош қилиб қўяпти. Ахир азалий қадриятлар эскиргани йўқ ва эскирмайди ҳам — китоб одамни ҳаромдан қайтаради, ҳалолликка ундайди-да.

Боқий Сўзнинг, Жалолиддин Румий сингари мўътабар инсонлар ҳаётининг моҳияти шунда эмасми?! У туғилган куннинг 800 йиллиги халқаро миқёсда байрам қилиниши шу ҳақиқатнинг оддий исботидир.



ТОШКЕНТ — 2007 ЙИЛДА
ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ

Аллома Тафтазоний Самарқандда

Кадимий, ҳамиша навқирон Самарқанд шахрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз Ислом Каримов сўзлаган нутқларини эшитган ҳар бир ватандошимизнинг қалбида чексиз фахр-ифтихор туйғулари уйғонди. Шу билан бирга, энг аввало, шундай буюк, ҳар қандай одам ҳавас қиладиган беназир, гўзал юртда яшаш насиб этганлигига шукроналик, унга чин қалбдан, фидойилик билан хизмат қилиб, унинг ободлиги ва янада равнақиға ўз ҳиссасини қўшиш каби юксак орзулар барқ урганлиги муқаррардир. Шу нуқтаи назардан қараганда, биз тарихчи, шарқшунос олимлар юртимизнинг ўтмишини: кўп асрлик шонли тарихини ҳали чуқур ўрганишимиз зарур эканлигини янада теран англаймиз. Айниқса, қарийб уч минг йиллик тарихга эга кўҳна Самарқанднинг ободлиги ва кўркамлиги йўлида буюк аждодларимиз, хусусан, XIV асрда салтанат юритган Соҳибқирон Амир Тему́р ҳазратлари амалга оширган улугвор ишлар «бугун ҳам барчамиз учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз». Яна Президентимиз нутқида алоҳида таъкидлаганидек, «Илму фанни юксак қадрлаган Амир Тему́р бобомиз ўз пойтахти Самарқандга дунёнинг турли минтақаларидан етук олим ва уламолар: меъмор ва муҳандисларни жалб этган. Буни Самарқанд заминида кўрсатган Балхий ва Дамашқий, Бағдодий ва Марвазий, Тафтазоний ва Журжоний, Жазарий ва Шомий каби юзлаб алломаларнинг номлари ҳам исботлаб турибди».

Мавриди келганда айтиш керакки, мустақиллик йилларида бу йўналишда эътиборга молик улкан ишлар амалга оширилгани билан ҳали-ҳануз мамлакатимизда уларга ўхшаш кўплаб олимларнинг ҳаёт йўллари, улар қолдирган бой илмий-маънавий мерос етарли даражада ўрганилгани йўқ. Давлатимиз раҳбарининг табрик нутқида зикр этилган олимлардан бири Саъдуддин Тафтазоний бўлиб, унинг аксар фаолияти Самарқандда, Амир Тему́р саройида ўтган. Ҳаёт фалсафасини қарангки, айнан шу олимнинг Соҳибқирон Амир Тему́р ҳомийлигида Самарқандда салмоқли фаолият кўрсатиб, муҳим асарлар яратгани ҳақида бундан уч ой муқаддам Буюк Британиянинг пойтахти Лондонда бўлиб ўтган бир суҳбатнинг ҳам гувоҳи бўлган эдик. Гап шундаки: хизмат сафари юзасидан шу йил май ойида Буюк Британияда бўлганимизда, Лондон университети қошидаги ислом тадқиқотлари марказининг директори, таниқли олим, профессор Муҳаммад Абдулҳалим жаноблари билан мулоқотда бўлан эдим. Асли мисрлик бу олим Шарқ мамлакатлари тарихи, ислом дини таълимотларига доир кўплаб асарлар яратган йирик мутахассис, айниқса, Қуръони Каримнинг инглиз тилига таржимони сифатида ҳам дунё илмий доираларида катта нуфузга эга (бу таржима 2004 йилда Англиядаги Оксфорд университети томонидан нашр этилган). Шулар билан бирга, суҳбатимиз чоғида профессор жаноблари Мовароуннаҳр тарихи, юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган улкан илмий-маърифий жараёнлардан ҳам яхши хабардор бўлиб, шулар жумласидан 2007 йилда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом

ташкilotи (АЙСЕЕСКО) томонидан мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрининг Ислон маданияти пойтахти деб эълон қилинганлиги, қадимий шаҳарларимиз Самарқанд, Марғилоннинг юбилейлари, ўрта асрларда юртимиздан етишиб чиқиб, исломий илмлар ва маданияти равнақига салмоқли ҳисса қўшган буюк алломалар ва йирик арбоблар, хусусан, Амир Темур ва темурийлар даври тарихи ва маданияти бўйича ҳар томонлама чуқур маълумотга эга эканлигини ҳам намоён қилди. Мулоқотимиз охирида Муҳаммад Абдулҳалим жаноблари менга эсдалик сифатида Амир Темур таклифи билан пойтахт Самарқандга келиб, самарали фаолият кўрсатган улуғ алломалардан бири Саъдуддин Тафтазонийнинг айнан Самарқандда 1382 йилда араб тилида ёзган «Шарҳ ал-Мақосид» асарининг 1984 йили Қоҳирадаги ал-Азҳар университетети нашриётида чоп этилган беш жилдлик улкан асарини совға қилган эди. Самарқанднинг табаррук тўйи муносабати билан Юртбошимизнинг ёрқин нутқларида зикр этилган ана шу алломанинг ҳаёт йўллари ва ижодий фаолияти ҳақида азиз журналхонларга муфассалроқ маълумот бериш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Унинг тўлиқ исми Масъуд ибн Умар ибн Абдуллоҳ Саъдуддин Тафтазоний бўлиб, у 1322 йилда Хуросоннинг Тафтазон қишлоғида, зиёли бир хонадонда таваллуд топади. У ёшлигидан ўта зеҳнли, ақл-идрок соҳиби, исломий ва дунёвий илмларга ташналиги билан ўз тенгқурларидан ажралиб турган. Дастлабки билимни Хуросоннинг йирик илмий марказлари Хирот, Шероз, Балх, Сарахс каби шаҳарларида олади. Кейинроқ ўз даврининг йирик олимлари, жумладан Азудиддин ал-Ийжий, Қутбиддин Муҳаммад ар-Розий, Насимуддин Абу Абдуллоҳ, Зиёуддин ибн Усмон ал-Қазвиний, Аҳмад ибн Абдулваҳоб ал-Қўсий кабилардан таълим олиб, ўша даврда кенг тарқалган калом, мантиқ, илм ал-усул, фикҳ, астрономия, математика каби илмлар соҳасида етук олим даражасига эришади. Манбаларда ёзилишича, Саъдуддин Тафтазонийнинг илмий-ижодий фаолияти жуда барвақт – ўн беш-ўн олти ёшларидан бошланган. Яна шуни айтиш керакки, Тафтазоний ҳаётининг аксар қисми Хуросоннинг юқорида зикр этилган шаҳарлари билан бир қаторда Мовароуннаҳрда – Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Фиждувон каби шаҳарларда ўтганлиги ҳақида ҳам ёзма манбаларда аниқ қайд этилган. У 1390 йилда Самарқандда вафот этади.

Ҳозирги маълумотларга қараганда, унинг илмий-маънавий меросига мансуб асарларнинг сонини ўттизтага етади. Улардан «Ал-арбаъин фил ҳадис», «Ал-фатова ал-ҳанафиййа», «Ал-мифтоҳ», «Иршод ал-ҳодий», «Таҳзийб ал-мантиқ вал калом», «Ал-мутававал ала ат-талхис» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Асарларининг аксарияти араб тилида, қисман эса форс тилида яратилган, олим фаолиятида турк ва форс тилларига қилинган таржималар ҳам зикр қилинади. Шулар билан бир қаторда унинг илмий-ижодий фаолиятида юртимиздан чиққан йирик олимларнинг қимматли асарларига шарҳлар битиш ҳам етакчи ўрин эгаллайди. Жумладан, у юздан ошиқ асарлар ёзган насафлик таникли олим Нажмиддин Умар Абу Ҳафс ан-Насафийнинг (1068 — 1142) ақида масалаларига бағишланган ғоятда муҳим «Ал-Ақоид» номли асарига (бу мўъжаз асар атиги 12 саҳифадан иборат) кенг кўламда шарҳ ёзган бўлиб, бу шарҳнинг 2000 йилда Қоҳирада чоп этилган нашри 162 саҳифадан иборат. Ўрни келганда айтиш керакки, ҳажм нуқтаи-назаридан ғоятда кичик бўлган бу рисолада иймон-этиқод масалалари аҳли сунна ва жамоат ақидасига мувофиқ аниқ ва ишончли тарзда баён қилинганки, у ўз даврдан то ҳозирги пайтгача мусулмон давлатларидаги дорулфунун ва мадрасаларда, жумладан ал-Азҳар университетининг ўқув муассасаларида сунний ақида бўйича асосий қўлланма – дастурлардан бири сифатида ўқитиб келинмоқда. Асарнинг катта амалий аҳамиятидан келиб чиқиб, кўплаб олимлар унга шарҳлар битганлар. Жумладан, Саъдуддин Тафтазоний ҳам бу асарга мукамал шарҳ ёзган муаллифлардан ҳисобланади. Тафтазоний томонидан хоразмлик буюк аллома Маҳмуд аз-Замахшарий (1075–1144) қаламига мансуб «Ал-

«Кашшоф» номли Куръони Карим тафсирига батафсил ҳошия ҳам битилган. Шунингдек, аз-Замахшарийнинг одоб-ахлоқ ва тарбиявий масалаларга оид «Навобиғ ал-калим» («Нозик иборалар») номли маъжаз асарига ёзган муфассал шарҳи ҳам дунё илм аҳлларига яхши маълум.

Тарихнавис олим Хондамирнинг «Ҳабиб ас-сияр» номли асарида ёзилишича, Амир Темур ҳазратлари Саъдуддин Тафтазонийнинг катта илмий салоҳияти ва юксак инсоний фазилатларидан яхши хабардор бўлганлиги учун 1380 йилда – бу пайтда олим Хоразмда фаолият кўрсатар эди – уни ўз давлатининг пойтахти Самарқандга таклиф қилади. Бу таклифни аллома миннатдорлик туйғуси билан қабул қилади, лекин Маккага, ҳаж ибодатини адо этиш учун муборак сафарга тайёргарлик кўраётганлиги сабабли салтанат соҳибидан узр сўрайди. Бироқ Амир Темурдан такрорий таклиф келгач, у Самарқандга, олампаноҳ саройига ташриф буюради. Соҳибқирон ҳазратлари олимни Самарқандга келиши билан самимий қутлаб, унга алоҳида иззат-ҳурмат, камоли эҳтиромини изҳор қилади. Улар ўрталарида кўплаб мароқли суҳбатлар, самимий мулоқотлару қизиқарли илмий-маърифий тарздаги учрашувлар бўлиб ўтади. Соҳибқирон томонидан кўрсатилган юксак илтифот, илиқ ва самимий муносабат, яратилган мукаммал шарт-шароитлардан олимнинг илмий-ижодий фаолияти янада гуркираб ривожланади. У Самарқанд мадрасаларида мударрислик фаолиятини олиб бориш билан бимрга кўплаб шогирдларга устозлик қилади, ўзининг бир қатор муҳим асарларини ҳам айнан шу шаҳарда яратади. Жумладан, олим ижодида муҳим ўрин эгалловчи калом илмига бағишланган асосий, йирик асари – «Шарҳ ал-Мақосид» («Мақсадлар» асарига шарҳ) ҳам 1382 йилда Самарқандда ёзиб тугатилади. Бу асар «Мақосид ат-толибин» («Толиби илмларнинг мақсадлари») деб ҳам аталиб, ислом динида ғоятда муҳим бўлган калом илмига, бошқача ибора билан айтганда, ақидавий масалалар шарҳига бағишланган. Маълумки, ўрта асрларда ақида масалаларини нотўғри, ғаразли мақсадларни кўзлаб талқин қилиш натижасида жамиятни залолатга бошлаган кўплаб гуруҳлар пайдо бўлган. Шундай шароитда қатор олимлар ислом динининг софлиги, унинг асл манбаларини тўғри тушунтириб, талқин қилиш орқали бу фирқа ва оқимларга қарши курашганлар, жамиятда носоғлом муҳит, парокандалик ва беқарорлик келиб чиқишининг олдини олганлар. Тафтазонийнинг «Ал-Мақосид» асари ҳам мана шу йўналишда ёзилган қимматли асарлардан ҳисобланади. Масаланинг ғоятда муҳим ва долзарблигидан келиб чиқиб, муаллифнинг ўзи томонидан ушбу асарига шарҳ ҳам ёзилган. Беш жилддан иборат «Шарҳ ал-Мақосид»ни чуқур тадқиқ қилиб, ушбу илмий нашрни Қоҳирадаги ал-Азҳар университети уламолар кенгаши ва исломий тадқиқотлар академиясининг аъзоси доктор Абдурраҳмон Умайра амалга оширган. Унга кириш сўз эса фазилатли шайх Солиҳ Мусса Шараф томонидан ёзилган. Тадқиқотчи ушбу хайрли ва муҳим ишни амалга оширишда «Шарҳ ал-Мақосид»нинг турли мамлакатларда сақланидиган олтита кўлемасидан фойдаланган. Бу қимматли илмий тадқиқотни араб тилидан таржима қилиб, кенг ўқувчилар оммасига етказиш ва Соҳибқирон Амир Темур даврида самарали фаолият кўрсатган бу алломанинг илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш олимларимиз олдида турган муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Убайдулла УВАТОВ,
Тошкент ислом университети
Манбалар хазинаси директори,
тарих фанлари доктори

Блез ПАСКАЛ

Муҳаббат – олий саодат

ИШҚ-МУҲАББАТГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

Инсон тафаккур учун яралган. У узлуксиз, ҳар лаҳза-сония тафаккур юритади, мулоҳаза қилади. Бироқ бахтиёр қила оладиган бокира фикр-мулоҳазалар билан ҳаёли ҳамиша банд бўлса, толиқади ва ҳолдан тояди. Инсон якранг турмуш тарзига мослашмаган, унга хатти-ҳаракат ва фаолият зарур. Бошқача айтганда, хотиржамлигини эҳтирослар тугёни ўқтин-ўқтин безовта қилиши зарур. Уларни жўшқин ва теран эҳтирослар манбаи — қалбидан топади.

Муҳаббат ва иззатталаблик — бошқа кўплаб ҳис-туйғулар тажассуми ҳисобланувчи икки асосий инсоний ҳис-туйғу. Бу туйғулар хилма-хил эканидан қатъи назар, кўпчиликнинг эътирофига, уларни боғловчи-туташтирувчи хоссалар мавжуд. Аслида эса, улар, аксинча, ўзаро кушанда, ёв бўлмаган тақдирда ҳам бир-бирини заифлаштиради.

Қанчалар теран, қамровдор ақл-идрок, тафаккурга эга бўлмайлик, фақат ягона кучли туйғуни ҳис эта оламиз. Шу боис ҳам муҳаббат, ҳам иззатталаблик дардига мубтало эканмиз, бу туйғу-хислатларнинг ҳар бири ўз куч-қудратининг атиги ярмини намоён этади, башарти бири иккинчисига монелик қилмаганида, дейлик, улардан биттасининг қудрати тўлалигича намоён бўларди.

Бу икки туйғунинг юзга келиши ҳам, сўниши ҳам ёшга боғлиқ эмас. Улар ҳаётнинг дастлабки лаҳзаларидаёқ пайдо бўлиб, инсон қалбига умрбод ҳамроҳлик қилади. Бироқ оташталаб-ёлқинталаб бўлгани учун одамлар ёшлик-навқиронлик йилларида уларга кўпроқ мойил бўладилар ва шу боис умр ўтгани сайин ҳис-туйғулар ўтмаслашиб борадигандай таассурот пайдо бўлади, ҳолбуки, бу камдан-кам рўй беради.

Инсон ҳаёти ачинарли даражада қисқа. Дунёга келган лаҳзадан ҳаёт ҳисобкитоби бошланади. Менга қолса, инсон ҳаётини ақл-идрок, тафаккур қилиш қобилияти шаклланган — фаҳм-фаросат, ақл-идрок билан иш тутадиган палладан, одатда камида йигирма ёшдан ҳисоблаган бўлардим. Бу ёшгача боладан фарқимиз йўқ, бола-болакай эса ҳали тўла-тўқис инсон дегани эмас.

Дастлаб меҳр-муҳаббат, кейинчалик эса иззатталаблик ҳукмронлик қиладиган ҳаёт қанчалар бахтли-я! Танлаш имконияти бўлганида, бошқача ҳаётни ҳаёлимга ҳам келтирмаган бўлардим. Қалбимизда токи оташ-аланга гуриллар экан, ишқ-муҳаббат исканжасида бўламуз, бироқ эртами-кечми аланга сўнади — ўшанда иззатталаблик учун тасаввурга сиғмайдиган уфқлар очилади! Жўшқин ҳаёт фавқулодда тафаккур соҳибларига насиб этади, оралиқ-аросатдагиларга бундай ҳаётнинг қизиғи йўқ; жамики саъй-ҳаракатларни содир этишда машина сингари иш тутишади. Шу боис ҳаётининг аввалида ишқ-муҳаббатга мубтало бўлиб, ёши ўтинқирагач, иззатталаблик домига тушадиган инсон ҳис қилиши мумкин олий бахт-саодатга эришадилар.

Блез Паскал (1623—1662) француз файласуфи. У математик, физик, ёзувчи ва дин арбоби сифатида ҳам машҳур бўлган. Геометрия, гидростатика бўйича назариялар яратган. Француз мумтоз наслининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Ҳаётлигида “Мактублар”, ўлиmidан сўнг “Уйлар” номли фалсафий асарлари эълон қилинган.

Инсоннинг ақл-идроки, тафаккури қанчалар кучли бўлса, ҳис-туйғулари ҳам мутаносиб равишда кучли, ўткир бўлади. Ахир эҳтирослар — гарчи ташқи сабаби тана билан боғлиқ бўлса ҳам, аслида тўла-тўкис ақл-идрок тафаккурга мансуб туйғулар ва фикр-мулоҳазалар; демак, уларда ақл-идрокка ёт-бегона ҳеч вақо йўқ, бинобарин, улар тафаккурга мутаносиб. Бу ўринда фақат жўшқин эҳтиросларни назарда тутяпман. Бошқа ҳис-туйғулар эса изтиробли мавҳумликни юзага келтириб, аксарият қоришиқ бўладилар; бироқ кучли ақл-идрок соҳиблари ҳеч қачон бундай ҳолатга тушмайдилар.

Қалбан буюклик — улуғвор қалб барча жиҳатларда ўзлигини намоеън этади.

Баъзан севишнинг ҳожати борми, дея сўрайдилар. Бу ҳақда савол-сўроққа ҳеч ўрин йўқ, буни ҳис этиш, бошдан кечириш лозим. Одамлар севиш-севмаслик ҳақида мулоҳаза қилмайдилар — истак-хоҳиш, майлларига амал қилиб, бирон шубҳа-гумон туғилиши ҳамоно лаққа тушадилар.

Ақл-идрок, тафаккурнинг равшанлиги-тиниклиги эҳтирослар бокиралигига замин ҳозирлайди, шу боис теран ва равшан ақл-идрок соҳиби қизгин, жўшқин дили билан сева олади ва муҳаббатига ҳамиша имони комил.

Икки хил ақл-идрок мавжуд: биринчиси геометрик ақл-идрок, иккинчисини эса назокатли хафиф ақл-идрок дейиш мумкин.

Дастлабки ақл-идрок соҳиби нарса — ашё-предметни турли томонлардан синчиклаб кўздан кечиради. Иккинчи хил ақл-идрок соҳиби эса шундай оқилона мулоҳаза соҳибки, севадиган одамнинг кўплаб жозибатор хислат-фазилатларини бир қарашдаёқ илғайди. Унинг ўткир нигоҳи қалбгача етиб боради, натижада лаҳзалик имо-ишоралар воситасида қалбдаги кечинмаларни пайқайди.

Ҳар икки хил ақл-идрокни умумлаштира олган шахс ишқ-муҳаббатдан нақадар лаззатланишини тасаввур қилиш қийин! Ахир у наинки ақлий куч-қувват, балки ошиқ-маъшук бир-бирига муҳаббатини гоят нафосат билан изҳор эта олиши учун зарур оқилона ақл-идрок соҳиби.

Биз қалбимизда муҳаббат билан дунёга келамиз. Ақл-идрокимиз тақомиллашгани сайин меҳр-муҳаббатимиз шаклланиб, жозибатор гўзаллик — нафосат асли қандай эканини ҳеч қачон уқтирмаганларидан қатъи назар, ўзимиз жозибатор — гўзаллик ҳисобловчи сиймони севишга ундайди, даъват этади. Бинобарин, ёлғиз муҳаббат учун дунёга келганимизга ким ҳам шубҳа қиларди? Ўзимиздан яшириш бемаънилик: биз ҳамиша севамиз, ҳатто ишқ-муҳаббатдан нафратлангандай бўлсак ҳам, аслида муҳаббат қалбимизнинг қаърида юзага чиқиш учун пайт пойлайди. Илло, муҳаббатсиз бир лаҳза ҳам яшай олмаймиз.

Инсон ёлғизлик юкини кўтара олмайди; бинобарин у севади, — демак, меҳр-муҳаббатини бахшида этадиган манба-сиймо топиши зарур. Фақат жозибатор гўзаллик соҳиб-соҳибаси шундай манба бўла олади; унинг ўзи — барча илоҳий нарса-ашё — мавжудотларнинг гултожи бўлгани боис ён-атрофда қидираётган жозибатор — гўзаллик намунасини ўз қалбидан топиши керак. Унинг нишонларини, хоҳиш-истак бўлса бас, ҳар ким ўз қалбидан топади. Ташқи нарса — ашёлар бу намунага мос келиш-келмаслигига биноан одамлар ўзлари учун ҳар бир нарса — ашёга нисбатан гўзал ва хунук тушунчасини ҳосил қиладилар. Лекин гарчи инсон ўз “Мен”ининг сарҳадларидан ёриб чиққани ҳамоно юзага келувчи чексиз бўшлиқни тўлдириш учун восита қидирганидан қатъи назар исталган нарса — ашё билан қаноатлана олмайди. Унинг қалби уфқлари жуда кенг; шу боис ахгараётган алланарса лоақад унга ўхшаш ёки яқин бўлиши талаб этилади. Шунинг учун у танлайдиган жозибатор гўзаллик наинки уйғун, балки ўхшаш бўлади. Бу уни турли жинслар доирасига дохил-ошна этади.

Бу ҳақиқатни она табиат қалбимизга шу қадар аниқ — қатъий муҳрлаганки, бундай гўзалликни қабул қилиш, англаш, идрок этиш учун на санъат, на бирон-бир билим-малака талаб қилинади; афтидан, қалбимизда унинг учун алоҳида махсус жой меҳроб — тахт ажратилган-у, у бўш қолмаслиги керак. Буни ифодалаш-таърифлашдан ҳис этиш осон. Табиий тушунча, фаҳм-фаросатининг нигоҳини хиралаштириб, уларни назар-писанд қилмайдиган кимсаларгина буни пайқамайдилар.

Умумий жозибатор гўзаллик гоё тушунчаси қалбимизга теран муҳрланганидан қатъи назар гўзаллик — нафосатга оид тасаввурлармиз афсуски, бир хил эмас, лекин бунинг ёлғиз сабаби майл-иштиёқларимизга бориб тақалади.

Илло, бизга шунчаки гўзалликнинг кераги йўқ — биз учун яна қатор жиҳатлар муҳим бўлиб, улар биз кўпроқ нималарга мойил эканимизга боғлиқ ва шунинг учун айтиш мумкинки, ҳар бир инсон ўзига хос ва мос, алоҳида гўзаллик тимсолини яратиб, унинг тажассуми бўлган сиймони тўрт томондан ахтаради. Бундай гўзаллик тимсоли аксарият аёллар бўлади. Эркакларнинг эс-хушига ёлғиз ҳукмронлик қилган ҳолда ўзларига хос ёхуд ўзлари қимматли билган гўзаллик белгилари — нишонлари-хоссалари билан гўзалликка оид эркаклар тасаввурини тўлдиреди; бошланғич гўзаллик гоёси-тушунчасига кўнгиллари тусаган хоссалар билан қўшимчалар киритади. Шу боис оч малла рангилар даври даврони ва қорамтир жононлар асри бўлади, ва шунга мос равишда, аёлларнинг ундай ёки бундай кўриниш касб этишни афзал билишларига биноан эркакларнинг ҳам диди ўзгаради.

Гўзалликка оид тушунча-тасаввуримиз ҳатто биз яшайдиган мамлакатдаги расм-русумлар ва урфга ҳам боғлиқ. Расм-русум, урф-одатлар эҳтиросларимиз устидан ҳукмронлик қилиши кишини ҳайратлантиради. Бундан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг гўзалликка оид шахсий тушунча-тасаввури бўлиб, шундан келиб чиққан ҳолда бошқалар ҳақида фикрлайди. Ошиқнинг наздида маъшуқа бошқа барча қиз-жувонлардан афзал гўзаллик — нафосат намунаси.

Гўзаллик гоёят ранг-баранг. Унинг энг нафис тимсоли — аёл. Аёл оқила бўлса, гўзалликка ҳайратланарли руҳ бахш этиб, яна ҳам юксалтиради.

Агар аёл манзур бўлишни истаса ва бу борада барча гўзал сифат-фазилатлар соҳиби бўлса ёки лоақал уларнинг айримларига эга бўлса, ниятига, албатта, етади. Устига-устак эркаклар унга салгина эътибор берсалар бас, ҳеч бир сабъ-ҳаракат қилмас ҳам уни, албатта, кимдир севиб қолади. У бирон ташна қалбдаги бўш муҳаббат тахти соҳибаси — маликага айланади.

Инсон ҳузур-ҳаловат, роҳат-фароғат учун яралган. Буни ҳис этади, бошқа далил-исботларга ҳожат йўқ. Бинобарин, роҳат-фароғатга берилар экан, инсон ақлан иш тутади. Лекин кўпинча шундай ҳол рўй берадики, қалбда эҳтирос турғинини ҳис этгани ҳолда бунинг сабаб — илдини била олмайди.

Сохта роҳат-фароғат ҳам чинакам роҳат-фароғат каби ақл-идрокни эгаллаши ҳеч гап эмас. Биз эса унинг сохта эканини ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз, чунки чинакам, ҳаққоний лаззат деб ўйлаймиз!

Муҳаббат ҳақида баҳс юритиш асносида айни дардга мубтало бўламиз: ахир бу инсонга хос гоёят табиий эҳтиросли туйғу!

Муҳаббат ёшга қарамайди, қайта-қайта туғилаверади. Буни шеърӣ асарлар исботлайди, шоирлар муҳаббатни фарзанддек тасвирлашлари бежиз эмас. Бироқ аслида ҳам шундай эканини шеърӯ ашъорсиз ҳам ҳис қила оламиз.

Муҳаббат ақлга ақл қўшади ва айни пайтда ақл-тафаккурға таянади. Севги-муҳаббат — санъат, санъаткорлик, ижодкорликни тақозо этади. Дейлик, ошиқ-маъшуқага манзур бўлиш учун ишга соладиган воситалар кун сайин камаё боради, бироқ аҳди қатъӣ бўлгани боис — унинг меҳрини қозонади.

Иззатгалаб, шахсиятпараст бўлганимиз боис кўпчилик меҳрига лойиқмиз деб ҳисоблаймиз; шунинг учун ҳам сеvimли бўлиш хуш ёқади. Муҳаббатга ташналимиз туфайли бизни севадиган ошиқ-маъшуқнинг нигоҳида тез-тез муҳаббат ёлқинларига кўзимиз тушади. Ахир кўзлар — нигоҳимиз — қалбдаги кечинмалар кўзгуси, бу кўзгудаги битикларни фақат хушёр ошиқ ё маъшуқа ўқий олади.

Ёлғиз кимса — ярим бағир, ярим кўнгилдай гап. Бахтли-саодатли бўлиш учун ўз тенгини топиши зарур. Аксарият умр йўлдошимизни ёру биродарларимиз доирасидан ахтарамиз: уларнинг даврасида ўзимизни бемалол тутамиз ва ўзлигимизни намоен этиш имкониятлари кўп. Бироқ баъзида юқорироқ доираларга назар ташлаймиз-у муайян нигоҳдаги ёлқинга кўзимиз тушганидан қатъи назар бунинг сир-асорини кашф этишга журъатимиз етмайди.

Танлаган маъшуқангиз аввалига яқинига йўлатмагани боис дастлаб муҳаббатга иззатгалаблик ҳамроҳ бўлиши мумкин, лекин ҳеч қанча фурсат ўтмай, ишқ-муҳаббат якка-ёлғиз ҳукмронга айланади. Бу шундай ҳукмфармо туйғуки, тахтида ёлғиз ҳукмронлик қилиш мақсадида ён-атрофида баслашишга даъвогар ҳис-туйғулар билан мутлақо чиқиша олмайди. Бўлак ҳис-туйғулар барчаси унга йўл бериши ва итоат қилиши шарт.

Одатий тенг мойилликка нисбатан улуғвор дўстлик-қадрдонлик кучлироқ жалб этади. Енгил-елпи ҳеч қандай кечинма инсон қалбининг теранликларини бўйлай олмайди; фақат олижаноб, улуғвор туйғулар қалбимизга доимий ҳамроҳ — ҳукмрон бўла олади.

Китобларда аксарият шундай фикр-мулоҳазалар билдириладики, уларнинг ҳаққонийлигини фақат ҳар бир инсонни ўзи устида мулоҳаза юритишга мажбурлаш ва бевосита ишонч ҳосил қилиш асносида асослаш мумкин. Каминанинг барча фикр-мулоҳазалари ҳам айти шу асно тасдиқланади.

Бироз фаҳм-фаросатга эга, назокатли одам муҳаббатнинг нозиклиги, нафосатини ҳам ҳис этади. Ахир бирон-бир ташқи нарса — ашё ҳаяжонга солгани каби тушунча-тасаввурига зид нарса-ашёлардан йироқлашишга уринади. Назокатлилик мезонини равшан, олижаноб ва улуғвор ақл-идрок, тафаккур белгилайди. Биз назокатли бўлмаган ҳолда ўзимизни шундай хислатга эга деб ҳисоблашимиз ҳеч гап эмас ва бунинг учун ён-атрофимиздагилар таъна қилишга, қоралашга ҳақли. Аксинча, гўзаллик борасида ҳар кимнинг шахсий мезон-андоза-ўлчови мавжуд бўлиб, бошқаларнинг дидига боғлиқ эмас. Бироқ назокатлилик билан ундан батамом маҳрумлик ўртасида оралиқ нуқта борлигини ҳамда назокатли бўлишни истаган одам кўзлаган мақсадидан унча узоқ масофада эмаслигини эътироф этишимиз зарур. Назокатли эркаклар аёлларга хуш ёқди ва менимча, айти шу хислат воситасида уларнинг меҳр-муҳаббатини қозонишдан осони йўқ. Минглаб кишилар орасидан айнан сизни танлагани кимга ҳам хуш ёқмайди дейсиз.

Ақл-идрок, тафаккур қобилият-хислатларини машқлар воситасида ҳосил қилиб бўлмайди, уларни фақат такомиллаштириш, баркамоллаштириш мумкин. Шунинг натижасида ойдинлашадики, назокатлилик, нуктадонлик — санъат самара-натижаси эмас, балки табиий, туғма хислат.

Инсон қанча ақлли бўлса, унинг наздида гўзаллик шакл-шамойиллари шунча кўп, бироқ бу борада севги дардига чалинмаган бўлиши керак, чунки ошиқнинг наздида бутун гўзаллик машуқанинг ягона-яхлит тимсолида мужассамлашади.

Жувон-аёл ўзгалар қалбини забт этиши натижасида ҳар гал ўз қалбидан бошқалар учун жой ҳозирлаётгандай туюлмайdimи? Буни рад этувчи аёллар борлигини, ҳақиқатдан ҳам, биламан. Бироқ ким буни нотўғри дейди? Олишнинг бериши бор.

Башарти фикр-мулоҳазалар муттасил ёлғиз мавзу билан банд бўлса, толиқади ва ғариблашиб-қашшоқлашади. Шу боис муҳаббатдан имкон қадар кўпроқ баҳра олиш — лаззатланиш учун севгимиз, муҳаббат дардимизни ўқтин-ўқтин ёдимиздан чиқаришимиз, хаёлдан фаромуш қилишимиз керак. Бунда ҳеч қандай хиёнат йўқ; ахир бошқаларни севаётганимиз йўқ, фақат севгимиз оташи сўниб қолмаслиги учун куч-қувват тўплаяпмиз, холос. Бу ўз-ўзидан рўй беради; ақл-идрок, фаҳм-фаросатимиз ҳисоботсиз ундов-даъватга биноан, ўзига дам беради — бу табиат ҳукми, табиий ҳолат.

Бироқ шу асно инсон феъл-атворига хос заифликка йўл бераётганимизни ҳам эътироф этмасликнинг имкони йўқ ва биз фикр-мулоҳазаларда ўзгаришлар қилишга эҳтиёж сезмаганимизда яна ҳам бахтлироқ бўлар эдик. Афуски, бу борада инон-ихтиёримиз ўз кўлимизда эмас.

Изҳор қилинмаган севгининг нашғаси изтиробли ўй-хаёллар билан йўғрилади, бироқ бундай муҳаббатнинг ўзига хос завқ-шавқ бор. Қалбимиз тўридан жой олган сиймога манзур бўлиш билан боғлиқ барча ишларга сидқидилдан киришамиз. Кун сайин ўзлигимизни кашф этишнинг янгидан-янги усулларини ўйлаб топамиз. Бу юмушлар учун меҳримиз тушган сиймо билан суҳбатлашишга кетадиган вақтга тенг фурсат сарфлаймиз. Маъшуқа кўнглимизда, рафторимизда кечаётган тугёнларни билиш-билмаслигидан қатъи назар нигоҳимиз гоҳ алангаланиб, гоҳ сўнади; бу ҳаяжон-тугёнларнинг барчаси улар учун гоят мос сиймо туфайли эканини ҳис қилиш ҳам мамнун этади. Ҳис-туйғуларимизни баён этиш учун булбулдай сайрагимиз келади; ҳолбуки муҳаббатимизни сўзлар билан ифодалашга журъат қила олмай, теран маъно-мазмунга эга имо-ишоралар, саъй-ҳаракатлар билан чекланишга, қаноатланишга мажбурмиз.

Муҳаббат қалбни шоду хуррамлик — завқ-шавқ билан лиммо-лим этиб, бутун фикру зикримизни эгаллаб олади. Бу бахтиёрлигимиз аломат-нишонаси, чунки

эҳтиросни бир маромда сақлаб туришнинг бутун сир-асрори ақл-идрок, тафаккурда бир пайса ҳам бўшлиқ-холи жойни қолдирмасликдан, уни бор буйича муҳаббатимизга оид мастона ҳаёлларга ғарқ қилувчи нарса-ашёларга мутгасил йўналтиришдан иборат. Лекин агар биз томошабиндай четда тураверадиган бўлсак, бундай маҳшиёлик кайфиятини узоқ сақлай олмаймиз. Чунки икки шахс — ошиқ-маъшук учун хос эҳтирослар гирдобда ёлғизланиб қолганимиз боис ҳис-туйғуларимиз тезда барҳам топади.

Эҳтирослар, ҳис-ҳаяжонлар янгилашга муҳтож. Инсон ақл-идроки хилма-хилликни тусайди ва кимки шундай янгиланиш, хилма-хилликка мойил бўлса, ундай ошиқ-маъшукнинг баҳридан кечиш қийин.

Эҳтирослар ўта таранглашгач, баъзан жўшқинлигини йўқотади. Ҳаётбахш манбадан маҳрум бўлгач, сўниб-сўламит ва бағримизни нимталовчи изтиробли ҳаёллар исканжасига тушиб қоламиз. Бироқ заифона умид шўъласи милтиллагани ҳамано қалбимиз қуш каби қанот боғлайди. Аёллар — қиз-жувонлар учун бу анчайин ўйиндай гап, лекин баъзида бефарқ эмаслигини изҳор этиб, чинакамига ҳамдардлик билдирадилар — ўшанда яна ўзимизни бахтиёр сезамиз.

Кучли ва собитқадам муҳаббат ҳамиша инжа сазй-ҳаракатлар, аъмоллар билан бошланади. Бу борада асосий вазифа кўзлар зиммасига тушади. Лекин нигоҳлар ифодаси — сир-асрорини уқиб-илғай билиш зарур.

Икки шахс — ошиқ-маъшук ягона ишқ-муҳаббат алангаси ичра ёнар экан, нигоҳлар ифодасини уқишлари шарт эмас. Чунки улардан лоақал бири иккинчиси нима демоқчи эканини, ҳатто уни тушунмаган ёхуд тушуна олмаган тақдирда ҳам шубҳасиз англайди.

Ошиқ-маҳшиё бўлганимизда, яъни севиш асносида бутунлай бошқа инсонга айланганимизни пайқаймиз. Қанчалик ўзгарганимизни ён-атрофдагиларнинг барчаси пайқагандай туюлади. Бу ўта хато тасаввур, лекин ақлу ҳушимизни жўшқин эҳтиросларимиз хиралаштириб, ўтмаслаштириб қўйгани боис ўзимизни ҳаммаси аксинча эканига ишонтира олмаймиз ва ён-атрофдагиларга ишонқирамай муносабатда бўламиз.

Ўзгалар кўнглида кечаётган эҳтиросли туйғуларни пайқашига ошиқнинг ишончи комил. Бу унинг кўнглига гулгула солади.

Муҳаббат йўли, солномаси, қисса-достони қанчалик узун-давомли бўлса, назокатли қалб соҳиби шунча кўп завқу шавқ оғушида яшайди.

Шундай одамлар борки, улар узоқ муддат умидворлик билан яшайдилар, — булар назокатли ақл-идрок соҳиблари. Бошқалар эса тўсик ғов-монеликларга астойдил қарши тура олмайдилар — булар ўта заиф-дағал фаҳм-фаросат эгалари. Дастлабки ақл-идрок соҳиблари феъл-атворида барқарорлик бор; улар ишқ-муҳаббатдан чексиз завқланади. Навбатдаги фаросат эгалари эса жуда тез севиб қолишига қарамай, муҳаббатининг умри қисқа бўлади.

Эъзоз-эҳтиром — муҳаббатнинг дастлабки нишона-аломати. Севган ошиқ-маъшукимизни ғоят эъзозлаймиз ва бу табиий, чунки меҳр-муҳаббатимизга сазовор сиймонинг тенги бўлиши мумкин эмас.

Шоир-адиблар ошиқ-маъшуклар ҳис-туйғуларини бутун ранг-баранглиги ила акс эттиришлари жуда мушкул. Бунинг учун уларнинг ўзлари бу дардни — муҳаббат изтироблари ва қувончларини бошдан кечиришлари зарур.

Ақлнинг айниши сингари ахлоқсизлик ҳам ўта даҳшатли. Ишқ-муҳаббатда сукут — ҳар қандай таъриф-тавсифдан қиммат. Тортинчоқлик тилимизни боғлаб ташлагани маъқул: сукут сақлашда шу қадар теран маъно-мазмун мужассамки, у ҳар қандай изҳори дилдан кўра қалбга яхшироқ етиб боради. Ошиқ тортинчоқлик-саросима ичра сукут сақлаш асносида қалби маъшукасига айтадиган муҳаббат изҳорлари билан лиммо-лим бўлади ва бу борада қанчалар зукко ақл-идрок, тафаккур соҳибига айланади! Ҳар қанча сўзамол бўлмайлик, ақсарият бутун сўз бойлигимиз тугаб-соб бўлгани афзалдай туюлади. Бу борада ҳеч қандай ҳисоб-китоб ва ҳеч қандай қонун-қоида йўқ. Ҳаммаси қандай бўлиши керак бўлса, аини шу тартибда содир бўлади.

Кўпинча шундай бўладикки, кўнгили қўйганини ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмаган маъшукасига ошиқ узоқ муддат содиқ бўлади. Бироқ бунинг учун ғоят бокира ва оташин муҳаббат билан севиш зарур.

Одамларнинг ақл-идроки, бинобарин, эҳтирослари қандайлиги эканини ўзимизга қиёсан билиб оламиз.

Ошиқ ёру биродарларини ҳам унутиб, қадр-қиммати ҳақида ўйламайди, деган фикрни мен ҳам маъқулламан. Жиддий, садоқатли, меҳр-оқибатли дўстона муносабатлар ҳам шунга олиб келади. Ошиқларнинг бу қадар бепарволиги бежиз эмас, чунки маъшуқасидан бўлак яна бирон-бир кимсага муҳтожлик уларнинг ҳатто ҳаёлига ҳам келмайди. Ишқ-муҳаббат исканжасидаги ошиқ ўзи ҳақида қайғурмайди ҳам, хавотирга ҳам тушмайди. Бусиз муҳаббат том маънодаги жўшқинлик-оташинлик-нафосат касб этмайди; шу боис ошиқ одамларнинг фикр-мулоҳазаларига заррача қизиқмайди, билгани шуки, ён-атрофдагилар саъй-ҳаракатларига маломат тошларини ёғдирмасликлари зарур, чунки ошиқона саъй-ҳаракатлар соғлом ақл-идрок билан йўғрилган. Эҳтирослар домига тушиб қолган, муҳаббат дардига тамомила мубтало ошиқ-маъшуқ фикрлаш-мулоҳаза юритиш қобилиятини йўқотади ҳисоби.

Аёл-жувоннинг хайрихоҳлиги, меҳр-муҳаббатини қозониш умиди билан йигит-эркак дастлабки қадамни ташлайди — бу шунчаки урф-одат, расм-русум эмас, балки табиат зиммасига юклаган бурч-мажбурият.

Муҳаббат мубтало қилувчи девоналик ва маъшуқага маҳлиёлик ошиқ феъл-атворида илгари бўлмаган хусусиятларни пайдо қилади. Муҳаббат одамларни олижаноб, бағри кенг, ҳотамтой қилади. Ҳатто хасис кимса ҳам ҳам ҳотамтойга айланиб, аввалги хислат-одатини ҳатто ҳаёлига келтирмайди. Булар бежиз эмас. Чунки кўнгилни торайтирадиган ва азоблайдиган ҳис-туйғулар билан бирга шундай жўшқин эҳтирослар ҳам мавжудки, улар қалбга чексиз куч қувват, қанот бахш этади.

Меҳр-муҳаббатни ақл-идрокдан айрича тасаввур қилишга беҳуда уринадилар. Уларни зидлаштириш, қарама-қарши қўйиш учун асослар йўқ, чунки ақл-идрок ва меҳр-муҳаббат аини бир, яхлит-ягона хислат, хусусиятга эга. Биз яхши билиб улгурмасдан муайян инсонига қизиқа бошлаймиз, — бу ақл-идрокнинг ўзига хос шошма-шошарлиги, бироқ бундай иш тутиш оқилликка бегона эмас, ва биз бошқа бўлмаслигимиз, бу ҳақда ўйламаслигимиз ҳам керак: аксинча, ҳис-туйғудан махрум машинага айланиб қолган бўлардик. Башарти шундай экан, ишқ-муҳаббатдан ақл-идрокни айирмайлик, ажратмайлик, чунки улар ажралмас, бир бутун, яхлит.

Бундан келиб чиқадики, шоирлар даъво қилганидек, муҳаббатнинг кўзи кўр эмас. Ёруғ дунёни беркитиб турган боғични муҳаббат кўзлари нигоҳидан юлқиб олиш зарур.

Ишқ-муҳаббат учун яралган қалб фаол, жўшқин воқеаларга бой ҳаётга муштоқ. Қалбга ором бегона, ҳамиша беором, безовта, шу боис ён-атрофда ҳамма-ҳаммаси унга мос равишда қайнаб тошиши керак. Шундай жўшқин ҳаёт тарзи қайноқ эҳтирослар учун кенг уфқлар очади. Саройга қадам ранжида қилмайдиган шаҳарликларга нисбатан сарой аҳли осонлик билан маҳлиё қилишлари бежиз эмас: аҳли саройнинг қалбида ҳамиша аланга ёлқинланади, остона ҳатлаб ташқарига чиқмайдиган шаҳарликлар эса қалбга туғён соладиган жиддий бирон воқеа рўй бермайдиган якранг, туссиз турмуш тарзига кўникиб қолган. Жўшқин турмуш тарзи кутилмаган воқеа-ҳодисалар ато этади, ақл-идрокни чархлаб, ёрқин таассурот-хотиралар қолдиради.

Менимча, муҳаббат қалбни ўзгартиради, янгилайди. Ишқ-муҳаббат одамларни юксалтиради ва олижаноблик бахш этади. Инсоннинг феъл-атвори, рафтори, аъмоллари — барча-барчаси муҳаббатга мос бўлиши зарур, аксинча залворли муҳаббат юкени кўтара олмайди.

Гўзаллик ва ёқимlilik — айнан бир хил экани барчага аён. Бу борада сўз-иборалар ва саъй-ҳаракатлардаги ахлоқий нафосат-гўзаликни назарда тутяпман. Ҳа, ёқимтой, хушрўй бўлишнинг, албатга, муайян қонун-қоидалари мавжуд, бироқ яна жисмоний мойиллик-хайрихоҳлик ҳам борки, бу сиз билан бизнинг ихтиёримизга боғлиқ эмас.

Ёқимтойлик, жозибадорликка оид шу қадар идеал тасаввурни ҳосил қилдикки, гўё бутун дунёда унга мос-муносиб сиймо йўқ. Фикримизни жамлаб астойдил мулоҳаза юритайлик ва одамлар феъл-атворидаги

самимият ва ақлий тийрак-зийраклик мафтун-маҳлиё қилишини эътироф этайлик. Бу икки хислат-фазилат ишқ-муҳаббат учун жуда зарур: ошиқ шошиши ҳам, сусткашлик қилиши ҳам керак эмас. Қолган барчасини тажриба ихтиёрига қўйиб бераверинг.

Муҳаббат — бамисоли оқилона мазмун-моҳият. Бошқаларнинг ақли қанча бўлса, шунча ақл-идрокка эга эканига, бинобарин бошқалар қандай севса, ўзлари ҳам айна шу асно севишига ҳар бир инсоннинг ишончи комил. Бироқ, жиддий мулоҳаза юритгудай бўлсак, ошиқ-маъшукда ҳар бир инсон учун шундай хусусият-фазилатлар қимматлики, уларга бошқалар эътибор бермайди. (Бу фарқни илғаш учун жиддий синчковлик, нуктадонлик зарур.)

Кимки ўзини севиб қолгандай тутадиган бўлса, росмана муҳаббат дардига мубтало бўлиши ҳеч гап эмас; нима бўлмасин, бу борада енгил қизиқувчанликсиз, ишқибозликсиз иш битмайди. Ахир Мажнун қиёфасига киришга уринаётган ишқибоз бошқаларни ишонтиришга астойдил уринади, аксинча унинг даъвосига ким ҳам ишонарди? Ҳис-туйғулар, эҳтирослар тугёнини пинҳон тутиш бошқа муҳимроқ туйғуларни яширишдан кўра мураккаб. Ҳиссиётларни пинҳон сақлаш учун даставвал ҳайрат, топқирлик, енгил ва оний ақлий зукколик зарур, бошқа туйғуларни сир сақлаш учун фақат зийраклик қилиш ва вақтни чўзиш кифоя, бу, албатта, нисбатан осон.

Меҳримиз тушган ошиқ-маъшукдан токи олис эканмиз, ўзимизни ҳар ишга қодир ва севгимизни шоирона теша тегмаган ибора-ифодалар билан изҳор этишга қодирдай сезамиз, бироқ рўбарў келганимиз ҳамона гўё оёқ-қўлимиз тушвланиб, тил-забонимиз қалима келтиришга ҳам айланмайди. Бундай заифона сусткашликнинг боиси не? Гап шундаки, меҳримиз тушган сиймодан токи маълум масофада эканмиз, руҳий мувозанатни сақлашимиз осон, айна пайтда ошиқ-маъшук ёнида қатъиятдан тамомила маҳрум қилувчи аллақандай ҳаяжон гирдобига тушиб қоламиз.

Барчасини бой беришдан чўчиганимиз боис муҳаббат масаласида таваккал қилишга журъатимиз етмайди. Албатта, илгарилаш зарур, бироқ айнан қайси нуқтада тўхташ кераклигини ким билади? Токи шу нуқтани топмас эканмиз, ўзимизни қўйгани жой тополмаймиз, лекин топгач, ундан ҳатлаб ўтиш осон. Бу борада оқилона иш тутиш наф бермайди.

Сидқидилдан севганимизда меҳримиз тушган ошиқ-маъшукқа ҳар гал илк бора кўраётгандай суқланиб назар ташлаймиз. Ғойиб бўлгани ҳамона орадани бирон дақиқа ўтар-ўтмас рухсорини кўмсай бошлаймиз. Сиймоси қаршимизда пайдо бўлиши билан қалбимиз нурга тўлиб, ёришгандай бўлади! Ғулғула, саросима кўнглимизни шу заҳоти тарк этади.

Бироқ бунинг учун муҳаббат етарли даражада етук, баркамол бўлиши талаб қилинади. Башарти эндигина туғилиб келаётган бўлса ва ҳали ошиқ-маъшукнинг меҳрини қозониб улгурмаган бўлсак, хавотирлар барҳам топади, лекин уларнинг ўрнини бошқалари эгаллайди.

Қанчалар мушкуллигидан қатъи назар изтироблардан нажот топиш илинжида севганимиз ёнида бўлишга интиламиз. Бироқ унинг чехрасига кўзимиз тушгани ҳамона яна ҳам кучли изтироблар гирдобига тушиб қоламиз. Аввалги азоб-уқубатлар айна пайтдаги изтироблар сингари қийнамайди, бизлар айна паллада кўнглимиздан кечаётган ҳис-туйғуларга биноан хулоса чиқарамиз.

*Русчадан
Абдуҳамид ПАРДАЕВ
таржимаси*

Кутлаймиз!

Рухиятнинг ёруғ нурлари

Озод Шарафиддиновнинг **“Довондаги ўйлар”**

(Тошкент, “Маънавият” нашриёти, 2004 йил)

ҳамда **“Ижодни англаш бахти”**

(Тошкент, “Шарқ” нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси, 2004 йил)

номли китоблари

Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлди

Мустақилликка қадар Озод Шарафиддинов жамоатчиликка, асосан, танқидчи сифатида танилган эди. Истиқлол даврига келиб, бу ноёб истеъдод эгасининг публицист ёзувчи, жамоат арбоби, таржимон, улкан ташкилотчи сингари янги-янги фазилатлари намоён бўлди. У эл-юртга янги даврдаги Ватан ва миллатнинг энг жонқуяр, фидойи фарзандларидан бири сифатида ном қозонди. Устоз бутун умр истиқлолни орзу қилиб яшади. Истиқлолга эришилгач, умрининг сўнгги нафасигача уни улуғлашга, ёт кўзлардан ҳимоя қилишга, мустақкамлашга бағишлади. Бор қуввати, тафаккури, истеъдоди, қалб қўри ва қаламини мана шу йўналишга сарфлади. Истиқлол даври жараёнлари ҳақида фикр юритгандагина эмас, ундан анча бурунги адабий-тарихий ҳодисаларни, жадидлар фаолиятини, адиблар, танқидчилар ижодини таҳлил этганда ҳам ўз олдига қўйган мақсадларга Истиқлол манфаати, унинг гоялари, орзулари нуқтаи назаридан ёндошди.

Бир сўз билан айтганда, Истиқлол орзулари, унинг самаралари Озод Шарафиддиновнинг жони-жаҳонига, деярли ўн беш йилдан иборат сўнгги босқич ижодининг бош мавзуга, асосий объектига айланди. Бу давр мобайнида у ҳаётга, яшамоқ маъносига, жамиятга, ижодга, ўз умри, устозлари, дўст ва даврдoshiлари қиёфасига шу Истиқлол берган имкониятлар шукронаси билан назар ташлади ва ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Истиқлол даври ўзбек адиблари ичида қатор муаммоларни биринчилардан бўлиб ёритди, ўз қалби ва бошқа қалбларни янгидан кашф этди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун унинг “Довондаги ўйлар” ва “Ижодни англаш бахти” номли китобларига — улардаги турли ва ранг-баранг жанрларда битилган эссе, мақола, тадқиқот, хотира, публицистик ўйларга назар ташлаш kifоя. Биз авваллари Озод Шарафиддинов китоби дейилганда, унинг адабиётимиз ҳақидаги тадқиқотлари мажмуи ёхуд мақолалар тўшламини тушунгувчи эдик. Юқоридаги китоблар эса мазмуннинг мундарижаси билан ҳам, мақсад-йўналишлари, қурилиш, структураси, композицияси, йўналган аудиторияси билан ҳам, дейлик, муаллифнинг “Замон. Қалб. Поэзия”, “Биринчи мўъжиза”, “Адабий этюдлар” сингари китобларидан кескин фарқ қилади. Бу китоблар, моҳият-эътибори билан ранг-баранг соҳа мутахассисларига, кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

“Довондаги ўйлар” ва “Ижодни англаш бахти” китоблари ярим аср давомида орттирилган тажрибалар асосида тарих, замон, инсон, адабиёт, ўзининг босиб ўтган ҳаёт йўли, турли мураккаб шарт-шароитлардаги қувонч-изтироблари, инсон, шахс, олим, адиб сифатида чиниқиш жараёнлари; ижтимоий-иқтисодий, адабий ва маданий ҳаётда ўзбек халқини ўйлантириб, тўлқинлантириб келган муаммолар ҳақидаги билимдон ва талабчан олим, нозиктаъб адибнинг тадқиқ ва таҳлиллари: инсон ва жамият олдига қўйган саволлари, ўзини қийнаган муаммоларга топган жавобларидан иборат теран адабий, фалсафий, илмий, публицистик мушоҳадалардан таркиб топган.

Ҳар иккала китобнинг марказий қаҳрамони муаллифнинг ўзидир.

Шу кунги долзарб масалалар ёки XX аср тонгидаги жадидлар фаолияти, Отажон Ҳошим ва Мустафо Чўқаевнинг ҳаёт йўли ёритилганда ҳам ёхуд Чўлпон шеърляти, насри, адабий-танқидий асарлари текширилганда ҳам Ҳамза шахси, ижоди, дунёқараши тамомила янги методологик асосда таҳлил этилганда ҳам кўз олдимизда доимо буларни ёзаётган Озод Шарафиддиновнинг ўз қиёфаси, ички олами жонланиб туради. Биз буларнинг барчасини муаллиф қалби ва тафаккури орқали кўрамыз.

“Довондаги ўйлар” китобининг дастлабки каттагина қисми “Мустақиллик меъмори” деб аталади. Ундаги мақолалар Мустақиллик меъмори — Республикамизнинг Президенти И.А.Каримов фаолиятига ҳамда истиқлол натижаларини ёниб, тўлқинланиб таҳлил этишга бағишлангани табиий ва қонуний ҳолдир. Бу мақолаларда Истиқлол меъморининг сиймоси Ўзбекистон Мустақилликка келиб эришган улкан тарихий ютуқлар фониди гавдалантирилади? Раҳбар қиёфасидаги халқпарварлик, ватанпарварлик, миллатга фидойилик фазилатлари, айни вақтда, унинг фаолиятига халқаро миқёсдаги мана-ман деган сиёсатчилар ва давлат раҳбарларининг муносабатини кўрсатиш орқали очилади.

Бу мулоҳазаларда Озод Шарафиддиновнинг публицист адиб сифатидаги ўткир қаламини, ўзига хос услуби, жўшқин қалби, халқ ҳаёти ва руҳини чуқур билувчи сиёсатчи сифатидаги қиёфасини кўрамыз. Муаллифнинг бундай мақолалари кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар тарбияси, дунёқараши шаклланишига кучли таъсир кўрсата олиши билан ҳам қимматлидир.

“Довондаги ўйлар” китобидаги “Эътиқодимни нега ўзгартирдим” номли мақолада муаллиф деярли ўттиз-қирқ йил давомида шаклланган эътиқоди, дунёқарашининг янги даврга келиб ўзгариши, ундан воз кечиши сабабларини, омилларини кўрсатиб берадики, у ўнлаб, эҳтимол, юз минглаб кишиларни ҳаяжонлантириб юрган муаммоларнинг ифодаси, саволларининг жавоби даражасида жаранглайди. Бу мақола, айни вақтда, унинг муаллифи табиатдаги ҳар кимда ҳам учрайвермайдиган мардлик, журъат, иқрорнинг ўз фаолияти ва шахсига танқидий қарай билишнинг ибратли намунаси ҳамдир.

“Довондаги ўйлар” ва “Ижодни англаш бахти”даги қатор эсселарда, мақола ва суҳбатларда Озод Шарафиддинов ўз ҳаёти йўлига назар ташлайди. Узи босиб ўтган йўлни қайтадан мушоҳада этиш нури остида жумҳуриятимиз бошидан шу давр мобайнида ўтган муҳим тарихий ҳодисалар бағридаги оддий кишилар, умуман, кенг халқ оммаси қалбида кечган ҳис-ҳаяжонларни идрок этади ва уларнинг реал моҳиятини очиб беради.

Айрим мақолаларда ҳозирги ҳаётимизнинг муҳим ва долзарб муаммоларига муносабат билдириш билан бирга муаллиф даврни, ўзини ва бинобарин, миллионларни қизиқтирган муаммоларнинг чуқур қатламларигача кириб боради, улардаги баъзи нозик қирраларни теран публицист адиб сифатида ёритиб беради, чунончи, бозор ва маънавият, илм кишисининг ҳозирги жамият ҳаётида тугган ўрни, фанни молиялаштириш мураккабликлари хусусидаги теран мушоҳадалар муаллифнинг доимо элни, юртни тўлқинлантирган муаммолар гирдобиди яшаганини кўрсатади.

Мазкур китоблардаги қатор фикрлар, кузатишлар, хулосалар, кўтариб чиқилган масалалар Озод Шарафиддиновнинг наинки жумҳурият, балки, айни вақтда, дунё дарди билан яшаганини кўрсатади. 11 сентябрдаги “самолётлар Нью-Йоркдаги икки бинога эмас, менинг юрагимга санчилгандек, уни портлатиб, менинг дунёмни алғов-далғов қилиб юборгандек бўлди” деган фикрларда Озод Шарафиддиновнинг дунё оғриқларига асло бефарқ қарай олмаганини кўрсатади.

“Мен ҳайронлар қолиб, бир фаройиб ҳақиқатни кашф қилдим, — деб фикрини давом этади муаллиф, — нақадар омонат экан биз яшаётган дунё, у бамисоли чинни, жиндай зарбдан ҳам дарз кетиши ёки синиши мумкин экан. Ахир Америкадай қудратли давлат ҳам шунча қурол-аслаҳаси билан, шунча маблағу долларлари билан фалокат олдида ночор қолди-ку”.

Бу фикрлар дунё ташвишига бефарқ қарамаган ўзбек зиёлисининг даввати, чақирғи, дунё аҳлига бир тан, бир жон бўлиб яшаш учун йўллаган муурожаатидир.

Истиқлол даврининг бирор-бир муҳим ҳодисаси йўқки, унда Озод ака дарҳол фаол равишда ўз муносабатини билдирмаган бўлсин.

“Улсам айрилмасман кучоқларингдан”, дейди адиб ва Ватанни алқайди, ардоқлайди, улуғлайди, унга чексиз фарзандлик меҳрини тўкиб солади. Бу туйғулар бизнинг ҳам руҳимизга кўчади.

“Бунчалар ширинсан, азиз Ватаним”, дейди муаллиф ва Рустам Қосимжоновнинг шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлганидан гурурланади. “Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум адабиёт ва санъат намояндаларини мукофотлаш тўғрисида” фармон чиқиб, Ойбек, Ғ.Ғуллом, А.Қаҳҳор, Юнус Ражабий, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов каби буюк адиб ва санъаткорлар “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланар экан, О. Шарафиддинов худди ўзи мукофот олгандек, терисига сиғмай, давлат ва ҳукуматнинг ижодкорларга кўрсатаётган бу ғамхўрлигидан боши осмонга етади ва шукроналарини эл билан, юрт билан тезроқ баҳам кўришга ошиқади.

Озод Шарафиддинов нечоғлик ранг-баранг йўналишларда ижод этмасин, у энг аввало, атоқли адабиётшунос олим ва танқидчи эди. Шу маънода “Ижодни англаш бахти” китобидаги Чўлпон ижоди атрофлича талқин этилган қатор тадқиқот ва мақолаларни, Фитрат дунёқарашини ҳамда унинг “Ҳинд сайёҳи” асари таҳлилини, 20–30-йиллар жадид адабиёти хусусидаги мухтасаргина, лекин дастурий йўналишдаги ишни, Ҳамзанинг сунъий равишда кўкларга кўтариш сабаблари, миллатпарварлик фазилатлари бегона бўлмаган адибнинг асл қиёфаси илк бор теран ёритилган мақолаларни янги давр ўзбек адабиётшунослигининг жиддий ютуқлари сифатида баҳолаш мумкин. Бу тадқиқот ва мақолалар, XX аср ўзбек адабиёти тарихининг қатор муҳим нуқталарига холис, тўғри ва илмий изчил муносабатда бўлиш тамойилига асос солади.

“Ижодни англаш бахти”нинг “Қадрдон чехралар” қисмида Фафур Ғуллом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Саид Аҳмад каби атоқли адибларимиз ҳаёти ва ижодига доир турли ҳажмдаги адабий портретлар ўрин олган. Улар китобнинг умумий руҳига ниҳоятда мос ва мутаносиб ҳолда гўзал ва ўқимишли ёзилган.

“Сизни соғиндим, Зулфия она”, деб номлайди, эсселардан бирини муаллиф ва соғинч ҳисси бизнинг ҳам қалбимизга ўтади.

“Мувашшаҳ” деб номланган эссе мақолада эса, ниҳоятда гўзал бир композицион тузилиш ясалиб, Абдулла Ориповнинг ўзи-ю, ота-оналари, у тарбия топган муҳит ва шароит, шоир билан биргаликда кечган қатор сафар таассуротлари, шоир ижодининг ўзига хослиги ва феъл-атвори ҳақида бир-бирдан чиройли маълумотларга дуч келамиз. О.Шарафиддиновнинг қатор эсселари ўзбек адабиётининг гўзал намуналаридир. Улар Андре Моруанинг жаҳон миқёсида эътироф этилган эсселаридан қолишмайдиган даражадаги нафосати билан ажралиб туради.

“Ижодни англаш бахти”да Одил Ёкубов ҳақидаги “Нутқ ёхуд адиб ҳаётининг юлдузли онлари” каби мақолалар ҳам ўрин олган. Бу тарихий факт мисолида ижодкор табиатига хос асосий хусусиятларни очиб беришнинг ўзбек адабиётидаги нодир намуналаридан бирини кўриш мумкин.

Мазкур китобларда Ҳ.Шарипов, И.Фафуров, Н.Каримов, Ҳ.Шайхов, Д.Нурий, Э.Аъзам, А.Иброҳимов, О.Ҳожиева, С.Содиқ каби адиб ва мунаққидлар ҳақидаги мини-портретлар, уларнинг асарларига ёзилган тақризлар, муаллифнинг ҳаёт, адабиёт, ижодий жараён, Истиқлол самаралари, ўзи босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақидаги суҳбатлари ўрин олганки, булар ҳар икки асарнинг нечоғлик салмоқли, сертармоқ ҳамда долзарблигини доимо сақлаб қоладиган фазилатларга эгаллигини кўрсатади.

Озод Шарафиддиновнинг “Довондаги ўйлар” ва “Ижодни англаш бахти” номли китобларини адабиёт ва санъат соҳасидаги 2007 йилги Ўзбекистон Давлат мукофотига муносиб топилгани миллионлаб китобхонларнинг Мустақиллик арафасидаги қувончига қувонч бўлиб кўшилди.

*Бахтиёр НАЗАРОВ,
академик*

Таржимада ҳам устоз

Жамоатчилик Озод Шарафидиновни биринчи навбатда адабиётшуносо-танқидчи, заҳматкаш олим сифатида яхши билади. Лекин у 1955 йилдан бошлаб то умрнинг охиригача таржима билан ҳам фаол шуғулланган хассос ижодкор эди. У киши қилган таржималар орасида хилма-хил жанрлардаги асарлар мавжуд: романлар, қиссалар, ҳикоялар, саргузашт, фантастик асарлар, эсселар, адабий-танқидий мақолалар, фалсафий изланишлар, шу билан бирга, машҳур адиблар, файласуфлар, давлат арбобларининг маърузалари, китоблари, ҳикматли сўзлар, турли халқларнинг латифалари ҳам бор. Киносценарийлар таржимаси эса олим ижодида алоҳида ўрин эгаллайди.

Рақамларга мурожаат қилайлик. Ижодкорнинг биринчи таржималари 1955 йилда қилинган. 1955 йилдан то 1998 йилгача у 150 тага яқин асарни таржима қилган экан. 1955 йилдан то 1998 йилгача — 35 та. 1998-2005 йилгача — 120 тага яқин асар таржима қилинган. Аниқроқ айтсак, охириги 7 йил ичида у 120 га яқин асарни ўзбек тилига ағдарган. Бу рақам Гиннес китобига қирадиган ҳодиса десак, муболаға бўлмайди. Табиийки, шунча асарни қисқа вақт ичида таржима қилиш осон эмас.

Бу асарлар мазмунига қараб олимни қандай муаммо ва масалалар қизиқтирганини билиб олиш мумкин. У киши таржима учун асар танлашда ҳам холис, талабчан ва ниҳоятда мустақил бўлганлар. Масалан, Аҳмад Аббоснинг “Ҳиндистон фарзанди”, Э.Казакевичнинг “Кўк дафтар”, В.Катаевнинг “Девордаги кичкина темир эшик”, “Ичак узар хангомалар”, А.Рибаковнинг “Арбат болалари”, Генлиннинг “Сталин ва Булгаков”, Л.Толстойнинг “Икромнома” си, Эфраим Савеланинг

“Тўхтатинг самолётни, тушиб қоламан”, Оноре Бальзакнинг “XIX аср француз ёзувчиларига мактуб”, Афлотун, В.Белинский, Н.Добролюбов, Ларошфуко, Ж.Ж.Руссо, О.Уайльд, Хосе Ортега, З.Фрейд, Франсуаза Саган, Ҳерман Вамбери, “Шахмат хангомалари”, В. Биков, П. Коэльо, Ж.Голсуорси, Кобо Абе, Ҳерман Хессе, Н.В. Гоголь, Зб. Бзежинский, Ю. Борген, В. Войнович, А. Моруа асарлари ва ҳоказо. Бу рўйхат Озод Шарафидинов ижодининг библиографик кўрсаткичида (Библиографик кўрсаткич, — Тошкент, 2005) 9 бетни эгаллаган. Албатта, гап рўйхатда эмас, таржимонлик маҳоратида.

Олимнинг тилимизга илк таржима қилган асари В.Белинскийнинг “Танқид ҳақида нутқи” (1955) эди. Уша даврда, олим энди адабиётга кириб келаётган даврда, Белинскийнинг танқид ҳақидаги мулоҳазалари, ноёб гаплари унга жуда яқин бўлган. Шу туфайли Белинскийнинг асарини ўзбек танқидчилигига олиб киришга аҳд қилган. Кейинроқ, у 1959 йилда Н.А.Добролюбовнинг адабий-танқидий мақолаларини ва машҳур ҳинд ёзувчиси Хўжа Аҳмад Аббоснинг “Ҳиндистон фарзанди” романини таржима қилган, сўнг Э.Казакевичнинг “Кўк дафтар” ва бошқа асарларга қўл урган. Шу йиллар орасида (1968) “Тирик сатрлар” шеърий тўплами нашр этилди. Аммо, маълум сабабларга кўра “Тирик сатрлар” таъқибга учраган (тўпلامга Чўлпон, Фитрат, Мухторхон, Элбек, Боту шеърлари ҳам киритилган) эди. Озод Шарафидинов шу мажмуага муҳаррирлик қилгани маълум. Табиийки, “Тирик сатрлар” туфайли олимнинг бошида “калтак”нинг энг каттаси синган. Унинг китобларини, мақолаларини чоп этмай қўйишди. Шунда “Ўзбекфильм” киностудияси

дубляж гуруҳининг бош муҳаррири Қодир ака Мирмуҳамедов бу оғир ҳолатни ҳис қилиб, таржима учун киносценарийлар юбориб турган. Шундай қилиб, Озод Шарафиддиновда таржимонлик маҳоратини кинода синаб кўриш имконияти пайдо бўлди. Табиийки, у кишига сценарийларнинг энг бақуввати, салмоқлиси таржима учун таклиф қилинар эди. Масалан, Сергей Герасимовнинг (“Кўл бўйида”), Иван Пирьев, Сергей Бондарчуклар яратган фильмлар ёхуд Ф.Достоевский асарлари асосида суратга олинган фильмлар.

Лекин таржима Озод Шарафиддинов ижодида ҳеч қачон тирикчилик манбаига айланмаган. Ижодкорнинг олдида доим аниқ, катта мақсад бор эди: ўзбек халқини жаҳон маданияти билан таништириш, ундан баҳраманд қилиш, дунёқарашини кенгайтириш ва ривожлантириш. Таржималар орқали ўзбек китобхонини жаҳон адабиёти билан таништириш вазифасини кўзлаш асосий муддаолардан бири эди. Мана шу мақсад “Жаҳон адабиёти” журнали ташкил топгандан кейин (1997), айниқса кенг қўламда амалга ошира бошланди. Биринчи навбатда Бош муҳаррир Озод Шарафиддинов олдида жуда муҳим вазифа — журналнинг аниқ дастурини яратиш масаласи турар эди. “Жаҳон адабиёти” адабий-бадий-ижтимоий-публицистик журнал бўлиши билан бирга, халқнинг маданиятини тарбиялаш, дунёқарашини кенгайтиришдек жуда катта масъулият ётарди. Шу туфайли у киши таржима учун асар танлаганларида, шунчаки маълумот бериш ёки дуч келган асарни таржима қилиш йўлидан борган эмас. Бу ўзига яраша ижод эди. Домла асар танлай билишни — ижодий маҳоратнинг бошланғич нуқтаси деб ҳисоблар, шунинг учун ниҳоятда эҳтиётлик, дид ва билимдонлик билан бу ишга қўл урар эди. Аксига олиб, айнан шу пайтда оғир хасталик унга ёпишиб олди. Шунга қарамай, у ағдарган таржималарнинг кўпчилиги (120) айнан шу даврга тўғри келади. (Бу рақам кўпроқ бўлиши керак, чунки вафот этганларидан кейин ҳам матбуотда таржималари чиққан). Таржималарининг айримлари “Жаҳон адабиёти”, “Тафаккур”, “Саодат” журналларида, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида Озод Обид,

Шерзод, Нодирабегим, Нодирабону, Музаффар, Азизхон, Азизбек тахаллуслари билан ҳам босилиб чиққан. “Жаҳон адабиёти” журналининг деярли катта қисмида устоз таржималари бор десак, муболага бўлмайди. Таржимон ўзбек тилининг барча гўзал имкониятларидан, халқона ибораларидан маҳорат билан фойдаланган. Айни пайтда Озод домла ўткир сўз устаси, ташбеҳ ва ибораларни ўз ўрнида қўллай оладиган моҳир ижодкор сифатида бу ишга доим назорат дид ва катта талабчанлик билан ёндашган эдилар.

Озод Шарафиддинов таржималарини ўрганиш жараёнида шунини айтиш мумкинки, у киши таржималари орқали маданиятшунослик бўйича муқаммал дастур тузиб берган десак, хато бўлмайди. Шуниси ҳайратланарлики, бу “дастур” халқнинг турли табақасига мўлжалланган. Чунки китобхонлар ҳар хил. Уларнинг диди, табиати, тажрибаси, ақл-заковати ҳам турлича. Бундан ташқари, мутолаадан мақсад ҳам ҳар хил бўлиши аниқ. Аҳамият берсак, домланинг таржималари фақат илмий-назарий мақолалардан ёки фақат фантастик, саргузашт асарлардан, фалсафий, сиёсий тадқиқотлардан ва фақат латифалардан иборат эмас. У ҳамма жанрларни қамраб олишга интилган. Шу билан бирга бу асарларнинг тузилиши ҳам ранг-баранг. Уларнинг ичида изчил динамика бор: оммабоп рисоалардан тортиб, ниҳоятда чуқур фалсафий-психологик асарларгача домланинг эътиборида турган.

Хуллас, Озод Шарафиддинов қилган таржималар барчанинг қалбига етиб бора олади.

Устоз ҳозирги кунда чиқаётган энг яхши асарларни, яъни бугунги кунда дунёда қўлма-қўл ўқиладиган асарларни ўзбек халқига етказиб беришга шошилар эди. Масалан, у қайта куриш пайтида машҳур “Арбат болалари”ни (1988) ўзбек тилига таржима қилди. Бу асарда қайта куриш даврида биринчилардан бўлиб Сталин шахсига сифиниш муаммоси кўтарилган эди. Тўғри, кейинроқ бу мавзуга бағишланган талай асарлар чиқди. Лекин “Арбат болалари” бу борада қалдирғоч эди. Домла худди шундай тезкорлик билан бразилиялик ёзувчи Паоло Коэльонинг асарларини ҳам ўзбек халқига етказиб берди (“Алкимёгар”, “Бешинчи тоғ”).

Коэлюнинг асарлари бугунги кунда 117 дан ортиқ мамлакатда севиб ўқилади. “Ўзбек китобхони ҳам дунё ўқийдиган асарлардан хабардор бўлиши керак”, — деган шиор унинг маслагига айланиб қолганди.

Озод Шарафиддинов таржималарини бир неча йўналишларга бўлиб ўрганиш мумкин. Масалан, таржималарнинг жанр хусусиятига кўра ўзига хослиги; таржимон маҳоратини; таржимон ва муаллиф усуларининг уйғунлигини, таржимада кинояни сақлаб қолиш йўллари; бадиий тил муаммолари; таржимон ва муаллиф дунёқарашларидаги уйғунлик ва ҳоказо.

“Тафаккур” журналида (2000 йил, 2-сон) босилган Ҳерман Вамберининг “Маърифат йўлидаги уйғониш” мақоласи таржимасига назар ташлайлик. Ҳерман Вамберининг номи ўзбекларга бир қадар таниш. Масалан, унинг Бухоро тарихига бағишланган асари икки марта нашр қилинган. Бу венгр шарқшунос олими, туркий тилларни пухта ўзлаштирган ва атрофлича тадқиқ этган. Ўтган асрнинг ўрталарида у катта қийинчиликлар билан Туркистонга келган, бу ерда халқ ҳаётини, тили, маданияти ва адабиётини яқиндан ўрганган. Озод домланинг қўлига немис олими Гольдцигернинг 1912 йилда Петербургда чиққан “Исломдан маърузалар” номли китоби тушиб қолган эди. Шу китобга Ҳерман Вамберининг Россия мусулмонлари ҳақидаги мақоласи ҳам киритилган экан. Мақоладаги Туркистон халқлари ўртасидаги миллий-маданий уйғониш ва жадидчилик ҳаракатининг илк даври ҳақидаги мулоҳазалари олимни ниҳоятда қизиқтирган. Чунки Туркистон ўлкасидаги миллий-маданий уйғониш муаммолари домлани ҳам доим қизиқтириб келган эди. Юқоридаги китоб бугун ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Вамберининг “Маърифат йўлидаги уйғониш” номли мақоласида ислом динига эътиқод қўйган рус фуқаролари ҳақида кўп гапиради. Улар “татар” деган умумий ном остида маълум ва машҳурдир. Этник жиҳатдан эса улар Волга бўйи татарлари, бошқирлар, Кавказ татарлари ва Қрим татарлари каби гуруҳларга ажралади. Шу билан бирга, Вамбери “мусулмонлар орасида Фарб маданиятига интилиш борасида

бошқаларга қараганда анча илгарилаб кетган, ўз ватанида ва диндошлари ўртасида янгича қарашларнинг ёйилишига катта ёрдам берган” учта халқ ҳақида ҳам гапирган. Буларнинг биринчиси, усмонли турклар иккинчиси, Ҳиндистон мусулмонлари, учинчиси ислом динига эътиқод қўйган рус фуқаролари. Руслар уларнинг миллий туйғуларини уйғотиб, исломдан чалғитишга ва христиан динига киришга ҳаракат қилган”, деб ёзади Вамбери. Шу боис, муаллиф шундай қизиқ фикрни айтади: “Маданий ҳаракатлар ташқаридан зўрлик билан олиб кирилмай, ўз-ўзидан, миллатнинг ичидан ривожланган тақдирдагина маданий инқилоблар муваффақият қозонмоғи мумкин”. Бу йўналишдаги биринчи турткини маърифатчилик, ватанпарварлик кайфияти билан куйиб-ёнган Исмоилбей Гаспирали берди, деб таъкидлайди Вамбери. Олим Гаспиринскийнинг туғилган қишлоғи, “Таржумон” газетаси, унинг йигирма йиллик фаолияти ҳақида гапиради. Асарда ниҳоятда қимматли маълумотлар бор. Масалан, Гаспиринскийнинг бениҳоя доно одамлиги, Фарб маърифатини инкор қилган инсонларга бу нарсанинг зарарини ётиғи билан, авайлаб тушинтиришга ҳаракат қилгани, миллий театрни юксаптириш, соҳасидаги ишлари, халқ орасидаги маърифатчилик фаолияти, босмаҳоналар ҳақидаги маълумотлар, 1909 йил 16 августда Нижний Новгородда бўлиб ўтган қурултойда татарлар илк бор яхлит миллий куч сифатида намоён бўлгани ҳақидаги мулоҳазалар ҳамда фикрлар мавжуд. Ҳар бир миллат ўз она тилини сақлаб қолиши лозимлигига доир фикрлар, айниқса эътиборга сазовор. Шу нуқтаи назардан татарларнинг, кенг маънода олганда, туркий миллатларнинг маданий ҳаракати Вамберининг эътиборини жалб қилади.

Шу билан бирга “Таржумон” (1883) газетаси ҳақида гапириб туриб, унинг мақсадини халқни маънавий жиҳатдан уйғотишда деб билади.

Мақолага қараганда, Вамберини жиддий бир масала қизиқтиради: маърифатли одамлар сафини имкон қадар кенгайтириш учун нима қилиш керак? Бу муаммо билан Озод домла ҳам умри бўйи шуғуллангани маълум. Кўриб турибмизки, Озод Шарафид-

динов Вамберининг мақоласини тасодифан таржима қилган эмас. Ундаги фикр, мулоҳазалар, муаллиф фикрлари домланинг қарашлари билан чамбарчас уйғунлашиб кетган.

Озод Шарафиддинов таржималари орасида Фарб маданияти вакиллариининг Шарқ маданияти, тарихи билан, ислом дини билан қизиқишига доир масалалар алоҳида ўрин эгаллайди. Масалан, олим машҳур рус ёзувчиси Н.В.Гоголнинг “Ал-Маъмун” (“Жаҳон адабиёти”, 2003, 2-сон) эссесини таржима қилди. Мазкур эссе 1834 йилда Санкт-Петербург университетиди маъруза ҳолида ўқилган экан ва маърузани тинглаш учун В.Жуковский ва А.С.Пушкинлар ҳам таклиф қилинган.

Бу эсседа Ал-Маъмун ҳақида айтилган фикрлари мунозарали бўлиши мумкин. Аммо Гоголнинг Шарқ тарихига, ислом дунёсига катта қизиқиш билан қараганлиги устозни мазкур эссени таржима қилишга ундайди. Мазкур эссе аббосий халифалардан бири Маъмун фаолиятига (Бағдодда 813 — 833 йилларда ҳукмронлик қилган) бағишланади. Гоголь Маъмуннинг маърифатпарварлигига, ўз даврининг маданиятли кишиси бўлганлигига кенг ўрин берган. Маъмун шу даражада илм-фанни яхши кўрганки, унинг олимларга ҳомийлиги, ғамхўрлиги тилларда дoston бўлган, деб таъкидлайди Гоголь. У қайси мамлакатлар билан жанг қилиб, ғалаба қозонса, кўпинча хирожни тилла ёхуд қимматбаҳо дуру жавоҳирлар билан эмас, ноёб китоблар билан олар экан. Буларнинг ҳаммаси тўғрисида завқ-шавқ билан гапирган Гоголь, айни чоғда, унинг маърифат ва маданиятга берилгани кўнгилчан, раҳмдил қилиб қўйганини, бу эса давлатни бошқаришга халақит бергани ва охир оқибатда халифаликни мустаҳкамлаш йўлида елиб-юрган Маъмуннинг ўзи давлатнинг таназзулига сабабчи бўлганини очиб берди. Мазкур ўринда гап шундаки, Гоголнинг Ал-Маъмун ҳақидаги қимматли фикрлари Озод домлани хайратда қолдиради ва Шарқ маънавиятини улуғлаган бу ноёб асарни таржима қилишга ундайди.

О.Шарафиддинов таржималари орасидаги Шарқ ва Фарб муносабатларига оид яна бир мақола катта қизиқиш уйғотади. Бу А.Гениснинг “Қалб

фотографияси” (“Жаҳон адабиёти”, 2003, 1-сон) мақоласидир. Унда сўз филологик роман ҳақида, ҳозирги кун адабиёти хусусида боради. Муаллиф ҳозирги кундаги бадиий асарлар ҳолатини кўриб чиқиб, шундай ҳулосага келади: бугунги китоблар фильмлар учун хомашё, экранга мос бўлиб қолган. Масалан, ҳозирги бадиий тўқималар — адабий ўғирликка айланди. Унинг муваффақияти китобхон ёки муаллифнинг нодонлик даражасига боғлиқ. Мақолада муаллиф ўринли киноя ишлатган. Таржимон бу нозик нуқтани маҳорат билан сақлаб қолган. Кесатиқлар, киноя, юмор — буларнинг ҳаммаси матндан таржимага маҳорат билан ўтган. Муаллифни асарда персонажнинг роли, унинг оддий инсондан фарқи, ёзувчининг айтган гапидан кўра айтмаган гаплари, онг оқими ва шунга ўхшаган масалалар қизиқтиради. Гениснинг фикрича, кейинги пайтда чоп этилган энг яхши асарлар бу — “Кавканинг кундаликлари”, Шварцнинг “Телефон”, Ю.Олешанинг “Видолашув” китобларидир.

Мақолада А.Генис Фарб ва Шарқ поэтикаси ўртасидаги тафовутнинг моҳиятини кўрсатади, яъни Фарб — метафорага, Шарқ — метонимияга таянган ҳолатларини пайқайди. Унинг маъноси шуки, Фарб санъати образ теварагида қурилади, Шарқ санъати эса из теварагида қурилади. Яъни Шарқ — метонимик фикрлаш тарзининг намунаси. Масалан: “Битта япроқ узилиб тушса, бутун дунё куз бошланганидан бохабар бўлади”. Шу билан бирга, А.Генис Хитой иероглифлари ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. Масалан, иероглифларни бир императорнинг донишманд вазири кашф қилган экан. У ёзувни жониворларнинг ва қушларнинг изларига қараб туриб топган экан. Хитой ёзувининг пайдо бўлиши (ривоятга кўра) табиий характерга эга экани муаллиф томонидан таъкидланади. Хитой ёзуви инсон нутқини қайд этмайди, балки табиат томонидан берилган белгиларни қайд қилади. Иероглиф — белги эмас, нарсанинг онгдаги изидир. Шу изда уни қолдирган нарсга тўғрисидаги хотира муҳрланади. Иероглиф — табиатнинг бизнинг маданиятимиздаги муҳридир. Иероглиф — бу фақат қўлда чизилган

нарса эмас, фотосуратдир, у уни туғдирган нарса билан алоқасини сақлаб қолади. Иероглифлардан таркиб топадиган шеърларда шоирнинг лирик ўзбошимчалиги бўлмайди. Иероглиф билан боғлиқ шеърлар нарсаларни қандай бўлса, шундайлигига кўрсата олади. А.Генис Хитой шеърятини таҳлил қилиб, унинг моҳиятини очиб, шу билан бирга Хитой шеърятининг Фарб шеърятидан фарқини кўрсатиб беради. Филологик роман ҳақида фикрлар юритиб, А.Генис шундай хулосага келадики, филологик романда ёзувчи яратган образларни эмас, балки ёзувчи қолдирган изларни кўради.

Аёнки, бу мақолада олимни биринчи навбатда бугунги адабиётнинг аҳволи, у қандай йўлдан бориши қизиқтиради. Шу билан бирга, Шарқ шеърятининг ажойиб хусусиятлари ва анъаналарини эсга солади.

Шундай қилиб, Озод Шарафиддинов яратган таржималарнинг мавзулари ниҳоятда ранг-баранг.

Кимнинг асарини таржима қилмасинлар, хоҳ Л.Толстой бўладими, хоҳ Ортега, хоҳ Бальзак, хоҳ Генис ва ҳ.к. уларнинг тажрибаларидан нимани ўрганиш кераклигини сезиб туриш мумкин. Озод Шарафиддинов учун таржима, худди Чўлпон каби, ўзбек халқини бошқа халқларга яқинлаштиривчи муҳим восита бўлган. Таржима туфайли ўзбек халқининг бошқа халқлар орттирган маданий мерос билан бойитган.

“Арбат болалари”, “Икромнома”, Игорь Буничнинг “Партия олтинлари”, “Алкимёгар”, “Бешинчи тоғ”, “Дориан Грей портрети”, Э.Савеланин “Тўхтатинг самалётни, тушиб қоламан”, “Шахмат хангомалари”, Герберт Р.Логманнинг “Ротшилдлар — банкир қироллари”, Збигнев Бзежинскийнинг “Буюк шахмат

тахтаси”, В.Войновичнинг “Монументал тарғибот” каби таржималар ўзбекларнинг маданий ҳаётида катта воқеа бўлган. Ҳеч қайси асар домла ижодида тасодиф бўлмаган. Бунга мисол қилиб Л.Толстойнинг “Икромнома” (1997) рисоласини олиш мумкин. Таржима “Тафаккур” журналида 1997 йил эълон қилинган. Уша пайтларда оғир хаста бўлган устознинг руҳий аҳволи Л.Толстойнинг “Икромнома”сидаги фикрларга ҳамоҳанг эди. Айнан Л.Толстой фалсафаси домланинг руҳиятига мос келганини тушуниш қийин эмас. Маълумки, Толстой бу асарини ҳаётининг сўнгги йилларида ёзган. Унда адиб босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида мушоҳада юритади ва умр босқичларини теран таҳлил қилади. Толстойни ҳам, Озод Шарафиддиновни ҳам ҳаёт шомиди бир жумбоқ — умрнинг моҳияти нима ва инсоннинг бу дунёга келиб кетишида нима маъно бор? — деган савол қаттиқ қийнайди. Шу сабабли устоз “Икромнома” таржима-сига қўл уради.

Озод Шарафиддинов таржималари синчликлаб тадқиқ этилганда, муаллиф ва таржимон ўртасидаги руҳий муштарақлик яққол кўриниб туради. Бу борада ҳали кўп тадқиқотлар олиб борилиши аниқ. Шу ўринда Озод Шарафиддинов Чўлпон ижоди ҳақидаги айтган муҳим бир гапни сал ўзгартириб, домланинг ўзига нисбатан қўллаш билан мақолага нуқта қўямиз: “Озод Шарафиддинов бирон бошқа жанрда ижод қилмаганида ҳам таржималарининг ўзиёқ унинг номини ўзбек адабиёти тарихининг энг мўътабар жойига ёзиб қўйиш учун кифоя қиларди. Домла яратган таржималар ўзбек халқининг маданияти ривожига катта ҳисса қўшди ва аллақачон халқимизнинг маънавий бойлигига айланиб кетди”.

*Муҳаббат ШАРАФИДДИНОВА,
филология фанлари номзоди,
доцент*

ЖАДИД ДРАМАТУРГИЯСИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

XX аср бошларида жадид-маърифатпарвар арбоблари Туркистонда миллий тараққиёт асосларини ҳар томонлама ишлаб чиққанликлари маълум. Бу борада бир гуруҳ олимлар ва ёш тадқиқотчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилишнинг ўзи алоҳида тадқиқотни тақозо этади. Аммо, жадидшунос олимлар бу масалада шундай бир яқдил фикрга келадилар: жадид маърифатпарварлари миллий тараққиётнинг бутунлай янги асосларини ишлаб чиққанлар. Бу ғояни биргина жадид драматургиясига назар ташлаш билан ҳам англаб олиш мумкин.

Маҳмудхўжа Бехбудий «театр — ибратхона» ғоясини илгари сургач, илғор фикрли жадид маърифатпарварлари масаланинг моҳиятини тез англаб олдилар. Чунки сахна асари ўша даврдаги туркистонликларнинг аянчли турмуш тарзини, ижтимоий ҳаётдаги иллатларни инсонга кўзгу сифатида кўрсатиб бера олар эди. Сахна воқелигида одамлар ўз ҳаётларини кўриб, илғор жиҳатларидан суюнар ва иллатларидан эса куйинар эди. Бу театрнинг ўзига хос ибратхона бўлишини англатарди. Шу маънода жадид драматургияси Туркистон халқлари маданиятининг кўзгуси сифатида пайдо бўлди, лекин унинг ҳақиқий кўзгуга, чинакам ибратхонага айланиши учун янги асарлар керак эди. Эътиборлиси шундаки, бу эҳтиёж ҳам тўлақонли равишда қондирилди.

Жадид драматургияси мазмун-моҳият ва шакл-мундарижа жиҳатидан нафақат ўша давр ижтимоий-маданий ҳаёти учун, балки ўзбек адабиёти тараққиётига ҳам янги хусусиятларни тақдим қилди. Аввало жанр малакасини олайлик. Жадид драматургияси трагедия жанри билан бошланди. (М.Бехбудий «Падаркуш»). Кейин унда комедия (Ҳожи Муин, А.Авлоний, Ҳамза) жанри таркиб топди. Ниҳоят, драма жанрида ёзиш кенг урф бўлди. (Фитрат, Ҳожи Муин, А.Авлоний, Ҳамза). Жадидлар умумий маънода бу жанрларни «пьеса» деб юритганлар.

Ўзбек адабиёти асрлар давомида тараққиёт ва таназзул босқичларини ўтиб келди. XX асрнинг бошларида фаолият олиб борган жадид маърифатпарварлиги даврида ўзбек адабиёти, шубҳасиз тараққий этди. Миллий адабиётимиз учун мутлақо янги жанр бўлган драматургиянинг пайдо бўлиши ва шаклланиши бу давр адабиётидаги катта ютуқ сифатида баҳоланишга лойиқ.

Туркистонда XX аср бошларида янги мазмун ва шаклдаги оврўпача йўналиш касб этган бадиий адабиёт ривожлана бошлагани маълум. Қисқа фурсатда роман, ҳикоя, бармоқ вазнидаги шеър турларининг истеъдодли ижодкорлари пайдо бўлди. Шулар қаторида XX асрнинг 10-йилларидан ўзбек жадид драматургиясининг тажрибалари куртак ёзди.

Жадид адабиёти намояндаларининг ҳаёти ва ижодий фаолияти, уларнинг асарлари, жумладан, драматургияси хусусида Ф.Каримов, О.Шарафиддинов, Б.Қосимов, Н.Каримов, Ш.Ризаев, С.Аҳмад, Ш.Турдиев, Б.Дўстқораев ва бошқа йирик олимлар ҳамда бир қанча ёш тадқиқотчилар томонидан салмоқли ишлар амалга оширилган. Мазкур мақолада биз, жадид драматургиясининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Давр пьесаларининг мазмуни, мавзуси тўғрисида Миён Бузрук Солиҳов шундай ёзади: “Агар биз у даврда саҳналаша борган пьесаларнинг мазмунларига қарасак, жадид программасини амалийлаштириш ва оммани у мақсадга ошно қилиш асосий нуқта бўлганини кўрамиз: яъни, пьесаларда ислом динини капитализм талабларига мослаб ислоҳот яратиш, тарихпарастлик йўли билан миллий таассубни кучлантириш, эски исхолостик тарбия ерига миллий тарбия бериш ва миллий буржуазияга онг бағишлаш мақсади анча маҳкамлик билан ёқланадилар.”¹

Ҳақиқатдан ҳам, жадид драматургияси “ғоянинг амалий кўриниши” бўлиб майдонга келди ва шу сабабдан халқ томонидан жуда тез қабул қилинди. Чунки, одамлар театр саҳнасида ўз турмуш тарзидаги иллатларни жиҳатларини кўра бошлаган эдилар.

Ўзбек халқ театри — кенг меҳнаткашлар оммасининг ҳаёти, дунёқараши, орзу-интилишлари ва бадий талаблари асосида ташкил топган ва ривожланган, кўп асрли тарихга эга бўлган мазмундор санъат. У ўз тараққиёти даврида халқ оммаси ижтимоий норозилигининг ёрқин ифодаси бўлиб келган, маданий ҳаётда, хулқ дунёқараши ва тафаккурининг такомиллашувида маълум даражада рол ўйнаган.

Маълумки, жадид драматика халқ ҳаёти, давр тақозоси билан турмуш тарзининг иллатли жиҳатларини кўрсатиш натижасида юзага келди. Анъанавий халқ театрлари жадид драматургиясининг туғилиши, ривожланиши, униб-ўсишида маълум маънода замин бўлди. Асосий таъсир ва намуна маърифатпарвар адиблар XIX асрнинг 70-йилларидан Туркистонга кириб кела бошлаган рус, озарбайжон, татар ҳамда оврупоча театр шаклларида ўргандилар ва ижодий ўзлаштирдилар. Бу жадид драматургиясининг ўзига хос биринчи хусусиятидир.

Иккинчи хусусият, замонавий Осиё тарихидаги театр санъатининг тараққиёти ёзма драматургиянинг пайдо бўлиши “масхарабозлик ва қизиқчилик” санъати тарихи билан боғлиқ бўлиб, бу санъат турли кўринишларда то ҳозиргача давом этяпти. Драматургиянинг жадид адабиётида ёзма намуналари пайдо бўлгунига қадар кечган тарихи ана шу масхарабоз ва қизиқчилар театрида ижро этиб келинган оғзаки драма кўринишларидан иборат.

Булар шунчалик узвийлашиб кетган санъат ҳодисаларики, уларнинг яратувчиси ҳам ижрочиси — тарғиботчиси ҳам масхарабоз ва қизиқчиларнинг ўзидир. Узоқ йиллар давомида оғзаки драмаларнинг юзлаб намуналари яратилди, бир қанча ижрочилари яшаб ўтди.

Зоҳиран ҳам, бутинан ҳам кескин фарқлари яққол кўришиб турган анъанавий халқ театри ўзбек жадид театри ва драматургияси шаклланишига муайян таъсир кўрсатди, унинг ривожланиши, мустақамланишига ўзига хос ҳисса қўшди. Табиийки, бу жараёнда у баъзи умумий жиҳатлар ҳам касб этди.

Жадид драматургиясининг ўзига хос учинчи хусусияти пьесаларда давр ижтимоий ҳаётидаги долзарб масалаларнинг кўтарилганлигида кўринади.

Таъкидлаганимиздек, ўзбек жадид драматургияси ҳамда театрининг шаклланиши, аввало, ижтимоий ҳаёт тақозоси ва эҳтиёжи туфайли содир бўлди. Шунинг учун улар томонидан яратилган драматик асарларда мавзу кўлами жиҳатидан давр ҳаётидаги барча ижтимоий масалалар қамраб олинган.

Маҳмудхўжа Бехбудий “Теётр надур” деб савол қўяди ва “Теётр ибратнамодур, теётр ваъзонадур, теётр таъзири адабийдир. Теётр ойинадурки, умумий ҳолларни анда мужассам ва намоеън суратда кўзликлар кўриб, карқулоқсизлар эшитиб, асарланур. Хулоса: теётр ваъз ва танбеҳ этгувчи ҳамда зарарлик одат, урф ва таомилни, қабиҳ ва зарарини аёнан кўрсатгувчидир. Ҳеч кимни риоя қилмасдан тўғри сўйлагувчи ва очик ҳақиқатни билдургувчидир”² дея жавоб беради.

¹ Солиҳов Б. Ўзбек театр тарихи учун материаллар. Т.: Ўздавнашр. 1935. 87-бет.

² Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. Тўпловчи: Б.Қосимов. Маънавият, 1999. 174-бет.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш”, Ҳожи Муиннинг “Эски мактаб ва янги мактаб”, “Мазлума хотун”, “Кўкнори”, Ҳожи Муин ва Нусратулла Қудратуллаев ҳамкорлигида ёзилган “Тўй”, Абдулла Бадрийнинг “Жувонмарг”, “Аҳмоқ”, Абдулла Авлонийнинг “Пинак” ва бошқа бир қатор драмаларда мазлум халқнинг оғир турмуши, ҳуқуқсизлик ва эрксизлик, билимсизлик ва қолоқлик, маиший турмушдаги бидъат ва иллатлар рўй-рост ақс эттирилган. Бунда айбдор бўлган мавжуд ижтимоий тузум қораланди. Бу тузумга барҳам бериш, озодлик, мустақилликка эришиш учун барча соҳаларни ислоҳ қилишга даъват ва маърифатпарварлик ғоялари илгари сурилди. Жадидларнинг ижтимоий фаолияти мазлум халқ тақдири, мустақиллиги билан мустаҳкам боғланган. Бу билан улар ўзларидан кейинги авлодга машъал бўлдилар.

Миён Бузрук Солиҳов “феврал инқилобидан бурунда энг кўп пьеса ёзган киши” деб таъриф берган Ҳожи Муин Шукруллонинг “Кўкнори” ва “Мазлума хотин” пьесаларида даврнинг энг долзарб мавзулари кўтарилганлиги ва жуда таъсирчан чиққанлиги боис, 1916 йилда Г.Андреев тақриз ёзган ва “Туркистон вилоятининг газети” да эълон қилинган. “Мазлума хотин” пьесаси рус ва яҳудий тилларига таржима қилинган. Мазкур драмаларда кўтарилган мавзулар орадан бир асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам долзарблигини йўқотган эмас.

Тўртинчи хусусият, драмаларнинг турли хил жанрларда яратилганлигидир.

Драматургия жанрлари хусусида Маҳмудхўжа Бехбудий: «Ҳар замонни бир усули эҳтисоби бордур. Бу замонда теътрхоналар ҳам ямон ва зарарлик одатларни эҳтисоб ва танқид қилиб ямонлигини, қабиҳини халойиққа кўрсатиб ваъз ва насиҳат этгучи бир жойдур. Теътрхона саҳналаринда кўюлатургон асарлар фожиа, яъни қайғулик, мазҳаки, яъни кулгу, драма, яъни ҳангомалик бир воқеа ва ҳодисани тасвир этиб, халойиққа кўрсатилур. Ул воқеадаги ямонлик ва яхшилиқни пайдо бўлгани ва сабабини ҳар ким кўруб, англаб, ибрат олур ва ямонликдан қочиб, яхшилиққа ҳаракат қилмоқға, теътрда кўрсатилгон воқеалар сабаб бўлур», — дейди. Бундан англаш мумкинки, Бехбудий театр саҳнасида қўйиладиган асарларни уч жанрга ажратади:

1. “Фожиа, яъни қайғулик”;
2. “Мазҳақа, яъни кулгу”;
3. «Драма, яъни ҳангомалик»¹

«Феврал инқилобигача юзага чиққан пьесаларнинг жуда кўплари фожиадирлар. Баъзи кулкилар кўрилсалар-да, улар бир пардалик кичик асарлар бўлиб, фожиа қўйилганидан сўнгра, бир оз овутиб қўймоқ учун, саҳнага қўйилар эдилар»². Ўша даврда фожиага бундай катта эътибор бериш ҳам тасодифий ҳодиса эмас эди. Бу давр тақозоси, ижтимоий вазият, мавжуд турмуш тарзи талаби билан юзага келган ҳодиса ҳисобланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, жадид театр арбоблари драматургия назариясидан ҳам яхши хабардор бўлганликлари сабаб, ушбу адабий жанр ривожига муҳим ўрин тутувчи мунаққидлик, яъни драматургия танқидчилигини йўлга қўйдилар. Ўз навбатида, театр танқидчилиги жадид драмаси ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Маҳмудхўжа Бехбудий “Теътр надур?” мақоласидан ташқари 1911 йили Абдурауф Фитрат (1884-1938)нинг “Мунозара” пьесасига оид “Мунозара ҳақида” номли мақола ёзади. Фитрат бу асарини “рисола” деб атайди, Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам “бир рисола шаклинда” деб ёзади. Таъкидлаш лозимки, бу ўринда «рисола» атамаси ҳозирги

¹ Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. Тузатилган ва тўлдирилган 2-нашри. Тўпловчи: Б.Қосимов. Маънавият, 1999. 174-бет.

² Солиҳов Б. Ўзбек театр тарихи учун материаллар. Т.: Ўздавнашр. 1935. 88-бет.

тушунчадаги соф илмий рисоладан фарқ қилади. Чунки, «бир рисола шаклинда» ёки «театр рисоласи» атамалари «воқеликни таҳлилий тасвирлаш ва муайян муаммолар ечимини кўрсатиб бериш» маъноларида келади. Демак, жадид маърифатпарварлари «театр рисоласи» деганда «мукамал саҳна асари» ёки «сценарий» маъносини назарда тутадилар.

Жадид драмаларининг ўзига хос бешинчи хусусияти, драмаларнинг бадиий хусусиятлари, характерларнинг яратилишида намоён бўлади.

Яратилган ҳар бир асарда жадид образининг киритилишини жадид драматургиясига хос бўлган олтинчи хусусият сифатида кўрсатишимиз мумкин. Масалан: «Падаркуш»да (Маҳмудхўжа Бехбудий) Зиёли, «Мунозара»да (Фитрат) Фаранги, «Тўй»да (Ҳожи Муин Шукрулло ва Нусратилла Қудратилла) Мирзо, «Бахтсиз кув»да (Абдулла Қодирий) Эллиқбоши, «Жувонмарг»да (Абдулла Бадрий) Жўракул, «Эски мактаб, янги мактаб»да (Ҳожи Муин Шукрулло) Комилбой, «Мазлума хотин»да (Ҳожи Муин Шукрулло) Муаллим каби образлар. Бу образлар орқали жадидлар ўз ғояларини халқ онгига сингдириш билан бирга, миллий мустақилликка эришиш, жамиятни тараққиётга бошлайдиган тўғри йўлни англаш учун халқни ғафлат уйқусидан уйғотиш, илмли, маърифатли бўлиш лозимлигини уқтирганлар

Жадид драматургияси бир неча ўзига хос хусусиятлар билан бирга, драматургияни реал ижтимоий ҳаётнинг эскизи, тасвирий ойинаси деб билиш, драмаларни яратишда дунёнинг илғор ижодкорлари тажрибаларига таяниш, драматургия назарияси талабларига тўлиқ жавоб берувчи асарлар яратиш ва саҳнага қўйишга интилиш, саҳна асарлари воситасида халқни ғафлат уйқусидан уйғотиш ва миллатни тараққиётга бошлаш каби муҳим жиҳатларга ҳам эгадир. Жадид драмаларида кўтарилган мавзуларнинг аксарияти бугунги кунда ҳам долзарб эканлиги билан аҳамиятлидир.

*Гулабза ҚАРШИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши
академияси тадқиқотчиси*

Ўзлуксиз заҳмат ҳосиласи

Ўзбекистонда ўзига хос таржима-шунослик мактаби яратилди. Унинг турли жабҳаларида бир қатор фан номзодлари ва докторлари етишиб чиқди. Ҳозирги кунда таржима тарихи, назарияси ва амалиёти бўйича ихтисослашган етук мутахассислар фаолият кўрсатмоқдалар. Улар томонидан таржиманинг аксарият тур ва хиллари бақамти ўрганилиб, бир қанча тадқиқотлар яратилди ва бу жараён давом этмоқда. Аммо, қадимги туркий обидаларни замонавий тилларга ўгириш, хусусан, халқимизнинг мумтоз асарларини жаҳон тилларига таржима қилиш муаммолари бўйича тадқиқот ҳали етарли даражада, деб бўлмайди. Зоҳиджон Содиковнинг «Қутадғу билиг» таржималарининг қиёсий-типологик таҳлили» (ҳозирги ўзбекча табдили ҳамда олмонча ва инглизча таржималари мисолида) номли монографияси ана шу кам ўрганилган соҳага бағишланганлиги билан диққатга молик.

Адабиётшунос Зоҳиджон Содиков Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари таржималарини кўп йиллардан бери ўрганиб келмоқда. Бу борада у бир қатор илмий мақолалар эълон қилди ва асарнинг олмонча таржимавий талқинлари борасида номзодлик рисоласини ёзди. Мана бир неча йиллардирки, заҳматкаш илм соҳиби мазкур муаммони янада кенгроқ кўламда ўрганишни давом эттирмоқда. У АҚШ, Олмония ва Австрия каби мамлакатларнинг нуфузли университетларида бўлиб, кутубхоналардан «Қутадғу билиг»нинг бир неча янги таржималари ва шу асар таҳлилига бағишланган тадқиқотларни олиб келди. Монография ана шу бир неча йиллик изланишлар самарасидир. Ушбу тадқиқот тарихи, муаллиф таъкидлаб ўтганидек, раҳматли устоз, профессор Ғайбулла ас-Саломнинг бевосита қимматли маслаҳатлари билан тузилган. Бунда домла асосий эътиборни ўзбек таржимашунослигида нисбатан кам ўрганилган ва айна пайтда жуда долзарб бўлиб турган қадимги обидаларни

замонавий тилларга мослаштириш, хусусан ғарб тилларига таржимаси ва илмий-адабий талқинларини ўрганиш масаласини таҳлил қилишга қаратишни кўзда тулган эдилар. Зоҳиджон Содиков ўз монографиясида устоз айтган ўғитларга амал қилиб, Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асарининг ҳозирги ўзбекча таҳлили, олмонча ва инглизча таржималарини аслият билан тарихий-фалсафий ва адабий-лисоний жиҳатдан қиёсий таҳлил қилишга интилган.

Монография 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Китобда дастлаб илк туркий адабий обиданинг таржима воситасида жаҳон адабий жараёнига кириб бориши ҳамда Шарқу Ғарб адабиётида анъанага айланган панднома йўналишидаги асарлар тараққиётида тутган ўрни муаммоларига муносабат билдирилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур боб далилларининг кўплиги ва масалага илмий ёндашишдаги кўламдорлиги, ўзига хослиги ва янгилиги билан ажралиб туради. Муаллиф илк бор туркий «Шоҳнома»нинг Европа ва уммон орти мамлакатларига кириб бориш жараёнини кузатган ҳолда таҳлил қилишга интилган. Айна пайтда ўрта асрлардаги бой адабий меросимизнинг жаҳон адабиёти силсиласидан ажратиб қаровчи айрим «Европамарказчилар»нинг ғайриилмий қарашлари асосли танқид қилиниб, рад этилган. Иккинчи бобда аслиятда акс этган тарихий давр колоритининг таржимада қайта яратиш масаласи илмий таҳлилдан ўтказилади. Бунда икки жиҳат: таржималарда аслиятдаги диний-фалсафий ва миллий ўзига хосликлар нечоғлик ўз ифодасини топганлиги ўрганилади. Китобда муаллиф асарни олмон тилига ўгирган В.Радлов ҳамда инглизча таржима муаллифи Р.Денкофларнинг ижодий меҳнатларини заррача камситмаган ҳолда улар томонидан йўл қўйилган кўплаб хато-камчиликларни далиллар билан кўрсатиб берган. Бундай

таржималарда Марказий Осиё халқлари адабий аънаналари, хусусан туркий ўзига хосликларга алоҳида аҳамият бериш зарурлиги ўрни билан кўрсатиб ўтилган. Асарнинг 3-боби эса, таржимада «Кутадғу билиг» поэтикаси таҳлилига бағишланган. Тадқиқотчи мазкур бобда таржимада шоирнинг табиат ва жамият ҳодисаларига муносабатини акс эттириш маҳорати ҳамда бадиий санъат воситаларининг таржимаси ва имконияти тўғрисида фикр юритади. Монографияда ҳар бир бобдаги фикр-мулоҳазалар бир-бирига мантиқий боғланган бўлиб, узвийлик ва узлуксизлик талабларига тўла риоя қилинган. Айти пайтда ҳар бир боб ўзига хос мустақил йўналишга эга.

Муаллиф таржимада аслиятдаги услуб, тарихий ва миллий ҳамда адабий-лисоний ўзига хосликни қайта яратиш тўғрисида фикр юритар экан, бунда мавжуд таржима нашрларининг қай даражада «Кутадғу билиг» матнига муқобиллигини аниқлашга ҳаракат қилади. Айниқса, қадимги туркий адабий дostonни ғарб тилларига ўгиришда таржимонлар қўллаган тамойиллар таҳлили ва бундан чиқарилган илмий хулосалар ҳам назарий, ҳам амалий қимматга эга.

Тадқиқотнинг қадрини оширадиган яна бир жиҳатни айтиб ўтиш лозим. Муаллиф «Кутадғу билиг»ни Европа ва АҚШда ўрганилиши, таржима ва таҳлилига оид кўплаб манбаларга мурожаат қилган, ўрни билан уларга ўзининг ҳолис муносабатини билдирган ҳам. Шунингдек, у илк туркий обидани халқаро Интернет тармоқларига киритилишига доир тафсилотларга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Бу бой адабий меросимизни умумжаҳон саҳнидаги талқини ҳамда жаҳон тадқиқотчиларининг бу манбаларга ўзига хос муносабатларини билишимизда муҳимдир.

Зоҳиджон Содиковнинг «Кутадғу билиг» таржималарининг қиёсий-типологик таҳлили» деб номланган монографияси бугунги ўзбек таржимашунослигида илмий янгиликдир. Биз мамнуният билан айтмоқчимизки, мазкур китоб қадимги обидаларимиздан бири бўлмиш «Кутадғу билиг»ни жаҳон адабий жараёнидаги ўрни ва мақеини билишимизга кўмаклашади ҳамда қадимги обидаларни замонавий тилларга таржима қилишнинг айрим жиҳатларига ойдинлик киритади.

*Нажмиддин КОМИЛОВ,
филология фанлари
доктори, профессор*

*Мўминжон СУЛАЙМОНОВ,
филология фанлари
номзоди, доцент*

МАСАЛЛАР

Қадимги Сурия насри

ДОНИШМАНД ЮСУФ ВА ПОДШОҲ НАВУХОДОНОСОР

Айтишларича, бир кун Юсуф ва унинг ўртоқлари барча донишмандлар билан биргаликда подшоҳ Навуходоносор тахти атрофида тўпланишибди. Юсуф назокатли ва нафис тил билан ҳар хил масаллар айтиб, фаройиб суҳбатлар қилибди. Юсуфнинг одоблиги ва хушхулқлиги, сўзларидан бол томиши, ўзини тута билишига подшоҳ жуда қойил қолибди. Унга нисбатан ихлоси ортиб, барча донишмандлар ва файласуфларни ўзидан четлаштирибди. Юсуфга чексиз меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатиб, уни мамлакатдаги барча донишмандлар ва файласуфлар устидан бошлиқ қилиб қўйибди.

Аммо подшоҳ зимдан мулозимларига Юсуфнинг жонига тегиб, ранжитиб, бўлар-бўлмасга уни калака қилинлар, деб буюрибди. Чунки, ғазабланган пайтда ҳам, қувончли дақиқаларда ҳам ўзини бошқарадими, совуққонлик билан ҳамма қийинчиликларга дош берадими, билмоқчи бўлибди. Ахир инсоннинг хотиржаму осойишта пайтларида ҳақиқий баҳосини бериш жуда қийин-да. Барча хафагарчиликларни совуққонлик ва сабр-тоқат билан енггандагина, киши ақлли ва доно ҳисобланади.

Шундай қилиб, подшоҳ мулозимлари Юсуфни майна қилиб, устидан кулиб, ҳар хил бемаза қилиқлари билан уни ранжитишга ҳаракат қилибдилар. Аммо Юсуфнинг сира жаҳли чиқмай, ўзини хотиржам тутибди. Мулозимлар аввалгисидан ҳам бешбаттароқ кўрслик қила бошлабдилар. Юсуф орадан анча вақт ўтгандан кейингина уларнинг қилмишлари ёмон ниятдалигини фаҳмлаб қолибди. Шунга қарамай, мулозимлар ёғдирган заҳарханда гаплар Юсуфнинг у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетар, улар билан тортишмас, ёмон қилиқларингни ташла, деб танбеҳ бермас, фақат дилозорлардан тескари ўтирилиб кетаркан.

*Русчадан
Нодир НОРМАТОВ ва
Гавҳар НОРМАТОВА
таржималари*

“Панднома” китоби қадимги Шарқ адабиётидан танланган намуналарни ўз ичига олади. Бундан минг йиллар илгари сурёний тилида битилган ушбу ноёб дурдоналар асрлар синовидан ўтган ва бизнинг давримизда ҳам жаҳоннинг қатор тилларига таржима қилиниб, завқу шавқ билан ўқилмоқда. Чунки, бу асарлар энг аввало ранг-баранглиги ва чуқур мазмундорлиги билан диққатга сазовордир. Улар ажойиб ҳикоятлар, тарихий ва афсонавий ривоятлар, оталарнинг ўз фарзандларига қарата айтган панду насихатлари, донишмандларнинг ҳикматли сўзлари, қизиқарли топишмоқлар, ибратли мақол, матал ва масаллардан иборатдир.

Қадим Шарқ халқининг кўп асрлик ҳаётий тажрибаси ва мислсиз донолигини ўзида акс эттирган ушбу битиклар ўзбек ўқувчиларига ҳам манзур бўлади, деб умид қиламиз.

Бир оз вақт ўтгач, подшоҳ хизматкорлари қилган ишларидан пушаймон бўлиб, виждон азобидан қийнала бошлабдилар. Бўлиб ўтган воқеаларни подшоҳга айтибдилар. Подшоҳ Юсуфни ҳузурига чақиртириб, шундай дебди:

— Сени юқори мартабага кўтариб, ўзимга вазир қилиб тайинласам нима дейсан?

Юсуф эса:

— Бундан менга нима фойда? — дебди.

— Мартабанг улуг, ишинг обрўли, ўзинг эса ҳашаматли либосларга бурканиб юрасан, — дебди Навуходоносор.

Юсуф эътироз билдирибди:

— Донишмандлар айтадиларки, инсонни гўзал қиладиган нарса ҳашаматли ва чиройли либослар эмас, балки илму амали, адолатпарварлиги, тақводорлик ва яхши хислатларидир. Бошқа ҳамма нарсалар бузилиб, ўз гўзаллигини йўқотганида ҳам, бу яхши хислатлар инсонни сўнгги нафасигача тарк этмайди.

Подшоҳ сўзида давом этибди:

— Ҳой донишманд! Бу хислатларингдан кечгил! Бунинг учун мен сенга барча олтин-кумушларимни бераман. Сен улардан ихтиёрингча фойдаланишинг мумкин.

Юсуф айтибди:

— Агар худонинг иродасига қарши бориб, пул бемаъниларча сарфланса, ҳар қандай куч-қудратини йўқотади. Бундан чиқдики, донишмандлик, билимдонлик ва мулоҳазақорлик олтин ва кумушдан ҳам мустаҳкамроқ экан.

Подшоҳ яна Юсуфга дебди:

— Ҳой Юсуф, сен айтаётган ажойиб хислатларга бўлган ихлосимни янада орттирдинг. Назокатли сўзларинг, гапириш оҳангингни кўргач, мутлақо сенга мафтун бўлдим. Энди сендан айрилгим йўқ. Молу мулкимнинг борини, менга қарам мамлакатларни, кўшинларимни, хуллас хоҳлаганингни сўра! Сендан фақат бир нарсани сўрайман, холос: қизиқ-қизик ривоятлар-у, масалларингдан айтиб бер. Доно ва ақлли суҳбатларингни тинглаб лаззатланайин.

Подшоҳнинг бу сўзларига Юсуф куйидагича жавоб берибди:

— Ёлғиз худога, яна сенга бўйсунуш ва итоат этиш менинг бурчимдир, подшоҳи олам! Сенинг хоҳишингни бош устига бажараман. Агар ҳикоятларим сенга маъкул бўлса, уларни кетма-кет нақл қилиб, сенинг кўнглингни хуш этгумдир, шоҳим!

Юсуфнинг гапларидан Навуходоносор севиниб кетибди ва уни ёнига ўтиргизиб, масал айтишни бошлагин, деб ишора қилибди.

ИЛОЖИ ЙЎҚ НАРСАНИ ОРЗУ ҚИЛМА

Юсуф подшоҳга биринчи бўлиб куйидагиларни айтиб берибди:

— Эй подшоҳ ҳазратлари! Донишмандлар айтадиларки, мулоҳазали одам кўзга тушган ва кўнгли ёқтирган нарсаларга эгалик қилишга, табиатига хос бўлмаган нарсаларга интилиши лозим эмас. Кўпинча, тийилмаган эътирос ва орзу-ҳаваслар одамни ҳалокатга маҳкум этади. Булбулнинг овозига маҳлиё бўлган эшак ҳодисаси бунга мисол бўлса.

— У қандай ҳодиса экан? — деб сўрабди подшоҳ.

Юсуф сўзида давом этибди:

ЭШАК БИЛАН БУЛБУЛ

Донишмандларнинг ҳикоя қилишларича, бир куни тонгда эшак завқ-шавқ билан кўйлаётган булбулнинг товушига мафтун бўлиб қолибди. Бориб, булбулдан сўрабди:

— Ҳой, оғайни! Бугун нима овқат еган эдинг? Овозинг бунчалик ширали-я!

— Бугунги нонуштам шудринг ва ҳаводан иборат бўлди, — деб жавоб берибди булбул. Эшак ҳам булбулга ўхшаб ширали, хуш овозга эга бўлиш учун кўпроқ шудринг ва ҳаво ютаман деб, оғзини катта очиб юраверибди. Бошқа эмишларнинг баридан воз кечибди-ю, очликдан ўлиб қолибди.

Қиссадан ҳисса: табиатига мос бўлмаган нарсага инсон интилиши керак эмас.

ПОДШОҲНИНГ ТОПШИРИҒИ

Бир куни Юсуфнинг икки дўсти бирга овқатланишга таклиф этишибди-да, дастурхон атрофида иккалови уни роса ҳақорат қилишибди.

Эртасига дўстлари кечирим сўраб, Юсуфнинг ҳузурига келишибди. Нохушликлардан пушаймон эканликларига, ҳозир бу ҳақида мутлақо бошқача ўйлаётганликларига иқрор бўлишибди-да, тагин тушликка таклиф қилибдилар. Юсуф боришга ваъда берибди ва кетидан шуни ҳам қўшиб қўйибди:

— Мабодо кечикиб қолсам, гина-кудурат қилиб юрманглар. Гап шундаки, подшоҳимиз бир қора танли ҳабашни оқ танлига айлантириб бер, деганлар. Шу юмушни бажармагунимча, келолмайман.

— Вой, ҳабашларнинг рангини ҳам ўзгартириб бўларканми? — деб ҳайрон бўлишибди унинг дўстлари.

— Бу иш ҳам худди диёнатсиз кишини тақводор кишига айлантиришдек бир гап, — деб жавоб қилибди Юсуф.

Инсондаги ёмон хислатлар ундаги бор яхши хислатларни ҳам йўқ қилиб юборади.

ОДАМЗОД ВА ЎЛИМ

Бир киши орқалаб кетаётган бир боғлам ўтиннинг оғирлигидан қаттиқ азоб чекиб бораётган экан. Мутлақо ҳолдан тойганидан, юкини олдига қўйиб, ўзига ўлим тилай бошлабди:

— Ё, Азроил! Келиб жонимни олсанг-чи!

Азроил ҳам бир пасда ҳозир у нозир бўлибди:

— Мени нимага чақирдинг, ҳой инсон?

Одамзод унга қараб:

— Менга ёрдам бериб, манови бир боғлам ўтинни орқалатиб юбор, деб чақирган эдим, — дебди.

Ҳаётимиз қанчалик оғир бўлмасин, биз одамлар ўлимдан кўра, қийналиб бўлса-да яшашни афзал кўрамыз!

ЛАТЧА ВА ЭГОВ

Латча темирчининг дўконига кириб, у ердан бир эгов топиб олибди. Аввалига латча уни ялай бошлабди. Эгов тилини кесиб, ҳамма ёғи қонга

бўялибди. Томирдан ортиқча қон чиқаяпти, деб латча севиниб, гайрат билан темир эговни жон-жаҳди билан ялайверибди. Оқибатда латча тилидан ажрабди.

Қиссадан ҳисса: ўжарлар қилаётган ишлари хато бўлса ҳам бор-будларидан мутлақо маҳрум бўлмагунча, қайсарликларини кўйишмайди.

ИККИ ХҲРОЗ

Иккита хўроз урушиб қолибди. Мағлуб бўлгани овлоқроқ ерга яширинибди. Фолиб чиққани эса баланд томга учиб чиқибди-да керилиб, овозининг борича “ку-ку-ку”лаб, атроф-теваракка жар солибди.

Мақтанчоқ хўрозга бургутнинг кўзи тушиб қолибди. У том устига ўқдек отилиб шўнғибди-ю, қаноти билан хўрозни бир уриб, панжаларида маҳкам сиққанича осмонга учиб кетибди.

Ушбу масал кишини камтар бўлишга ундайди. Ҳадеб ўз-ўзини мақтаб, кучим кўп деб керилаверишнинг оқибати шундай тугайди.

КАПТАР ВА СУВ

Бир каптар ташналик азобидан қийналиб сув излаб юрган экан. Тўсатдан сувли тоғора тасвири туширилган деворга кўзи тушиб қолибди. Бечора шоша-пиша тоғорадан сув ичмоқчи бўлиб, девор ёнига учиб келибди. Тасвирдаги тоғорадан сув ичамаң, деб дам-бадам деворга зарб билан урилавериб, ўлар ҳолига тушибди. Ўлаётиб, каптар шундай дебди:

“Эҳ, шайтон мани йўлдан оздирди! Нима учун бошқа ҳовуз ва дарёларда ҳам сув борлигини эсламадим?”

Қиссадан ҳисса: шошқалоқлик билан қилинган ишдан фойда йўқ, фақат эҳтиёт чораларигина яхши самара беради.

ҚАРҒА ВА ЧЎПОН

Бир куни қарға пода ичидан кўзичоқни кўтариб кетаётган бургутни кўриб қолибди. Қарға ҳам бир семизроқ кўйни танлаб, ўқдек пахта отилибди-ю, панжаларини унинг жунларига ботирибди. Бироқ қарға кўйни кўтариб учиш у ёқда турсин, ҳатто панжаларини ҳам жун орасидан суғуриб ололмабди. Етиб келган чўпон қанотли йиртқични таёғи билан бир уриб ўлдириб қуйибди.

Узоқни кўролмаган бир хил кишилар ўзидан кучлиларга тенглашмоқчи бўладилар. Бемаъни интилиш улар учун на фақат азоб-уқубат манбаи, балки ҳалокатга элтувчи йўл ҳамдир. Юқоридаги масал воқеаси бунинг аниқ исботидир.

ҚУЁН ВА ТУЛКИ

Чанқаб келаётган қуён чуқур қудуққа тушиб, сув ичмоқчи бўлибди. Ташналигини қондирибди-ю, аммо қудуқдан чиқолмай, хафа бўлиб ўтирибди.

Бир пайт тулки келиб қолибди. Кудуқ тубида ўтирган қуённи кўриб, шундай дебди:

— Ўйламай иш қилибсан, оғайни! Кудуққа тушишдан аввал, ундан чиқиш йўлини ўйлаш керак эди.

Қиссадан ҳисса: ҳар бир босган қадамнингнинг оқибати нима билан тугаганини яхшилаб ўйлаб, кейин ҳаракат қил.

ҲҶКИЗ ВА ОНА АРСЛОН

Бир куни ҳўкиз ухлаб ётган шербаччани кўриб қолибди-да, ётган жойида шохлаб ўлдириб, ўзи қочиб кетибди. Она арслон боласининг жасадини кўриб, узоқ қайғурибди. Йиғлай-йиғлай ҳўкизни роса қарғабди. Она арслонга кўзи тушган тўнғиз шундай дебди:

— Агарда сенинг шербаччанг каттакон арслонга айланиб, бошқа ҳайвонларни ўлдириб еяверганида қанчадан-қанча оналар сенга ўхшаб йиғлаши мумкинлигини ҳеч ўйлаб кўрдингми?

Баъзи одамлар ҳам ўзларидаги ёмон хислатларни сезмайдилар-у, бошқаларга танбеҳ беришни яхши кўрадилар.

ГҶНГКҶНҶИЗ ВА АСАЛАРИ

Гўнғкўнғиз бир куни асал олиб бораётган асаларини кўриб: “Мени ҳам ўзингга ёрдамчи қилиб ол”, деб илтимос қилибди. Асалари рози бўлибди. Аммо, гўнғкўнғиз асал келтирмаётганини кўрган боларилар уни қақиб ўлдиришибди. Ўлаётиб гўнғкўнғиз шундай дебди: “Мен каби аҳмоқнинг жазоси шу! Қўлимдан келмаган ишга бурнимни тикиб нима қилардим? Асал беролмасам, болари уясига нимага бош суқдим”.

Қиссадан ҳисса: қўлингдан келмаган ишга ҳеч қачон қўл урма.

ЧҶПОН ВА БҶРИ

Бир куни чўпон пода орасига кириб, кўпгина қўйларни бўғизлаб ташлаган бўрини кўрибди. Йиртқич кучли бўлганидан итлар уни бир ёқли қилишолмабди. Орадан бир оз вақт ўтгач, чўпон ўша бўрини қопқонга тушириб, унга қарши итларини олқишлабди. Итлар йиртқични тилка-пора қилаётганларида, чўпон айтармиш: “Ҷой йиртқич! Аввалги куч-қудратинг қаёққа кетди? Ҷатто итларга ҳам қаршилиқ кўрсата олмай қолдинг?”

Қиссадан ҳисса: ҳар ким ҳам маълум бир шарт-шароитдагина ўз кучини кўрсата олади.

ИККИ ИЛТИЖО

Бир чўпоннинг қўйи йўқолиб қолибди. У худога илтижо қилиб, агар қўйим топилса, қурбонликка келтираман, деб қасам ичибди ва қўйини излаб кетибди. Аммо бир майдондан сип-силлиқ ғажилган қўй суяқларини топиб олибди: қўйни арслон еб кетган экан. Буни кўрган чўпон кўкка қараб шундай дебди:

“Эй худо! Агар мен шу арслоннинг панжасидан ҳаётимни сақлаб қололсам, сенга бошқа бир қўйни қурбонликка келтираман!”

Қиссадан ҳисса: ўлим чангалидан кутулиш учун одамзод бор-йўқ нарсасидан ҳам ажралишга рози.

АРСЛОН ВА ҲҶИЗЛАР

Бир арслон иккита ҳўкиз билан олиша кетибди. Ҳўкизлар аҳиллик билан ҳаракат қилганликлари учун арслон фақат уларнинг шохларига дуч келиб, ганимларини енга олмабди.

Шунда арслон айёрлик билан уларни енгил мақсадида бировига яқинлашиб, секингина “агар шеригингни ҳимоя қилмасанг, сенга тегмайман”, дебди. Ҳўкиз арслоннинг ваъдасига ишонибди. Арслон эса бамайлихотир аввал бирини, кейин иккинчисини ўлдирибди.

Агар кичик мамлакатлар ҳамжиҳатлик билан иш қилсалар, юртларига душман бостириб киролмайди. Мабодо, бир-бирлари билан келишмасалар, албатта мағлубиятга учраб, ҳалок бўладилар.

БУҒУ ВА ОВЧИЛАР

Бир куни чанқаб кетган буғу сув ичиш учун булоқ бошига тушибди. Сувда ўз аксига кўзи тушибди. Оёқлари жуда ингичка ва хунуклигидан қаттиқ хафа бўлса, каттакон бурама шохлари борлигидан ғоятда севинибди.

Тўсатдан овчилар ҳужум қилиб қолибдилар. У қоча бошлабди. Буғу текис даладан югураётганида, овчилар унга етолмабдилар. Бироқ, қалин ўрмонзорга кирганида, бурама шохлари дарахтларга илашиб қолибди. Овчилар буғунини тутиб олиб, ўлдирибдилар. Улаётиб буғу шундай дермиш: “Шўрим курсин! Оёқларим ингичка ва хунук деб хафа бўлган эдим. Аммо улар мени ўлимдан сақлаб қолишди. Бурама ва каттакон шохларимдан мағрурланган эдим, улар мени ҳалок қилди!”

Қиссадан ҳисса: гўзал бўлиб кўринган нарса эмас, балки ҳаётимизнинг энг оғир дамларида бизни қутқарадиган нарсаларгина мақтовга лойиқдир.

ИТ ВА ТЕМИРЧИ

Бир темирчининг ити бор эди. Эгаси ишлайдиган пайти ити ухлар экан-у, бироқ темирчи тушлик ёки кечки овқатни ейиш учун дастурхон атрофига бориши билан уйғониб кетаркан-да, ёнига бориб оларкан. Буни сезган эгаси: “Ҳой, ярамас! Овози ерни титратадиган босқон зарбасидан миқ этмай ухлайсан-у, оғзимни сал қимирлатишим билан дастурхон атрофида ҳозир нозир бўласан”.

Шундай одамлар борки, фақат ўзларига фойдали нарсаларни эшитиб, тинглашади. Аммо бошқалар учун фойдали иш ҳақида гап кетса, бир пасда гунг бўлиб қоладилар.

ТУЛКИ ВА АРСЛОН

Тузоққа тушиб қолган арслонни кўриб, тулки бақириб-чақириб уни ҳақорат қила бошлабди. Арслон унга: “Бундай кулфат бошимга тушмаганда эди, ҳеч қачон ҳақорат қилолмасдинг”.

Арзимаган нуфузсиз одамлар бу дунёнинг улуғ зотлари бахтсизликка учраганда уларни ҳақоратлашдан севинадилар.

КАСАЛ БУҒУ

Бир буғу касал бўлиб, тоғдан пастга — водийга йиқилиб тушибди. Ҳамжинслари уни ёлғизликда қолдирмай, аҳволидан тез-тез хабарлашиб туришибди. Бироқ улар ҳар сафар келганларида, водийда ўсиб ётган ўт-ўланларни еявериб битирибдилар. Буғу тузала бошлаганда емак тополмай, очликдан ўлиб қолибди.

Беморга ҳамдардлик билдириш учун келадиган одамларнинг кўпчилиги фойдадан кўра кўпроқ зарар келтириши рост эмасми?!

НОЎРИН ТАНБЕҲ

Бир йигитча дарёнинг ўртасига сузиб бориб, тўсатдан чўка бошлабди. Тобора ҳолсизланиб бораётган йигитча дарё қирғоғи бўйлаб кетаётган йўловчини ёрдамга чақира бошлабди. Ҳалиги киши ёрдам бериш ўрнига танбех бера бошлабди:

— Сузишни билмас экансан, нима учун сувга кирдинг?

Йигитча жавоб берибди:

— Аввал ёрдамлашиб юбор, кейин панд-насиҳат қиларсан.

Бошига кулфат тушган одамга аввал ёрдам бериб, кейин насиҳат қил!

ОВЧИ ВА ИТ

Бир овчи эгасидан адашиб, далада изғиб юрган итни кўриб қолибди. Уни эгасининг олдига олиб бориш ўрнига олдига катта нон бўлақларини ташлай бошлабди. Ит овчига дебди:

— Мендан нари кет, қилаётган ғамхўрлигингдан ваҳимага тушиб кетаяпман.

Меъёридан ортиқ кўрсатилган ғамхўрлик одамларда ишонч туғдирмаслиги аллақачон маълум ва равшан.

АРСЛОН ВА СИЧҚОН

Куёш қиздирадиган кунларнинг бирида арслон сояда дам олиш учун гор ичига кирибди. Бор бўйига чўзилиб ётган экан, устидан сичқон сакраб ўтибди.

Бу ҳолатдан нохуш бўлган арслон ўрнидан туриб, атрофга хавфсираб қараб қўйибди. Унга кўзи тушган тулки масхара қилибди. Аммо арслон унга шундай дебди:

“Мен кўрққаним йўқ. Фақат қандайдир ожизгина сичқонча, мен — ҳайвонлар шоҳининг устидан сакраб ўтишга ҳадди сиққанига ҳеч чидай олмаяпман!”

Кучлилар ва машҳур кишилар учун киноя ва ҳақорат ўлимдан ҳам аччиқдир.

ОВЧИЛАР, АРСЛОН ВА СИЧҚОН

Бир куни овчиларнинг тўрига арслон илиниб қолибди. Сичқон келиб тўрни кемирибди ва арслон тузоқдан қутулиб қолибди.

“Ҳаммадан нафратланиш керак эмас ва ҳеч қачон умидсизликка ҳам тушмаслик керак. Митти ва ожизгина сичқонча туфайли мен — каттакон арслон овчининг тўридан қутулдим”, — деб ўйлабди арслон.

Қиссадан ҳисса: буюк зотлар кўпинча кўзга ташланмайдиган, кичкина одамлар ёрдами билангина кулфатлардан халос бўладилар.

АРСЛОН ВА ҲЎКИЗ

Бир куни арслон маза қилиб ҳўкиз гўшти емоқчи бўлибди-ю, бироқ уни енгишга кўзи етмабди. Шунда арслон айёрлик ишлатибди, ҳўкизни уйига таклиф қилибди:

— Қўй сўйдим, келсанг, биргаликда овқатланамиз.

Ҳўкиз ишониб, арслоннинг уйига борибди. Бироқ катта-катта дошқозонлар-у, тўплаб қўйилган ўтинларга кўзи тушиб, орқасига қайтибди. Узоқлашаётган ҳўкиздан арслон сўрабди:

— Нима учун қайтиб кетаяпсан?

— Кўрганларимдан шу нарса маълум бўлдики, сен қўй эмас, ҳўкиз гўшти қовурмоқчисан, шекилли, — деб жавоб қилибди ҳўкиз.

Қиссадан ҳисса: ҳеч қачон душманингда ишонма.

ОВЧИ ВА КАКЛИК

Бир овчи каклик тутиб олибди. Уни ўлдирмоқчи бўлган экан, каклик, “мени озодликка қўйиб юбор”, деб ялинибди. Овчи какликни қўйиб юборишга мойил бўлиб турган экан, каклик яна гап қўшибди: “Агар мени тирик қолдирсанг, тўринга жуда кўп какликларни илинтириб бераман”. Унинг бу гапларини эшитган овчи, ғазабланиб, шартта ўлдирибди.

Кимки сенга хушомадгўйлик қилиб, ўз дўстларига хиёнат қилмоқчи бўлса, ундайлардан ўзингни четга ол!

ОДАМ ВА ТОВУҚ

Бир одамнинг ҳар куни тилла тухум туғадиган товуғи бор экан. Аммо очкўз эгаси бунга қаноат қилмабди. Бир куни товуқни тутиб олиб, ичида роса хазина бўлса керак, деб сўйибди. Аммо товуқнинг ичак-чавоқларидан бошқа нарса топмапти. Ҳалиги одам афсўсланиб, шундай дебди:

“Катта фойданинг кетидан қувиб, кичигидан ҳам ажрадим”.

Қиссадан ҳисса: кимки баднафслик қилиб, бориға қаноат қилмаса, ҳамма нарсасидан ҳам ажралади.

ИТ ВА ГЎШТ

Ит қассоб дўконидан бир бўлак мол гўштини олиб қочибди. Дарё бўйига келгач, сувдаги ўз аксига кўзи тушибди. Ундаги ит ўзидан ҳам каттароқ гўшт бўлагини тишлаб тургандек туюлибди. Оғзидаги гўштни ташлаб, сувдаги итга ташланибди. Шу вақт бир қарға учиб келиб, ердаги гўштни илиб қочибди.

Ҳатосини тушунган ит қайтиб жойига келса, ўз гўшти ҳам йўқ эмиш. Шунда ит:

“Каттакон гўшт бўлагининг кетидан қувиб, ўзимдаги боридан ҳам ажралдим”, дея афсусланибди.

Очкўзнинг қисмати шундай бўлади.

ЭШАК ВА ОТ

Бир кишининг эшаги ва оти бор экан. Икковларининг турмуш тарзи икки хил экан. От бирорта ҳам юмушни бажармасдан отхонада бойлоқлик турар, уни яхши овқатлантиришар, ёлларини тараб-сийпаб ҳар куни ювинтирар эканлар. Эшак бўлса, ғира-шира саҳардан тортиб, оқшом қоронғисигача ўлгудек ишлар, бунинг устига эгаси унга сира гамхўрлик қилмас экан.

Замонанинг зайли билан уруш бошланибди. Хўжайин отга миниб, жанг қилгани кетибди. От яраланиб ҳалок бўлибди. Буни эшитган эшак:

“Доимо отга ҳасадим келиб юрар эди. Уникидан кўра менинг қисматим яхшироқ экан”, — дебди.

ИККИТА ЭШАК

Қулон тутқунликда яшайдиган ҳамжинси эшакка менсимаслик билан қараб, доимо уни ҳақоратлар экан.

“Мен озод қушдекман, кун бўйи тоғу тошда кезиб юраман. Янги ўсган, юмшоқ майсалардан тўйгунимча ейман. Овқатимни меҳнатсиз ҳам топаман, чарчоқ нима эканлигини билмайман. Сени эса ҳар куни уриб, ишлатадилар”, — деб мақтанаркан у.

Бир куни қулон гапини тугатиши биланоқ қаердандир бир арслон келиб қолибди. Ёнида хўжайини тургани учун уй эшагининг олдига бормасдан, қулонни турган ерида тилка-пора қилиб ташлабди.

Қиссадан ҳисса: бой ва машхурлигингга керилиб боқи-беғам бўлиб мақтанма, камбағалга танбеҳ бериб, ҳақорат қилма.

БОЛА ВА ЧАЁН

Бир бола шаҳар девори орқасидан чигиртка тутиб олибди. Орадан бир оз вақт ўтгач, чаёнга кўзи тушиб қолибди ва уни ҳам тутиб олмоқчи бўлибди. Аммо чаён болани чақиб олибди.

Қиссадан ҳисса: Турмушдаги турли хил шароит ва ишларда фақат бир усулни қўллаб яшаш мумкин эмас.

ЧУМОЛИ БИЛАН НИНАЧИ

Чумоли қишда ёзда жамлаган бугдой донлари билан овқатланар экан. Бир куни унга ниначи мурожаат қилиб, егулик бирор нарса бериб тур, дебди. Чумоли ниначидан сўрабди:

— Ёзда қаерда эдинг? Қишга озиқ-овқатни нима учун тайёрлаб қўймадинг?

— Бунга сираям вақтим бўлмади, — деб жавоб берибди ниначи, — ахир ёз бўйи қўшиқ айтишдан бўшамадим-да.

Буни эшитиб, чумоли кулиб юборибди-да, ниначига қараб шундай дебди:

— Ёз бўйи қўшиқ айтган бўлсанг, қиш бўйи рақсга туш.

Ҳаётда энгил-елпи ўйлайдиганларга қарата айтилган масал бу. Бундай одамларда керакли ва зарур нарсалар ҳеч қачон топилмайди.

ЭЧКИ БИЛАН БҮРИ

Бир эчки баланд жарлик ёқасида ўтлаб юрган экан. Унга бўрининг кўзи тушиб эчкини ёмоқчи бўлибди-ю, бироқ ёнига боришга қўрқибди. Бўри эчкига:

— Ҳай бечора! Нима учун шундай ажойиб ўтлоғу водийни ташлаб, баланд бир жарлик ёқасида юрибсан? Худо кўрсатмасин, мабодо бир кор-ҳол юз бериб, қулаб кетсанг, ҳалок бўлишинг тайин-ку, — дебди.

Эчки бўрига жавоб берибди:

— Наҳотки сен ўзингдан ҳам кўра, мен ҳақимда шунчалар кўп қайғурсанг? Агар водийга тушсам, сенга ем бўлишимни жуда яхши биламан!

Ҳаётда шундай дўстлар борки, сен учун фойдали бўлган нарсаларни эмас, ўзлари учун фойдали бўлган ишларни кўзлайдилар.

БҮРИ БИЛАН АРСЛОН

Бўри кўзичоқни тутиб олибди. Йўлда кетаётса, олдидан арслон чиқиб, ўлжани тортиб олибди. Кўзичоқдан ажралган бўри мулойимгина:

— Менга тегишли ўлжани тортиб олишинг жуда ғалати-я, — дебди.

— Ўғирлик билан қўлга кирган нарсадан ажралганингдан афеус қилма, дебди арслон.

Қиссадан ҳисса: ўғрилик билан қўлга киритилган нарса босқинчининг қўлида узоқ сақланиб қолмайди. Босқинчининг ўзи “ўғрини қароқчи урди” қабилидаги ҳолатга тушади.

ТИПРАТИКАН ВА ҚУЁН

Бир куни типратикан ва қуён кимўзарга мусобақалашиб қолибди. Тоғ этагигача югуриб боришга қарор қилибдилар. Қуён чопқирлигига ишониб, тез-тез дам олибди. Ҳатто йўлда тиззаларини букиб, бир оз мизғиб олибди. Типратикан ўзининг бесўнақайроқ ва имилдоқ эканлигини билиб, тинимсиз олдинга қараб кетаверибди. Қуён кун бўйи ухлабди. Типратикан эса уззукун йўл юриб, маррага биринчи бўлиб етиб келибди.

Тиришқоқлик ва қунт билан мақсад томон интилганлар кучсизлар кунини бекордан-бекор ҳавога совурадиган кучлилардан кўра кўпроқ муваффақиятларга эришишлари мумкин.

СИЧҚОНЛАР БИЛАН МУШУКЛАР

Сичқонлар мушуклар таъқибидан қийналиб кетибдилар. Мусибатларнинг барчасига асосий сабабчи — бошлиғимизнинг

йўқлигидир, деган қарорга келиб, ўзларига бошлиқ сайлабдилар. Ҳамма уларни таниб турсин, деган мақсадда бошларига тилла шохчалар кийдириб қўйишибди.

Бир куни мушуклар сичқонларга ҳужум қилибди. Оддий сичқонлар бир пасда инларига яширинибдилар-у қутулиб қолибдилар. Бошлиқ сичқонларнинг аҳволларига маймунлар йиғлабди, чунки тилла шохчалар ўз вақтида бекинишга халақит берибди. Мушуклар уларни осонгина тутиб еб қўйишибди.

Табиий бўлмаган жамики нарса одамларга зарар келтиради ва кўпинча уларнинг ҳалокатига сабабчи бўлади.

МУШУК ВА ХҲҲҲҲҲҲ

Хўрозлар касаллигини билиб қолган мушук товус патлари билан ясениб, уларни кўргани борибди. Ясан-тусан қилиб олган мушук хўрозларга:

— Аҳволларингиз қандай, яхшимисизлар? — деб сўрабди.

— Кошкийди биздан ҳол-аҳвол сўрамасанг, башарангни кўришга тоқатимиз йўқ, — деб жавоб берибди хўрозлар.

Сиртдан ҳамдардлик билдиргани билан, маккорлик ва мунофиқлик бир хил кишиларнинг ичида бўлади.

БУҒУ БИЛАН АРСЛОН

Уни тириклайин тутмоқчи бўлган овчилардан қочаётиб буғу бир горнинг ичига кириб кетибди. Аммо орқасидан сапчиб арслон кирибди-ю, буғуни тилка-пора қилиб ташлабди. Улаётиб буғу шуларни хаёлидан ўтказибди: “Ниятларида ўлдириш бўлмаган овчилардан жоним борича қочдим. Бироқ, ўзимни ўзим бешафқатроқ йиртқичнинг панжасига топширдим”.

Шундай пайтлар ҳам бўладики, одамзод арзимаган майда-чуйда хафагарчиликдан қочаман деб, ўзига-ўзи каттадан-катта кулфатлар орттиради.

БАЛИҚЧИ ВА МАЙМУН

Бир киши балиқ овлаётган экан. Бир маймун уни зимдан кузатибди-да, худди балиқчига ўхшаб дарёга тўр ташламоқчи бўлибди.

Кун қизиганида, балиқчи сояда дам олиш учун тўрларини қирғоқда қолдириб горнинг ичига кириб кетибди. Маймун лип этиб етиб келибди ва балиқчига ўхшаб дарёга тўр ташлашга ҳаракат қилибди. Аммо қандай ташлашни билмай, ўзи унга ўралиб қолибди. Тўрдан қутуламан деб тугунларни янада қаттиқроқ боғлаган экан, нафаси бўғилиб қолибди. Балиқчи келиб қараса, тўрга чирмашиб қолган маймун ўлим талвасасида ётган экан. Унга қарата балиқчи дебди: “Эси пастлигинг умрингга зомин бўлибди”.

Шунинг учун ҳам бировларга кўр-кўрона тақлид қилиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди.

БАЛИҚЧИ ҚУШ БИЛАН ОВЧИ

Балиқчи қуш уни тутиб олмоқчи бўлаётган овчини кўриб қолибди-да, шундай дебди:

“Мендан семиз ва мазалироқ қушларни тутишга машғул бўлсанг бўлмайдами? Мени тутиб олганинг билан сенга нима фойда?”

Масалдаги овчига ўхшаб заррача фойдаси йўқ иш билан шуғулланманг.

ИНСОН ВА БУТ

Бир одамнинг уйида хонаки бут бор экан. Уй эгаси ҳар куни бир қўй ёки эчкини бутга қурбонлик қилар экан. Бора-бора ҳамма молу мулкидан ажралибди. Бир куни тушига хонаки бут кирибди. У шундай дермиш:

“Бор мол-мулкингни ўзинг сарф-харажат қилдинг. Энди эса менга таъна қиласан”.

Ҳаётда шундай кишилар бўладики, ўзларининг айби билан қашшоқлашиб қоладилар-у, кейин ҳаммаси учун айбдор парвардигор деб, қисматларидан нолийдилар. Ушбу масал шундай кишилар ҳақида.

ҚОРИН БИЛАН ОЁҚЛАР

Бир куни қорин билан оёқлар қайси биримиз кучлимиз деб тортишиб қолишибди. Оёқлар:

“Биз энг кучлимиз, чунки бутун гавдани кўтариб юрамиз”, — дейишибди.

Бироқ қорин бунга эътироз билдирибди:

“Агар мен овқатни ҳазм қилиб турмасам, сизлар бир қадам ҳам босолмайсизлар!”

Агар кучсизлар ҳамиша кучлиларни қувватлаб турмасалар, энг кучлиман, деганларнинг кучи ҳам тугаб қолади.

ҒОЗЛАР БИЛАН ОҚҚУШЛАР

Ғозлар билан оққушлар бир оила бўлиб яшамоқчи бўлибдилар. Улар бирга ўтлашиб, тез-тез бир-бирлариникига меҳмонга бориб туришаркан.

Бир куни тўсатдан уларга овчилар ҳужум қилибди. Енгил қанотли оққушлар тезда ҳавога кўтарилиб, учиб кетибдилар. Бесўнақай ғозларни эса овчилар тутиб, ўлдирибдилар.

Қиссадан ҳисса: ҳамма эзгу ишлар ҳам бирдай амалга ошавермайди.

ҲЎКИЗ, АРСЛОН ВА ЭЧКИЛАР

Арслондан қочаётган ҳўкиз бир ғорга яширинибди. Аммо ғор ичида ёввойи эчкилар бор экан. Улар ҳўкизни шоҳлай бошлабдилар. “Йложим қанча, ҳаммасига чидашга тўғри келади, — дебди ҳўкиз, — менга эчки шоҳларидан кўра, арслоннинг қозиқ тишлари қўрқинчлироқ”.

Баъзан ҳаётда шундай воқеалар бўладики, кучли инсонлар ўзларидан ҳам кучлироқ бўлганлардан қўрқиб, мутлақо ожиз кимсалар етказган барча азоб-уқубатларга сабр-тоқат билан чидайдилар.

ҚУШЛАР ПОДШОСИ

Бир куни қушлар ўзларига подшо танламоқчи бўлибдилар. Тожтаҳт учун кураш авжига чиққанда, товус ўрнидан туриб, дебди:

“Ораларингда фақат менгина подшо бўлишга лойиқман, чунки гўзалликда тенги йўқлигим бунинг аниқ исботидир”.

Бу гапга ҳамма рози бўлай деб турганида, товуснинг олдига қарға келиб, шундай дебди:

“Сен бизнинг подшомиз деб фараз ҳам қилиб кўрайлик. Аммо бизларга бургут ҳужум қилиб қолса, қандай қилиб қутқара оласан?”

Жуда тўғри қўйилган савол: ахир ўзини ҳимоя қилолмаган киши қандай қилиб ўзгаларни ҳимоя қилолсин.

ҚАЛДИРҒОЧ ВА ИЛОН

Қалдирғоч баланд том бутоғига ин қуриб, бола очибди. Полопонларига овқат излаб кетганида, бир илон ўрмалаб келиб, уларни еб қўйибди.

Инига қайтган қалдирғоч полопонларини тополмай қаттиқ қайғурибди. Дугонаси уни юпата бошлабди, унинг гапларини тинглай туриб қалдирғоч шундай дебди:

“Фақат полопонларимнинг ҳалок бўлганидан қайғураётганим йўқ. Хавф-хатардан энг холи деб ишонганим — одамзоднинг хонадонида болаларим ҳалок бўлганидан жуда қаттиқ азоб тортаяпманки, ҳасратларимнинг чеки йўқ”.

Айниқса, қутилмаган томондан бошингга кулфат тушса, ногаҳон бахтсизликка учрасанг, инсон учун бундан ҳам оғирроқ азоб йўқ.

ИЛОН ТУХУМЛАРИ ВА ТОВУҚ

Бир куни товуқ илон тухумларини топиб олибди. Меҳр-муҳаббат ва гамхўрлик билан уларни босиб ўтирибди. Қалдирғоч буни кўриб, шундай дебди:

“Ҳой бахтиқаро! Нимага бундай қиляяпсан? Ахир бу тухумлардан илон болалари чиқиб, биринчи бўлиб сени чақиб ўлдиради-ку”.

Ёмон одамнинг яхшилиқ қилишига ишониш керак эмас. Унга қанчалик яхшилиқ қилганинг билан барибир сенга ёмонлик қайтаради.

ОНА ҚУЁН ВА УРҒОЧИ АРСЛОН

Бир куни анча-мунча болалаган она қуён урғочи арслонга таъна қилибди:

“Буни қара, қанча қуёнларим бор. Сен бўлсанг битта ёки иккита бола туғасан”. Урғочи арслон жавоб берибди: “Тўғри, мен фақат битта бола туғаман, аммо у қуён эмас, арслона-а”.

Бир гала аҳмоқ ва ноқобил фарзандлардан кўра, битта муносиб ўғил яхши эмасми?

АРСЛОН, ОДАМ ВА ҲАЙКАЛ

Бир куни йўлда кетаётиб, одам билан арслон “ким ҳаммадан кучлироқ”, деб баҳслашиб қолибди. Арслон ўзининг кучли эканлигини аниқ исботлар билан тасдиқлаётган пайтида, одамзоднинг кўзи ҳайкалга тушиб қолибди.

Ҳайкалда арслоннинг гирибонидан бўғаетган бир йигит тасвирланган экан. Одамзод қаҳ-қаҳ кулиб юборибди-да, шернинг диққатини ҳайкалга қаратибди. Бунга жавобан арслон шундай дебди:

“Агар арслонлар орасида ҳам рассомлар ва ҳайкалтарошлар бўлганида эди, мана шу жойда одам боласининг томоғидан бўғизлаётган арслоннинг ҳайкали турган бўларди”.

Шак-шубҳасиз, бу ерда арслон ҳақ. Чунки нарса ва воқеаларга ҳар ким ўз нуқтаи назаридан ёндашади.

МЕНАНДРНИНГ ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРИ

Донишманд Менандр шундай деган экан:

Ҳар бир инсон ўйлаши зарур бўлган энг асосий нарсалар: сув, экин, дарахтзор барпо қилиш ва болалардир. Кўчат ўтқозиш, бола ўстириш, экин-тикинга қараш, буларнинг бари олижаноб ишдир, аммо сув кимнинг қўлида бўлса, ўшагина бу ишларнинг барисини амалга оширади.

Онанг билан отангни эъозлагин. Қариликни масхаралаб кулма, чунки ўзинг ҳам бир куни шунга етиб келасан.

Ўзингдан катталарни ҳурмат қилгин, шунда сени ҳам иззат қилишади.

Ўлдирма! Бундай қабиҳ ишга қўл урма! Кимки, бу жирканч ишни амалга оширган бўлса, ўзи ҳам тезда ўлдирилган.

Ота-она гапини диққат билан тингла! Уларни ортиқча ташвишга қўмиб, дилларига озор берма! Отасини хўрлаган, онасини хафа қилган ҳар қандай фарзандга ўлим раводир. Уни ҳар қадамда бахтсизлик кутади.

Агар ўғлинг ўсмирлик олаmidан камтарин ва ақлли йигит бўлиб чиқса, унга яхшилаб таълим-тарбия бергин.

Аммо ўғлинг ўспиринлик дунёсидан уятсиз ва кўрс, ўғирликка мойил, ёлғончи бўлиб чиқса, уни гладиатор қилгин. Қўлига қилич бериб, худога илтижо қилки, ҳайвонлар уни тезгина бурдалаб, ўлдириб ташласинлар. Агар у тирик қолган тақдирда унинг барча қилмишлари сени ҳалок қилади. Ундан ҳеч қандай яхшилик кутма. Ёмон ўғилнинг ўлиб кетгани яхшироқ.

Фанларни ўрганиш учун китоб энг яхши қўлланмадир. У худди кўздан ёйилаётган нур-у, гапга чечан тилга ўхшайди. Билимдон киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Ақл билан иш кўрган киши сира қоқилмайди.

Хиёнаткор хотиннинг оёқлари қинғир йўлга бошлайди. Ўз эрини алдашдан каттароқ гуноҳ бўлмаса керак. Аммо, хотинига нисбатан ноҳақ йўл тутган ҳар қандай эр ҳам нафратга лойиқдир.

Ўглингни хиёнат қилишдан, ҳар қандай базму зиёфатлардан сақлаб қолгин. Чунки, бузуқлик, маишатпарастлик ўғирликка олиб келади.

Майни меъёрида ич, кайф қилгандан кейин чиранма. Эсингда бўлсин, май инсонни бир пасда ақдан оздиради. Май ичиб, кайфи ошиб қолган эркак, оғзига келганини қайтармай алжирайверади. Кейинчалик ўз ишидан қаттиқ пушаймон бўлгани билан, барибир, ҳамма ундан нафратланади.

Тўйгунигча май ичиб, нафсингни қондиргач, тезда кўздан ғойиб бўл. Наҳотки баднафслик дўстлар даврасини тарк этишингга йўл бермаса?

Икки нарса инсон учун жуда ёмондир: бири очлик, иккинчиси ҳаддан ортиқ тўйиб овқатланмоқ. Бироқ, бизлар қорин гамида нималарни қилмаймиз дейсиз? Оч қолсак, ўғирлик қиламиз, ҳамма нарсамиз ошиб-тошиб кетсаям, сира кўзимиз тўймайди. Кейинчалик иккаласи учун ҳам қаттиқ пушаймон бўламиз.

Ўз эҳтиросларига қаттиқ эрк бериб, нафсини қондиргач, кейинчалик бу қилмишидан афсус чекмаган бирорта ҳам киши бўлмаса керак.

Ўз нафсини ва эҳтиросларини жиловлай олган киши, кейинчалик бу ҳақида мамнунлик билан эслаб юради.

Узоқ ухлашни одат қилма! Уйқу гўёки фоний дунёдир. Уйқуда ётганларнинг ўликдан фарқи йўқ.

Дангасанинг косаси оқармас, у нафратга лойиқдир. Дангасалик дегани умрини очлик, ташналик, ялангоёқлик ва оҳ-воҳ чекиб ўтказиш деганидир. Ялқовликнинг охири хўрлик. Меҳнатсеварлик ва тиришқоқликни ҳамма шарафлайди: меҳнатсевар кишининг дастурхони ҳамиша тўкин-сочину, эл олдида юзи ёруғ. Агар меҳнатсевар киши омадсизликка учраса ҳам, ҳеч ким унга таъна қилмайди.

Уришқоқ бўлма! Ўзингдан каттага ҳеч қачон қўл кўтарма! Бир куни дўстлари Ҳомердан сўрашибди:

“Қари кишини урган одамга нима бўлади?”

Ҳомер жавоб қилибди:

“Кўзлари кўр бўлади”.

“Ўз онасини урган кишига нима бўлади?”

У жавоб берибди:

“Уни Она ер кўтармайди. Чунки Она ер барча тирик мавжудотларнинг онасидир”.

Яна ундан сўрашибди:

“Ўз падари бузруквори — отасига қўл кўтарган кимса қандай жазога лойиқ?”

Ҳомер дўстларига жавоб берибди:

“Бунақаси ҳеч қачон бўлмаган. Бу ҳақида гапиришга ҳам ҳожат йўқ. Ўз отасига қўл кўтарган фарзанд бутун ер юзида ҳали туғилмаган. Агар туғилган бўлса ҳам, ўз онасининг бирорта ажнабий билан қилган бузуқчилигидан пайдо бўлган ҳароми бўлса керак”.

Ота-онанинг баҳоси бўлмас! Отангни яхши кўриб, қадрига ет! Ундан ҳайиққин! Кўзига тик қарама! Онангга ёмонлик қилиб, дилига озор етказма, чунки у сени ўн ой қорнида авайлаб кўтариб юрган. У сен — фарзандни дунёга келтирганда ўлим билан юзма-юз бўлганлигини ҳеч қачон унутма!

Қарияларнинг гапларидан кулма. Ҳеч қачон қарилик ҳақида менсимаслик билан гапирма. Чунки, қарилик билан бирга турли хил хасталиклар ҳам кўпаяди. Бу ёшда инсон уларга қарши ожиз бўлиб қолади.

Қашшоқликдан нафратланма. Шундай пайтлар бўладики, инсон ўз-ўзини хор қилиб юборади, ўз қадрини шунчалик ерга уриб юборадики, унинг бу ҳолатдан ўнгланиб олишига ҳеч кимнинг ишонгиси келмайди. Тақдир тақозоси билан у яна катта мартабага эришиши, ҳамма уни иззат-хурмат қилиши мумкин. Бойлик ҳам худди қашшоқликдек умрбоқий эмас.

Бир киши бировни ўлдирмоқчи бўлганида ўзи ҳалок бўлганини кўрган эдим. Ўлимга маҳкум қилинган яна бир кишининг тирик қолганлигини ҳам кўрганман.

Агар уйланмоқчи бўлсанг, танлаган маҳбубангнинг хулқ-атворини суриштириб билгин. Ахир донолар “хотин олсанг, кўриб ол” деганларку! Тили заҳар хотинга уйлангандан кўра, дунёда тоқ ўтган яхшироқдир.

Ёмон эр — ўлимдан аччиқ.

Душманинг ҳалок бўлса, қувонма! Чунки барчамиз ҳам вақти-соати келганда дорулбақога равона бўламиз. Мабодо, ўзингга душман орттирган бўлсанг, унга ўлим тилама. Агар у ўлиб кетса, бу дунёнинг ҳамма ғам-ташвишларидан осонгина қутулиб кетади. Худодан шуни илтижо қилгинки, душманинг қашшоқликка мубтало бўлиб, умри бўйи ҳасрат-надоматда кун кечирсин!

Ака-укалар жанжаллашганларида улар орасига кирма! Вақти келиб улар ярашиб кетадилар-у, ўртада сен ёмонотлиқ бўлиб қоласан.

Агар бирорта кўчада жанжал бўлаётган бўлса, ўша ерни айланиб ўт! Худо кўрсатмасин, мабодо уришаётганларни ажратиб қўймоқчи бўлсанг, ўзинг роса таёқ ейсан. Ҳатто, бу машмашаларга аралашмай, бир четда кузатувчи бўлганингда ҳам, барибир улар сени қозининг олдига гувоҳ сифатида олиб борадилар. Шунда бекордан-бекорга жазога тортилишинг мумкин.

Ёлғон кўрсатма берувчи киши нафратга лойиқдир.

Ҳалоллик билан топган бисотингни эҳтиёт қил! Ўғирликдан ҳазар қил! Ўғирланган молдан ҳамиша ўлим иси келади.

Нодон киши ва унинг яқинларига ўралашмагин! Агар нодоннинг раъйига қарасанг, одамлар сени диёнатсиз, ноинсофнинг дўсти экан дейишади. Мабодо сен унинг кўнглига қарамасанг, нодоннинг ўзи сени шарманда қилиб, ёмонотлиққа чиқаради.

Ахлоқсиз ва бузуклик гирдобига ботган кишилардан ҳазар қил!
Шамолни жиловлай бўлмаганидек, уларни ҳам тузатиб бўлмайди.

Ҳақ йўлдан адашма! Эгри йўлга юрма! Ёмон жойга оёғинг етмасин!

Мижғов ва сертумшук, жанжалкаш бўлмагин! Бундайлар умр бўйи қашшоқликка маҳкумдирлар.

Агар сен ёлғончи бўлсанг, тезда ҳамманинг ғазабига учрайсан!
Агар беҳаё бўлсанг, юзинг ҳамиша уятдан қизариб юради!

Кимки мақтанчоқ бўлса, ўзига золимдир. Камтарга камол,
манманга завол!

Аҳли жамоат орасида, сирингни фош қилиб, қанча пулинг борлигини
зинҳор билдирмагин. Чунки одамлар қарз олиб, кейин қарзни
қайтармасликлари мумкин. Мабодо қарзингни талаб қилсанг, ўзингни
ёмонлаб, хасис экан дейдилар. Ҳам пулингдан ажраласан, ҳам ўзингга
душман орттирасан. Хизматга тухмат деганлари шу-да!

Ака-укаларингга меҳрибон, дўстларингга хушмуомала бўл! Бир-
бирига меҳрибон, аҳил ака-укаларга нима етсин?

Ўғилларинг борлигидан қувонгин, Ота, ака-укаларинг ёрдам
қилолмаган тақдирда, ўғилларинг мушқулингни осон қилади. Ака-
укаларинг ўғиллари эса ўз навбатида оталарининг ўрнини босади.

Шундай ҳоллар ҳам бўлиши мумкин. Баъзида ўз пушти
камарингдан бўлган ўғлинг сенга ўлимни раво кўради. Сабаби,
сенинг бор молу дунёнг қолади ва нотавон ўғил бундан ўз
хоҳишига кўра фойдаланади. Ака-укаларинг эса худодан сенга
фақат узоқ умр тилашади, чунки сен тирик экансан, элу юрт
уларни ҳурмат қилади. Қазо қилсанг, улар оғир жудоликка учрайдилар.
Шунинг учун ҳам ўғилларинг ака-укаларингни фойдаси тегмайдиган
ношуд одамлар деб атайти. Фақат нодон ва аҳмоқ ўз отасининг ўлими
ҳақида ўйлайди.

Ярамас ўғил ўйламайди-ки, отанинг ўлиmidан фарзандларга не
фойда?!

Отангни бир умр эъзозла! Чунки у сени дунёга келтирган.
Дўстларингни хафа қилма, сени иззат қилганларнинг ҳурматини
жойига қўй. Таомни биргаликда баҳам кўрган кишига маккорлик
қилма!

Мабодо бирорта дўстингникига меҳмонга отлансанг, ўша ҳовлида
сенга бўлган муносабат дўстинг болалари юзида акс этиб туради. Агар
болалар сени чексиз қувонч билан кутиб олишса, демак, дўстинг
сени чуқур иззат-ҳурмат қилишига ишончинг комил бўлсин. Аммо
дўстларингнинг болалари қаршингга пешвоз чиқмаса, демак, у сени
кўришни хоҳламайди. Шундай пайтда, ҳеч нарсани ўйламасдан,
орқангга бурилгин-у, уйингга қайт!

Мабодо бахти кулиб боқмаган улўсифат бир кишини учратсанг,
ундан юз ўғирма, ҳурматини жойига қўй. Аввалгидек, қурбинг етгунча

бор нарсангни бер. Мол-мулки ва ор-номусидан айрилган эр кишига ёрдам қўлини чўзганинг албатта худо олдида инобатга олинади. Боридан бер-у, йўғига яхши сўзингни аяма! Кўнглингни чўқтирма! Худонинг ўзи ғамингни есин!

Хиёнат қилишдан ўзингни тий. Ифлослик ва қўлансалик ботқоғига ботма! Енгилтаклик ва баднафсликдан бошланган бузуқлик — кафангадолик билан тугайди.

Тўғри ва ҳақ йўлдан мағрурлик билан бош кўтариб юр. Хаёлларинг покиза ва тиниқ бўлсин. Қиладиган ишингни обдан ўйлаб, атроф-муҳитни синчиклаб кузатгин. Ахир хотининг ўзгалар билан бузуқлик қилишини асло истамайсан-ку. Шунинг учун ўзинг ҳам яқинларингдан бирортасининг хотини билан бузуқлик қилишни хаёлинга келтирмагин.

Ўзинг мутлақо ёмон кўрган нарсани яқинларингга ҳам раво кўрмагин. Ўзинг билан ҳам шундай ҳолат юз беришини асло хоҳламайсан-ку!

Ўзингга ёмонлик қилиб, ҳадеб лақиллайверма. Агар дағал ва кўпол бўлсанг, ўзингга душман орттирасан.

Агар моҳир овчи бўлсанг, ҳеч қачон ғам чекмайсан.

Либосларинг ҳашаматли, чўнтагинг тўла олтин бўлса, сен ҳаминша ардоқли азиз меҳмонсан.

Таоминг лаззатли бўлса, меҳмонларинг кўпаяди. Бойлигинг катта бўлса, дўстларинг кўпаяди. Мабодо бошингга бирор кулфат тушса, улардан ҳам, бойликдан ҳам бир пасда ажрайсан.

Ҳотамтойлик кишига шон-шуҳрат келтиради.

Сендан бойроқ бўлган кишининг нонини ҳар кун ема. Уникига борганингда у сен учун ортиқча сарф-харажат қилмайди. Аммо у сеникига ташриф буюрса, бир ой давомида йиққан бор буд-шудингни унга сарф қиласан-у, кейин виждонинг олдида роса қийналиб юрасан.

Афсунгарлик аҳмоқларни қувонтиради. Жодугарлик ва кўзбойлоқчилик уларнинг ақлини ўтмаслаштиради. Бозордаги анқов — ношуддир.

Ўғри барибир қўлга тушиб, чормихга тортилади.

Бекорчиликдан ёлғончилик ва ўғирлик келиб чиқади.

Йигитни аҳмоқона ишлардан эҳтиёт қил. Таълим-тарбия ҳар қандай иллатлардан сақлайди, ҳунар ҳар қандай ёмон ишлардан қутқаради.

Қонун — худонинг ердаги жарчисидир!

Эзма ва вайсақилик нафратга лойиқ! Сабабсиз кулиш — ахлоқсизликдир.

Фитначи худонинг газабига учрайди.

Керак бўлса-бўлмаса ҳамсуҳбатни дам-бадам бўлиб турган эзма, лаққи кишидан нафратлан! Агар унинг ўн мингта душмани бўлган тақдирдаям, ўз тилидан келаётган зарардан ҳам каттароқ зарар топмаган бўларди.

Сукут сақламоқдан яхшироқ нарса йўқдир. Бунинг фойдаси чексиздир. Ҳатто, сукут сақлаб турган аҳмоқни ҳам ҳамма ақлли деб ўйлайди.

Энг оғир дамларда ҳам руҳинг тушмасин. Жанглarda жасур бўлиб, ўзини қурбон қилишга тайёр бўлган киши қўрқоққа нисбатан тезроқ қутулиб кетади. Довюраклиги билан элга машҳур бўлади, халқ уни эъзозлайди.

Баҳсда кўпроқ ҳақиқат эмас, балки дағаллик ва гапга чечанлик ғалаба қилади.

Бойлик ва тўқлик — фаровонликдир. Аммо, ҳаммаям топганини тўғри ва керагича сарф-харажат қилолмайди. Ўз бойлигини нафс балосига сарфлаган киши хонавайрон бўлади. Қилмишларинг оқибатини ўйлаб иш тутсанг, хор бўлмайсан.

Адолатли ҳукм — эзгуликдир. Аммо аҳмоқнинг ишини кўраётганингда эҳтиёт бўл. Сен унинг ишига ёрдам берган тақдирингда ҳам, у сени шармандаю шармисор қилиши мумкин.

Ёмон одам билан овқатингни баҳам кўрма, ҳам овқатингни ейди, ҳам пасткашларча кетингдан ғийбатингни қилади.

Тили заҳар хотиннинг гапларини тинглама. Агар у эридан арз-дод қилса, ишонмагин. Бунда эрнинг айби йўқ, фақат ёмон хотингина ҳар куни эрини ёмонлаб юради.

Ўзингдан кучли билан олишмагин. Агар у сени олишишга кўндирга бошласа ҳам, хаёлан ўз-ўзингга: “Ҳа, мен уни енга оламан”, дейишинг мумкин. Аммо ҳақиқатда эса у сени ерга йиқитиб, тўпланганлар кўз олдида шарманда қилади.

Сен билан баҳсга киришган инсонга мардонавор жавоб бер: агар у отангни ҳақорат қилса, уни ҳеч қачон кечирмагин.

Ўз уйингда ёшгина оқсоч аёл билан кўпам серилтифот бўлаверма. Ахлоқсизлик ва бузуқликдан жиркан. Ҳеч қачон ўз қадрингни ерга урма. Агар чиройли ва гўзал хизматкор аёлга ҳадеб назар ташлайверсанг, албатта бирор кулфатга дучор бўласан. Ҳар қандай ҳаром, жирканч ва ярамас ишлар худога ҳам, бандаларига ҳам асло ёқмайди.

Агар пулинг кўпайиб, катта мол-дунёга эга бўлган тақдирингда ҳам, камтаринг, сахий ва самимий бўлгин. Кеккайиб кетма!

Бисотинг бўлмаса-ю, қашшоқ бўлсанг ҳам, одобли ва мўмин-қобил бўл. Кеккайиш ва ўжарликни одамлар ёқтирмайди.

Ота ва онанга меҳр билан қарагин. Дўстларинг ва муаллимларинг ҳақида ҳеч қачон ёмон гапирма. Шуни унутмагинки, ота-она номи мангу қолади. Вақти-соати етгач, ота-она бу ёруғ олам билан хайрлашиб, бор-йўғини сенга мерос қолдирганида ҳам, барибир одамлар сени “фалончининг фарзанди” деб ота-онангнинг номи билан чақиради.

Агар пул ва мол-дунёга эга бўлсанг, тириклигингда ўзинг учун ҳеч нарсани аяма, яхши кий, яхши еб-ичгин. Нимаки нарса лаззат бағишласа, кўзларинг шундан тўйсин. Оёғинг фақат кўз қувониб, дил қувнаган жойларга етакласин. Дорулбақога равона бўлганларга бойлик ва пулнинг кераги йўқ. Шунинг учун ҳам ҳеч нарсадан ўзингни қисма (яхши маънода).

Куёш тиғи остида бир кун турмоқлик, ер тагида юз йил яшагандан кўра афзалдир.

Кўзларинг ўткир, оёқларинг чаққон, куч-қудратинг тўлиб-тошган ёшлик пайтларингда тиним билмагин. Кейинчалик, кексайиб, ҳурмат ва оромга эришганингда, ёшлигингда йиққанларингни шошилмасдан еб ётасан.

Ёшлик ҳаракатчан бўлса-ю, ошиб-тошиб кетган куч-қудратни қаерга сарф қилишни билса — шундагина гўзалдир!

Бекорчи ташвишлар ва икир-чикирларга кўмилиб, ўзингни ортиқ уринтирма. Чунки бу тариқа ўтган йиллар тириклик ҳисобидан чегириб ташлангандир. Ташвишларга ботган одам худди оғир хасталикдан ўлаётган беморга ўхшайди. Ҳамиша қайғули инсон гўёки тириклар орасида яшамаётгандек. Инсон умри қисқа ва ғам-қайғуга тўладир. Худо унга яхшиликлардан кўра, кўпроқ синовларни раво кўрганга ўхшайди.

То ўлгунча, ҳатто заррача кучи қолмаган тақдирда ҳам, инсон эҳтиросларга кўмилиб яшайди.

Ёшлик даври гўзалдир, фарзанд кўриш, узоқ умр кечириш — буларнинг бари яхшидир, аммо ҳаммасидан яхшироғи — ибратли ном қолдирмоқдир.

Беғараз шоду хуррамлик кўнгилга татийди.

То ўлгунча давом этган дўстлик — чин дўстликдир.

Мағрурлик ва манманликдан холи бўлган донишмандлик ажойиб ва гўзал донишмандликдир.

Эзгу ниятлар билан баравар қадам ташлайдиган ҳокимият яхши ҳокимиятдир.

Мақсадига интилган ва унга эришган ғайратли, зехни ўткир кишига шарафлар бўлсин!

Соғлом киши дангасаликни жуда ёмон кўради.

Қизиққонлик, жаҳли тезлик жанжал келтириб чиқаради.

Донишмандлик доимо ёмонликдан айри туради.

Ҳар қандай умид ва ишонч юракларни қувончга тўлдиреди.

Аҳмоқлик кишини қинғир йўлга бошлайди.
Шошқалоқлик катта хатоларга олиб келади.

Аҳмоқона ўй-фикрлар кишини кўзёши ва ғам-аламга ботиради.

Бахтсизлик ва жанжалнинг сабаби — ҳасадгўйликдир.

Фақат овқат талаб қиладиган қорин эгасининг бошига жуда кўп ғалва келтиради.

Эзмалик фалокатга олиб келади.

Бойлик инсоннинг зийнатидир, аммо яхши одам унга осонлик билан эришолмайди.

Қашшоқлик нафратга лойиқ муҳтожликдир, қашшоқ кишининг боши умр бўйи мусибатли ва қайғули йўқчиликдан чиқмайди.

Бойлик шон-шуҳратга эришиш йўлида бир поғона вазифасини ўтайди.

Хотиржамлик ва босиқлик бебаҳо фазилатдир.

Куч ва соғлик битмас-туганмас хазинага ўхшайди. Касаллик ва заифликни эса қашшоқликка ўхшатиш мумкин.

Соғломлик биз учун энг олий қувончдир.

Ўлим кексаликка чек қўяди.

Кексаликдаги қашшоқлик ўта аламлидир.

Инсоннинг барча нуқсон ва камчиликларини фақат тобут яширади.

Чиройли киши қизиққонлик қилса, афти хунуклашиб кетади. Раҳмдиллик ва танисоғлик ҳар қандай кишини ҳам гўзал қилиб юборади.

Одам пайдо бўлибдики, ҳали бирорта инсон барча яхши хислатларга эга бўлиб, барча ёмонларини тарк этолган эмас.

Инсонлар ёмонликка дучор бўлганда, унчалик қайғурмасинлар, бахт кулиб боққанда эса, жудаям қувониб кетмасинлар. Чунки худо берган ризку насибадан ортиғини ололмайдилар. Омадсизликка учраган пайтларда ҳам тақдирдан нолимаслик керак. Омадсизларнинг ҳам кейинчалик иззат-ҳурмат ва обрў-эътибор қозонган пайтлари жуда кўп бўлган.

Севимли кишисидан айрилган одам тушқунликка берилмасин.

Қаттиқ қайғургани билан ўзига ўзи жабр қилади. Марҳумга бундан фойда йўқ. Ақлли киши марҳумни қабристонга кўзёши билан кузатиб боради, аммо уни тупроққа топшириб қайтгач, юрагида барча дард-аламларни чиқариб ташлайди. Узининг ҳам ўлимга маҳкумлигини, олдинда уни ҳам шундай қисмат кутаётганлигини асло унутмайди.

Қабр — бу инсонлар учун тирикликларида бошларидан кечирган барча ғам-кулфатларидан қутулиб, осойишта дам олиш учун худо яратган оромгоҳдир!

Шундай қилиб, Менандрнинг ҳикматли сўзлари поёнига етди.

ФАЙЛАСУФНИНГ ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРИ

РУҲ ҲАҚИДА

Бир донишманд айтибди:

“Руҳнинг ҳаёти инсон қилган ишларда намоён бўлади. Ҳеч ким ва ҳеч нарса руҳни жондан ажратолмайди. Руҳ фақат ўз-ўзинигина жонсизлантиради. Руҳ танадан юксакроқдир. Баданни жонсизлантирган ўлим руҳ қаршисида ожиздир!”¹

Иккинчи донишманд дебди:

“Руҳ жуда қудратлидир. Фақат боқибегамликкина руҳни ожизлантириши мумкин. Унинг ҳазинаси битмас-туганмас, бойликлари камаймасдир. Руҳ ердаги барча мавжудотдан юқори туради. У фақат самога яқинлашади, холос”.

Учинчи донишманд шундай дебди:

“Руҳ қанчалик кўп бергани билан сира камаймайди. Бировларни бойитиб, нодонларга ақл киритиб, оддий одамларни улуғлаб ёрдам бераверса ҳам асло камбағаллашиб қолмайди, аксинча, қанчалик кўп берса, шунчалик бойийверади”.

Тўртинчи донишманднинг айтганлари:

“Инсон ўлаётганида руҳ танани тарк этади. Ўлим танани жонсизлантиргани билан руҳга яқинлашолмайди. Танани тарк этиш пайти келганида, руҳ қаттиқ қайғуради. Тана ҳам, руҳ уни ташлаб кетаётганида кучли азоб тортади”.

Бир донишманд дебди:

“Одамлар ўлимга маҳкумликларини биладилар. Аммо овқатга бўлган эҳтиёж уларни қўпроқ меҳнат қилишга ва ҳаётдан камроқ лаззатланишга мажбур қилади. Одамлар тиришиб қўлга киритиш учун уринган олтин сариқ рангга эгадир. Инсон ўлганидан кейин унинг юзи ҳам сарғимтир тусга киради. Одамзод ўзига тегишли бўлган олтинни тирикларга қолдириб, сарғимтир гавдасинигина қабрга олиб кетади!”

СЎЗДА ВА АМАЛДА

Бир донишманд айтибди:

“Бир хил тоифадаги одамларга ҳайронман. Улар тилларида ёмон ишлардан ҳазар қиламиз десалар ҳам, ҳаётларида ўшанақа ишларни амалга ошириш учун бор кучларини аямайдилар. Эзгу ишларни

¹ Қадимги файласуфлар “руҳ” деганда, ҳозир бизлар назарда тутаётган инсоннинг руҳий фаолиятини тушунардилар. Уларнинг ҳикматли сўзларида, ибораларида содда идеалистик ва соғлом материалистик мулоҳазалар бир-бири билан ғаройиб боғланиб кетган.

кўкларга кўтариб мақтайдилар-у, амалда эса улардан ўлатдан қочгандек қочадилар. Нима учун ёмон ишларни тил учуда ёмонлаб, ҳақиқатда эса шунга интиладилар? Нега кўнгил истаган яхши ишлардан юз ўгирадилар?”

СЎЗИНИНГ ТЎҒРИЛИГИНИ ИШ БИЛАН ИСБОТЛАМАСЛИК ҲАҚИДА

Бир донишманд айтган экан:

“Биз галаба ҳақида гапиришни ёқтирамыз. Аммо унга қандай эришиш ҳақида ўзимизни асло уринтирмаймиз. Иш билан исботланмаган ҳар қандай галаба ҳақида гап-сўзларнинг бари мағлубиятдир. Пасткаш ва қочоқ қандай қилиб галабага эришиши мумкин? Ёки жанг майдонида суворийнинг қон тўкиб қўлга киритган галабасини тортиб олишга кимнинг ҳаққи бор? Қоп-қоп гап эмас, амалдаги иш керак. Камбағал пул ҳақида қанчалик кўп гапирмасин, барибир бой бўлиб қолмайди”.

ФЙДАЛИ ВА ЗАРАРЛИ НАРСАЛАР ҲАҚИДА

Бир донишманд айтибди:

“Энг мушкул ва оғир иш бўлса ҳам, аммо уни одамзод меҳр билан бажарса, соғлиққа фойдаси бор. Энг осон иш бўлса-ю, аммо уни одамзод меҳр билан бажармаса, бу соғлиққа зарардир.

Қайғули ўй-фикрлар гўё қутурган тўлқинларга ўхшайди. Унинг сиқувига дош бериш қийиндир. Қувончли ўй-хаёллар кучингизга куч қўшиб, ҳар қандай қийинчиликларни енгишга сизга катта ёрдам беради!”

МАҚТОВГА ЛОЙИҚ ИШ

Бир донишманд шогирдларига дебди:

“Фикрларингиз тиниқ ва ёруғ, нутқингиз мухтасар, ташқи кўринишингиз камтарона бўлсин. Шу уч нарса мақтовга лойиқдир”.

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК ОМБОРИ ҚАЕРДА

Бир донишманддан: “Яхшилик ва ёмонликни бир йўла ўзига сиғдира оладиган нарса нима?” деб сўраганларида, “тил” деб жавоб берган экан.

ЎЛИМ ХАЛОСКОРДИР

Бир донишманд айтибди:

“Одамлар жуда кўрқадиган ўлим, аслида, унчалик кўрқинчли эмас. У ожиз кексаликка ором бағишлайди, оғриқдан, азоб-уқубатдан халос этади. Ҳар куни берган қарзини фойдаси билан қайтаришни талаб қилувчи судхўрдан — қарздорни, очлик азобидан — қашшоқни қутқаради”.

БОБИЛ ШОҲИНИНГ ЭРОН ШОҲИГА ЮБОРГАН МАКТУБИ

Бобил шоҳи Эрон шоҳига қуйидаги номани жўнатибди:

“Агар менга олтита нарсанинг мағзини тушунтириб беролсанг, сенга мамлакатимнинг уч йиллик хирожини юбораман. Агар жавоб беролмасанг, унда сен менга ўз мамлакатингнинг уч йиллик хирожини юборасан:

Тоғдан оғирроқ нима?

Оловдан ҳам кучлироқ нарса нима?

Қиличдан ҳам ўткир нарса нима? Асалдан ширин нима?

Қуйруқдан ҳам ёғлироқ нарса нима?

Тирик мавжудотлардаги ўзгармас нарса нима?”

Эрон шоҳи Бобил шоҳига қуйидаги жавобни юборган экан:

“Елғон — тоғдан оғирроқдир.

Оловдан ҳам кучлироқ — бу инсоннинг ғазаби.

Қиличдан ҳам ўткирроқ — ёмон хотиннинг тили

Асалдан ширин — чақалоқнинг оғзидаги она сути.

Қуйруқдан ҳам ёғлироқ — ҳамма нарсани тўйдириш учун емиш берадиган тупроқ билан сувдир.

Тирик мавжудотдаги ўзгармас нарса — бу ўлимдир”.

Бундай жавобдан мамнун бўлган Бобил шоҳи шартлашилгандек уч йиллик ўлпонни жўнатиб юборибди.

ҲИКМАТЛИ ИБОРАЛАР

Нуфузсиз одам ажойиб нарсани ҳатто қўлида ушлаб турган бўлса ҳам, баҳолай олишга қурби етмайди.

Агар одамзод бир умр фақат инсонга хос бўлган ишларни бажарса қанийди!

Очкўз бойдан ҳам кўра муҳтожроқ киши бўлмаса керак. Бориға қаноат қилиб яшаётган камбағалдан кўра бойроқ одам бўлмаса керак.

Ақлсиз ҳукмдордан мамлакатга фойда йўқ.

Ҳокимият тепасида турган киши такаббур бўлса, демак у аҳмоқдир.

Орзиқиб кутилган меҳмон бўлишни истасанг, дўстларингникига меҳмондорчиликка камдан-кам боргин.

Яхши ва гўзал инсонлар бу дунёда фақат дам олиш-у, кўнгилхушликлар учун эмас, балки ўз яқинларига ёрдам бериш учун яшайдилар.

Одамзод бойлиги билан эмас, яхши ишлари билан машҳурдир.

Афсус, одамзод эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш учун, бойиб кетиш мақсадида қилганичалик, жон-жаҳди билан меҳнат қилмайди.

Сўзининг устидан чиқмаган йигит, қилган жиноятига иқроп бўлмаган жиноятчидан ҳам ёмондир. Ҳукм ижро этилаётганда кўрқоқлик қилиб сукут сақлаган киши нафратга лойиқдир.

Ҳимматли киши камбағаллашиб қолганда ҳам, дўстлари ундан юз ўгиришмайди.

Пулни бекордан-бекорга созуриш қийин иш эмас. Сазуриш билан эмас, балки ҳалол усулда бойиш орқали инсон ўзини улуглайди.

Ҳадеб ташқи гўзаллигингни ўйлагандан кўра, яхши фазилатлар соҳиби бўлишга интил.

Ҳар доим фақат ўзингга ёққанини эмас, балки, ҳақиқатан ҳам гўзал бўлганини танла!

Сўзларинг ҳақлигига одамларни ишонтир. Гапингни мажбуран тиқиштиришга ҳаракат қилма. Кейинчалик, сен ишонтира олган кишилар дўстларингга айланади, мажбур қилиб тинглаттирганларинг ўзингга душман бўлади.

Ожиз душманинг куч тўплаб, даҳшатли ганимга айланиши учун унга фурсат берма.

Яширин ҳаракат қиладиган душманлардан эҳтиёт бўл! Улар ошкора ҳаракат қилган душмандан кўра ўта хавфлироқдирлар.

Агар бирор киши сенга унча аҳамиятсиз бирор зиён етказган бўлса, сен унга катта зарар етказма!

Ўзингга пул билан эмас, яхши фазилатларинг билан дўстлар орттир!

Мол-дунёни дўстларинг учун тўлагин. Аммо, мол-мулкингни кўпайтириш учун дўстлар орттирмагин!

Дўстларинг ҳадеб сенинг чиройингни мақтасалар, ишонма! Душманларинг сенинг бадбашара эканлигинг тўғрисида ҳаммаёққа жар солсалар ҳам ишонма!

Агар сен ўз яқинингга аввал яхшилик, кейин ёмонлик қилган бўлсанг, кўпроқ унинг миннатдорчилигига эмас, газабига учрайсан!

Яхшилик уруғини сочишдан ёқимли нарса бу дунёда бўлмаса керак!

Қонунга бўйсунган киши эмас, балки қонун унинг олдига қўйган талабларни ўз хоҳиши билан бажарган кишигина ақллидир.

Қачон гапириш-у, қай пайтда сукут сақламоқликни билишинг керак!

Газабнок киши ўзига осонгина зиён етказади. Аммо ҳеч ким сабабсиз газабланмайди!

Ҳар қандай шароитда, исталган пайтда дўстингга албатта яхшилик қил!

Нима учун бойлар ўз мол-мулкларини мухтожларга тарқатиб бермайдилар?

Ҳузур-ҳаловат, осойишталик билан тугайдиган серташвиш кунларгина ажойибдир.

Ақлли кишини тергаш учун ундан ҳам ақллироқ бўлиш керак.

Ўз жонига қасд қилмоқ мард йигитга ярашмайди.

Яхши ишларинг билан дўстларингни ўзингга жалб қил. Чин дўстликнинг мазмуни ҳам шундадир.

Кераксиз ишни қилаётган дўстларингни ўзингдан узоқлаштир! Зарур бўлган ишни қилмаган дўстларингга танбеҳ бер!

Мабодо жаҳлингни чиқаришмоқчи бўлишса, алданма! Буни нима мақсадда қилмоқчи бўлганларнинг сабабларини чуқурроқ билиш учун уларнинг кўпроқ вайсақилик қилишларига йўл қўйиб бер.

Дўстларингга чин дўст бўл, қалбаки ва сохта дўстлардан эҳтиёт бўл!

ТОПИШМОҚЛАР

Бир топишмоқ айтаман: қоп-қора, хўкиз эмас, учади-ю — куш эмас, қочади — бўри эмас. Ёки бу топишмоқни ўйлаб топ, ёки Дамашқ шаҳрингни бер. Мен шаҳрингни сотиб, мазза қилиб емоқчиман.

Майли, сенга Дамашқ шаҳрини бердим, — дейди топишмоқа жавоб тополмаган бола.

Дамашқ шаҳрим, жон шаҳрим, сени сотиб мазза қиламан. Оқ тулпорга миниб, узоқ-узоқларга чоптириб кетаман. Сен эса оч қолиб кетасан, ахир шунақа осонгина топишмоқни тополмадинг. Жавоби “Гўнгўнғиз”, ҳой тентак.

У учун кундузилари кечдир, кечалар унинг кундузидир. *(Кўршаналак)*

Учта аҳил бўри: бири ётса турмайди, иккинчиси ҳеч қачон тўймайди, учинчиси тепага қараб учади. *(Кул, олов ва тутун)*

Бир йилда бир марта кўйлагини алмаштириб, қирқ кун рўза тутади. *(Илон)*

Ярим умри ўлик, ярим умри тирик. Аммо ўлимидан сўнг қилган ишлари учун жавоб беради. *(Инсон)*

Кўзи очик, кўрмайди. Тумшугини ерга тикиб ўлади. Аммо бир йилдан кейин шу жойда қирқ иккита пуфакча пайдо бўлади. *(Чигиртка)*

Осмону ер ўртасида кечаю кундуз сузиб юради. Суякларининг сон-саногини йўқ. Қўлга туширгач, сўймайдилар ҳам, ўлдирмайдилар ҳам. Ўзи ўлади. Ўлганидан кейингина уни сўядилар. *(Балиқ)*

Оёғи йўқ, қаноти йўқ, этию суяги йўқ, аммо одамлар уни учишга мажбур қилади. *(Тош)*

Ҳеч нарсани кўрмайди, қанотсизу оёқсиз, аммо югуради. *(Сув)*
 Мен уларни ўз пулимга сотиб олдим. Қоринларини тўйдириб кўчага чиқариб юбордим. Бироқ улар уйга тагин оч қорин билан қайтдилар. *(Бошмоқлар)*

Уни ерга кўмадилар, аммо бус-бутунлигича ер тагидан чиқади. Кейин уни ўлдирадилар, сувга ботириб қўядилар, кейин эзиб, оловда қайнатадилар. *(Бугдой)*

Кечаю кундуз уйғоқ, ҳамиша хушёр, ҳатто кўзини юмган маҳалда ҳам. *(Қоровул ит)*

Ўлмайди, қаримайди, агар унга қарашсанг, ҳар йили ёшаради. *(Токзор)*

Қаноти йўқ, думи йўқ, аммо бир қадам ер тагига кириб бир қадам ер устига чиқиши мумкин. *(Ҳашарот)*

Катталиги бармоқча, аммо оёғию боши қаердалигини ҳеч ким билмайди. *(Капалак қурти)*

Боши танасидан катта: белини қайирганча, ўзидан ҳам катта ва оғир юкни ташиб кетаверади. Ҳеч қачон куруқ қўл билан қайтмайди. Юксиз чиқиб кетиб, юкли қайтади. *(Чумоли)*

МАРА БАР СЕРАПИОННИНГ ЎҒЛИГА ҚИЛГАН НАСИҲАТЛАРИ

Мара Бар Серапион фарзандига дуойи саломлар йўллайди.

Сенинг ўқитувчинг ва устозинг менга мактуб юборибди. Ёшлигингга қарамасдан билим олишга жуда чанқоқ эканлигингни хабар қилибди. Кичкиналигингдан ўз ҳолингга ўсган бўлсанг ҳам, худога минг марта шукур қиламанки, тўғри йўлни танлабсан. Ниятларингнинг олийжаноблиги, хулқ-атворинг мақтовга сазоворлигини эшитиш менга катта таскин берди, ўғлим. Чунки бундай фазилатли кишилар ҳозир жуда камайиб кетган.

Ҳар хил фанларни ва турли тоифадаги одамларни узоқ вақт синчиклаб, эринмасдан ўрганиб чиққанлигим учун ҳам сенга ушбу ўғитларимни ёзиб юбораяпман. Ушбу мактубларимда сенга айтмоқчи бўлган барча гапларимни мен юнонлар таълимотидан ўргандим. Ҳаммасидан ҳам ҳаётнинг ўзи менга кўп нарсаларни ўргатди.

Ўғлим, озод инсонга зарур билимларни эгаллаш учун бор кучингни аяма! Бирор нарсани енгил-елпи, юзаки ўқимагин, оқилу донишманд бўламан десанг, ўқиганларингни чуқур мушоҳада қил. Китобларда мавжуд бўлган ҳақиқатни излаб топ!

Ҳамма нарсада қатъий изчиллик ва тартиб-қоида севадиган мулоҳазали кишилардек, менинг ўғитларимни қулофингга қуйиб олгин-у, жон-жаҳдинг билан ўқишга берилгин. Бошида бу тариқа

билим олиш сен учун жуда оғир бўлиши мумкин. Бироқ таълимотнинг моҳиятига чуқурроқ кириб борганинг сайин, кўнглингни қувонтира бошлайди. Мен ҳам ушбу ҳолатни бошимдан ўтказганман.

Яхши инсонлар бу ёруғ олам билан хайрлашиб, қадрдон уйларини мангуга тарк этганларида ҳам, улардан қолган яхши ва хайрли ишлар тириклар учун ўрнакдур. Бундай одамлар мумтоз кишилар қаторига киради, уларни бахтиёр ва чиндан ҳам озод инсон дейиш мумкин. Қатъий тартиб-қонидани тан олмаган кишилар эса инсон тақдири учун бўладиган курашларда ожиздирлар.

Донишмандлик ва ақл-фаросат билан иш кўрган одамларни ҳақиқатпарвар дейишади. Ҳақиқатни ёқлаган кишилар доимо ҳақиқат тантанаси учун курашадилар.

Фалсафа билан шуғулланувчи кишилар ҳақида: “Улар бу дунёни барча хавф-хатарлардан сақлаб қолиш йўлларини билишади”, дейишади.

Сен ҳам, ўғлим, барча нарсаларда уларга эргаш, ибратли турмуш кечиришни истагин, мулоҳазали кишилардек, ақл-фаросат билан иш кўргин!

Кўпчилик интилаётган мол-мулк, бойлик кетидан қувишга майл қилма! Бойликка ўч бўлиш каби номаъқул фикрларни ҳаёлингдан чиқариб ташла! Хоҳ ёлғон йўллар билан топилган бойлик бўлсин, хоҳ ҳалол меҳнат билан топилган бойлик бўлсин, ўтиб кетадиган нарсадир. Ҳаётда сенга учраган, кўзга ва кўнгилга ёқимли нарсаларнинг барчасидан лаззатланиш учун бизга худо маълум бир вақтни белгилаб берган. Бу вақт худди бир лаҳзалик тушдек ўтиб кетади. Тақдир инсонни ҳар кўйга солади: қуруқ шон-шуҳрат кетидан қувган инсон умри охирида излаган нарсаси қуруқ сароб эканини тушуниб етади.

Кўзимизни қувонтирадиган нарсалар кейинчалик бизга қақшатқич зарба беришини бирор марта ўйлаб кўрганмисан, ўғлим? Ҳатто биз ўзимизнинг пушти камаримиздан бўлган севимли ўғилларимиз туфайли ҳам қаттиқ озор чекадиган пайтларимиз оз бўлади дейсанми, ўғлим? Агар ўғиллар яхши бўлса, уларга нисбатан ҳаддан ошиқ муҳаббатимиз яна бизни қийнаб қўяди. Чунки биз ўз жигарпорамиз деб, уларнинг барча инжиқликларини кўтарамиз. Агар болаларимиз аҳмоқ ва нодон бўлса, уларнинг бўйсунмаслигидан ва ахлоқсизлигидан янада қаттиқроқ озор чекамиз.

Самосатдан¹ қувилган дўстларимиз ҳақидаги миш-мишлар сенинг ҳам қулоғинга етиб борган бўлса, ажабмас. Улар қайғу гамга ботган бўлиб, тақдирларидан роса нолирдилар! “Биз ўз масканимизни тарк этгач, бошқа бу шаҳарга қайтиб келолмаймиз, ўз яқинларимиз билан дийдор кўришолмаймиз, ўз шаҳримиз ибодатхонасида худога илтижо қилолмаймиз”, — дейишибди улар.

Бу кун ҳаммамиз учун мотам куни бўлмоқлиги керак, чунки бу оғир жудолик барчамизни бирлаштиради.

Одамлар ота-оналарини эслаб, йиғладилар, оҳ-воҳ чекдилар. Ўз жигарпораларининг қувилганидан қайғурдилар, юртларида қолаётган қайлиқлари тақдирини ўйлаб, қаттиқ изтиробга тушдилар.

¹ С а м о с а т — қадимги Суриядаги (Шом) бир шаҳар.

Қувилганларнинг аввалги гуруҳларидан бизга етиб келган хабарларга қараганда, асирларни Салавкияга жўнатишган эмишлар. Биз ҳам улар билан хаёлан учрашиб, қайғу-ҳасратларига шерик бўлдик. Қайғу-аламларимиз кундан-кунга зўрайиб бораверди, оҳ-воҳларимиз еру кўкни тутиб кетди. Бирортамиз ҳам бу ғам-кулфатларга чек қўйишга ўзимизда кун тополмадик, ожизлик қилдик. Яшашга нисбатан муҳаббатимиз юз чандон ошганда, ўлим ҳақ эканлигига яна бир карра амин бўлдик.

Шафқатсиз тақдир бизни не кўйларга солмади. Биз ўз акаларимиз ва ўғилларимизни асирликда кўрдик. Суяклари бегона юртларда қолиб кетган, ҳалок бўлган ўртоқларимизни эсладик. Ҳар биримиз яқинларимиз бошига тушган бундай бахтсизликка ўзимиз ҳам дучор бўлишимиздан ғоят хавотирланар эдик. “Ғам кетидан, ғам келар” деганларидек, ҳамма кўркув ва таҳликада яшарди. Аммо бунақа ўй-хаёллардан, тутқинликда яшаётганларга нима фойда?

Ҳар ерларда сарсону, саргардон бўлиб юрсам, деган фикр мутлақо хаёлингга келмасин, ўғлим! Инсонни худои таоло замона бевафоликларини итоаткорона, сабр-тоқат билан енгиш учун яратгандир. Яхшиси, сен донишманд киши учун ҳар қандай жойда ҳам яхши ва меҳрибон кишилар доимо топилади, деб фикр қил! Ўзингнинг шахсий ҳаётинг бунинг исботидир. Авваллари сени танимайдиган кўпчилик одамлар ҳозир ўғлидек яхши кўришади. Қанчадан-қанча хотинлар ўз ўғилларидек сенга меҳр-муҳаббат қўйган. Ахир сен каби мусофир ва бегона кишининг иши ўнгидан келгани эмасми бу, ўғлим?

Дунёни босиб кетган ҳар хил қинғир-қийшиқ ишлар ҳақида сенга нималар ҳам дейиш мумкин?

Содда ва меҳнаткаш инсонлар, қамиш кучли шамолда чайқалганидек, ёмонликлар қаршисида титраб турадилар.

Дунё қарама-қаршиликларга тўла. Масалан: бир хил ота-оналар ўз фарзандларини ташлаб кетсалар, бошқалари бегона болаларни фарзандликка оладилар.

Бир хил кишилар катта қийинчиликлар билан ўз ризқ-рўзларини топсалар, бошқалари ўзларининг меҳнати билан топилмаган бойликларни бадавлат оталаридан мерос сифатида оладилар.

Одамларнинг қилмишларини ҳар томонлама яхшилаб кузатгин, бу ҳақида чуқурроқ ўйлагин!

Ақл-заковат ва донишмандлик бобида тенги йўқ кимсалардан бирортаси айтсин-чи, инсон нималарга ишонсин, қай бир умид билан яшасин, умуман бу дунёда умрбоқий нарсанинг ўзи нимадир, ўғлим?

Бойликми? Уни тортиб оладилар.

Ватанингми? Уни талон-тарож қиладилар.

Буюкликми? Уни камситишлари мумкин.

Ҳашамат ва дабдабами? У ғойиб бўлади.

Гўзалликми? У сўлиб кетади.

Қонунларми? Улар ўзгариб туради.

Камбағалликми? Ундан нафратланадилар.

Бола-чақами? Улар ўлиб кетаверадилар.

Дўстларингми? Улар сени сотиши мумкин.

Шон-шуҳратми? Ҳасад ундан ўзиб кетади.

Доро¹дек подшоҳлигидан, Поликрат²дек бахтидан, Ахилл³дек мардлигидан, Агамемнон⁴дек хотинидан; Приам⁵дек ўз ўғилларидан, Архимед⁶дек санъатидан, Сукрот⁷дек донолигидан, Пифагордек олимлигидан, Паламед⁸дек ихтирочилигидан — ким уларчалик мамнунлик сезган.

Бироқ барининг қисмати аянчли тутаган. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўлимни четлаб ўтолмаган.

Ўғлим, инсон бу ёруғ олам билан хайрлашган тақдирда ҳам, унинг эзгу ва хайрли ишлари бир умрга қолади.

Ўғилгинам! Ўзинг учун тўғри ҳаётий йўлни танлаб ол, кундалик ташвишларга ўралашиб қолма, чунки бу ташвишлар тезда ўтиб кетади. Агар маслаҳатларимга амал қилсанг, камтарин фарзанд бўласан. Дўстларинг сени ардоқлашади, одамларнинг ҳурмат-иззатига сазовор бўласан!

Турмушда омадсизликка дуч келсанг, бунинг учун ҳеч кимни айблама, худонинг қаҳрини келтирма, қисматингдан нолима. Агар сен шуларни ўзинг учун маълум бир қоида қилиб олсанг, ўз қадрингни ерга урмаган бўласан! Бориға қаноат қилсанг, бойликка интилмайсан, камбағаллик азобини тортмайсан. Хавф-хатарсиз, ҳеч нарсадан кўркмасдан, тинчгина яшайсан. Шодлигу қувончлар ҳамроҳинг бўлади. Шунини унутмагингки, фақат қонунбузарларгина ҳар хил ҳийла-найранг, шумлигу қувлик билан иш кўрадилар.

Бойликдан кўра кўпроқ китобга интил! Чунки, давлатинг ошган сайин, тинчинг ҳам йўқолаверади. Мен ўзим бунинг гувоҳи бўлганман.

Юлғичлик ва тамагирлик киши бошига бахтсизлик ва кулфат келтиради.

Манман ва такаббур кишининг боши азоб-уқубатдан чиқмайди.

Катта бойлик баъзида қаттиқ тиш оғриғига ўхшайди.

Агар сен донишмандлик булоғидан ташналик билан сув ичиб, мен айтганча иш қилсанг, ҳеч қачон хор-зор бўлмайсан, тангри сени ҳар ерда қўллаб-қувватлайди, одамларнинг сенга бўлган муҳаббати сўнмайди. Шундагина сен топганингча, бориға қаноат қилиб яшашни ўрганасан. Агар сен мол-дунё тўплаш билан овора бўлмасдан яшай олсанг, одамлар сени бахтиёр киши экан, дейди. Мол-мулки йўқ кишига ҳеч ким ҳасад қилмайди.

Шунини эсда тутгинки, мол-дунё кишига фақат ташвиш келтиради. Ахир ким ҳам ўлимидан кейин мол-мулкига эгалик қилибди, ўғлим? Бойлик кетидан қувганлар унинг асири бўладилар. Чунки улар бор давлатлари ҳақиқатан ҳам бегоналарники эканлигини асло сезмайдилар. Бундай одамлар умр бўйи хавотирда яшайдилар, чунки уларнинг орттирган мол-дунёси беқарордир!

¹Доро I — (эрамизгача бўлган 522-486 йиллар) қадимги Эрон шоҳи, қудратли давлатни янада кенгайтирган.

²Поликрат (эрамизгача VI асрлар) — Самос оролининг ҳукмдори. У ҳокимлик қилган пайтларда Самос шаҳри Юнонистоннинг энг бой ва гавжум шаҳарларидан бири бўлган.

³Ахилл — жуда кўп ғаройиб қаҳрамонликлар кўрсатган Троя урушининг қаҳрамони.

⁴Агамемнон — Троя урушидаги юнонлар йўлбошчиси.

⁵Приам — Троянинг сўнгги шоҳи. Ривоят қилишларича, унинг 50 та ўғли бўлиб, ҳаммаси ҳам ота уйида аҳил-иноқ яшар эканлар.

⁶Архимед — (эрамизгача 287-212 йилларга яқин) қадимги математик кашфиётчи.

⁷Сукрот — (эрамизгача йиллар) қадимги Юнонистоннинг машҳур файласуфи.

⁸Паламед — Қадимги Юнон афсоналарининг қаҳрамони. Ҳарф ва рақамни кашф этган.

Нима учун одамлар ўзларидаги бор нарсдан бунчалик осонлик билан воз кечиб, бегоналарникига интиладилар.

– Золим шоҳлар донишмандлар устидан ҳукмронлик қилаётган, ақл-заковат дунёсини разолат ва фисқу фасод емираётган бу қаттол замона ҳақида сенга яна бундан ортиқ нималарни ҳам айтай, ўғлим? Сўқротни ўлдирган афиналиклар ёвуз қилмишларига яраша нимага ҳам эришдилар? Эвазига худо уларга очлик ва ўлат каби даҳшатли азоб-уқубатларни юборди. Пифагорни тириклайин ўтда куйдирган Самос аҳолиси бу билан нимага эришди? Бир соат ичида шаҳар бутунлай кум остида қолиб кетди.

Ўғлим! Мен одамларнинг аянчли турмушини ўз кўзим билан кўрдим. Ҳар қадамда бошларига ёғилаётган чексиз ғам-кулфатдан ўлиб кетаётганликларига ҳалигача ҳайрон бўламан! Бундан ташқари, уларнинг ҳар хил бахтсиз ҳодисалар, касалликлар, турли азоб-уқубатлар, ўлим ва камбағалликқа мубтало бўлганлари етмагандек, ғазаблари шунчалик чексизки, худди заҳарли илондек бир-бирларини чақадилар. Энг яқин кишисига ким кўпроқ ёмонлик ва зулм ўтказа олади, деб бир-бирлари билан мусобақа ҳам қиладилар. Улар ҳар қандай адолат ва фойдали қонунларнинг чегарасидан чиқиб кетганлар, чунки улар худбин эҳтиросларининг қулига айланганлар.

Ҳақиқатан ҳам, эҳтиросларининг қулига айланган инсонлар ақл ва адолат билан иш кўра оладиларми? Одамлар майл-истакларининг чегарасини билмайдилар. Улар яхшилик ва ҳақиқат томонига камдан-кам интиладилар. Ўз маконларида гўеки кар ва кўр бўлиб яшайдилар. Пасткаш ва разиллар мағрурдирлар, оқилу тақводорлар мағлубдирлар.

Катта мол-мулк эгаси ҳақиқатни тан олмайди. Ҳеч нарсаси йўқ киши бой бўлиш учун курашади. Камбағаллар тиланади, бойлар яширади, Ҳар бир киши ўз яқинининг устидан кулади.

Бирови йиғласа, бирови кулади, бирови қўшиқ айтса, бирови ҳар хил ташвишлар билан банд. Аҳмоқона ишлар одамларга қувонч бағишлайди. Мабодо бирор киши уларга ҳақиқатни гапирса, уни рад қилишади.

Тагин, дунё кўз олдиларида чўкиб, ҳалокатга учраётганидан одамлар ҳайрон бўлишади! Тақдирнинг шўри, ғавғоси шундай экан. Чунки одамлар бу тарзда яшай олмайдилар. Улар кўпроқ яхши ҳаёт кечириш учун бўлган курашларда ғолиб чиқиш учун қайғурадилар. Ҳатто энг довурак кишилар ҳам эҳтиросларини керак пайтда жиловлай олмаганлари учун, аҳмоқона ҳолга тушиб қоладилар. Кошкийди, улардаги виждон ўз пайтида уйғонса эди?! Аммо бундайлар куч билан ғалабага эришадилар-у, очкўзликлари туфайли мағлубиятга учрайдилар.

Жуда кўпчилиқни синовдан ўтказиб, шу нарсага амин бўлдим-ки, уларни фақат пул қизиқтирар экан. Ҳаётда қатъий бир режаларга эга эмаслар. Уй-ҳаёллари беқарор. Шунинг учун ҳам қисматлари қайғули. Бу ёруғ оламда барча инсонлар тенгдирлар, деган ҳақиқий бойлик бўлган тушунчани сезмайдилар. Шу сабабли ҳар қайсилари азоб-уқубатларга дучор бўладилар. Чунки, одамлар ҳаддан ташқари очкўзлик, тамагирлик, манфаатпарастлик, разиллик ботқоғига ботиб кетганлар.

Ушбу ёзганларимни фақат ўқиб чиқиш мақсадида сенга юбораётганим йўқ, ўғлим! Мақсадим шулки, бу ўғитларимни амалда бажариб, билим

чўққисини янада чуқурроқ эгалла! Биламан, агар сен одилона ҳаёт кечирсанг, ишинг ўнгидан келади. Ўшанда ҳар қандай қинғир ишлар сени тўғри йўлдан қайтаролмайди.

Жигарпорам! Ҳар қандай шароитда ҳам ғам-қайғуга ботма. Чунки ғам чекиш ҳеч қачон инсонга яхшилик келтирмаган. Тинка-мадорни қуритадиган ишлардан ўзингни эҳтиёт қил. Бундай ишларнинг фойдасидан зарари кўп. Тақдирнинг шафқатсиз зарбасидан, ёмонлик ва оғир кулфатлар қуршовидан фақат ақл-фаросат ва билимдонликни ишга солибгина қутулиш мумкин. Узлигингни барча фазилатли ишларнинг тугамас манбаи бўлган бебаҳо бойлик — донишмандлик мактабига бағишлагин! Фақат шундай макондагина сен ором оласан. У сенга ҳам оналик, ҳам оталик қилади, бир умрга садоқатли ҳамроҳинг бўлади.

Билгинки, ожизларнинг ғам-кулфатига шерик бўла олган киши энг кучлидир. Шундай вазиятларда ундаги руҳ қудрати барчага намоён бўлади. Бундай кишилар очликка ҳам, ташналикка ҳам чидай оладилар, ҳар қандай кулфат уларнинг олдида чекинади. Ушбу ўгитларимни унутма, шундагина сен тинч яшайсан, мен ҳам ўзимча бир қониқиш ҳосил қиламан. “Шундай фарзандни вояга етказган ота-онасига раҳмат!”, дейди одамлар сен ҳақингда.

Сен бу ҳақда билиб қўйишинг керак. Ўтган йиллар мобайнида шаҳримизда жуда кўп буюк ва ҳурматли зотлар бор эди. Уларнинг бари тўхмат қурбони бўлишди. Ушбу йиллари буюк зотлардан мерос бўлиб қолган шон-шухратлар фақат бизнинг шаҳримизга тегишли, деб таъкидлар эдик. Амалга ошироқчи бўлган режаларимизни тақдирнинг ўзи бизга раво кўрмади.

Ҳозир ватанимиздан олисда, асирлик ва тутқунликда кун кечириб, худога тинимсиз раҳматлар айтамикки, биз кўпчиликнинг меҳр-муҳаббатини қозона олдик. Биз ўз-ўзимизни синовлардан ўтказаяпмиз! Ғам-қайғуга дош бера олиш — бу доноликдир.

Агар бирор киши бизларга шафқатсизларча муомала қилса, демак у ўз-ўзига яна бир марта ҳимматли, саховатли киши эмаслигини исбот қилган бўлади. Номақбул ҳаракатлари учун уят ва шармандалик ботқоғига ботади.

Биз бор овозимиз билан давлатга қарши бирорта ҳам ёмон ниятларимиз йўқ эканлигини эълон қилдик. Агар римликлар ватанимизга қайтишга рухсат беришса, адолатли иш тутиб, шафқатли ва яхши инсонларнинг олқишларига сазовор бўлишади. Шунда жойларимизда тинчлик ва осойишталик ҳукм суради. Бизни озодликка чиқариб юбориш билан улар ўзларининг улугвор эканликларини намоён қиладилар. Тақдир раво кўрган давлатга, шубҳасиз, биз ҳам бўйсунамиз. Фақат улар бизлар билан зolim ҳукмдорлар кулларга қилган каби муомала қилишмасин.

Агар қисмат бизларга яна бирорта кулфатни раво кўрган бўлса, биз уни ҳам тинчгина ва муносиб қарши оламиз.

Ўғлим, агар билим чўққисини эгалламоқчи бўлсанг, энг аввало, эҳтиросларингни жиловлаб ол, ўзинг эришмоқчи бўлган нарсанинг меъерини бил! Шунда ҳеч нарсадан афсусланмайсан!

Сени эслаб, бу нарсалар ҳақида тез-тез ўйлаб тураман. Фикрларим аниқ-тиниқ. Ўз йўлимдан тўғри кетяпман. Азоб-уқубатли ва шафқатсиз бу замона билан афсус-надоматсиз хайрлашаман. Мен фақат озодлик тилаб, худога илтижо қиламан! Ҳар қандай ўлим мен учун қўрқинчли эмас!

Ўзингни турли ташвишлар ва хафагарчиликлар билан қийнаб юрма! Олам пайдо бўлганидан бери биз ҳамиша унинг бир заррачаси бўлиб келганмиз, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Биргаликда қамоқда ётган дўстларидан бири Мара Бар Серапиондан сўрабди:

— Умрим билан қасам ичаманки, Мара, қандай кулгили воқеаларни кўрганингни менга айтиб берсанг-чи? Доимо кулиб юришингнинг сабаби нима?

Мара Бар Серапион дўстига шундай деб жавоб берибди:

— Ўз қисматимдан куламан. Ундан қарзга ҳеч нарса олмаган бўлсам ҳам, негадир у менга доимо ёмонликни раво кўриб келди.

Алқисса, шу ерда Мара Бар Серапионнинг мактубига сўнгги нуқта қўйилди.



Римликларнинг ҳикматли сўзлари

Арасту – ҳамиша Арасту эмас (яъни, донишманд ҳам ҳато қилади).
 Қашшоқлик ва қарилик – кулфатларнинг энг улуғи.
 Бекорчилик – ҳамма қусурларнинг дояси.
 Вақтнинг қадрига ет!
 Тежамкорлик хасислик дегани эмас.
 Индамас итдан, тинч оқар сувдан кўрқ.

Миннатдорлик туйғуси миннатдорликни туғдиради.
 Дуоғўйлар дуога лойиқ.
 Азоб айбсизларни ҳам айблیمان дейишга мажбурлайди.
 Вақтида берган кўп беради.
 Биттадан ортиқ ҳақиқат йўқ.
 Ўз мартабангдан розилигинг – энг катта бойлигинг.
 Ҳақиқатни – майдан, соғлиқни – сувдан қидир.
 Тез берган икки ҳисса берган бўлади.
 Ўзингни мағрур ва кўркам тут.
 Ўз устингдан ҳукмронлигинг – энг олий ҳукмронлик.
 Бахтсизлигингда эзгуликка умид боғла.
 Ташқи қиёфа – алдамчи бўлади.
 Ҳар кимнинг иззатини бил ва иззат қил.
 Вақт ҳар қандай яранинг малҳамидир.
 Вақт ғамни емиради.
 Ҳамма кексаликни ҳавас қилади, кексайгач, ундан нолийди.
 Гумон айбланувчига хизмат қилади.
 Денгизни ичиб (қўлдан келмас ишни бажариб) бўлмайди.

Тозалик – соғлиқнинг гарови.
 Қўз қориндан кўра очроқ.
 Йиллар ҳамма нарсани, ҳатто хотирани ҳам олиб кетади.
 Шаҳар асрлаб бунёд қилинади, лекин бир соатда вайрон бўлади.
 Меҳмон – мезбоннинг эзгу аъмоли.
 Майин илтимос тош юракни ҳам эритади.
 Кўздан нари – дилдан нари.

Энг эзгу, энг катта совға – бу табассум билан берилган совғадир.
 Иш муҳим, сўз эмас.
 Эзгу шуҳрат бойликдан афзал.
 Ҳиммат ҳимматни чақиради.
 Ишонч ишончни туғдиради.
 Ваъда ижроси билан чиройли.
 Илмсиз ўтказилган вақт одамни тириклай гўрга тикади.
 Ўзгаларни бот-бот кечир, ўзингни эса – ҳеч қачон.
 Дўст – туғишгандан афзал.
 Дўстлик – яхшилар аҳд-паймони.

Римда яшасанг, римликдай яша.
 Фароғат истасанг, тилингни жиловла.
 Тахтинг мустаҳкам бўлса, дўстлар ёнингда,
 лиқиллаб қолдими, уларни тополмайсан.

Хасислик — бағритошликнинг онаси.
 Инсон ҳаёти — кураш демак.

Билим — куч.

Икки ёмонликдан кичкинасини танла.
 Кумдан арқон эшма.
 Баъзан сукут сақлай билмаганимиздан афсусланамиз.
 Энг енгил ва энг баракали даромад тежамкорликдир.
 Ваъдангга вафо қил!

Қиз онасига ўхшаган бўлади.
 Ҳар бир инсон ўзини мақташларини истайди.
 Понани пона билан чиқарадилар.
 Ерни дадил чўқи, нимадир топасан.
 Китоб — дўст, китоб — устоз.
 Излаган топади.
 Сукут сақлаган гуноҳ қилмайди (сукут — олтин).
 Ким бўйсунмаса, бўйсундира олмайди.
 Ёлғончи бўлсанг, сўзингни эсда тут.
 Яхши ном — бойликдан аъло.

Муҳаббатнинг кўзи кўр.
 Одам кўп, дўст кам.
 Ўзгалар билан эмас, ўзинг билан кўп гаплаш.
 Тиббиёт — фалсафанинг туғишгани.
 Даврлар ўзгаради, шу аснода биз ҳам ўзгарамиз.
 Кўплар кўпни биледи, аммо ҳеч ким ҳамма нарсани билмайди.
 Чорланганлар кўп, танланганлар кам.
 Миш-миш ҳар доим ҳам ёлғон чиқмайди.
 Дилинг тоатда, қўлинг меҳнатда бўлсин.
 Фикр қила-қила донишманд бўлур.
 Биз ейиш учун яшамаймиз, яшаш учун еймиз.
 Биз карларга қўшиқ айтаемиз.

Вайсақи олдида қулоғингни динг қил.
 Мен сени ёмон кўрганимдан эмас, яхши кўрганимдан жазолайман.
 Аёлнинг ҳақиқий зийнати ҳаёдир, либос эмас.
 Илмнинг уфқи кенг, ҳаёт эса қисқа.
 Ҳар ялтиллаган нарса олтин бўлавермайди.
 Ишнинг кўзини билмаган гапни ҳам уддалай олмайди.
 Эшитмай туриб ҳукм чиқарма.

Инсон зотига ҳеч ким фарзандчалик азиз эмас.
 Бир ёмоннинг бир яхшиси бор.
 Ёмон хотиндан ортиқ жазо йўқ.
 Кенгашга таклифсиз борма.
 Шоҳ — қонун эмас, қонун — шоҳ.
 Ҳеч ким фикрига кўра жазо олмайди.

Дид ҳақида баҳслашмайдилар.
 Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун.
 Ҳамма ким ҳақида яхши гапирса, у халқ севган инсондир.
 Сени бир марта бўлса ҳам алдаган инсондан эҳтиёт бўл.

Сувдан ва оловдан маҳрум қилиш (бу жазо қадимги римликларда энг оғир жиноятлар учун қўлланган ва фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этилганликни билдириб, қувғин қилинган).

Тақрор – билимнинг онаси.

Керак нарсани эмас, зарур нарсани харид қил.

Одобли инсон ҳамиша оддий бўлади.

Ота-онани ҳурмат қилиш – табиатнинг биринчи қонуни.

Шоирлик туғмадир.

Шоир бўлиб туғиладилар, нотик бўлиб шаклланадилар.

Ваъда беришдан олдин унинг устидан чиқишни ўйла.

Келди, кўрди, енгди (Юлий Цезарнинг жангдаги зафарига доир ибораси).

Дўст – ҳаётдаги энг яхши хазина.

Мақтовга лойиқ инсондан мақтов эшитиш ёқимлидир.

Ўзганинг ғамидан қувонма!

Қувонч, кучга куч қўшади.

Ақлли билан сўзланганда сўзни камроқ ишлат.

Далиллар кучи унинг саноғида эмас, салмоғида.

Кул қанча бўлса, душман шунча.

Шухрат – улкан рағбат.

Соғ танингга соғлом рух тилаб, ибодат қилсанг арзийди.

Сўзлар учиб кетади, ёзилганлари қолади.

Виждон – мингта гувоҳдан ортиқ.

Сукрот менга дўст, лекин ҳақиқат ундан аъло.

Шубҳа – ярим донишмандлик.

Секин шош, ҳамма ишингни шошмай бажар.

Қонун бешафқат, шунинг учун ҳам қонун.

Ҳамма нарсангдан айрилсанг ҳам, эзгу номингни сақлаб қол. Уни йўқотар бўлсанг, сен – ҳеч кимсан.

Шошма-шошарлик доим панд беради.

Кимки раҳмат айтишни билса, янада кўпроқ нарсага эга бўлади.

Уч нарсадан қочиб керак: қаҳрдан, ҳасаддан, нафратдан.

Дўстларга гинангни хилватда айт, кўпчилик олдида мақта.

Ақллига бир гап кифоя.

Зиқнада ҳамиша ваз тайёр.

Душмандан ҳам ўрганиш мумкин.

Яхши одамлар фикри пулдан ҳам қимматли.

Яхши бошланиш – ишнинг ярми.

Яхши қўшни – катта омад.

Бошқалар хатосини кўриб кўзи пишган одам ишни пухта қилади.

Қонун тақиқ қилмагани номус тақиқ қилади.

Мансабни инсон безайди, инсонни мансаб эмас.

Инсон ният қилади, ижобати қанчалигини Худонинг ўзи билади.

Инсонга адашмоқлик хос.

Юпитерга берилган изн буқага берилган эмас.

Бировга айтганинг – ҳаммага айтганинг.

Олма шохидан узоққа тушмайди.

Тил – инсоннинг душмани, жинлар ва аёлларнинг дўсти.

Мен ўзимга энг яқин инсонман.

Жамики инсоний хислатлар менга ҳам ёт эмас.

*Рус тилидан
ЭЛЁР
таржималари*

АЗИЗ ЎҚУВЧИЛАР!

Журналимизнинг кейинги сонларида
қуйидаги асарлар билан танишасиз:

БОГОМИЛ РАЙНОВ (Болгария). *Менинг номатлум соҳибжамолим. Қисса.*

ТҮЛЕПБЕРГЕН ҚАИПБЕРГЕНОВ (Қорақалпоғистон). *Ойдўс бобо. Драма.*

КОНСТАНТИН ПАУСТОВСКИЙ (Россия). *Ҳикоялар.*

САМУИЛ АЛЁШИН (Россия). *Йўқ, ўлмайман мен буткул. Драма.*

НИКОС КАЗАНДЗАКИС (Греция). *Исо Масихнинг сўнги васвасаси. Роман.*

ЧЖАН ЖУН (Хитой). *Ёввойи оққушлар. Қисса.*

ДАНИЭЛА СТИЛ (АҚШ). *Саёҳат. Роман.*

ИЛФОР ФАҲМИЙ (Озарбайжон). *Актриса. Қисса.*

ФАРҲОД ЖИЛОН (Хитой). *Маҳмуд Кошғарий. Роман.*

ПРЕМЧАНД (Ҳиндистон). *Севги инъоми. Роман.*

Булардан ташқари, Ғарб ва Шарқ шеърятидан намуналар, фалсафий ва тарихий мақолалар, адабий-публицистик тадқиқотлар билан ҳам танишиб борасиз.

Муҳтарам муштарийлар!

**«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» ЖУРНАЛИГА ОБУНА БЎЛИШНИ
УНУТМАНГ!**

Индекс:

Якка тартибда — 828.

Ташкилотлар учун — 829.